

МУГАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 2/1 - 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Тўлкин АЛЛАЁРОВ
Умида БАҲАДИРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Гўлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Қаххор ТУРСУНОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Ризамат ШОДИЕВ
Зафар ЧОРИШАБИЕВ
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шўлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Ўзбекистан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сўз хэм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзіндилер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN ирифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жуўапкер.

MAZMUNY

ТИЛ ҲАМ ӘДЕБИЯТ

Yusupov N. Qaraqalpaq tilinde -shi/-shi affiksi haqqında	4
--	---

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Химматалиев Д.О., Жўраева Г.А. Профессионал таълимда таълим жараёнини компетенция ёндашув асосида ташкил этиш	7
Абдуллаева Г.С. Махсус таълимда ахборот технологияларини қўллашнинг асосий роли	12
Абдуллаева Г.С. Инклюзив олий таълимда масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш	15
Мустафоєва Д., Маматалиєва М. Талабаларда креатив кўникмаларни шакллантириш жараёнининг моҳияти	18
Ахмедов А. Б. Тадқиқотчилик компетенцияси тушунчаси мазмуни ва унинг таркибий компонентлари	22
Исмаилова З.К. Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш	30
Шукуров Б. Талабаларнинг ўқиш орқали билиш жараёнини методик тизим шароитларида бошқариш	34
Тўхтаєва Ф.Ш. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик инновациялардан фойдаланиш имкониятлари	37
G'ofirov M.J. Kompetentli yondashuv asosida bo'lajak muhandislarning umumkasbiy tauyorgarligini rivojlantirish	43
Хикматуллаєва Д.А. Ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг назарий асослари	47
Садикова Ф.М. Ахборот таълим муҳитида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш	49
Нурова О.С. Педагогик тажриба - синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси	54
Хашимова М.К. Таълимга технологик ёндашув жараёнида тест назоратидан унумли фойдаланиш	59
Расулов А. Н. Замонавий таълим класстери шароитида иктисодиёт билим асослари фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш	65
Махмонов У.А. Олий таълимда ўқув машғулотларини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш йўллари	68
Yusupova A. P. Professional ta'lim muassasalarida dual ta'lim sifatini oshirishning samarali usullari	73
Уралов С.А. Ишлаб чиқариш таълими усталарини малакасини ошириш жараёнининг амалдаги ҳолати ва муаммолари	76
Даминов Л. О. Талабаларнинг технологик компетентлигини такомиллаштириш	80

Файзуллаев Р.Х. Профессионал таълим тизимида назария ва амалиёт бирлиги асосида малакали кадрлар тайёрлаш	83
Хикматуллаева Д.А. Уқувчилар мустақил таълимни такомиллаштириш йўналишлари	88
Турдиев Ж.П. Профессионал таълим йўналиши бакалаврларининг умумтехник тайёргарлигини эвристик масалалар воситасида такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва имкониятлари	90
Чориев Р. Профессиональная деятельность специалистов на основе дуальной системы	94
Азизова А.Р. Совершенствование методики преподавания биологии на основе цифровых технологии в учреждениях профессионального образования	98
Мукумова Д. И., Ярова С.Б. Влияние инновационной деятельности на повышение профессиональной компетентности педагога	101
Tokhtasheva N.Q. Spiritual and moral upbringing of music	104

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Разақов Б.Х. Миллий кадриятлар асосида халқ хунармандчилигини ривожлантириш ..	107
---	-----

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Abdullaev A.K. Professional ta'lim tizimi o'quvchilariga virtual modellashtirish vositasida arxitekturaviy loyihalashni o'rgatishni ilmiy-nazariy asoslari	110
Амирова З.Ф. Олий ҳарбий таълим жараёнида курсантларнинг техник тафаккурини шакллантиришни моделлаштириш	114
Ahmedov M.M., Teshaboev Z.A., Xojikarimova G.T. Texnologiya fani o'qituvchilarining texnologik jarayonlarini tashkil etish va boshqaruv faoliyatini takomillashtirish	116
Нурова О.С. Назарий механика фанларини ўқитиш асосида бўлажак муҳандисларни илмий-тадқиқот фаолиятига тайёрлаш методикаси	119
Мовлонов М.Қ. Бўлажак муҳандисларни малакавий амалиёт жараёнида касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришни моделлаштириш	124
Чориев Б. А. Академик лицей ўқувчиларининг касбий компетенцияларини ахборот ва компютер технологиялари асосида такомиллаштириш	127
Aralov M.M. Muhandislik yo'nalishi talabalariga kartografik chizmachilik va kartografiya fanlarini o'qitishda interfaol metodlardan foydalanishning uslubiy jihatlari	133

БАСЛАЎИШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Ishmatova O. S. Korreksion mashg'ulotlarda esjitishida muammolari bo'lgan bolalarning og'zaki nurqini fonetik ritmika orqali shakllantirishda "Quvnoq fonetik ritmika" texnologiyasining samarasi	135
Zarimbetova G., Xalmuratova R. Baslawish bilimlendiriwde zamanagoy pedagogikalq texnologiyalardi paydalanıwdıń áhmiyeti	138

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲАМ СПОРТ

Тошгонов Б. Б. “Жисмоний маданият” тушунчаси инсоният ва жамият умумий маданиятининг эволюцияси сифатида	142
Ибрахимов С.У. Акмеологик ёндашув асосида бўлажак спорт мураббийларини спортчилар гуруҳидаги зиддиятларни бартараф этишқўникмалари ва ҳаракатчанлик сифатларини ривожлантириш	145
Ruzmetov N.K. Maktabgacha katta yoshdagi bolalarning to'p bilan bajariladigan mashqlar o'yash jarayonida koordinatsion qobiliyatlarini rivojlantirish	150
Ходжанов А.Р. Особенности психологической подготовки к соревнованиям	156



ТИЛ ХЭМ ӘДЕБИЯТ

QARAQALPAQ TILINDE -SHÍ/-SHI AFFIKSI HAQQÍINDA

Yusupov N.

Qaraqalpaq mamleketlik universiteti magistranti

Таянч сўзлар: қоракалпок тили, аффикс, кутубхона, сўз, илмий адабиётлар, илмий мақола, ўзбек тили, сўзларнинг маъноси.

Ключевые слова: каракалпакский язык, аффикс, библиотека, слово, научная литература, научная статья, узбекский язык, значение слов.

Key words: karakalpak language, affix, library, word, scientific literature, scientific article, Uzbek language, meaning of words.

«Házirgi qaraqalpaq ádebiy tiliniń grammatikası» (Nókis, 1994) miynetinde qaraqalpaq tilinde atlıq jasawshı -shı// -shı qosımtasınıń úsh túrli mánige iye ekenligi kósetilgen: belgili bir kásip penen shuǵıllanatuǵın adamdı (sandıqshı, shaxmatshı, malaqayshı, suwshı, terimshı), belgili bir orında jasawshı adamdı (xalqabadshı, moynaqshı, kegeylishi), belgili bir háreket tárepdarların (spartakshı, naximovshı) bildiredi. Bul qosımtanıń túrtinshı mánisi tilshı ilimpaz M. Qudaybergenovtıń miynetinde keltirilgen. Avtor –shı// -shı qosımtası dúkanshı, bufetshı, kitapxanashı sıyaqlı dórendi sózler quramında belgili bir kásip penen shuǵıllanıwshı adamdı, onıń jumıs ornın da ańlatatuǵının aytıp ótedi. Mısalı, -Keshegi jaqqa kelgen kitap qáne? – dedi Minayım ğana kitapxanashı qızǵa (S. Xojaniyazov).

Qaraqalpaq tilinde adamnıń jumıs ornı mánisin ańlatatuǵın bufetshı, kitapxanashı, dúkanshı, suwshı, xatshı sıyaqlı dórendi sózler keyingi jıllardaǵı ilimiy ádebiyatlarda óz aldına qaralǵan: Onıń bul hiylesine Oezdiń qasındaǵı dilmashı menen xatshısı da, hátteki, Qutlimurat bay da túsingen joq (Á. Paxratdinov «Ómir soqpaqları»).

Qaraqalpaq tilinde belgili bir orında jasawshı adam mánisindegi atlıqtı jasawda -shı/-shı qosımtası ádebiy normalarǵa sáykes qollanılıp, dórendi atlıqlardı payda etedi: moynaqshı, kegeylishi, xalqabadshı, xojelishi. Mısalı: Ózim xojelishimen, elden jıraq kishkene bir posyolkada islep qalaman dep oylamaǵan edim (Gazetadan).

Qaraqalpaq til biliminde Q.Paxratdinov, I.Seytnazarovalar avtorlıǵındaǵı «Qaraqalpaq tilindegi sóz jasawshı affiksler» (Nókis, 2010) ilimiy maqalasında adam mánisindegi atlıq jasawshı –shı/-shı qosımtası járdeminde payda bolǵan dórendi sózlerdi birneshe mánilerdi ańlatıwı ayrıqsha tiplerde kórsetilgen.

1. Málim bir taraw ıyesin, sol tarawdıń tarmaqlarında xızmet etiwshi adam mánisin ańlatıwshı atlıqlardı jasaydı:

- a) sporttıń qanday da bir túri menen shuǵıllanatuǵın adam mánisin bildiredi: futbolshı, shaxmatshı, boksshı, gúresshi;
- b) belgili bir ilimniń qánigesi mánisindegi atlıqlardı jasaydı: tariyxshı, ádebiyatshı, tilshı, folklorshı, shıǵıstanıwshı;
- v) áskeriy tarawǵa baylanıslı adam mánisin bildiredi: gvardiyashı, shegarashı, teńizshi, desantshı;
- g) qurılıs tarawında isleytuǵın adam mánisin bildiredi: qurılısshı, betonshı;
- d) sawda menen shuǵıllanatuǵın adam mánisin bildiredi: dúkanshı, bazarshı, piyazshı, mayshı;
- e) sharıyashılıq tarawında isleytuǵın adam mánisin bildiredi: qoyshı, padashı, jılcıshı, sawınshı;
- yo) awıl-xojalıǵı tarawında isleytuǵın adam mánisin bildiredi: suwshı, kolxozshı;
- j) kórkem-óner tarawına baylanıslı adam mánisinde atlıq jasaydı: qosıqshı, oyınshı, súwretshı, músınshı, duwtarshı, qobızshı, dápshı;
- z) qanday da bir óner menen shuǵıllanatuǵın adam mánisin ańlatadı: arbashı, sandıqshı, mashınshı;
- i) óndiris tarawında isleytuǵın adam mánisinde: neftshı, gazshı;
- y) texnikaǵa baylanıslı hám basqa is quralları menen isleytuǵın adam mánisin bildiredi: traktorshı, kombaynshı, ekskavatorshı, ketpenshi, eskekshı;
- k) belgili bir lawazımda isleytuǵın adam mánisin bildiredi: basshı, xızmetshı, járdemshı, esapshı, tárbiyashı, náwbetshı, kómekshı, ishshı, jumısshı, keńesshi, sınıshı, másláhátshı, siyasatshı, dárixanashı;

2. Belgili bir orında jasaytuǵın adam mánisindegi atlıqlardı jasaydı: qazaqdáryashı, nókisshı, xalqabadshı, xojelishi, moynaqshı;

3. Belgili bir sociallıq -siyasiy aǵımnıń, hárekettiń, topardıń tárepdarların bildiretuǵın atlıqlar jasaydı: terrorshı, oppoziciyashı, dinamoshı;

4. Adamnıń qanday da bir belgilerin, qásiyetlerin, minez-qulqın, is-háreketlerin bildiretuǵın atlıqlardı jasaydı: ótirikshı, ósekshı, jınayatshı, urlıqshı, kóknarshı.

Qaraqalpaq tilinde ózbek tilindegi -dosh qosımtasınıń variantı -las/-les qosımtası bolıp, onıń variantı sıpatında óz dáwirinde dórendi sózler jasawda aktiv qollanılgan -das/-des qosımtası búgingi künde tildegi qarında, kúndes, qurdas sıyaqlı ayırım dórendi sózler jasawshı tiykarǵa sıńısip ketken. Qaraqalpaq tilinde bul qosımta endi sóz jasaw imkaniyatın toqtatıp, ol arqalı payda bolǵan dórendi quram boleklerge ajratılmaydı, túbir sóz dep qaraladı. Házirgi qaraqalpaq tilinde -las/-les qosımtası ǵana atlıq jasaydı. Mısalı: Xalmurattıń balasına iziń qarındastı beriwge barlıǵı pátiya oqısıptı. (K.S.) Qállıgúlbizlermenenkurslesedi (G).

Bul tilde -las/-les qosımtası járdeminde paydabolǵansózler «bir», «birge» mánisin bildiredi. Qaraqalpaq tilindegi awıllas – awılıbır, bir awılda jasaytuǵın adam mánisin bildiredi. Mısalı: Awıllasıń kim bolsa, atalasıń sol boladı. (Naqlı)

Qaraqalpaq tilinde termin sıpatında qollanilatıǵın túbirles sóziǵana -les qosımtası arqalı payda bolǵan.

Qaraqalpaq til biliminde sózlerdiń jasalıwın izertlewge arnalǵan ilimiy ádebiyatlarda -las/-les qosımtası tiykarınan atlıq sóz shaqabı na tiyisli dórendi sózlerdi payda etetuǵını aytiladi. Házirgi qaraqalpaq tiliniń materiallarınıń kórsetiwinshe -las/-les qosımtasınıń wazıypası tek atlıq jasaw menen sheklenbeydi. Sonday-aq, kelbetlikte jasaw xızmetinde atqaradı.

Ózbek hám qaraqalpaq tillerinde –dosh, -las/les qosımtaları birinshiden, sóz jasalıwı tiykarınan añlasılǵan nársege baylanıslı birdey baylanısqa iye bolǵan atlıqlardı jasaydı: klasslas, awıllas, watanlas, tilekles. Mısalı: Men seniń oqıwına tileklespen, – dedi Dáljan. (G.Ajimov) Qaraqalpaq tilinde -las/-les qosımtası arqalı til bilimine tiyisli túbirles sóziǵana jasaladı. Mısalı: Túbir túbirles sózlerdiń ulıwma ortaǵ bólegi boladı: aqıllı, aqılsız. Bul sózlerdegi aqıl morfeması túbir morfema bolıp, olardıń túbirleskenligin kórsetip tur. (Házirgi qaraqalpaq tiliniń grammatikası)

Ulıwma aytqanda qaraqalpaq tilinde atlıq jasawshı -shı/-shı hám -las/-les qosımtaları túrli sóz jasaw mánilerindegi dórendi atlıqlardı jasaydı. Bul máselele ele de tereńirek izertlew qaraqalpaq til biliminiń aldında turǵan oǵada áhmiyetli máselelerdiń biri.

Ádebiyatlar:

1. Házirgi qaraqalpaq ádebiy tiliniń grammatikası. Sóz jasalıw hám morfologiya. Nókis, 1994.
2. Qudaybergenov M. Qaraqalpaq tiliniń morfemikası. Nókis, 2001.
3. Paxratdinov Q., Seytnazarova I. Qaraqalpaq tilindegi sóz jasawshı affiksler. Nókis, 2010.

РЕЗИЮМЕ

Мазкур мақолада қарақалпақ тилидағи -shı/-shı аффикси хақида сўз боради. Шу билан биргалликда ушбу аффиксларнинг қарақалпақ тилидағи аҳамияти очиб берилган.

РЕЗИЮМЕ

В данной статье рассматривается каракалпакский аффикс -shı/-shı. При этом раскрывается значение данных аффиксов в каракалпакском языке.

SUMMARY

This article deals with the Karakalpak affix -shı/-shı. At the same time, the meaning of these affixes in the Karakalpak language is revealed.



ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ КОМПЕТЕНЦИЯ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Химматалиев Д.О.

педагогика фанларидоктори профессор вб., (DSc)

Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат Педагогика институти

“Педагогика ва менежмент” кафедраси

Жўраева Г.А.

таянч докторанти (PhD)

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш

муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети

“Профессонал таълим ва жисмоний маданият” кафедраси

Таянч сўзлар: профессионал таълим, “Хаёт давомида таълим олиш” принципи, бошланғич профессионал таълим, касбий компетенция, компетенция, умумий компетенция, ўрта махсус профессионал таълим, ўрта профессионал таълим.

Ключевые слова: профессиональное образование, принцип “Обучение в течение всей жизни”, начальное профессиональное образование, профессиональная компетентность, компетентность, общая компетентность, среднее специальное профессиональное образование, среднее профессиональное образование.

Key words: vocational education, the principle of “Lifelong learning», primary vocational education, vocational competence, competence, general competence, secondary special vocational education, secondary vocational education.

Ҳозирги кунда дунё микёсидаги илғорлаб бораётган кўплаб ўқув жараёнидаги стратегиялар Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги тармоқларга илмий тажриба сифатида асос бўлиб келмоқда.

Бу борада профессионал таълим тизим сифатида қаралиб, унга алоҳида эътибор берилмоқда ва бу “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ташкиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.09.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 466-сонли Қарорига мувофиқ қуйидагилар билан танишиб чиқсак.

Ушбу қонун асосида, аввало, Профессионал таълим тўғрисидаги тушунчага эга бўлсак: Ўзбекистон Республикасидаги профессионал таълим — иктисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олиб, меҳнат бозоридagi кадрларга бўлган реал эҳтиёж, иш берувчиларнинг тақлифлари ҳамда “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида шахсларнинг таълим олишига мўлжалланган.

Биламизки, шахс тарбиясида таълим тизимининг ўрни беқиёсдир ва юқорида таъқидлаган Қонунга илова қилинган Низом асосида қуйидаги тушунчалар келтириб ўтилган:

бошланғич профессионал таълим - ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (кейинги ўринларда Халқаро таснифлагич деб аталади) 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари;

касб - махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада меҳнат фаолиятни амалга ошириш учун лозим бўлган назарий билимлар, амалий кўникма ва малакалар мажмуасини эгаллаган, жисмоний имконият, ақлий қобилият ва ҳуқуқлари таъминланган меҳнат фаолияти (машғулот)нинг туридир;

касбий компетенция - билим, кўникма ва амалий тажриба асосида касбий фаолиятга тегишли вазифаларни бажаришда фаолият юритиш қобилияти;

касб-ҳунар мактаби - Халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари;

қвалификация - касбий маҳорат даражаси ёки поғонаси касбий талабларнинг муайян поғонасига мувофиқлиги даражаси;

коллеж - Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасигача мос келувчи таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган вазирликлар ва идоралар тизимида фаолият кўрсатадиган таълим муассасалари;

компетенция - билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

кўникма - муайян вазифани бажариш учун эгалланган қобилият;

мутахассислик - бирор касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва амалий тажрибаси билан эришилган зарур билим, кўникма ва малакалар мажмуи;

профессионал стандарт - ходимга маълум бир касбий фаолият турини, шу жумладан, маълум бир меҳнат функциясини бажариш учун зарур бўлган малака талаблари;

профессионал таълим - таълим олувчиларда маълум бир мутахассислик ва касблар бўйича касбий компетенцияларни шакллантирадиган ва ривожлантирадиган узлуксиз таълим тизими;

табақалаштирилган таълим дастури - Халқаро таснифлагичнинг тегишли даражаларига мувофиқ бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълимда кадрлар тайёрлаш учун касб ёки мутахассисликларнинг мураккаблик даражалари, ўқитиш муддатлари бир-биридан фарқ қиладиган таълим дастури;

таълим дастури - профессионал таълим муассасаси битирувчисига муайян эгаллаган касб ёки мутахассислик бўйича касбий фаолиятни малакали бажариш имконини беришга қаратилган профессионал таълим тайёргарлигининг асосий мазмунини аниқловчи давлат таълим стандартлари, ўқув режаси, ўқув фанлари (модулла) дастурлари, малака амалиёт дастурларидан иборат хужжатлар тўплами;

давлат таълим стандартлари - давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуи;

техникум - Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасигача мос келувчи ва олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган ҳамда олий таълим муассасалари хузурида фаолият юритадиган таълим муассасалари;

умумий компетенция — билим, кўникма ва амалий тажриба асосида касбига яқин фаолият турларининг кўпчилиги учун умумий бўлган масалаларни ҳал этишда муваффақиятли фаолият юритиш қобилияти;

ўрта махсус профессионал таълим — Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари;

ўрта профессионал таълим — Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари;

ўқитишнинг дуал тизими — таълимнинг назарий қисми таълим муассасасида ва амалий қисми иш жойларида ташкил этиладиган ўқитиш тури;

ўқув режаси — профессионал таълимнинг муайян касби ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари (модуллари) ва курслари ҳамда малака амалиётлари таркиби, уларни ўрганиш изчиллиги, соҳа ва тармоқларда иш турларининг мавсумийлигини ҳамда соатлардаги ҳажмини белгилайдиган ҳужжат;

ўқув дастури — профессионал таълим ўқув режасига киритилган фанлар ва амалиётларнинг мазмуни, ўқитишнинг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган ҳужжат;

ўқув жараёнининг графиги — таълим жараёнининг кетма-кетлиги ва алмашувчанлигини, аттестация ва таътил вақтларини белгиловчи ҳужжат.

Меҳнат бозоридаги эҳтиёжлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун рақобатбардош кадрларни профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали тайёрлаш ҳамда турли ёшдаги шахсларнинг “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида таълим олишга бўлган талабларини қондириш профессионал таълимнинг мақсади ҳисобланади[2;9].

Демак, профессионал таълимнинг вазифаларига кўра таълим жараёнини ўрганадиган бўлсак, таълим жараёнида компетенциявий ёндашув шаклларига дуч келамиз ва у қуйидаги вазифаларни ўзида ақс этади:

иш берувчиларнинг талаб ва таклифларига асосан кадрларга бўлган реал эҳтиёжни инобатга олган ҳолда иқтисодийёт соҳа ва тармоқлари учун зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда жамиятнинг касблар ва мутахассисликларга бўлган талабларини қондириш;

меҳнат фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш;

маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий инновацион ўқув лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;

Халқаро таснифлагич даражалари билан уйғунлашган табақалаштирилган таълим дастурларини ҳамда ўқитишнинг кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

таълим олиш билан биргаликда ўқувчиларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича зарур билимларни бериш ва уларни келгусида ўз бизнесини ташкил этиши юзасидан методик қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

мамлакат иқтисодийётини янада ислох қилиш, уни барқарор ўстириш ҳамда модернизациялаш жараёنларида самарали иштирок этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига инновация шакллар, технологиялар ва ишланмаларни

фаол қўллаб, профессионал таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

шахсларнинг профессионал таълим муассасаларини ихтиёрий танлаши ва касб ёки мутахассислик бўйича билим олиш, шунингдек, “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлашдан ўтиш имконига эга бўлиш шароитларини яратиш;

профессионал таълим олиш орқали шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий ривожланишга бўлган индивидуал эҳтиёжларини қондириш, ўқувчиларда ватанпарварликни, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳамда уларда масъулият ва ижодий фаолиятни ривожлантириш.

Шунга кўра таълим жараёнида талабалар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини беvosита кундалик ҳаётида қўллашга ўргатадиган компетенциявий ёндашувга асосланган ДТСларни яратиш ва таълим жараёнида қўллаш зарурияти юзага келди.

Юқоридагилардан фикрларга кўра профессионал таълим тизимида ўқув жараёнларини ташкиллаштиришда биз учун ҳозирги кун янгилиги бўлган таълимдаги компетенция атамасининг ўрни бекиёсдир.

“Competence” сўзи инглизча “to compete” сўзидан келиб чиққан бўлиб, таржимаси “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса, “мусобақалашмоққа лаёқатлилиқ” маъносига келади.

Илмий педагогик, психологик манбаларда берилишича, компетенция, компетентлилиқ ўта мураккаб, кўп қисмли, кўпгина фанлар учун долзарб бўлган тушунчалардандир. Шу боисдан унинг таърифлари ҳам ҳажман, ҳам таркибига кўра, ҳам маъно, мантиқ мундарижаси жиҳатидан турли-туман. Атаманинг моҳияти шунингдек, “самардорлик”, “мослашувчанлик”, “ютуқлилиқ”, муваффақиятлилиқ”, “тушунувчанлик”, “натижалилик”, “уқувлилиқ”, “хосса”, “хусусият”, “сифат”, “миқдор” каби тушунчалар асосида ҳам тавсифланади.

Бунга кўра таълим компетенцияларини тасдиқланган стандартда келтирилган таъриф бўйича қабул қиламиз:

билим — ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш;

кўникма — ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллаш олиш;

малака — ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллаш олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш;

компетенция — мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллаш олиш қобилияти.

Бу юқоридаги таърифлани жамлаган ҳола компетенция - шунчаки ўрганиш, билишгина эмас, балки, амал қилиш, аниқроғи, дарс жараёнида қўллаш олиш уқувига эга бўлиш деган тушунчани беради.

Агар шундай бўлмаса, ўқитувчининг аудиторияга киришининг қизиғи йўқ. У ўқувчини қизиқтира олмаса, изидан эргаштира олмайди. Аксинча, фандан бездиради. Бу эса хунук оқибатларга олиб келади. Чунки ўқувчилар зийрак, кузатувчи ва тақлидчи бўлишди, бу эса дарсга эътиборни сусайтириб, ўқувчини чалғитади.

Шундай экан, қарсак икки қўлдан чиққани каби объект ва субъект, яъни ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги мулоқот кўприги бу нутқ маҳорати, нотиклик санъатидир. Ҳар бир педагог, аввало, фанни тўла ўзлаштириши, билимни эгаллаши сўнгра уни етказиш йўллари ҳақида тинимсиз изланиши зарур.

Хулоса қилиб, профессионал таълим тизимида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги босқичма-босқич тарзда олиб бориладиган мулоқат жараёни кўмпетенциявий ёндашув асосида амалга оширилса натижа қутилганданда зиёда бўлиши тайин.

Чунги интеллектуал салоҳият ҳар бир ёшнинг қўлидаги гаджетлар мисоли кўпроқ, долзарб, қизиқарлироқ ҳамда мақсадли бўлиши профессионал таълимда таълим жараёнини компетенция ёндашув асосида ташкил этиш шартлигига асос бўлади.

Шунинг учун юртимизда олиб борилаётган янгиланишлар таълим сифатини янада яхшилашга қаратилар экан, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари бугунги кун билан бир қадамда олиб борилиши “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципини шаклланишига имкон беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:“Ўзбекистон”,1998.–48 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йилдаги 637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. www.lex.uz.
3. Ш.М.Мирзиёев.Қонун устворилиги ва манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.–Т.:Ўзбекистон, 2017.–48 бет..
4. Ш.М.Мирзиёев.Буюк келағимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курагимиз.–Т.:Ўзбекистон,2017.
5. Ш.М.Мирзиёев.Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.–Т.:Ўзбекистон,2017.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.03.2020 йилдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийтни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-5953-сонли фармони;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг27.02.2020 йилдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623 сонли қарори.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.09.2019 йилдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5812 сонли фармони.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.09.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 466-сонли Қарорига
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2829 сонли қарори.
9. Беспалько В.П. Слагаемие педагогической технологии. – М.: Педагогика. 1989.
10. Болтабоев С.А, Исмоилова М.М. Касб таълими методикаси фанидан курс ишлари. (методик қўлланма). Т.: Низомий номли ТДПУ, 2001.
11. Давлатов К. Мехнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикасидан амалий машғулотлар: Педагогика институти талабалари учун қасўлланма. – Т: “Ўқитувчи”, 1995.
12. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2004.
13. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг айрим муаммолари Ж. Педагогик таълим. -2002.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада профессионал таълимда таълим жараёнини компетенция ёндашув асосида ташкил этишнинг мавжуд ҳолатлари бўйича юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда чора-тадбирлар юзасидан таълим ва мулоҳазалар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлены предложения и комментарии к современному состоянию проводимых в нашей стране реформ и мероприятий по современному состоянию организации образовательного процесса в профессиональном образовании на основе компетентностного подхода.

SUMMARY

This article provides suggestions and comments on the current state of reforms and measures in our country on the current state of organization of the educational process in vocational education on the basis of a competency approach.

МАХСУС ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АСОСИЙ РОЛИ

Абдуллаева Г.С.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти в.б. доценти

Таянч сўзлар: махсус таълим, ахборот технологиялар, интернет тармоқлар, ногирон шас-лар.

Key words: special education, Information technology, Internet networks, persons with disabilities.

Ключевые слова: специальное образование, Информационные технологии, Интернет-сети, лица с инвалидностью.

Ҳар бир жамиятда алоҳида таълим эҳтиёжиа эга болаларни ўқитишнинг анъаналари ва илмий асосланган ёндашувларини ўз ичига олган махсус таълим майдони мавжуд. Ривожланишдаги нуқсонлик боланинг жамиятдан «ажралиб қолишига» олиб келади. Ногиронлиги мавжуд бўлган шахсларнинг ижтимоий изоляцияланиши, аввало, жамият бундай болаларни қабул қилиши қийинлиги билан боғлиқ. Буни ўқув жараёнида махсус усул ва методлардан фойдаланишни кўзда тутадиган махсус ташкил этилган таълим ёрдамида бартараф этиш мумкин.

Давлат раҳбарининг 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4860-сонли қарори мамлакатимиз таълим тизимида жаҳон стан-дартлари асосида ислоҳатларнинг мақсадли ҳамда манзилли олиб борилишини дол-зарб масала сифатида кўндаланг қўйди.

Ўзбекистонда Карлар жамияти маълумотларига кўра, 2019 йил ҳолатида мам-лакатда расман 21600 киши эшитиш бўйича ногиронлиги бўлган шахслар сифатида рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 5700 нафари ихтисослашган мактаб-интернатла-рида таҳсил олмақда. Бугунги кунда Жамиятга 10100 киши аъзо бўлган. 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 32 340 киши бу катталар.

Аксарият педагогик тадқиқотлар йўналишларининг фундаментал-амалий табиати фанлараро муаммолар доирасига шўнғишга мажбур қилади. Улардан бири - замон-вий ўқув воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш. Ҳозирги вақтда бу муам-мони ҳал қилишнинг долзарб жиҳати ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган замонвий ўқув материаллари мажмуаси – электрон таъ-лим ресурсларини (ЭТР) ни яратишдир.

Бир томондан, жадал ривожланиб бораётган ИТ-технологиялар ва таълим соҳасининг бир-бирига уйғунлашиб бориши педагогик таълим инструментларини «янгилаш», уни боланинг идрок этиш хусусиятлари ва таълимнинг замонвий фик-рловчи битирувчиларни тайёрлаш учун ижтимоий буюртмасига мослаштириш имко-нини беради. Бошқа томондан, ИТ-технологияларнинг кенг техник ва ижодий имко-ниятлари таълим эҳтиёжлари ностандарт ечимларни талаб қилувчи болалар учун ўқув воситаларини ишлаб чиқиш муаммоларини самарали ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республика-сини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегия-сини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг «Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизи-

мини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон қарори Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 22 апрелда қабул қилинган 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:


ногирон — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахс;

ногирон болалар — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш — ногиронларга турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши, қоплаши (компенсация қилиши) учун шарт-шароитларни таъминловчи ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан қаролатилган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

ногиронларни реабилитация қилиш — ногиронларга организмнинг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини тиклашга ва уларни компенсация қилишига, турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши учун ёрдам беришга қаратилган тиббий, ижтимоий, психологик, педагогик, жисмоний, касбга, меҳнатга доир чора-тадбирлар тизими;

шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги — шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлиги.



Таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- технологик воситалар мажмуаси (имконияти чекланган болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжлари, жумладан ҳаётий компетенцияни шакллантириш, ижтимоийлашув ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда яратилган компютерлар, маълумотлар базалари, алоқа каналлари, дастурий маҳсулотлар);

- имконияти чекланган болаларнинг махсус таълимий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўзаро ахборий муносабатларининг маданий ва ташкилий шакллари;

- имконияти чекланган болаларни ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланган ҳолда ўқитишнинг ривожланиш ва тузатиш муаммоларини ҳал қилишда ўқув жараёни иширокчиларининг ваколатлари;

- АКТдан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш хизматлари мавжудлиги.

Барча тоифадаги имконияти чекланган болаларни ўқитиш тизимида мактабгача ёшдаги болалар ва мактаб ўқувчилари учун умумий таълимга хос ўқув компютер

дастурлари қўлланилади. Уларнинг қўпчилигидан фойдаланиш махсус мослашни талаб қилади.

Махсус таълим тизимига АКТни ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўлида турли тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келади:

- ижтимоий – махсус таълимда АКТдан фойдаланишнинг аҳамиятини нотўғри тушуниш ва паст баҳо беришда намоён бўлади;

- салоҳият борасида – педагогларда имконияти чекланган болаларни ўқитишда замонавий АКТдан фойдаланиш учун зарур бўлган махсус билим ва кўникмаларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги билан намоён бўлади;

- иктисодий – анчагина қиммат бўлган махсус компьютер дастурий-қурилмавий воситаларни харид қилиш учун молиявий маблағнинг етишмаслиги билан боғлиқ.

Ўқув материални визуаллаштириш болалардаги таҳлил қобилиятидан максимал даражада фойдаланишга ёрдам беради, бу эса муаммони айланиб ўтиш йўлларини топиш ва бола организмнинг компенсацион имкониятларини фаоллаштиришга ёрдам беради. Материалнинг ностандарт тақдим этилиши болаларнинг қогнитив фаоллигини рағбатлантиради ва анча мураккаб тоифаларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, симуляторда бирлаштирилган ривожлантирувчи ўйинлардан фойдаланиш мотивацияни оширади ва кўникмаларни ривожлантириш муддатини қисқартиради.

Adabiyotlar:

1. Та'лим то'ғ'risidagi qonun 4860 23.09.2020 года

Айсмонтас Б.Б. Социальная реабилитация и интеграция в общество студентов с ОВЗ: (опыт, проблемы, перспективы) // Психологическая помощь социаль- но незащищенным лицам с использованием дистанционных технологий (интернет-консультирование и дистанционное обучение): Материалы III Международной научно-практической конференции, Москва, 27–28 февраля 2013 г. / Под ред. Б.Б. Айсмонтаса, В.Ю. Меновщикова. — М.: МГППУ, 2013. С. 223–229.

Байлукова Н.А. Организация дистанционного обучения детей с ограниченными возможностями здоровья. Информационные технологии для Новой школы. Мат-лы конференции. Том 3. — СПб.: ГБОУ ДПО ЦПКС СПб «Региональный центр оценки качества образования и информационных технологий», 2013.

5.Qodirova Feruzaxon Usmanovna “Imkoniyati cheklangan bolalarni ijtimoiy hayotga tayyorlashning samarali texnologiyalari” Toshkent-2020

6. АБДУЛЛАЕВА ГАВХАР САПАРОВНА «ЭШИТИШ ИДРОКИ ВА ТАЛАФУЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА 1-2-СИНФЛАРНИНГ ҚАР ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН КОРРЕКЦИОН-РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ» 13.00.03 – ДИС-СЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Чирчик – 2020

РЕЗЮМЕ

Ўзбекистон, бошқа қўллаб давлатлар сингари, бугунги кунда ҳам бир қатор янги муаммоларга дуч келмоқда, бу бизнинг алоҳида эътиборимизни ва келажақда янада эҳтиёткорлик билан кузатишни талаб қилади. Бу, шунингдек, таълим соҳасидаги демографик вазият, шу жумладан олий таълим; келажақда болалар фаровонлиги учун янги имкониятлар ва муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган интернетдан кенг фойдаланиш ва ижтимоий тармоқларга кириш.

РЕЗЮМЕ

Узбекистан, как и многие другие страны, сегодня сталкивается с рядом новых вызовов, которые требуют от нас особого внимания и более тщательного мониторинга в будущем. Это и демографическая ситуация в секторе образования, в том числе, высшее образование; широкое использование Интернета и доступа к социальным сетям, которое может принести как новые возможности, так и вызовы для благополучия детей в будущем.

SUMMARY

Uzbekistan, like many other countries, is facing a number of new challenges today that will require our special attention and more careful monitoring in the future. This is also the demographic situation in the education sector, including higher education; the widespread use of the Internet and access to social networks, which can bring both new opportunities and challenges for the well-being of children in the future.

ИНКЛЮЗИВ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдуллаева Г.С.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти в.б. доценти

Таянч сўзлар: масофавий таълим, ахборот ва телекоммуникация, техник воситалар, универсал инсоний таълим шакли.

Ключевые слова: дистанционное образование, информация и телекоммуникации, технические средства, универсальная форма обучения.

Key words: distance education, information and telecommunications, technical means, universal form of education.

Масофавий таълим — махсус ахборот-телекоммуникация муҳитидан фойдаланган ҳолда таълим муассасидан исталган масофада олиб бориладиган таълим тизими.

Масофавий таълим (МТ) — ўқувчининг ижодий ва (ёки) меҳнат фаолияти учун асос бўлувчи маълум бир таълим малакасига эришиши учун амалга ошириладиган масофавий таълим жараёни. Маъсофавий таълимнинг ахборот-таълим муҳити маълумотларни узатиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро таъсир баённомалари, ускунавий-дастурий таъминот, ташкилий-услубий таъминотнинг тизимли ташкил этилган мажмуи бўлиб, фойдаланувчиларнинг таълим эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Масофавий таълим (МТ) – кундузги ва сиртки бўлимлар билан бир қаторда ўқув жараёнида компютер ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълимнинг энг яхши анъанавий ва инновацион усуллари, воситалари ва шакллари қўлланиладиган таълим шаклидир. МТдаги ўқув жараёнининг асоси ўқитувчининг мақсадли ва бошқариладиган интенсив мустақил иши бўлиб, у ўзи учун қулай жойда, индивидуал жадвал бўйича ўқиши, махсус ўқув қўлланмалари тўпламига



Расм № 1




Расм № 2



Расм № 3

ва ўқитувчи билан телефон, электрон ва оддий почта орқали, шунингдек, шахсан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади. МТ - субъектлар ва ўқув объектларининг бир-бири билан ва ўқув воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадли, интерфаол, асинхрон жараёни бўлиб, ўқув жараёни уларнинг макондаги жойлашувига боғлиқ эмас. Таълим жараёни ўзига хос педагогик тизимда амалга оширилади, унинг элементларига қуйидагилар кирди: ўқув мақсадлари, таълим мазмуни, ўқитиш усул-



Расм № 4

лари, ўқитиш воситалари, ўқитишнинг ташкилий шакллари, идентификацион-назорат, ўқув-моддий, меъёрий-ҳуқуқий тизимлар.

Масофавий таълим-намуналаридан бири бу “DEF AKADEMIYA” номли мобил илова.

МТ инсонпарварлик тамойилига жавоб беради, унга кўра ҳеч ким кашшоқлик, географик ёки вақт нуқтаи назаридан изоляция, ижтимоий ҳимоясизлик ва жисмоний нуқсонлари ёки иш жойида ишлаб чиқариш ва шахсий ишлар бандлиги сабабли таълим муассасаларига бориш имкониятидан маҳрум бўлмаслиги керак. Ушбу тамойил узлуксиз интенсиф таълим тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Унинг моҳияти ўқитиш ва умуман таълим жараёнини шахсга қаратилганлиги, ўқувчиларнинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириш, танланган касбни ўзлаштириш, ижтимоий хавфсизлик, хавфсиз ва қулай яшашни таъминловчи ижодий индивидуаллик, юксак фуқаролик, ахлоқий, интеллектуал фазилатларнинг ривожланиши ва намоён бўлиши учун энг қулай шарт-шароитларни яратишдадир.

Adabiyotlar:

1. Ta'lim to'g'risidagi qonun 4860 23.09.2020
2. Аймонтас Б.Б. Социальная реабилитация и интеграция в общество студентов с ОВЗ: (опыт, проблемы, перспективы) // Психологическая помощь социально-но незащищенным лицам с использованием дистанционных технологий (интернет-консультирование и дистанционное обучение): Материалы III Международной научно-практической конференции, Москва, 27–28 февраля 2013 г. / Под ред. Б.Б. Аймонтаса, В.Ю. Меновщикова. — М.: МГППУ, 2013. С. 223–229.
3. Байлукова Н.А. Организация дистанционного обучения детей с ограниченными возможностями здоровья. Информационные технологии для Новой школы. Мат-лы конференции. Том 3. — СПб.: ГБОУ ДПО ЦПК СПб «Региональный центр оценки качества образования и информационных технологий», 2013.
4. Qodirova Feruzaxon Usmanovna “Imkoniyati cheklangan bolalarni ijtimoiy hayotga tayyorlashning samarali texnologiyalari” Toshkent-2020

5. АБДУЛЛАЕВА ГАВХАР САПАРОВАНА «ЭШИТИШ ИДРОКИ ВА ТАЛАФУЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА 1-2-СИНФЛАРНИНГ ҚАР ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН КОРРЕКЦИОН-РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ» 13.00.03 – Махсус педагогика ИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Чирчиқ – 2020

РЕЗЮМЕ

Масофавий таълим — кенг кўламли анъанавий, янги ахборот ва телекоммуникация технологиялари, ўқувчининг стандартларга жавоб берадиган таълим фанларини эркин танлаши, ўқитувчи билан мулоқот қилиши учун шароит яратувчи техник воситалардан фойдаланишга асосланган универсал инсоний таълим шакли бўлиб, таълим жараёни ўқувчининг макон ва вақтдаги жойлашувига боғлиқ эмас. Ўқув жараёни таълим жараёнининг моҳияти бўлиб, биринчи навбатда, ўқитувчи ва ўқувчининг, шунингдек талабаларнинг ўзаро муносабатларида интерфаол эканлиги билан тавсифланади.

РЕЗЮМЕ

Дистанционное обучение - это форма образования, которая основана на использовании масштабных традиционных, новых информационных и телекоммуникационных технологий, свободном выборе образовательных наук, соответствующих стандартам студента, использовании технических средств, создающих условия для общения с преподавателем, учебный процесс не зависящий от местоположения учащегося в процессе обучения является сутью образовательного процесса и характеризуется прежде всего тем, что он является интерактивным во взаимодействии преподавателя и учащегося, а также учащихся.

SUMMARY

Distance learning is a form of education that is based on the use of large-scale traditional, new information and telecommunication technologies, free choice of educational sciences that meet the standards of the student, the use of technical means that create conditions for communication with the teacher, the learning process is not independent of the location of the student in the learning process is the essence of the educational process and is characterized primarily by the whole thing is that it is interactive in the interaction of the teacher and the student, as well as students.

ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ МОҲИАТИ

Мустафоева Д.

ТИҚХММИ МТУ доценти

Маматалиева М.

ТИҚХММИ МТУ таянч докторанти

Таянч сўзлар: ижодкор шахс, онтогенез, интеграция, креативлик, биологик омиллар, ижтимоий омиллар, педагогик креативлик.

Ключевые слова: творческая личность, онтогенез, интеграция, творчество, биологические факторы, социальные факторы, педагогическое творчество.

Key words: creative personality, ontogeny, integration, creativity, biological factors, social factors, pedagogical creativity.

Шахснинг мутахассис сифатида касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра жараён тарзда амалга ошади. Бунга кўра касбий стуклик инсон онтогенезининг муҳим даврлари касбий камол топиш, ривожланиш ғояларининг қарор топиши 14-17 ёш орлигидан бошланиб, касбий фаолиятнинг яқунланиши 55-60 ёшгача бўлган жараёнда кузатишимиз мумкин. Ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташқи олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон онтогенези –туғилишидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ ҳисобланади. Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг интеграцияси сифатида акс этади. Касбий-

ижодий фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясидан хабардор бўлиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларининг етарли даражада ўзлаштирилишини талаб этади. Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва қамрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётий муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ.

Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда етакчи хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида ўқувчи ва талабаларда креативлик сифатларини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни Бронсон, Меррийман (2010 й.), Кен Робинсон (2007 й.), Фишер, Фрей (2008 й.), Бегетто, Кауфман (2013 й.), Али (2011 й.), Треффингер (2008 й.) ва бошқалар томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар, уларнинг натижаларидан кўриш мумкин.

Биргина Кен Робинсон томонидан 2007 йилда тайёрланган “Мақтаб креативликни барбод этиптими?” номи видео лавҳа кўпчилик кузатувчилар эътиборини тортган. Қолаверса, ўқитувчилар креативлик асосларини ўрганишга жиддий киришганлар. Салмоқли амалий ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, кўпчилик ўқитувчилар ўзларида ҳамда талабаларда креативлик сифатларини қандай қилиб самарали шакллантириш тажрибасини ўзлаштира олмаяптилар. Таълим тизимини бошқариш органлари ҳар йили таълим муассасаларида юқори самарадорликка эришишга эътибор қаратади. Ана шу мақсадда ўқув дастурини ишлаб чиқилади, янги ўқув дарсликлари яратилади.

Бу эса ҳам талабалар, ҳам ўқитувчиларни касбий ўсишларига ёрдам беради. Олиб бориладиган амалий ҳаракатлар талабаларда ютуқларга еришиш, олға интилишга бўлган эҳтиёжни муайян даражада юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш қобилиятларини бир қадар ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқув машғулотларида етишмаётган омил – креативлик саналади. Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчасининг маънони тушуниб олиш талаб этилади. Кен Робинсоннинг фикрига кўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”.

Талаба шахснинг креативлиги унинг тафаккури, мулоқоти, ҳис-туйғулари, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Айтиб ўтилганидек, барча шахсларда бўлгани каби бўлғуси педагогларда ҳам креативлик сифатлари ўз-ўзидан ривожланмайди. Шунга кўра креативлик сифатларини муваффақиятли ривожлантиришнинг бир қатор йўллари мавжуд.

Биринчи йўл - креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш. Бунда асосий урғу креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш асосий эътибор марка-

зида бўлиб, талабалар феъллар ёрдамида креатив характердаги ҳаракатларнинг моҳиятини ифодалашга йўналтирилади. Хусусан, ўқитувчилар креатив фикрлаш кўникмасини самарали шакллантириш мақсадида талабаларга уларни фикрлашга ундовчи саволлар таркибида зарур феълларнинг бўлишига эътибор қаратадилар. Бу ҳолат мисоллар билан тушунтирилса, талабалардан «Юрак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликни таърифлаб беринг» мазмунидаги назорат саволи уларда креативликни шакллантирмайди. Зеро, савол таркибидаги «таърифлаб беринг» тушунчаси ўз моҳиятига кўра «мавжуд билимларингизни бирма-бир айтиб ўтинг» дейиш билан тенг.

Иккинчи йўл – амалий креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш. Педагоглар талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда кўрсатмали метод ва усуллардан фойдаланадилар. Бу ўринда саволлардан фойдаланиш фақат қисқа муддатда ёрдам бериши мумкин, у талабаларда интерфаоллик ва киришимлиликни ривожлантирмайди. Учинчи йўл - креатив фаолият жараёнларини ташкил этиш. Мазкур йўлда талабаларни муаммони ечиш ва инновацион ғояларни илгари суриш жараёнида креатив, ижодий фикрлашга ургу берилади. Мазкур жараёнларда креатив метод ва усуллар фаол қўлланилмасан-да, креатив фикрлаш юз беради. Масалан, талабаларга «Юрак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликни топиш» топшириғини бажарар эканлар, одамнинг қон айланиши тизими билан боғлиқ турли муаммоларни таҳлил қиладилар. Натигада ушбу жараёнда кўп томонлама фикрлаш, мушоҳада юритиш рўй беради. Тўртинчи йўл - креатив маҳсулот (ишланма) лардан фойдаланиш. Бу йўлни тутишда педагог талабаларга «Одамнинг қон айланиш тизими» мавзусида Power Point дастури ёки мультимедиа воситалари ёрдамида тақдимотни яратиш топшириғини бериши мумкин. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида талабаларда креатив фикрлаш кўникмалари фаол ривожланади.

Кўплаб тадқиқотларда интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқадорлик хусусида турлича қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчилар улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эканлигини уқтирсалар, иккинчи гуруҳ вакиллари креативлик ва интеллект даражаси бир-бирига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. “Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутўйиба туйғуси ва еркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар. Бу ўринда Патти Драпеау шундай маслаҳат беради: “Агарчи ўзингизни креатив эмасман деб ҳисобласангизда, ҳозирданок креатив тафаккурни ривожлантиришга қаратилган дарсларни ташкил эта бошлашингизни маслаҳат бераман.

Аслида, гап сизнинг ижодкор ва креатив бўлганингиз ёки бўлмаганингизда эмас, балки дарсларни креативлик руҳида ташкил этишингиз ва янги ғояларни амалда синашга интилишингиздадир”. Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. Ҳар томонлама фикрлаш талабалардан ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда бир

томонлама фикрлаш эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди.

Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди бу кўп томонлама фикрлаш, кейин эса енг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади ва бу бир томонлама фикрлаш ҳисобланади. Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини қуйидагича шарҳлаш мумкин: “Креативлик” тушунчасига ижодкор, индивиднинг янги ғояларини ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи, мустафил омил сифатида иктидорликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилият деб тавсифлаш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларитўплами. Тошкент-2017.
2. Исмаилова З.Қ., Махсудов П.М., Эргашев О.К., Маткаримов К.Ж., “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” ўқув қўлланма. Тошкент-2018. -7-бет.
3. Долгоруков А. Метод case-study как современная технология профессионально-ориентированного обучения: <http://www.vshu.ru/lections>.
4. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
5. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш/ Монография. – Т.: Фан, 2004.
6. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Иноғомова Д. – Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012.
7. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008.
8. Усмонбоева, А.Тўраев, Креатив педагогика асослари. Ўқув-услубий мажмуа. - ТДПУ, 2016. 6. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Хайдаров М., Ҳасанбоева О., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли луғат. - Т.: «Фан ва технологиялар», 2009.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бугунги кунда замонавий педагогикада “креатив педагогика” тушунчаси қўлланилиб келмоқда. Ўқитиш жараёнига инновацион ҳамда ижодкорлик ёндашувларини қарор топтиришга бўлган талаблар “Креатив педагогика”нинг педагогик туркум фанлар орасида мустақил предмет сифатида шаклланишини таъминлаши хақида сўз юритилади

РЕЗЮМЕ

Сегодня в современной педагогике используется понятие «творческая педагогика». Необходимость новаторских и творческих подходов к учебному процессу обеспечила формирование «Креативной педагогики» как самостоятельного предмета среди педагогических дисциплин.

SUMMARY

Today in modern pedagogy the concept of «creative pedagogy» is used. The need for innovative and creative approaches to the teaching process has ensured the formation of «Creative Pedagogy» as an independent subject among the pedagogical disciplines.

ТАДҚИҚОТЧИЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИ ТУШУНЧАСИ МАЗМУНИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ

Аҳмедов А. Б.

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълимининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: компетентлик, компетенция, касбий компетенция, тадқиқотчилик компетенцияси, таркибий компонент, мустақил таълим, билим, кўникма, малака, шахсий фазилатлар.

Ключевые слова: компетенция, компетенция, профессиональная компетентность, исследовательская компетентность, компонент, самостоятельное обучение, знание, умение, квалификация, личностные качества.

Key words: competence, competence, professional competence, research competence, component, independent learning, knowledge, skill, qualification, personal qualities.

Ҳозирги глобаллашув шароитида бутун дунё ҳамжамиятининг жадал ривожланиши билан боғлиқ ҳолда, жаҳон таълим макони вужудга келди ва таълим умуминсоний кадрият мақомига эга бўлди. Шу билан бирга, таълимнинг ҳозирги ҳолати жуда динамик ривожланаётган тизим сифатида мураккаб ва зиддиятлидир. Бир томондан, бу соҳадаги улкан ютуқлар ижтимоий ва илмий-технологик ўзгаришларнинг асосини ташкил этди, бошқа томондан, таълим соҳасининг кенгайиши ва унинг мақомининг ўзгариши бу соҳадаги муаммоларнинг кескинлашуви билан бирга келади.

Таълим тизимининг ривожланишидаги ҳозирги давр - бу янги ахборот жамиятини шакллантиришга қаратилган ўзига хос ахборот инқилобидир. Бу билим ролининг ошиши, маълумотларнинг узлуксиз янгиланиши ва унинг ҳажмининг ёпирилиб ўсиши натижаси бўлди.

Мавжуд вазиятга жавоб бериш усулларида бири - таълим сифатини таъминлашга интилиш, шунингдек, бу вазиятни ўзгартириш, унга ҳозирда ҳам, келажакда ҳам таъсир қилиш усуллари бўлиб ҳисобланади.

Таълимнинг “классик модели” асида ўз имкониятларини тугатди, бу эса замонавий жамият ва ишлаб чиқариш томонидан таълимга қўйиладиган талаблар нуктаи назардан тобора яққол кўриниб бормоқда.

Шу билан бирга, у бир қатор ижобий жиҳатларни, шу жумладан улар албатта янги таълим концепциялари ва тизимларида сакланиши керак бўлган миллий анъаналарни ҳам ўз ичига олиши керак.

Янги фалсафий ва педагогик ғояларни излаш замонавий педагогиканинг концептуал янги интеллектуал асосини яратади, унинг яратиш устида қўшлаб олимлар ишламоқда.

Замонавий касбий таълимнинг энг муҳим мақсади бу нафақат бўлғуси мутахассисга маълум билим ва кўникмаларни бериш, балки мустақил таълим олиш ва мустақил ривожланишга бўлган муносабатни шакллантиришдир. Замонавий олий таълим битирувчиларнинг қобилиятига, қизиқишларига ва эҳтиёжларига мос келадиган, шу билан бирга бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг рақобатбардошлигини кафолатлайдиган, ишга жойлаштириш ва келажакда касбий ўсиш имкониятини берадиган таълим даражасини таъминлаш учун мўлжалланган.

Шубҳасиз, бундай мутахассисни, мустақил ривожланиш ва мустақил таълим олиш даражаси юқори бўлган шахсни тарбиялаш фақат таълим, таълим-тадқиқот

ва илмий тадқиқот фаолиятини аниқ ташкил этиш орқали имконли бўлади. Бундай ҳолда, талаба таълим жараёнида ўзининг мустақил билим олиш тажрибасига таяниб, бўлғуси ўз касбий фаолиятига ҳам худди шундай ҳаракат қилишга интилади.

Бўлажак муҳандисларнинг тадқиқот компетенцияси шундай фазилатларига асосланганки, унга юкланган вазифаларни тезда мустақил, масъулиятли ва ижодий бажаришга мослашишга ёрдам беради. Тадқиқот компетенциясига эга бўлган битирувчи нафақат тайёр, баъзида эскирган маълумотлардан фойдаланишигина эмас, балки ҳаққоний маълумотларни фаол ва самарали таҳлил қила олади, янги, янада самарали алгоритмларни, ресурсларни, технологияларни ярата олади ва танлай олади.

Шу билан бирга, тадқиқот компетенциясини шакллантиришга қаратилган педагогик ёндашувлар мутахассислар тайёрлашнинг замонавий талабларига жавоб бермайди, демак, янги таълим маҳсулотини яратишга қаратилган янги ёндашувлар, усул ва услубларни излаш зарур.

Таълим мақсадини ўзгартириш, яъни унинг билим даражасини шакллантиришга эмас, балки бўлажак мутахассисга касбий фаолият масалаларида малакали бўлишга имкон берадиган шахсий фазилатларни шакллантиришга йўналтириш компетентли ёндашувнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Компетентли ёндашувнинг мақсади – олий таълим ташкилотлари битирувчилари оладиган билим ва кўникмалар билан меҳнат бозори томонидан қўйиладиган касбий фазилатларга бўлган талаблар ўртасида мувофиқликни ўрнатиш, шунингдек, таълим ва касбий фаолият ўртасидаги фарқни юмшатишдир. Агар таълим, Я.А. Коменскийдан бошлаб билим, кўникма ва малакалар каби бирликлар билан ишлаган бўлса, профессионал соҳа эса компетенциялар билан ишлайди. Шундай қилиб, муаммо билим, кўникма ва малакаларни қандай қилиб компетенцияга айлантиришдадир.

Компетенцияга асосланган ёндашув педагогика фанида шаклланган фаолиятга ва шахсга йўналтирилган ёндашувлар билан органик равишда бирлашган; улар паритетли комплементар оппозиция шaroитида шахсни самарали ижтимоийлаштиришни ўзaro тўлдирadi ва бойитadi . Компетенцияга асосланган ёндашувнинг асосий тушунчаси – бу компетенциядир. Педагогик адабиётларда компетенция ва компетентлик тушунчаларига кўплаб таърифлар берилган ва бу атамаларнинг моҳиятини тушунишда ҳали ҳам яқдиллик йўқ.

Н.А.Муслимов компетентлик тушунчасини шахсий сифатлар тўплами ва касбий соҳанинг таянч талаблари сифатида намоён бўлиши билан унинг моҳиятини очиб берган. Унинг фикрича, компетентлик – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятини амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллаш олиши билан ифодланади.

Н.М.Муслимов, Х.Ш.Қодиров ва С.Бекназароваларнинг фикрича, инглизча «competence» тушунчасининг луғавий маъноси «қобилият» демакдир, бироқ компетенция атамаси билим, кўникма, маҳорат ва қобилиятни ифода этишга хизмат қилади.

М.Т. Мирсолиева компетентлик деганда, кўпинча шахснинг фаолият юритишга умумий қобилияти ва унинг касбий тайёргарлигида намоён бўлувчи билим ва тажрибаларига асосланган интеграллашган сифатлар назарда тутилишини таъкидланган.

М.А. Инназаровнинг фикрича, касбий компетентлик – шахснинг фаолиятда мустақил, муваффақиятли иштирокини таъминлашга йўналтирилган таълим ва ижтимоийлаш жараёнида мавжуд билимлари, тажрибасига асосланувчи ҳамда касбий фаолият самарадорлигини таъминловчи билим, кўникма ва малакалари, тажриба, шахсий сифатлари йиғиндисидир.

М.А. Умаралиева, компетенция – бу ўзининг касбий маҳоратини мукаммал ривожлантирган, дарс жараёнини нафақат лойиҳалаштирадиган, балки уни бошқара оладиган, таълим ислохотларини, замон талабларини, инновацияларни тез илғаб, уни дарс жараёнида самарали қўллай олиш деб таърифлайди .

С.Е. Шишов компетенцияни таълим, тажриба, кадриятлар ва мойилликларга асосланган қобилият деб таърифлайди, уларга ўрганиш орқали эришилади .

И.А. Зимняя компетенцияни инсоннинг компетенцияларида очиб бериладиган баъзи ички, потенциал, яширин психологик янгилликларни (билимлар, тасаввурлар, ҳаракатлар дастурлари, кадриятлар ва муносабатлар тизимлари) деб тушунади .

В.Т. Ашепковнинг таъкидлашича, компетенция, бир томондан, “маълум даражадаги ақлий, физиологик ривожланиш ва маълум миқдордаги билимлар даражасига мувофиқликдир”, бошқа томондан эса, “унинг “МЕН”и ривожланиши билан ўзаро боғлиқ бўлган шахсий кўникмалар мажмуасининг ривожланишидир .

Б.С. Лазаревнинг фикрича, “компетенция” тушунчасига, шу жумладан уни “фаолиятга асосланган ёндашув концептуал аппаратининг мантикий тузилишига киритиб, фаолиятга асосланган таъриф бериш керак, унга кўра, компетенцияга эга бўлиш - баъзи вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун зарур бўлган барча нарсага эга бўлишни англатади” .

Д.А. Иванов компетенцияни индивидуал ёки ижтимоий талабларга муваффақиятли жавоб бериш ёки вазифани бажариш (фаолият билан шугулланиш) қобилияти деб таърифлайди .

А.В. Хуторскойнинг фикрича, компетенция - бу инсонни ўқитиш учун бегоналаштирилган, олдиндан белгиланган талабдир. У маълум бир предметлар ва жараёнларга нисбатан ўрнатилган ва уларга нисбатан юқори сифатли сермахсул фаолият учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ шахсий хусусиятларини (билим, кўникма, малака, фаолият усуллари) тўпламини ўз ичига олади .

А.В. Хуторский томонидан берилган таъриф бизнинг тадқиқотларимизга жуда мос келади, шунинг учун келажақда биз унга таянамиз.

Шундай қилиб, агар компетенцияни хусусият (сифат) деб ҳисоблаш мумкин бўлса, у ҳолда компетентликни фаолиятда намоён бўладиган бу хусусиятга эгалик қилиш деб ҳисоблаш мумкин. Олий таълим ташкилотини тугатаётган битирувчи маълум компетенцияларга эга бўлиши керак. Муайян компетенцияларни ўзлаштириб ва уларни муайян фаолият тажрибасида амалга ошириб компетентли бўлиш мумкин .

Бугунги кунда компетенция тушунчаси кўпинча қуйидагиларни:

- битирувчининг усуллар, фаолият воситаларига, берилган топшириқларни бажара олиш қобилиятига ҳақиқий эгалик қилишга тайёрлиги, “мослашганлиги”да ифодаланувчи таълим натижасини;
- атроф-муҳитни ўзгартириш ва уларга эришиш учун мақсадлар қўйишга имкон берадиган билим, кўникма ва малакаларнинг шундай комбинацияси шаклини белгилаш учун ишлатилади. Шундай қилиб, “компетенция” тушунчаси “билим”, “кўникмалар”, “малакалар” тушунчаларига қараганда анча кенгроқдир, чунки у шахснинг йўналишини (мотивация, кадрият йўналишлари), стереотипларни енгил, муаммоларни ҳис қилиш, зийракликни, фикрлашнинг мослашувчанлигини, характерни намоён этиш қобилиятини (мустақиллик, мақсадга интилиш, иродали фазилатлар)ўз ичига олади.

Бизнинг тадқиқотимиз тадқиқот компетенциясини шакллантиришга қаратилган, шунинг учун олимлар томонидан ҳар хил талқин қилинадиган “тадқиқот компетенцияси” тушунчасини таҳлил қилиш зарур.

“Тадқиқот компетенцияси” тушунчаси “тадқиқот фаолияти” тушунчаси билан узвий боғланган. Б.С.Лазарев “билим ва қандайдир кўникмаларга эга бўлиш – бу ҳали малакалик эканлигини аниқламайди”, деб ҳисоблайди. Амалий ҳам, ақлий ҳаракатлар ҳам фаолиятда ўз-ўзидан бирданига эмас, балки изчил, онгли ва тажрибага бирикадиган ҳолда шаклланади. Шундай қилиб, тадқиқот муаммосини ҳал қилиш усулининг барча компонентлари яхлит функционал тизимга бирлаштирилиши керак. Шундай қилиб, ишонч билан айтиш мумкинки, ҳар қандай тадқиқот компетенцияси фақат тадқиқот фаолиятида шаклланиши мумкин.

В.С. Крахоткина томонидан талабаларнинг тадқиқот фаолияти мустақил иш, кўникма ва малакаларини шакллантириш, мустақил таълим зарурати, бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини ошириш, уларни фаол ижодий фаолиятга тайёрлашнинг самарали воситаси сифатида қаралади. Шу билан бирга, муаллиф талабаларнинг ҳаммаси ўқув -тадқиқот ишларида қатнашиши, барча фанларни ўрганишда тадқиқот элементлари иштирок этиши кераклигини таъкидлайди; тадқиқот топшириқлари нафақат курс ва диплом ишларида, балки лаборатория амалиётида ҳам бажарилиши керак.

В.И. Андреевнинг фикрича, тадқиқот усулини қўллаш чегаралари талабаларнинг кўникма ва малакаларини ривожлантиришга, ўқув материалга, вақтга, ўқитувчининг методик тайёргарлиги даражаси ва унинг ижодий қобилиятлари боғлиқ.

В.И. Андреевнинг сўзларига кўра, “ўқув ва тадқиқот фаолияти - бу ўқитувчи томонидан асосан билвосита ва истикболли бошқарувнинг дидактик воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ўқувчи (талаба)ларнинг фаолияти бўлиб, экспериментал кузатиладиган ёки назарий таҳлил қилинаган фактлар, ҳодисалар, жараёнларнинг қонуний алоқалари ва муносабатлари тушунчаси ва исботини топишга қаратилган, бунда билиш илмий усуллари услубларини мустақил қўллаш устунилик қилади, ва бунинг натижасида ўқувчилар (талабалар) билимларни фаол эгаллайдилар, ўз тадқиқот компетенцияси ва кўникмаларини ривожлантирадилар”.

Инсоннинг интеллектуал ва ахлоқий соҳада ривожланиши, шунингдек, унинг турли мустақил фаолиятларга жалб қилиниши таълимни ривожлантиришнинг стратегик йўналиши сифатида қаралади.

Тадқиқот фаолияти - бу нафақат ўқув ва когнитив компетенцияни шакллантиришга ва ижодий, ақлий қобилиятларни ривожлантиришга, балки ўқувчиларнинг касбий фазилатларини ривожлантиришга қаратилган ижодий фаолият шаклларидан биридир.

И.М.Агибова талабаларнинг ўқув ва тадқиқот ишларини илмий -тадқиқот ишларини юқори даражада олиб боришга тайёргарлик босқичи деб билади. Унинг асосий вазифаси, олимнинг фикрича, талабаларни илмий билишнинг замонавий усуллари билан таништириш, мустақил тадқиқот ишларининг малака ва кўникмаларини шакллантириш, таълим жараёни давомида уларнинг фаоллиги ва мустақиллигини оширишдан иборат. Ўқув -тадқиқот ишлари ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш воситаси бўлиб ҳисобланади.

В.Ф. Балашова талабанинг илмий-тадқиқот фаолиятига тайёрлигини қуйидаги:

- илмий-тадқиқот фаолияти ҳақидаги билимларнинг муҳимлигини аниқлашда, илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш учун ижобий мотивнинг мавжудлиги, илмий-тадқиқот фаолиятида шахсий моҳият, ўз илмий-тадқиқот фаолиятидан қониқиш билан намоён бўладиган мотивацион;
- илмий билишнинг босқичлари, илмий тадқиқотларнинг тузилиши, илмий тадқиқот фаолиятининг мантиғи ва босқичлари, тадқиқот этилатган объект-

ларни ўрганишнинг экспериментал асослари, натижаларни олиш ва қайта ишлаш усуллари ҳақидаги тасаввурни ўз ичига олган йўналтирувчи;

- ўз тадқиқот фаолиятини режалаштириш ва амалга ошириш, адабиёт билан ишлаш, таҳлил қилиш, муҳим нарсаларни ажратиш, тадқиқот муаммосини кўриш, қарама-қаршиликларни аниқлаш, фаразларни ифодалаш, тадқиқот ўтказиш учун мос восита ва усуллари танлаш, хулосалар чиқариш қобилиятини аниқловчи фаолиятга асосланган;
- ўзини таҳлил қилиш қобилиятини, объектив ўзини баҳолашни, ўзини танкид қилишни, қийинчиликларни енгишга тайёрлигини, уларнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф қилишни кўзда тутувчи рефлексив компонентлар билан биргаликда кўриб чиқади .

О.В. Ушаков ўзининг Э.В. Набиева, А.В. Хуторский, А.С. Обухова ва Э.В.Фесковаларнинг асарларини таҳлил қилишга асосланган тадқиқотида талабаларнинг тадқиқот компетенциясини шакллантириш моделини яратди, унинг асоси сифатида тадқиқот компетенциясини, қиймат-семантик, шахсий ўзини такомиллаштириш, ижтимоий ва меҳнат, таълим ва когнитив, умумий маданий, ахборот ва коммуникатив компетенцияларнинг таркибий қисми сифатида тақдим этди .

А.В.Хуторскойнинг фикрича, тадқиқот компетенцияси - бу кейинчалик тадқиқот компетенциясида фаолиятли, долзарб кўринишларда намоён бўладиган билимлар, тасаввурлар, ҳаракатлар дастурлари, қадриятлар ва муносабатлар тизимларидир .

Н.И. Плотникова тадқиқот компетенциясини илмий материалларни таҳлил қилиш ва баҳолаш билан боғлиқ тадқиқот компетенцияси ва кўникмалари сифатида тушунади.

Е.В. Бережнова тадқиқот компетенциясини руҳиятнинг махсус функционал тизими ва у билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатларнинг яхлит мажмуи сифатида кўриб, унга тадқиқот фаолиятининг самарали субъекти бўлиш имкониятини беради .

Ю.А. Комарованинг сўзларига кўра, тадқиқот компетенциясининг таркибий жиҳати таркибий блоклардан иборат: когнитив, прогностик ва ташкилий компонентлар .

Когнитив компонент фаол билиш қобилиятининг мавжудлигини таъминлайди. Когнитив компонентни амалга ошириш билимларни чиқариб олиш, ўзгартириш ва қуришни ўз ичига олади.

Прогностик компоненти тадқиқот жараёнини прогноз қилиш ва лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган тадқиқот натижаларини олдиндан кўриш ва олдиндан баҳолашни таъминлайдиган билим, кўникма ва малакаларни ўз ичига олади.

Ташкилий компонент маълум бир илмий жараён, эксперимент, тажриба ва бошқаларни амалга ошириш учун билим, шунингдек амалий маҳорат ва кўникмалар билан ифодаланади .

А.Н. Леонтевнинг фаолият моделига асосланиб ўқитувчининг тадқиқот компетенциясининг тўртта компонентлар гуруҳини аниқлаш мумкин: когнитив, мотивацион, йўналтирувчи, оператив .

Когнитив компонент - бу талабанинг касбий фаолиятда тадқиқот муаммоларини кўйиш ва ҳал қилиш учун зарур бўлган билим ва тушунчалар мажмуидан иборат.

Мотивацион компонент, тадқиқот фаолияти умуман эмас, балки муайян бир инсон учун нимани аниқлашини аниқлайди.

Йўналтирувчи компонент қандайдир билимга бўлган эҳтиёжни аниқлашни ва мавжуд шароитда уни қандай олиш мумкинлиги тасвирини тузишни таъминлайдиган кўникмалар мажмуасини акс эттиради.

Оператив компонент операциялар ёки технологиялар ёки тадқиқот компетенциясининг таркибий қисми - бу субъектнинг касбий фаолиятда тадқиқот муаммоларини ҳал қилиш учун зарур бўлган тадқиқот ҳаракатларини бажариш кўникмаларининг йиғиндисидир.

О.В. Ушаковнинг фикрича, тадқиқот компетенциясининг асосий компонентлари мотивацион-шахсий, интеллектуал-ижодий, когнитив ва самарали-оперативдир.

Мотивацион-шахсий компонент-бу ўқувчиларнинг атроф оламга, воқеликка, одамларга, ўзларига, ўз қобилиятларига бўлган мотивацион-кадриятли ва ҳиссий-иродали муносабатлари тизимидан иборатдир.

Кўрсатилган компонент талабаларнинг тадқиқот фаолиятига бўлган эҳтиёжини, уларнинг когнитив фаоллигини, когнитив қийинчиликларни бартараф этиш қобилиятини, билиш жараёнида, қарор қабул қилиш ва уларни баҳолашда мустақилликни тавсифлайди.

Интеллектуал-ижодий компонент когнитив жараёнлар ва таълим кўникмаларини (ривожланиш умумий даражаси ва динамикаси), ўқувчиларнинг интеллектуал даражасини, уларнинг экспериментал фикрлашини ривожлантириш учун жавобгардир.

Бу ерда интеллектуал-талабанинг билим даражаси, сўз бойлиги ва тушунчаси захираси, ундан фойдаланиш қобилияти эмас, балки асосан унинг ижодий қобилияти сифатида қаралади. Ижодий фазилатлар: илҳомланиш, ҳаётот, ақлнинг мослашувчанлиги, қарама-қаршиликларга сезгирлик, фикрлаш эркинлиги, танқидийлик, ўз фикрининг мавжудлиги - талабанинг муаммоларни ҳал қилиш ва воқеликни ўзгартиришга процессуал тайёрлигини аниқлайди.

Когнитив компонент фаннинг турли соҳаларидаги билимлар тизимини ўз ичига олади, уларнинг ўзлаштирилиши ўқувчилар онгида дунёнинг илмий тасаввурини шакллантиришни таъминлайди, уларни билим фаолиятига диалектик ёндашув билан қуроллантиради. Тадқиқот фаолияти учун бу, биринчи навбатда, асосий тадқиқот усулларининг моҳияти ва технологиясини билиш, атрофдаги дунёни ҳис қилиш, саволлар бериш, ҳодисаларнинг сабабларини топиш, масалани тушунганлик ёки тушунганликни кўрсатиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар тузиш.

Самарали-оператив компонент тадқиқотнинг ўзини ўтказиш учун зарур бўлган сифатларни тавсифлайди. Умуман олганда, бу таълим фаолиятининг мақсадларини тушуниш ва уларни тушунтириш қобилияти, нормал ижодкорлик қобилиятидир. Тор маънода эса, бу муаммоларни кўриш, саволлар қўйиш, гипотезани таклиф қилиш, мавжуд ёки олинган маълумотларни таснифлаш қобилияти, жараёнларни кузатиш ва ҳк., тажриба ўтказиш кўникмаларига эга бўлиш, хулосалар, яқунлар, тушунтиришлар, исботлар тузиш ва ўз ғояларини ҳимоя қилиш .

Кўриб турганимиздек, тадқиқот компетенциясининг шаклланиши талабанинг шахсий хусусиятларининг барча компонентларини ривожлантиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, бўлажак муҳандислар тадқиқот компетенциясининг қуйидаги таърифидан биз учун муҳимдир: бўлажак муҳандисларнинг тадқиқот компетенцияси - шахсий таълимнинг ажралмас қисми бўлиб, у битирувчиларда қуйидагиларнинг: тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, махсус қобилият ва кўникмаларга эга бўлиш, бўлажак мутахассисларнинг кейинги шахсий ривожланишини таъминлайдиган ижодий фаолият тажрибаси бўйича билимлар мавжудлиги билан ифодаланадиган

барқарор мотивация билан ажралиб туради. Шахснинг қуйидаги:

- шахснинг тадқиқот фаолиятига бўлган муносабатини тавсифловчи мотивацион (ушбу фаолият турида тадқиқот фаолиятига муваффақиятга эришишга кизиқишнинг, истаги ва интилишнинг шаклланганлик даражаси);
- шахс томонидан тадқиқот фаолиятида ишлатиладиган ақлий услуб ва амалиётларни ўз ичига олган операция;
- ўқувчининг тадқиқот фаолиятини мустақил ўзи белгилаши усулларини қўллаш кўникмаси ва қобилиятини назарда тутадиган ташкилий;
- ўқувчининг кўникмаси ва қобилиятини кўзда тутувчи коммуникативтадқиқот фазилавларини ривожлантириш биз учун тадқиқот компетенциясини шакллантириш жараёнида долзарб бўлиб бормоқда.

Шундай қилиб, ушбу бўлажак муҳандисларнинг тадқиқот компетенцияси ушбу даражадаги компетенцияларга қўйиладиган барча талабларга жавоб берадиган асосий позиция бўлиб хизмат қилади:

- предметдан устун хусусиятга эга (у бир эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган бир нечта илмий йўналишлар доирасида шаклланади ва ишлайди ва фанлараро характерга эга бўлиб, мета-вазифаларни ҳал қилишга имкон беради);
- кўп функцияли бўлиб, яъни уни ўзлаштириш касбий, ижтимоий ва кундалик ҳаётдаги турли муаммоларни ҳал қилишга имкон беради;
- кўп ўлчовли ҳисобланади, чунки билим, фаолият усуллари ва шахсий хусусиятлар тақдим этилади.
- Бу бошланғич позициялар бўлажак муҳандисларнинг тадқиқот компетенциясини шакллантиришни амалга ошириш жараёнига қўйиладиган талабларни аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади, бўлгуси мутахассиснинг энг муҳим касбий фазилавларини ривожлантиришга қаратилган таълим жараёнини моделлаштириш ва лойиҳалаш нуктаи назаридан тадқиқотимизнинг концептуал ва назарий асосларини асослашга ёрдам беради. Тадқиқот компетенциясини самарали шакллантириш талабаларни келгуси касбий фаолиятга тайёрлашнинг мураккаб ва кўп векторли жараёнини амалга оширишга ёрдам беради. Бу тайёрлаш йўналиши бўйича асосий таълим дастурини жуда қисқа вақт ичида (4 йил) ўзлаштираган бакалавр талабаларга рационал ўрганишга, маълумот билан саводли ишлашга, тажрибавий муаммоларга мақбул ечимни топишга, тадқиқот натижаларини тўғри талқин қилиш, ўз тадқиқотларининг ижтимоий жиҳатларини таҳлил қилиш, шунингдек, малака талабларида белгиланган бир қатор зарур умумий маданий компетенцияларни ўзлаштиришга имкон беради. Тадқиқот компетенцияси компонентларининг қатта қисми амалиёт жараёнида шаклланади.

Адабиётлар:

1. Абдуллина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования / О.А. Абдуллина. - М.: Просвещение, 1990. - 141 с.
2. Агибова И.М. Роль практикума в формировании исследовательских умений студентов-физиков младших курсов / И.М. Агибова, О.В. Федина, М.А. Беджанян // Физическое образование в вузах. - 2010. Т. 16. - № 2. - С. 37-47.
3. Андреев А.А. Знания или компетенции? / А.А. Андреев // Высшее образование в России. - 2005. - №2. - С. 3-11.
4. Ащепков В.Т. Теоретические основы и прикладные аспекты профессиональной адаптации преподавателя

давателей высшей школы : дис. ... д-ра пед. наук : 13.00.01 / Ащепков Виталий Тимофеевич [Место защиты: Майкоп]. - Майкоп, 1997. - 355 с.

5. Бекназарова С.С. Медиаобразование для подготовки преподавателей: создание потенциала для информационного общества. // Монография. – Т.: Фан, 2016. – 100 б.

6. Бережнова Е.В. Профессиональная компетентность как критерий качества подготовки будущих учителей / Е.В. Бережнова // Компетентности в образовании: опыт проектирования: сб. науч. тр. - М.: Научно-внедренческое предприятие ИНЭК, 2007. - 327 с.

7. Вахобов М.М. Глобаллашув шаронтида ёшларни медиасаводхонлигини ошириш. Республика илмий-амалий семинари материаллари (Биринчи китоб). – Наманган, 2015. – Б. 77.

8. Зимняя И.А. Компетентностный подход в образовании. Методолого-теоретический аспект / И.А. Зимняя // Проблемы качества образования Материалы XIV всерос. конф. Кн. 2. - М., 2004. - С. 28-31.

9. Иванов, Д.А. Компетентности и компетентностный подход в современном образовании / Д.А. Иванов. - М.: Чистые пруды, 2007. - 32 с.

10. Инназаров М.А. Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш технологияларини такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида): Дисс. автореферати. – Т.: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ, 2020.

11. Комарова Ю.А. Научно-исследовательская компетентность специалистов: функционально-содержательное описание / Ю.А. Комарова // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцена. Сер. «Психолого-педагогические науки». - СПб: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2008. - Вып. 11 (68). - С. 69-77.

12. Лазарев В.С. Принципы и процедуры определения требований к результатам инновационного образования на основе компетентностного подхода: метод. рекоменд. / В.С. Лазарев и др. - М.: Изд-во МГУ, 2006. - 63 с.

13. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. / А.Н. Леонтьев. - М.: Политиздат, 1997. - 304 с.

14. Литовченко В.Н. Формирование исследовательских умений студентов педагогических специальностей университета средствами НИР: автореф. дис. ... канд. пед. наук : 13.00.01 / Литовченко Валентина Николаевна. - Минск, 1990. - 24 с.

15. Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларнинг тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш // “Замонавий таълим” илмий оммабоп журнали. Т.: - 2018. № 2.

16. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Дисс. автореферати. – Т.: ТДПУ, 2007.

17. Плотникова Н.И. Общеучебные компетенции в структуре дистанционного курса на английском языке / Н.И. Плотникова // Компетентности в образовании: опыт проектирования: сб. науч. тр. - М.: Науч.-внедр. предпр. «ИНЭК», 2007. - 354 с.

18. Умаралиева М.А. “Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш” диссертация автореферати. 2020 йил, 10 бет.

19. Умаралиева М.А. “Ўқитувчиларни касбий маҳорати ва компетентлигини ривожлантириш жараёнида мотивлаштириш”. – Т.: “Халқ таълими” журнали. 2015. – № 5.

20. Ушакова О.В. Исследовательская компетенция / компетентность, ее место в системе образовательных компетенций [Электронный ресурс] // Электронное научное издание «Актуальные инновационные исследования: наука и практика». Педагогические науки. Свидетельство о регистрации СМИ Эл № ФС77-36398 от 30.05.2009. - 2009. - №3. - URL: <http://www.actualresearch.ru> (дата обращения: 25.01.2022).

21. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы образования / А.В. Хуторской // Народное образование. - М., 2003. - №2. - С. 55-61.

22. Шишов С.Е. Понятие компетенции в контексте качества образования / С.Е. Шишов // Стандарты и мониторинг в образовании. - М., 1999. - №2. - С. 27-30.

23. Қодиров Х.Ш. Касб таълими ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларини шакллантиришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш методикасини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2017.

РЕЗЮМЕ

Ўшбу мақолада юртимиз ва хориж педагог олимлари ҳамда тадқиқотчилари томонидан компетентлик, компетенция, касбий компетенция, тадқиқотчилик компетенцияси тушунчаларига берилган таърифлар таҳлил этилган. Олий таълим жараёнида тадқиқотчилик компетенциясини шакллантириш зарурати ва унинг бўлажак муҳандисларнинг келгуси касбий фаолиятидаги муҳим ўрни ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқотчилик компетенциясининг асосий компонентлари мазмуни ва моҳияти баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются определения компетентности, компетенции, профессиональной компетент-

ности, исследовательской компетентности, данные отечественными и зарубежными учеными-педагогами и исследователями. Подчеркнута необходимость формирования исследовательской компетентности в процессе высшего образования и ее важная роль в дальнейшей профессиональной карьере будущих инженеров. Также описаны содержание и сущность основных компонентов исследовательской компетентности.

SUMMARY

The article analyzes the definitions of competence, competence, professional competence, research competence, given by domestic and foreign scientists, teachers and researchers. The necessity of the formation of research competence in the process of higher education and its important role in the further professional career of future engineers are emphasized. The content and essence of the main components of research competence are also described.

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ ҚАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Исмаилова З.К.

*п.ф.д., профессор. “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети*

Таянч сўзлар: ўқув-билиш компетентлик, мдул, модулли-рейтинг, технологик хужжат, интерактив таълим, техника ва технологиялар, педагогик таъхис, ихтисослик фанлари, назарий ва амалий машғулотлар, модул технологияси.

Ключевые слова: когнитивная компетентность, модульность, модульный рейтинг, технологическая документация, интерактивное обучение, технологии и технологии, педагогическая диагностика, специальности дисциплин, теоретическая и практическая подготовка, модульные технологии.

Key words: educational and cognitive competence, modular-rating, technological documentation, interactive education, engineering and technology, pedagogical diagnostics, specialization, theoretical and practical classes, modular technology.

Халқаро тажрибалар бўлажак мутахассисларнинг ўқув-билиш компетентлигини модулли-рейтинг таълими асосида такомиллаштиришни глобаллашув шароитларига мослаштириш, ўқитишнинг “Interactive professionalism” шаклини қўллашнинг муҳимлигини кўрсатмоқда Халқаро тажрибаларга қўра табиий, техник ва ижтимоий фанлар билан ишлаб чиқариш тузилмаларининг узвий алоқадорлигини чуқурлаштириш таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Модул технологиядан анча йилдан бери фанларнинг ўргатишда қўлланилиб келишига қарамадан, техник йўналишдаги фанларга кам қўлланилган. Модул фанининг фундаментал тушунчаларини маълум ҳодиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олиб ўрганеди.

Олий ўқув юртларида бериладиган барча мутахассисликлар фанлари ичида асосан фақат маълумот берувчи, ўргатувчанлик функцияси билан чегараланиб қолмасдан фикрни ривожлантирувчи, интеграллаштирувчи, тарбияловчи функцияларига ҳам эгадир. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир фан ўқитувчисига талабаларни нафақат шу фан тузилмасида мавжуд бўлган илмий маълумотлар билан қуроллантириш, балки улар эгаллаган илмий тушунчаларни ривожлантириш ва бошқа тушунчалар билан интеграллашувини таъминлаш ҳамда талабаларни миллий кадрлар руҳида тарбиялаш вазибалари ҳам қўйилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқитувчи-олим навбатдаги ўқув машғулотига тайёргарлик кўришида ўқув материални юқорида санаб ўтилган талаблар ва тамойилларга риоя қилган ҳолда

танлаши ва уни талабалар эътиборига ҳавола қилишида тегишли параметрлардан нумли фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиши унинг жамиятдаги ўрни педагогика олий ўқув юртидаги мажбурияти ва вазибаларига, ҳамда индивидуал қобилиятларига боғлиқ бўлади. Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги унинг индивидуал хусусиятлари (фикрлашнинг илмий таркиб топанлиги, ишга ижодий ёндашиши, ўз имкониятларини руёбга чиқаришга интилиши ва бошқалар) нинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Бўлажак касбий фан ўқитувчисининг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг психологик- педагогик шарт-шароитлари қарама-қаршилигини ҳис қилиш, уларнинг топиш учун эса ўзига хослик ва мақсадга мувофиқлик каби касбий атамаларнинг таркиб топишида намоён бўлади .

Модулли таълим педагогик технологияларнинг бир тури сифатида таълим жараёнига тобора кенгроқ ёйилмоқда. Модул сўзининг асл маъноси “модель” (франц. modele - намуна, лотинча – modulus – ўлчов) шартли образ (кўргазма, схема ва б.қ.) яъни объект ёки объектли тизим маъноларини билдиради. Умумий маънода модул технологиясини ўқитишда кўргазмали воситаларнинг бири сифатида ҳам тушуниш мумкин.

“Модул технологияси” термини халқаро тушунча модул билан боғлиқ бўлиб, унинг битта маъноси – фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Бу маънода у, модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган информация блоки сифатида тушунилади.

Касб таълими жараёнида модулли ўқитиш ва баҳолашнинг илмий-педагогик асослари Қ.Т.Олимов, С.Ю.Ашурова, И.Отабоев, Н.Ҳ.Авлияқулов, М.И.Даминов, Ю.К.Бабанский, В.М.Гореев, М.А.Чошанов, Ю.Ф.Тимофеева ва хорижий мамлакат олимлари П.А.Юцявичене, J.D.Russell, B.Goldschmidt, M.Goldschmidt, G.Owens томонидан ўрганилган[3,4,5].

Олий таълим ўқитувчисининг махсус фанларни ўқитишдаги муайян иш турлари қуйидагилардан иборат эканлиги ҳаммага сир эмас албатта. Улар айниқса ишлаб чиқариш-техник ва кўрсатмавий-технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, лаборатория ўқув усқуналарига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, техника ва технологияларнинг янги моделларини ишлаб чиқиш ва улардан дарс жараёнида самарали фойдаланиш ва ҳ.о.

Маълумки, анъанавий таълимда ўқув мақсадлари асосан, билим беришга модул технологияси асосида ўқитишда эса, талабалар фаолиятига йўналтирилади.

Модул – бу фаннинг бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган фундаментал тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган ва дидактик тамойил асосида тузилган ўқув материаллари бирлиги бўлиб, унда фан бўйича ўқув дастурлари қисқартирилган ва чуқурлаштирилган тарзда табақалаштирилади

Натижада босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади.

Агар талабаларни махсус фанлардан (мутахассисликка хос) модул технологияси асосида ўқитиш тўғри ташкил этилса, таълимнинг ҳар қайси босқичида улар янги ўқув материалларини ўзлаштиради, кўникма ва малакасини такомиллаштиради. Модул технологияси асосида ўқитиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади 1-расмда келтириб ўтилган [4].



Модул технологияси асосида ўқитишда дастлаб ўқув фанини ўқитишнинг мақсади ва мазмуни, модулларнинг мақсади ва мазмуни белгиланади. Ўқув мақсадлари модул якунида таълим-тарбия натижаси сифатида талаба эришиши лозим бўлган билим, малака

ва шахсий фазилатларни белгилайди. Ўқув мақсадлари тармоқ таълим стандарти талаблари асосида ишлаб чиқилади. Улар: Ўқув-дидактик материаллар ва ўқув воситалари дейилганда билим ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилувчи ахборот манбалари. Модул технологияси асосида ўқитишда ўқув-дидактик материаллар сифатида назарий дарсларда матнли визуал воситалар, масалан, ўқув адабиётлари, карточка ва маъруза матнлари, тарқатма материаллар, амалий машғулотларда эса курс материаллари, услубий кўрсатмалардан фойдаланиш.

Модулли ёндашув тамойиллари:

- Модуллик
- Мазмунни тузиш
- Динамик ҳаракатни таъминлаш (соддадан-мураккабга)
- Самарадорлик
- Эгилувчанлик
- Нагижаларни олдиндан аниқлаш
- Маслаҳатларнинг турли-туманлигини таъминлаш.

Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, нагижавийликни таъминлашга қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб хизмат қилади бу эса 2-расмда келтириб ўтилган. Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишга тайёргарлик кўриш, яъни назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш учун дастлаб уч йўналишда иш олиб борилади.

Биринчидан, талабаларнинг тайёргарлиги ҳолати таҳлил қилиниб, уларнинг билими, ўқув материалларини ўзлаштириш даражаси ва қобилияти тўғрисида маълумотга эга бўлинади. Чунки уларнинг ўзига бўлган ишончи, ўқишга бўлган қобилияти, шахсий ҳолати, жинси ва ёши таълим олишига муайян даражада таъсир кўрсатади. Талабаларни қобилиятига кўра табақалаштириш асосида уларга фанни мустақил ўзлаштириш тавсия этилади.



Иккинчидан, мавжуд шарт-шароитлар таҳлил этилади. У ўз ичига қуйидаги йўналишларни камраб олади:

Хуқуқий шарт-шароитлар таҳлили. Бунда таълим жараёнига тааллуқли ўқув режа ва дастурлар ўрганилади.

Машғулотларни ташкил этиш билан боғлиқ шарт-шароитлар таҳлили. Маз-

кур йўналишда модул таркибига кирган назарий ва амалий машғулотлар ташкил қилинадиган жой, ўқув устaxonалари ҳолати, амалий тажрибаларга тайёргарлик кўриш ва бошқалар ўрганилади.

Техникавий шарт-шароитлар таҳлили. Бунда техник жиҳоз ва мосламалар, ўқув ва ёрдамчи аудиовизуал воситаларнинг яроқлилиқ ҳолати, шунингдек, электр токи, сув ва ҳоказоларнинг мавжудлиги ўрганилади.

Учинчидан, махсус соҳалар таҳлил қилиниб, модуллар мазмунини белгилашда зарур бўладиган ўқув материаллари ва бошқа манбалар ўрганилади. Масалан:

- махсус соҳалар бўйича дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётлар;
- техникавий адабиётлар (илмий-техник журналлар, махсус мақолалар, патентлар);
- машина ва мосламалардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар.

Модул таркибига киритилган назарий машғулотларни куйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади [5].

Қизиқтириш (мотивация уйғотиш). Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишда назарий машғулотларни қизиқарли, ҳатто дарсга тааллуқли бўлмаган маълумот билан бошлаш мумкин. Масалан, мавзу билан боғлиқ қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикматни тушунтириш билан дарс бошланади. Бу ўқувчилар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади ва уларнинг шу соҳага ёки кейинги дарсларда ўрганиладиган мавзуга қизиқишига ёрдам беради.

Маълумот (билим) бериш. Ўқитувчи талабаларга касб-хунар соҳаси бўйича янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар, ўқув суҳбатлари уюштиради, ўйин-машғулотлар ўтказади. Янги модул бирлигини ўрганишдан аввал ўтилган модул бирликлари қисқача умумлаштирилган ҳолда такрорланади.

Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин талабалар ўзлари бажарган ишларни баҳолаши лозим. Натижаларни гуруҳларда очик-ойдин ва самимий муҳокама қилиш ҳам ўта самаралидир.

Модул фаннинг бўлим ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади. Модул ўқув материалининг мантқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилгандир. Модул-рейтинг таълим технологиясининг мақсади талабаларнинг мустақиллигини рағбатлантириш учун шарт-шароитларни яратишдан иборат. Модул-рейтинг технологияси фойдаланиш талабанинг модул билан мустақил ишлаш жараёнида ўқув-билиш фаолиятининг муайян мақсадларига эришишини таъминлайди.

Модул-рейтинг технологиясини амалда жорий этиш муайян педагогик шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ. Биринчи шарт-шароит: ўқитувчиларнинг мотивацияси. Иккинчи шарт-шароит: талабаларнинг мустақил таълим олиш ва билиш фаолиятини амалга оширишга тайёрилиги минимал билим ва амалий тажрибага эгаллиги. Учинчи шарт-шароит: модулларни кўпайтирилиши учун моддий имкониятларнинг мавжудлиги, ҳар бир ўқувчи дастурий таъминот билан таъминланган тақдирда самарали.

Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш ва мустаҳкамлаш учун топшириқлар бериш. Ўқувчи-талабаларга тафаккур қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар берилди. Бу уларга билимларни қабул қилишнинг нисбий нофаол фазасидан фаол фазасига ўтиш учун имкон яратади. Ўқувчи-талабаларни гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш, мустақил равишда топшириқлар бажариш, эришган натижаларини тақдим этишга ўргатиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – № 6 (766)-70-модда. – Т.: Адолат, 2017. – Б. 38.
2. Олимов К.Т., Авлиякулов Н.Х., Рустамов Р. Касбий фанларни ўқитишнинг модул тизими // Касб-хунар таълими. - 2003. - № 2. - 18 б.
3. Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Касбий таълимда модули технологиялар. – Ўқув қўлланма. - Екатеринбург, 1998. - 26 б.
4. З.Исмаилова Педагогика. Дарслик. Тошкент. Молия. 2010. 153 б.
5. Файзуллаев Р.Х., Исмаилова З.К. “Бўлажак муҳандис-педагогларда касбий компетенцияни шакллантиришнинг илмий-методик асослари”, Монография – Тошкент, “Адабиёт учқунлари”, 2018. 132 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича касбий компетенцияни тадқиқ этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишда модул технологиясидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган масалалар бўйича фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается состояние подготовки будущих специалистов к профессиональной деятельности, изучение их профессиональной компетентности в области специализации, разработка и внедрение инновационных методов педагогической диагностики, разработка инновационных методов обучения и использование модульных технологий

SUMMARY

The article discusses the study of the state of preparation of future specialists for professional activities, the study of their professional competence in the areas of specialization, development and implementation of innovative methods of pedagogical diagnostics, development and implementation of innovative methods of pedagogical diagnostics, the use of modular technologies in implementation and implementation in practice development of educational-methodical and instructive-technological.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚИШ ОРҚАЛИ БИЛИШ ЖАРАЁНИНИ МЕТОДИК ТИЗИМ ШАРОИТЛАРИДА БОШҚАРИШ

Шуқуров Б.

*“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университетининг Қариш ирригация
ва агротехнологиялар институти Математика ва табиий фанлар кафедраси*

Таянч сўзлар: илмий билиш, эмпирик билиш, анимация, рационал билиш, методология, концептуал, технологиялар, лойihalаш, конструкторлик.

Ключевые слова: научное познание, эмпирическое познание, анимация, рациональное познание, методология, концептуаль, технология, конструкторская.

Key words: scientific cognition, empirical cognition, animation, rational cognition, methodology, conceptual, technology, design.

Ўқиш орқали билишни инсон фаолиятининг интеллектуал турларига киритишади. В.И.Андреев ўқиш орқали билишга, таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини ошириш мақсадларида педагог томонидан ташкиллаштириладиган, таълим олувчиларнинг шахсий сифатларини ривожлантиришга кўмаклашадиган билимларни, қобилиятлар, кўникмаларни эгаллаш бўйича турли таълим вазибаларини ҳал этишга йўналтирилган иш сифатида қарайди. Олий ўқув юртида талаба ўқиш орқали билиш субъекти ҳисобланади. Унинг фаолияти таълим олишга қаратилган.

Ўқиш орқали билишнинг иккита босқичи ва усули фарқланади: ҳиссий ва рационал, бу борликни акс эттиришнинг иккита усулига, яъни ҳиссий образларда ва онда

акс эттириш усулларига тўғри келади. Ҳиссий билиш ҳис қилиш органлари (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, ушлаб сезиш, таъм билиш) ёрдамида амалга ошади. Унга қуйидагилар хос: бевоситалик (объектни тўғридан–тўғри акс эттириш); юзага келадиган образларнинг кўргазмали ва предметли экани; объектларни ҳодиса даражасида, яъни уларнинг ташқи томонлари ва хусусиятларини акс эттириш.

Ҳиссий билишнинг асосий шакллари: сезиш, идрок этиш, тасаввур қилиш. Сезиш объектнинг алоҳида хусусиятлари ва томонларини (ранг, ҳид ва ҳ.к.) акс эттиради ва алоҳида ўзи билиш объектнинг яхлит манзарасини бермайди. Идрок қилиш – сезишлар синтези, бунда предметнинг яхлит образи унинг томонлари ва хусусиятлари билан бирга шаклланади. Ва, ниҳоят, хотира ва тасаввур ёрдамида ўтмиш идрокларнинг кўргазмали акс этиши тасаввур каби образ шаклини келтириб чиқаради. Идрок қилиш билан солиштирганда у реал воқеликнинг кўпроқ умумлашган образи ҳисобланади, у реал воқеликни рационал акс эттиришга ўтиш имконини берувчи босқич бўлиб хизмат қилади. Аммо ҳиссий билиш – бу ахборотни объектдан субъектга узатишнинг пассив босқичи деб тасаввур қилмаслик лозим. Биринчидан, ҳиссий акс эттириш фаол, иккинчидан эса ижтимоий шартланган (сўз одамнинг ҳиссий акс эттириши ҳақида бормоқда) .

Рационал билиш – одамга хос бўлган фикрлаш ёрдамида борлиқни акс эттиришнинг мураккаброқ усулидир. Фикрлаш учта асосий даража билан тақдим этилиши мумкин, улар фикрлаш ривож тарихига мувофиқ келади: сенсорли–перцептив; тасаввурлар даражаси; вербал – мантикий даража (тушунчали фикрлаш даражаси). Унга қуйидагилар хос:

- ҳиссий акс эттириш натижалари, ҳиссиётлар орқали билиш;
- юзага келадиган образларнинг абстрактлиги ва умумлашганлиги;
- объектларни моҳиятлар, ички қонуний алоқалар ва муносабатлар даражасида акс эттириш.

Рационал билишнинг асосий шаклларига қуйидагиларни киритиш мумкин: тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалар, қонунлар, гипотезалар, назариялар. Рационал билиш жараёнига билиш субъекти (билувчи); билиш воситалари; билиш объекти (билиш жараёни қаратилган нарса) киритилган.

Атрофдаги оламни тадқиқот орқали илмий билиш фаолияти янги, олдин номаълум бўлган табиат қисмлари ҳақдаги физикавий билимларни кашф қилишга йўналтирилган. Мавжуд илмий билимларни ўзлаштириш ўқиш орқали билиш фаолиятида таълим олувчилар учун субъектив янги бўлган билимларни ўзлаштириш жараёни сифатида ўзлаштириш.

Билиш жараёнининг икки – ҳиссий ва рационал босқичга бўлиниши ҳиссий билиш рационал билишдан изоляцияланганлигини билдирмайди. Ҳиссий ва рационал билиш диалектик бирлиқни ҳосил қилади.

Методология нуктаи назаридан ўқиш орқали билиш жараёни – бу ягоналикдан (факлар, тушунчалар, қонунлар) умумийлик (назария) томонга, улардан эса чегаравий умумийлик (дунёнинг физикавий манзараси, дунёнинг табиий–илмий манзараси, дунёнинг илмий манзараси) томонга ҳаракатдир. Ягоналик ва умумийликдан чегаравий умумийликка ўтиш объектив оламни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Дунёнинг физикавий манзараси – бу билимларни бир тизимга солишнинг юқорирок даражасидир. Дунёнинг физикавий манзараси – бу қолган бошқа назарий ғояларни ўз ичига олувчи табиат моделидир.



1-расм. Ўқиб орқали билишнинг таркибий қисмлари

Ўқиб орқали билиш жараёнини мантиқий занжир шаклида тасаввур қилиш мумкин: эмпирик билиш назарий билиш. Билишнинг ушбу иккита тури даражали структурага эга.

Эмпирик билиш қуйдагиларни кўзда тутди: 1) кузатиш, эксперимент (билишнинг 1–даражаси); 2) эксперимент маълумотларини бир тизимга солиш ва эмпирик қонун билан ифодаланадиган индуктив умумлаштириш (эмпирик билишнинг 2–даражаси); 3) эмпирик қўллаш (эмпирик билишнинг 3–босқичи).

Билишнинг эмпирик методлари қуйдагиларни ўз ичига олади: экспериментал методларнинг ўзи – эксперимент маълумотларини кузатиш, ўлчаш, тавсифлаш; умумманتيқий методлар – эксперимент маълумотларини таҳлил ва синтез қилиш, эмпирик баҳоли моделлаштириш, эксперимент маълумотларини индуктив умумлаштириш. Эмпирик билиш эмпирик қонунларда ифодаланган назариянинг эмпирик асосини шакллантиради. Етарлича сийракланган газларда квазистатик жараёнлар қандай юз беради, деган саволга жавоб берадиган газ қонунлари шундай эмпирик қонунларга мисол бўлади.

Билишнинг назарий методлари умумманتيқий методларни ҳамда хусусий назарий методларни ўз ичига олади, масалан, гипотетик–дедуктив метод, хаёлий эксперимент методи, математик формаллаштириш методи, тизимли–структуравий ёндашув ва ҳ.к.

Билиш фаолияти – бу ҳиссий идрок, назарий тафаккур ва амалий фаолият бирлигидир. У фаолият ва ўзаро ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишларида (ишлаб чиқариш меҳнатида, бадий–эстетик фаолиятда, мулоқотда, ўқув жараёнидаги фан–амалий билиш ҳаракатларида) рўёбга чиқади. Бироқ фақат таълим жараёнидагина билиш фаолияти фақат одамга хос бўлган ўқиб–билиш фаолияти ёки ўқишда аниқ ифодаланади. Ўқиб орқали билишнинг 3 та даражасини ажратиш мумкин – ягоналик, умумий, чегаравий умумий (1–расм).

Ўқиб орқали билишнинг шаклланиши ва ривожланиши фикрлаш мантигининг ривожланиши билан боғлиқ. Фикрлаш мантиғи – бу фикр элементлари ва ушбу элементлар алоқаси мавжудлигининг қонунлари ва шакллари тизимидир. Фикрлаш мантиғи амалий фаолиятда шаклланади, шунингдек фаолиятда нарсаларнинг объектив алоқаси намоён бўлади, бу муқаррар равишда фикрлаш мантиғида акс этади. Ўқув билимлари фаолиятли табиатга эга – улар ўқиб–билиш фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

Физикавий назария тушунчалар, мулоҳазалар, ҳулосалар каби мантиқий тузилмалар (мантиқий birlikлар) билан ишлайди.

Тушунча – умумийлик объектларида акс этишнинг мантиқий шакли. Илмий билишда тушунча билим шакли сифатида шунчаки умумийликни эмас, балки моҳиятга эга умумийликни акс эттиради, шу боис мазмунли умумлашмаларга киради [5]. Масалан, ҳароратнинг молекулаларнинг ўртача кинетик энергияси ўлчамлари сифатидаги тушунчаси.

Мулоҳаза – объектда бир ёки бир нечта хоссаларнинг тасдиқлаш ёки рад этиш шаклида акс этишнинг мантиқий шакли. Мулоҳазада объектларда ягоналик ва

умумийликнинг мустақил равишда бўлиши ақс этади. Масалан, физикавий тизим ҳолатининг тизим энтропияси каби функцияси мавжудлиги ҳақидаги фикр.

Хулоса –объектда ягоналик, умумийлик ва алоҳидалик ақс этишининг мантикий шакли. Масалан, табиатда энергияни ташишнинг фақат икки усули – иш ва иссиқлик – мавжудлиги ҳақидаги фикр. Тушунчалар умумлаштирувчи фикрлар сифатида тўпланганида уларни у ёки бу белгилар бўйича таснифлаш, уларнинг ўхшаш томонлари ва фарқларини аниқлаш имкони юзага келади. Тафаккурда интеграл тушунчалар – категориялар ишлаб чиқилади. Категориялар – бу билишда борлиқнинг энг умумий ва муҳим хусусиятлари ва муносабатларини ақс эттирувчи концептуал тушунчалардир. Хусусий тушунчалар муайян категориялар муҳитда мавжуд бўлади. Масалан, термодинамик тизим ҳолатининг функциялари тушунчасига категориялар тушунча сифатида, ҳарорат тушунчасига ички энергия тушунчаси сифатида, энтропия тушунчасига ушбу категориянинг хусусий элементлари сифатида қараш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ожегов С. И., Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка.– Москва: Азбуковник, 2006. – 944 с.
2. Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения.–Москва: Педагогика, 1986. – 240с.
3. Пологрудов В. А. Вопросы методики преподавания физики в ВУЗе. – Кемерово. – КГУ,1979. – 122 с.
4. Советский энциклопедический словарь. /А. М. Прохоров.–Москва: Советская энциклопедия, 1981. – 1600 с.: ил.
5. Краевский В. В. Дидактический принцип как структурный элемент научного обоснованного обучения.–Челябинск: ЧГПИ, 1985. – с. 3–12.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда дастурий воситалардан фойдаланиш орқали лойihalаш, конструкциялаш, илмий-тадқиқот каби касбий фаолият турларига тайёрлаш келтириб ўтилган, бундан ташқари билишнинг назарий методлари умумманткиий методларни ҳамда хусусий назарий методларни ўз ичига олади, масалан, гипотетик–дедуктив метод, ҳаёлий эксперимент методи, математик формаллаштириш методи, тизимли–структуравий ёндашувлар тушунтириб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается подготовка студентов к таким видам профессиональной деятельности, как проектирование, строительство, исследование с использованием программного обеспечения при подготовке к профессиональной деятельности, кроме того, к методам теоретического познания относятся общие и специфические теоретические методы, например, гипотетико-дедуктивный метод, метод воображаемого эксперимента, метод математической формализации, структурно-структурный подходы.

SUMMARY

This article discusses the preparation of students for such types of professional activity as design, construction, research using software in preparation for professional activity, in addition, the methods of theoretical knowledge include general and specific theoretical methods, for example, the hypothetical-deductive method, the method of imaginary experiment, the method of mathematical formalization, structural-structural approaches.

БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Тўхтаева Ф.Ш.

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг таянч докторанти

Таянч сўзлар: замонавий талаб, инновация, бакалаврият, педагогик фаолият, таълим самардорлиги, шахсни ривожлантириш. бўлажак ўқитувчилар, касб таълими, компетенция, компетентлик, касбий компетентлик, фанлараро интеграция, интегратив-дифференциал ёндашув.

Ключевые слова: современный спрос, инновации, бакалавр, педагогическая деятельность, эффективность обучения, личностное развитие. будущие учителя, профессиональное образование, компетентность, компетенция, профессиональная компетентность, междисциплинарная интеграция, интегративно-дифференциальный подход.

Key words: modern demand, innovations, bachelor's degree, pedagogical activity, teaching effectiveness, personal development. future teachers, professional education, competence, competence, professional competence, interdisciplinary integration, integrative-differential approach.

Ўзбекистон Республикасидини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” устувор вазибалари таълим муассасаларида таълим олувчи шахсини ривожлантириш масалалари долзарблигини кўрсатади. Таълим жараёнида шахсий ривожланиш масалалари эса асосан, коллективизмни тарбиялаш, шахснинг ва жамоанинг ўзаро алоқаси асосида талкин қилинган эди. Ҳозирги вақтда таълим мазмунини ижтимоийлаштириш оммалашмоқда, шахслараро муносабатларда шахс маънавиятининг қиммати кўтарилмоқда. Шунингдек, “шахс” тушунчасига берилган таърифларнинг ўзи унинг ривожланишини назарда тутуди.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллаш олиши. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутуди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англаш олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллаш билишни тақозо этади.

Жаҳонда касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг шахсий ва касбий сифатлари (рефлексивлик, ўз-ўзини фаоллаштириш, яратувчанлик, ижобий “Менконцепцияси” ва мақбул ахборотларни излаб топиш ва уларга ишлов бериш ҳамда ахборот технологияларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш)ни ривожлантиришга қаратилган вариатив таълим технологиялари асосида уларда мустақил ҳаракат қилиш ва ўз-ўзини ривожлантиришга ўргатиш катта аҳамият касб этади.

Шунинг учун талаба шахсини ривожлантириш, уларни педагогик ижодиётга, янгилликка интилиш ва яратувчанликка йўналтириш масалаларига кам эътибор қаратилганлиги ҳамда уларнинг инновацион фаолият олиб бориш қобилиятларини шакллантиришда шахсга йўналтирилган технологияларини самарали қўллашнинг илмий-педагогик асослари, аҳамияти ва имкониятларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Талаба шахсини ривожлантириш шартларидан бири ташкилий таълим жараёни ҳисобланади. Бироқ, авваламбор, “шахсни ривожлантириш” айнан нимани англатишини аниқлаб олиш зарур. Ўз моҳиятига кўра, шахсни ривожлантириш унинг имкониятлари доирасини ва амалга оширилган қобилиятларини ва оқибати сифатида – ҳаракатлар, интилишлар, билишга оид ва ижтимоий фаолликнинг кенгайишини англатади. Педагогик нуқтаи назардан шахсни ривожлантириш “бажара оламан” контекстида мақсадга йўналтирилган ҳолда кенгайтиришни англатади. Ўз-ўзидан “бажара оламан” тушунчаси талабанинг бирор фаолият турига киришганлигини ва

унинг муваффақиятини таъминламайди, чунки маълум асос, сабаб, ундовчи кучлар ва интилишлар билан бирга кечмайди. Чунки, “бажара оламан” атамаси кўникмалар тўпламига айнан тенглаштирилмайди. У шунингдек, ўз ичига шахснинг интилишларини қамраб олади.

Бинобарин, таълим жараёни шахсга йўналтирилган ёндашув доирасида, аввало, талабаларнинг интилишларини шакллантиришга ва такомиллаштиришга қаратилган бўлиши керак.

Интилиш – бу инсоннинг ўз-ўзидан роҳатланиш сифатида ҳис этиладиган кечинмаларини амалга ошириш ҳаракатлари, жараёнларини рўёбга чиқаришга йўналтирилганлигидир. Ҳаракат қилиш мумкинлигининг ўзи уйғонишга айланади, ҳаракат қилиш истагининг қаноатлантирилиши эса ҳаракатланиш имкониятининг орттишига ундайди. Педагогик жараён шароитида бундай интилишларнинг шакллантирилиши тўғрисида сўз юритадиган бўлсак:

- билишга оид соҳада (интеллектуал ривожланиш);
- кечинмалар соҳасида (ҳиссиётнинг ривожланиши) – ҳиссиёт соҳасида бошқа кишига унинг ҳиссиётларига фаол шерик бўлишнинг намоён қилиниши устувор ҳисобланади (ўз ҳиссиёти ҳолатини қабул қилиш, бошқа кишиларнинг ҳиссиёти ҳолатларини тушуниш қобилияти).
- фаолият соҳасида (хулқ, операционал компонент). Талабалар хулқининг мустақиллиги тўғрисида уларнинг маълум эҳтиёжи сифатида гапириш лозим.

Бизнинг фикримизча, шахснинг ривожланишини таълим олувчининг ҳаётдаги ўз муваффақияти учун шахсий жавобгарлигининг, унинг фаолиятнинг турли хил соҳаларида ва мулоқотда маълум натижаларга эришиш учун шахсий ҳаракат қилишга тайёр туришнинг шакллантирилиши нуқтаи назаридан ҳам қараб чиқиш мумкин. Касбий педагогика фанида ва амалиётида бу муаммо кўп жиҳатдан шахс устидан ҳукмронлигини белгилаб берувчи мос равишда пештахтага руҳий босимни – очик ёки ёпиқ ҳолда олиб чиқувчи қатъий авторитар кўрсатма тарзида ҳал этилади. Ўз фаолияти учун жавобгарлик шахснинг қизиқишлари, унинг жамият субъекти сифатидаги ўз олддаги масъулияти нуқтаи назаридан эмас, балки ташқаридан, меъёрий талаблар асосида берилиши салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Демак, жамият ривожининг ўзгариб кетган ижтимоий-иқтисодий шароитлари таълим тизимига, уни ислоҳ қилишнинг мақсадларига, йўналишларига, ўқитувчининг касбий фаолиятига; таълим тизимининг эгилувчанлигини (мослашувчанлигини) ошириш, таълим тизимларида ҳақиқий вариативликни яратиш, педагогик фаолият жараёнида таълим олувчиларнинг индивидуал талабларини ва шахсий имкониятларини янада тўлиқроқ ҳисобга олишга бўлган талабларни тузатишни назарда тутади. Жумладан, таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари таълимнинг муқобиллигида ва индивидуаллаштирилишида, таълим шакллари ва турларини кенгайтиришда кўрилади. Бошқача қилиб айтганда, таълим олувчилар таълимнинг мазмуни ва процессуал жиҳатларини танлаш зарурлиги ва танловни таълимнинг мазмуни сифатида ҳам, унинг шакллари ва методлари, ўқув фаолиятининг турлари сифатидаги ҳам “танлаш майдони”ни кенгайтириш ёрдамида, талабанинг ҳақиқий қизиқишлари ва имкониятларига яқинлаштириш зарурлиги таъкидланади.

Олиб борилган тадқиқот натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида олий таълим муассаларидаги 5111000 – Касб таълими бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режалари ва фан дастурлари таҳлил қилинганда, қуйидаги муаммолар борлиги аниқланди:

- умумкасбий фанларини ўқитишда бўлажак касб таълими ўқитувчисининг

мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги;

- бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда педагогик инновациялардан машғулотлар ва семинарларини ўтказишда ҳамда ўқув материалларини ишлаб чиқишда кам эътибор қаратилаётганлиги;
- “Касб таълими методикаси”, “Таълим технологиялари”, “Педагогик маҳорат” фанларидан талабаларни ижодий фикрлаш, янгиликларни излаш ва амалда қўллашга йўналтиришга етарлича аҳамият берилмаётганлиги;
- ахборот технологияларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш ва электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича билим, кўникмаларни ва малакаларни шакллантиришга кам эътибор қаратилганлиги.

Юқоридаги муаммо ва камчиликлар касб таълими битирувчиси ўзининг дастлабки педагогик фаолиятини олиб боришида қийинчиликлар келтириб чиқаради. Бу эса, унинг ўзида ўқитиш методикасини ва педагогик маҳоратини етарли даражада шакллантириши учун доимо ўз устида ишлаб боришни тақозо этади. Иккинчидан, педагог ўқитадиган махсус фани бўйича янгиликларни излаши, таҳлил қилиши ва энг муҳим маълумотларни ўқув жараёнига татбиқ қилиб боришга эътиборли бўлиши зарурлигини кўрсатади.

Демак, касб таълими бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасининг асосий вазифаси шундай таълим муҳитини яратишдан иборатки, у жамият манфаатлари йўлида замонавий, юксак педагогик маҳоратга эга, инновацион фаолият олиб боришга қодир бўлган ўқитувчини тайёрлашга йўналтирилган бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан, бўлажак касб таълими ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашни бакалавриатнинг биринчи босқичиданоқ бошлаш мақсадга мувофиқ. Жумладан, талабаларда янгиликка интилиш ҳиссини йўғотиш, мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш ўқишнинг дастлабки йиллариданоқ бошланса, у ҳолда 3-босқичда педагогик-психологик туркум фанларини бўлажак касб таълими ўқитувчисини инновацион фаолият олиб боришга йўналтириб ўқитиш, 4-босқичга келиб эса уларга янгиликларни мустақил равишда излаб топиш, релевант ахборотларни танлаб олиш ва амалга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш лозим бўлади. Бу босқичларнинг барчасини амалга ошириш жараёнида шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Илмий манбаларнинг назарий таҳлили шуни кўрсатдики, шахсга йўналтирилган таълим талабаларда мустақил ўрганиш, коммуникативлик, когнитивлик, креативлик, ўз-ўзини ривожлантириш ва намоён қилиш (экзистенциаллик) каби қобилиятларни ривожлантиришга имкон яратади.

Демак, шахсга йўналтирилган таълим шундай ташкил этилиши керакки, бунда у таълим олувчиларни ҳам ўқув, ҳам ижтимоий хусусиятга эга муаммоларни мустақил ҳал қилишларига қаратилган бўлсин. Таълим олувчининг ўзининг ютуғи ва мағлубияти учун жавобгарлик ҳисси реал вазиятни мустақил баҳолаши ва ҳулқатворни ўзи танлаши орқали шакллантирилади.

Шундай қилиб, педагогик инновациянинг ўзига хослиги шундаки, у асосан “педагог ва талаба”нинг шахсий сифатлари билан мувофиқлаштирилади. Чунки, педагогик фаолият олдиндан ишлаб чиқилган ва идеаллаштирилган лойиҳа асосида ташкил қилинади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини шахсга йўналтирилган технологиялар асосида инновацион фаолиятга тайёргарлигини баҳолаш учун бир-бирини тўлдирувчи

қўйдаги баҳолаш мезонлари (мотивацион, когнитив, жараёнли, инновацион) аниқлаш мумкин бўлади:

Мотивацион мезон – касбий фаолиятни шакллантиришга қизиқиш (фаол фаолиятга ички интилиш); касбий вазифаларни ечишда инновацион фаолият ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларнинг зарурлигининг англаш лаёқати; Когнитив мезон – касбий фаолиятнинг методологик асослари, турлари, мазмуни ва аҳамияти тўғрисидаги билимлар тизимининг шакллантириш лаёқати; Жараёнли мезон – касбий фаолиятнинг барча функционал компонентларини амалда қўллаш ҳамда ўз ўзини фаоллаштириш ва бошқариш лаёқати; Инновацион мезон – креатив салоҳият; педагогик фаолиятга танқидий қараш; таълимнинг ностандарт шакли, методи ва воситаларини яратиш лаёқати.

Коммуникативлик даражада эса, талабаларнинг педагогик жамоа ва ўқув жараёнида таълим олувчилар билан ўзаро муносабат ва мулоқотга киришиш кўникмаларининг шаклланишини ифодаланади. Интеллектуаллик даражада талабаларнинг шахсий қобилиятлари ҳамда касбий билим, кўникма ва малакаларини манткий ва тизимли ёндашув асосида педагогик фаолиятда қўллай билиши, ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиши ҳамда ностандарт педагогик вазиятларда тезкор ва мақбул қарор қабул қилиш каби кўникмалар тушунилади. Ижодий-яратувчанлик даражада эса, бўлажак касб таълими ўқитувчилари касбий камолотининг энг юқори чўққиси бўлиб, унда педагогик фаолиятни инновацион тарзда олиб бориш, педагогик инновацияларни ишлаб чиқиш, амалда қўллаш ва илмий-тадқиқот ишларини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш ва ўтказиш кўникмаларининг шаклланиши кўзда тутилади.

Олиб борилган тадқиқот натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида талабаларни фаоллаштирувчи, мустақил ҳаракатга ундовчи ва доимий янгиликка интилишга қаратилган бир қатор таълим технологиялари ишлаб чиқилди. Ушбу технологияларнинг назарий жиҳатлари, амалда қўллаш имкониятлари ва афзалликлари ўрганилди. Жумладан, “Ҳаракатга йўналтирилган таълим” технологиясида касб-ҳунар таълими учун муҳим бўлган меҳнат фаолиятларига йўналтирилган ўқув жараёнини иш-ҳаракат билан ўқитиш асосида ташкил этиш ва ўтказиш орқали талабаларда касбий ва шахсий компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш ғояси илгари сурилади.

“Фаолиятга йўналтирилган таълим” технологияси - талабаларнинг фаол иштирокидаги ўқитиш бўлиб, унда ўқитувчи ва талабалар орасидаги мувофиқлаштирилган ҳаракат орқали ўқув жараёни ташкил этилади ва бошқарилади. Ушбу таълим технологияси асосини ўқув вазиятлари ташкил қилади.

Ўқув вазиятлари – бу ўқув дастурининг элементлари бўлиб, ўқиш ва ўрганиш жараёнини ташкил этишда ўқув майдонини аниқлаштиради; таълим мақсади ва касбий малакаларни эгаллашга, фаолиятга йўналтиради; топшириқни бажаришда вазифалар ҳар томонлама ва ишончли қўйилади; мутахассислик бўйича назарий билимларни амалиёт билан боғлайди; ўзида мустаҳкам ўзаро боғланган ҳаракатларни намоиш қилади.

“Латерал фикрлаш” технологияси – бу таълимга ижодий ёндашув бўлиб, таълим олувчининг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. У “ён томондан фикрлаш”, “ностандарт фикрлаш”, нуқтаи назар ўзгариши ва “ғояларни ижодий топиш” жиҳатдан устувор вертикал фикрлашни кенгайтиради. Латерал фикрлашнинг дидактик мақсади, муаммоли масалаларни ечишда талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришдан иборат. Мето-

дик мақсади эса маълумотларни қайта ишлашнинг анъанавий, одатий усулларида фарқи бўлган йўллар орқали альтернатив, ижодий, ностандарт ғоялар ёки таклифларни яратиш ҳисобланади.

Ўтказилган назарий изланишлар ва экспериментал тадқиқотлар асосида бўлажак касб таълимини ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик инновацияларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Касб таълими йўналишлари малака талабларида кўрсатилган касбий ва шахсий қобилиятларни шакллантиришда ўқув режасидаги умумқасбий фанлар блокидаги педагогик психологик фанлар мазмунини шахсга йўналтирилган илғор таълим технологиялари билан бойитиш ҳамда ўқув режага инновацион таълим технологияларига оид махсус курсларни кенгрок жорий қилиш лозим.

2. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион салоҳиятини шакллантириш учун уларни 1-курсдан бошлаб босқичма-босқич инновацион фаолиятга ўргатиш, мустақил равишда инновацион ғояларни излашлари ҳамда амалий ишланмалар билан инновацион танловлар ва лойиҳалардаги иштирокларини таъминлаш ҳамда битирув малакавий ишлари мавзуларини инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва педагогик муаммоларнинг ностандарт ечимларини топишга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Борисова Е.М. Профессиональное самоопределение: личностной аспект.: Автореф. дисс. ... докт. психол. наук. – М., 1995. – 41 с.
2. Зеер Э.Ф. Психология профессионального образования. – М.: «Академия», 2013.
3. Хамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси: Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2017.
4. Каримова Н.Н. Касбий компетентлик тушунчаси ва унинг мазмунмоҳияти // Касб-хунар таълими. – Тошкент. 2011.- № 3.-Б. 20-23. (13.00.00; № 19).
5. Каримова Н.Н. Касб таълими ўқитувчиларининг коммуникатив компетентлигини шакллантириш // Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент. 2011.- № 5.- Б. 17-19. (13.00.00; № 4).
6. Каримова Н.Н. Касбий таълимга компетент ёндашув // Таълим тизимида ижтимоий – гуманитар фанлар. – Тошкент. 2011.- № 1.-Б. 150-153. (13.00.00; 2011.01.07., ОАК Раёсати қарори).
7. Каримова Н.Н. Касб таълими ўқитувчиларини амалий компетентлигини шакллантириш масалалари // Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент. 2012.- № 2. – Б.19-20. (13.00.00; № 4).
8. Каримова Н.Н. Узлуксиз таълим тизимида касб-хунар таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш // Узлуксиз таълим. – Тошкент. 2014.- № 4. – Б.110-114. (13.00.00. №09)

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада олий таълим муассасалари талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик инновацияларнинг ўрни очиқ берилган. Шунингдек, бутунги кунда талабаларнинг шахсий ривожланиши уларнинг келгуси касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этиши ёритиб берилган. Бундан ташқари, педагогик инновацияларни олий таълим тизимида қўллаш таълим сифати ва самарадорлигини ошириши кўрсатилган ҳамда педагогик инновацияларни ишлаб чиқиш, амалда қўллаш босқичлари ва мавжуд муаммоларга ечим топиш юзасидан тавсиялар келтирилган. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетентликини шакллантириш ва унинг мазмун-моҳияти, таянч компетенциялар уларнинг касбий фаолиятга тайёрлашдаги ўрни ва аҳамияти, фанлараро алоқалар орқали талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлардан билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, педагогик ва техник билимлар асосида талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш механизми ҳамда унга интегратив-дифференциал ёндашув каби масалалар ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрывается роль педагогических инноваций в подготовке студентов к высшему образованию. Также подчеркивается, что личностное развитие студентов сегодня играет важную роль в их будущей карьере. Кроме того, применение педагогических инноваций в системе высшего образования позволит повысить качество и эффективность образования, а также рекомендации по разработке педагоги-

ческих инноваций, этапы их внедрения и пути решения существующих проблем. Формирование и содержание профессиональных компетенций у будущих педагогов профессионального образования, роль и значение базовых компетенций в их подготовке к профессиональной деятельности, формирование у студентов знаний, умений и навыков по общеобразовательным и специальным дисциплинам через межпредметные связи, механизм формирования профессиональная компетентность студентов, основанная на педагогических и технических знаниях, освещаются такие вопросы, как интегративно-дифференциальный подход.

SUMMARY

This article reveals the role of pedagogical innovations in preparing students for higher education. It is also emphasized that the personal development of students today plays an important role in their future career. In addition, the use of pedagogical innovations in the higher education system will improve the quality and efficiency of education, as well as recommendations for the development of pedagogical innovations, the stages of their implementation and ways to solve existing problems. The formation and content of professional competencies in future teachers of vocational education, the role and importance of basic competencies in their preparation for professional activities, the formation of students' knowledge, skills and abilities in general education and special disciplines through interdisciplinary connections, the mechanism for the formation of students' professional competence based on pedagogical and technical knowledge, highlights issues such as the integrative-differential approach.

KOMPETENTLI YONDASHUV ASOSIDA O'LAJAK MUHANDISLARNING UMUMKASBIY TAYYORGARLIGINIRIVOJLANTIRISH

G'ofirov M.J.

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti katta o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: kompetentli yondashuv, muhandis, ta'lim mazmuni, konseptual asoslar, kompetentli model, kompetentlikni shakllantirish.

Ключевые слова: компетентностный подход, инженер, содержание образования, понятийный аппарат, компетентностная модель, формирование компетентности.

Key words: competence-based approach, engineer, content of education, conceptual apparatus, competence-based model, competence formation.

Ta'lim sifati muammosini hal qilishda kompetentli yondashuv tobora ko'proq qo'llanilmoqda, u ta'lim mazmuni sifatini baholashni asosiy kompetensiyalarni o'zlashtirish darajasiga yo'naltiradi. Uni amalga oshirish oliy ta'limning bilim yo'nalishlarini egallashga yordam beradi, ta'lim mazmuni, uning usullari va texnologiyalari to'g'risida yangi tasavvurga olib keladi.

Kompetentli yondashuv quyidagi tushunchalarni o'z ichiga oladi:

- bo'lajak muhandisni kasbiy tayyorlashning asosiy modellari haqidagi g'oyalar;
- «bo'lajak muhandisning kasbiy kompetentligi» tushunchasining mohiyatini tushunish;
- muhandislik kasb ta'limi jarayonida kasbiy kompetentlikni shakllantirish mantig'i;
- muhandislik kasb ta'limida qo'llaniladigan kompetentli yondashuvni ilmiy-metodologiyasini ishlab chiqish.

Muhandislik tafakkurining xususiyatlari kasbiy ta'limni mazmunan qurish zarurligini isbotlagan, u tayyor bilimlarni uzatishga emas, balki ushbu bilimlarni izlashni va uni haqiqiy kasbiy vaziyatlarni simulyatsiya qiladigan vaziyatlarda qo'llashni o'rganishga qaratilishi lozim.

Kasbiy ta'limni yangilashning asosiy yo'nalishi bo'lajak muhandisga o'quv jarayonida faol yondashuvni shakllantirish, kasbiy faoliyatni yaxlit tizimli qurish tajribasini shakllantirishga, unda tizimli harakatlarga, yangi muammolar va vazifalarni hal qilishga hissa qo'shish yo'llarini topishdir.

Muhandislik ta'limi mazmunini qurishda yangicha yondashuv bitiruvchilarga kasbiy muhitdagi o'zgarishlar dinamikasiga ham, tashqi mehnat bozori sharoitlariga ham tez moslashishga imkon beradi.

I.A.Zimnyaya ta'lim jarayonida, birinchi navbatda, «ba'zi ichki, potensial, yashirin psixologik neoplazmalar (bilimlar, harakatlar dasturlari (algoritm)lari), qadriyatlar va munosabatlar tizimlari» o'rnatilishi lozimligini ta'kidlaydi.

B.Geranzonning takidlashicha kompetentli yondashuvning konseptual asoslari ta'lim mazmunining semantik yukini va hatto bilimlarning boshqa iyerarxiyasini tubdan qayta aniqlaydi. An'anaviy ta'limning asosini nazariy bilimlar tashkil etadi, uning asosida amaliy bilimlar (yoki mahorat) voqelikni o'zgartirish uchun quriladi degan.

Kasbiy faoliyat jarayonidagi dialog (yoki unga taqlid qilish) nafaqat nazariy bilimlardan amaliyga o'tish uchun sharoit yaratadi, balki ko'proq malakani oshirish uchun zamin yaratadi. Kompetentlik paradigmasida nazariy bilimlar amaliy faoliyatni modellashirish uchun birinchi o'ringa qo'yilishi kerakligini taklif qiladi. Jak Delorsning fikricha, kompetensiya - bu o'zingizni yaratish qobiliyatingizdir: bilishni o'rganing, qilishni o'rganing, birgalikda ishlashni o'rganing, birgalikda yashashni o'rganing, - deb ta'kidlaydi.

Ignatevning kompetentlik paradigmasida umumlashgan mazmun quyidagi jadvalda keltirilgan.

1-jadval

Kompetentlik paradigmasining umumlashgan mazmuni

Bilimlar hajmi	faqat minimal va yetarli miqdordagi fundamental bilimlar belgilanadi, qolganlari ta'lim vazifalarining mohiyati bilan belgilanadi, shuning uchun u yo'nalishlarda farq qilishi mumkin
Axborot-ta'lim jarayonining o'rni	axborot-muammolarni hal qilish uchun intellektual faoliyat rivojlanadigan mavzu sohasi sifatida
O'qituvchi-talaba, talaba-talaba o'zaro ta'siri	birgalikdagi faoliyat o'zaro ta'sirning subyekt-subyekt xususiyatini nazarda tutadi
Ijtimoiy-shaxsiy ta'lim	refleksiya asosida talabalar tomonidan qayd etiladigan ta'limning rejalashtirilgan natijasi
Subyektiv bilimlarni shakllantirish	faoliyat jarayonida namoyon bo'ladi va tashxislanadi; shaxsiy bilimlar faoliyatni amalga oshirish shartidir
Ta'lim sifatini baholash	mazmunli bilim, shaxsiy bilimni oshirish
Ta'lim natijalarini baholash	olingan va amaliy bilimlarning sifati, faoliyat natijalari
Ta'lim natijasi	kompetentlik

Ta'limning kompetentli modeli uchun:

- birinchidan, ta'lim natijasini shaxsning ma'lum bir vaziyatda yetarli harakatlarga tayyorligini aniqlash. Insonning kasbiy faoliyatga tayyorligi fenomeniga ushbu faoliyatni amalga oshirish qobiliyati va motivi, uni amalga oshirish istagi kiradi;
- ikkinchidan, kompetensiyaga yo'naltirilgan ta'limda o'quv jarayonini tashkil etishning ma'nosi shunday shart-sharoitlarni yaratishdir, bunda yangi ma'lumotlar nafaqat rasmiy ravishda o'zlashtiriladi, balki talabaning ichki resursining bir qismini tashkil etadi, ya'ni. amaliyotning har xil turlarini o'zlashtirish jarayonida faoliyat usullarini o'zlashtirish mexanizmi ishlab chiqiladi;

- uchinchidan, talabalarning ilmiy yutuqlarini baholash aniq mezonlarga ega bo'lgan oldindan belgilangan sifat standartiga asoslanadi.

Kompetentlik mohiyatini mahalliy va xorijiy tadqiqotlarni sarhisob qilar ekanmiz, biz kompetentlikni bilim, ta'lim va hayotiy tajriba, qadriyatlar va moyilliklardan foydalangan holda haqiqiy hayotiy vaziyatlarda yuzaga keladigan muammolar va tipik vazifalarni hal qilish qobiliyatini belgilaydigan shaxsning ajralmas xususiyati sifatida tushunamiz. Qobiliyatlar - individual psixologik xususiyatlar, ma'lum bir faoliyat turini muvaffaqiyatli bajarish sharti bo'lgan shaxs fazilatlarining xususiyatlaridir. Kompetentli yondashuv muhandislik ta'limi muammolarini hal qilish mantig'ini belgilaydi.

V.A.Kozirev, N.F.Radionova, A.P.Tryapitsina tomonidan ishlab chiqilgan «Pedagogik ta'limda kompetentli yondashuv» monografiyasi mualliflarining fikriga ko'ra, mutaxassisning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirish mantig'i g'oyasi quyidagicha talqin etilgan: birinchi bosqich-kelajakdagi kasbiy faoliyat sharoitida asosiy kompetensiyatlarni rivojlantirishga qaratilgan; ikkinchi bosqichda talaba kasbiy vazifalarga «sho'ng'iydi», ularni hal qilish usullarini o'rganadi, bu asosiy kompetensiyalarni shakllantirishga yordam beradi; uchinchi bosqich-bu asosiy rivojlantirishga asoslangan maxsus kompetensiyani shakllantirish bosqichi. Keyin maxsus kompetensiyalarni rivojlantirish bosqichi keladi. Bu shuni anglatadiki, kasb-hunar ta'limining butun jarayoni kasbiy vazifa sifatida kasb-hunar ta'limi mazmunini qurishga asoslangan.

Asosiy kompetensiya kasbiy faoliyatning asosiy vazifalari to'g'risida zamonaviy tushunchani aks ettirishi kerak, tayanch esa ularni hal qilish yo'llarini ko'rsatishi kerak deb taxmin qilish mumkin. Maxsus kompetensiya kasbiy muhandislik faoliyatining o'ziga xos xususiyatlariga nisbatan tayanch va asosiy kompetensiyalarni amalga oshiradi.

Insonning hayotiy muvaffaqiyati uchun zarur va yetarli bo'lgan asosiy kompetensiyalarni tanlashning aniq mezonlari hali ishlab chiqilmagan. Oliy ta'lim bitiruvchisi qancha va qanday kompetensiyalarga ega bo'lishi kerakligi jamiyatning ijtimoiy buyurtmasi bilan belgilanadi, ish beruvchilarning so'rovlariga, bitiruvchilarning mehnat bozorida raqobatbardoshligiga qo'yiladigan talablarga, jamiyatdagi ijtimoiy-madaniy vaziyatga va boshqalarga bog'liq.

Asosiy vakolatlari aniqlash uchun bizning taklif yondashuv YUNESKO hujjatlaridagi asosiy maqsad va vazifalarga keladi - bilim olish uchun o'rgatish; ish va kasb o'rgatish; yashash uchun o'rgatish; birgalikda yashashga o'rgatish. Shu bilan birga, yuqoridagi yondashuv ta'limning an'anaviy qadriyatlariga ham mos keladi (dunyoning ilmiy manzarasini tushunishga yo'naltirish, ma'naviyat, ijtimoiy faoliyat).

V.A.Kozirev, N.F.Radionova, A.P.Tryapitsina tomonidan ishlab chiqilgan «Pedagogik ta'limda kompetentli yondashuv» monografiyasida tadqiqot davomida muammo bo'yicha adabiyotlarni tahlil qilish asosida dunyoda sodir bo'layotgan doimiy o'zgarishlardan kelib chiqadigan talablarni aniqlaydigan muhim kompetentlik belgilari belgilanadi:

1. Kompetentlik muayyan sohalaridagi fan ko'nikmalari va bilimlari bilan birlashtirilgan umumlashtirilgan ko'nikmalarining faollik tavsifiga ega.
2. Kompetentlik muayyan vaziyatda o'zini yetarli darajada baholash asosida tanlov qilish qobiliyatida namoyon bo'ladi.

Agar biz kasbiy tayyorgarlikni kasbiy rivojlanish, kelajakdagi kasbiy faoliyat tajribasini o'zlashtirish jarayoni deb tushunsak, unda kompetentli mutaxassis kelajakka intilishini, o'zgarishlarni oldindan ko'ra bilishini, mustaqil ta'limga qaratilganligini aytish mumkin. Insonning kasbiy kompetentligining muhim xususiyati shundaki, kompetentlik hozirgi paytda amalga oshiriladi, ammo kelajakka yo'naltirilgan.

Kompetensiyalarning qadriyatli asosi o'quv jarayonida talabalarning o'zini o'zi rivojlantirish, o'zini o'zi anglash uchun eng qulay sharoitlarni yaratishga yo'naltirishdir.

Bo'lajak muhandislarning ta'lim jarayonida kompetensiyalarga yo'naltirish uchun quyidagi qoidalar zarur:

- kompetentlik - bu faoliyat toifasi, ya'ni. u faqat ma'lum faoliyatda o'zini namoyon qiladi;
- kompetentlik bilim yoki ko'nikmalar bilan chegaralanmaydi, balki ularni o'z ichiga oladi;
- kompetentlikni aniqlash uchun mazmun katta ahamiyatga ega, ya'ni. faoliyatning bir turida kompetentli shaxs boshqasida kompetentsiz bo'lishi mumkin;
- kompetentlikning namoyon bo'lishida muayyan vaziyat, bir xil faoliyat sohasida muhim rol o'ynaydi, lekin turli sharoitlarda inson o'z kompetentligini ko'rsatishi (yoki ko'rsatmasligi) mumkin;
- kompetentlikning namoyon bo'lishi uchun qo'yilgan vazifalarning shaxs uchun ahamiyati (subektiv qiymati), uning muammoni hal etishga bo'lgan qiziqishi katta ahamiyatga ega;
- kompetentlikni shakllantirishning muhim omili bu ta'limdir.

Bo'lajak muhandisning kompetensiyalarini baholash jarayonini amalga oshirish uchun nimani boshqarish kerak degan savolga qaytamiz. Hozirgi vaqtda turli darajadagi eksperimental maydonlarda sinovdan o'tkazilayotgan muvaffaqiyatli va samarali baholash amaliyotini tahlil qilish bo'lajak muhandisning kompetentligini baholash jarayonini amalga oshirish uchun tavsiyalarni shakllantirishga imkon beradi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak:

- axborot jamiyatining zamonaviy tez o'zgaruvchan ijtimoiy-iqtisodiy sharoitida shaxsga qo'yiladigan talablarga javob beradigan yangi ta'lim sifatiga erishish faoliyatning muayyan sohalarida kompetentlikka erishish bilan bog'liq;
- kompetentlik insonning ajralmas xususiyati bo'lib, uning bilim, ta'lim va hayotiy tajribadan qadriyatlar va moyilliklardan foydalangan holda haqiqiy hayotiy vaziyatlarda yuzga keladigan muammolar va tipik vazifalarni hal qilish qobiliyatini belgilaydi;
- bir-biri bilan o'zaro aloqada bo'lgan tayanch, asosiy va maxsus kompetensiyalar ma'lum bir ta'lim maydonidan foydalangan holda turli xil murakkablikdagi hayotiy kasbiy vazifalarni turli sharoitlarda hal qilish jarayonida namoyon bo'ladi. O'quv jarayonini tashkil etish orqali uyg'unlik ta'minlanadi;
- kasbiy vazifalarning sanab o'tilgan guruhlarini hal qilish tajribasi bo'lajak muhandisning umumkasbiy tayyorgarligini tashkil etish muammosini hal qilish uchun asosdir;
- kompetentlikni rivojlantirish darajasini baholashga imkon beradigan mezonlar o'quv jarayonining o'ziga singdirilishi kerak.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilmiy sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6108-son Farmoni. // – T.: 2020 y.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risidagi" PQ-3775-sonli Qarori. // -T.:2018 y.
3. Azizxodjaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. – Toshkent, TDPU, 2003.
4. Ismailova Z.K. Pedagogika. Darslik. – Toshkent, Iqtisod-moliya, 2008.
5. Olimov Q.T., Abduqaddusov O., Uzokova L., Axmedjonov M., Jalolova D. Kasb ta'limi uslubiyati. – Toshkent: Iqtisod moliya, 2006.
6. D.O.Himmataliyev, J.O.Hakimov, Sh.S.Sharipova, M.F.To'rayev, Z.Q.Murodova. " Formation of didaktik competence of students as a pedagogical problem" PSYCHOLOGY AND EDUCATION Scopus international journal № 1. 2021, yanvar.

7. M.J.G'ofirov. "Integrated learning concept" ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) № 1. 2021, yanvar.

РЕЗЮМЕ

Maqolada kompetentli yondashuv asosida bo'lajak muhandislarning umumkasbiy tayyorgarligini rivojlantirish bo'yicha ilg'or tajribalarini o'rganish va ommalashtirish masalalari yoritib berilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идет об изучении и распространении передового опыта развития общей подготовки будущих инженеров на основе компетентностного подхода.

SUMMARY

The article deals with the study and dissemination of best practices in the development of general training of future engineers based on a competency-based approach.

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Хикматуллаева Д.А.

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти таянч докторанти

Таянч сўзлар: компетенция, профессионал таълим, мустақил таълим, ақлий қобилият, ўқув фаолияти.

Ключевые слова: компетентность, профессиональное образование, самостоятельное обучение, умственные способности, учебная деятельность.

Key words: competence, professional education, independent learning, mental ability, learning activities.

Ўзбекистонда профессионал таълимни такомиллаштириш таълимнинг асосий мақсадига эришиш - маънавий, ахлоқий, касбий муносабатларда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш қилишга қаратилган. Таълимни такомиллаштириш билиш фаолигини шакллантириш, таълим олувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ўзгартириш, диалектик тафаккур кўникмаларини сингдириш, мустақил таълим олиш қобилияти, узлуксиз таълим ва интеллектуал ривожланишга бўлган талаб зарурлигига қаратилган.

Таълимни кўп босқичли, кўп даражали кадрлар тайёрлашга қайта мослаштириш, барча таълим тизими, шу жумладан дарсликлар тузилиши ва мазмунини шунга мос ҳолда янгилашни тақозо этади. Замонавий таълимнинг инсонпарварликка йўналтирилиши, янги педагогик назарияларни ривожланиши ва уларни амалиётда қўллаш, илгор педагогик технологияларнинг пайдо бўлиши билим ва унинг таркибий қисмларини кенгайтириш; таълим жараёнига илгор ахборот технологияларини кенг жорий этиш; ўқувчиларнинг мустақил таълим фаолиятини сифат жиҳатидан яхшилашни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармонида таъкидланганидек, "Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш" каби масалалар бош мақсадимиз бўлмоғи лозим.

Ўқувчиларнинг мустақил билим олишини йўлга қўйиш натижасида дарс жараёни самарадорлигини ошириш ва таълим сифатини кўтариш ўқитувчининг асосий

вазифларидан бири ҳисобланиб, унинг таълим бериш жараёнини тўғри ташкил эта олишига боғлиқдир. Агар ўқувчи учун барча етарли шароитлар - ўқув материаллари, компьютер техникаси, автоматлаштирилган дастурлар кабилар бўлсаю, ундан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган, ўқув жараёни тўғри ташкил этилмаган бўлса, юқори натижага эришиб бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабатлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқувчиларнинг фанлардан мустақил таълимини ташкил этиш ва уларнинг мустақил билим олишлари учун дастлаб, уларнинг педагогик-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Мустақил таълимни ташкил этишда компьютер технологиясидан фойдаланишни амалга ошириш учун аввал қундаги ишларни бажариш зарур:

1. Мавзудаги асосий тушунчаларнинг ўзлаштирилиш сифатини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш.

2. Мавзудаги асосий тушунчаларнинг ўқувчилар томонидан мустақил ўзлаштиришлари учун махсус компьютер дастурларини ишлаб чиқиш.

3. Ўқувчиларнинг фандан мустақил билим олишига зарур, керакли компьютер жиҳозларини тайёрлаш.

4. Профессонал таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мос равишда билимларни эгаллашида замонавий компьютер дастуридан фойдаланишнинг самарали йўллари излаб топиш.

Ўқувчилар мустақил иш топшириқларини тайёрлашда, бажаришда қуйидагиларга амал қилишлари лозим:

- маъруза машғулотига оид мустақил таълим топшириқларини танлашда уларнинг аудиторияда ўрганиладиган мавзулар билан узвийлигини таъминлаш;
- уйда мустақил равишда ўрганиладиган мавзуларнинг ва ўрганилиши лозим бўлган асосий саволларнинг аниқ баён этилишига эришиш;
- амалий машғулотлар топшириқларини ўрганилаётган назарий ўқув материаллари билан мутаносиб бўлишини ҳисобга олиш;
- амалий ишларни, мустақил ишларни бажаришга оид мавжуд методик ишланмалар яратилганлигини ҳисобга олиш;
- мустақил равишда ечилиши лозим бўлган мисол ва масалаларнинг аниқ рўйхатини тузиш;
- мустақил иш топшириқларининг ахборот таъминоти, жумладан адабиётлар рўйхати, бетлари кўрсатилган ҳолда, электрон ўқув қўлланмалар ва Интернет манзили кўрсатилишига эришиш ва ҳ.к.

Шу нуктаи назардан қараганда, ўқувчининг билиш фаолияти, яъни қобилияти унинг ақлий ривожланиш даражаси билан ўлчанади. Билиш қобилиятини аниқлайдиган мезонга ўзлаштириш тезлиги, тафаккурлаш жараёни эгилувчанлиги ва тафаккурнинг аниқ компонентлари қиради. Билиш тушунчаси умумий ҳолда ақлий қобилиятлар тушунчасига моҳияти жиҳатидан яқиндир. Умумий ақлий қобилият ўқувчининг ўқув фаолиятида талаб этиладиган барча қобилиятлар мажмуасини ўзида мужассамлаштиради. Бунга ўқувчининг ўқув материаллини хотирасида сақлаб қолиш, ижодий фикрлаш, мантиқий амаллар бажариш қобилияти кабилар қиради. Бу қобилиятлар психологияда турли синфларга ажратилади ва ҳар хил талқин қилинади.

Ўқувчиларнинг ўқув компетентлиги ўқув материаллари билан мустақил ишлаш жараёнида ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, ўқув компетентлиги ўқув материаллини қабул қилиш, қайта ишлаш, унинг муҳим жиҳатларини ажратиш, янги ўзлаштирган билимларни аввалгилари билан боғлаш, ўқув билимларини умумлаштириш, тақрорлаш ва уларни амалда тадбиқ қилган ҳолда масалалар ҳал қилишда эгалланади.

Шундай қилиб, ўқув компетентлиги ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги барча ўқув-билиш фаолиятлари билан боғлиқдир.

Ўқув ишларининг ҳар қандай шакли ўқув-малака талаб қилади, масалан, ўқитувчи маърузасини эшитиш, амалий топшириқларни бажариш, тест топшириқлари билан ишлаш, мустақил ишлаш малакаси кабилар. Ўқувчиларнинг фандан мустақил билим олишлари жараёнида биринчи навбатда мустақил ишлаш малакаси талаб этилади. Бундай малака ўқув материаллари билан мустақил ишлаш жараёнида ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, ўқув малакалари ўқув материаллини қабул қилиш, қайта ишлаш, унинг муҳим жиҳатларини ажратиш, янги ўзлаштирган билимларни аввалгилари билан боғлаш, ўқув билимларини умумлаштириш, тақрорлаш ва уларни амалда тадбиқ қилган ҳолда масалалар ҳал қилишда эгалланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.
2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
3. Инновацион таълим технологиялари /Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш, профессионал таълимни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ўлғла қўйиш ва уни ривожлантиришнинг аҳамияти хусусида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается важность подготовки студентов к профессиональной деятельности, совершенствования профессионального образования, становления и развития самостоятельного обучения студентов.

SUMMARY

This article discusses the importance of preparing students for professional activities, improving professional education, establishing and developing students' independent learning.

АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Садикова Ф.М.

ТИҚХММИ МТУ ассистенти

Таянч сўзлар: ахборот-таълим муҳити, билимларни конструкциялаш, ахборот технологиялар, таълим хизмати истеъмолчилари, компетенция, мустақил таълим, таълимни ахборотлаштириш, интернетнинг турли ижтимоий сервислари, коммуникатив технологиялар.

Ключевые слова: информационно-образовательная среда, формирование знаний, информационные технологии, потребители образовательных услуг, компетентность, самостоятельное образование, информатизация образования, различные социальные сервисы Интернета, коммуникативные технологии.

Key words: information and educational environment, knowledge formation, information technologies, consumers of educational services, competence, independent education, informatization of education, various social Internet services, communication technologies.

Таълимни ахборотлаштиришнинг мақсади ахборот ва телекоммуникацион технологияларни қўллаш ҳисобига интеллектуал фаолиятни глобал жадаллаштиришдан иборат. Ушбу масалаларни ҳал қилиш доирасида технологиялар ва ахборотлашти-

риш воситаларини бир тизимга бирлаштиришнинг педагогик, методик ва технологик асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар ва изланишлар ўтказилган ва бундай тизим сифатида ахборот-таълим мухити энг мақбул ҳисобланади.

Ахборот-таълим мухитини самарали ташкил этиш учун қуйидагилар эътиборга олинishi зарур: қўйилган муаммони ечиш учун табиий, физик, ижтимоий ва бошқа ҳодисалар устидан кўп, тизимли, бир марталик ёки узок муддатли кузатиш, турли минтакалардан маълумотлар тўплаш; турли жойларда юзага келадиган ҳодисалар, далиллар, воқеаларнинг аниқ тенденциясини аниқлаш учун таққослаб ўрганиш, қарорлар қабул қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиш; тармоқ иштирокчиларининг маданий, этник, географик шартлари ўртасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир муаммо ёки масалани ечиш йўлларининг (альтернатив ёки турли усулларини) самардорлигини таққослаб ўрганиш; ўзига хос маданий, анъанавий ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий ва маданий қарашларни қиёсий таҳлил қилиш; биргаликда маълум бир муаммони ҳамкорликда тадқиқ қилиш шarti билан бирор бир (амалий, ижодий, илмий ва бошқа) ижодий гоаяни ишлаб чиқиш; таълимий муммоларни ўрганиш ва ҳал этиш бўйича мусобақалар ўтказиш ва бундаюзага келадиган муаммоли вазиятларни маданий, таълимдаги анъаналар бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлишига қаратиш.

Ахборот-таълим мухитининг биринчи тури – ўрганилаётган билим соҳасининг ичига таълимнинг муайян методикалари киритиладиган аппаратлидастурий модел билан боғлиқ. Улар юкори даражада тузилмалаштирилган ўқитиш мухитлари бўлиб, уларда таълимнинг характери ва йўналиши, таълим олувчининг имкониятлари ва иштирок этиш шакллари аниқланган, таълимга қўйилган пировард мақсадларга кетма-кет яқинлашиш орқали амалга оширилади.

Бундай мухитни яратишда когнитив ёндашув кенг қўлланилади, унинг асосида инсон билимининг ички тузилмаси ҳамда ўрганилаётган предметнинг тизимли хоссаларига таяниш тушунилади. Бу тур асосига таълим олувчининг билиш фаолияти моделлари акс этадиган, ўзгарувчан индивидуалаштирилган таълим жараёнини амалга оширишга йўналтирилган интеллектуал ва адаптив ўқитиш мухитларининг кўпчилиги тааллуқлидир.

Бунга мувофиқ, ахборот-таълим мухитида ўқитиш билимларни ривожлантириш ва конструкциялашга йўналтирилган фаол жараёндир, ахборот-таълим мухити таълим берувчи учун ҳам, таълим олувчи учун ҳам очиқ бўлиб, мазмунни тўлдириш ва унга ўзгартиришлар киритиш, ўзининг ушбу мухитдаги ўқувфаолияти натижаларини тақдим қилиш имконини беради, шунингдек, мухитдаги коммуникацион жараёнлар ўқитишнинг дидактик, методик ва ташкилий томонини таъминлайди ва таълим жараёнининг марказий элементи бўлибхизмат қилади.

Ахборот технологияларини қўллаш талабалар мустақил ишини ташкил қилиш учун янги имкониятларни очади. Ахборот-таълим мухитида мустақил ишлашни ташкил этиш талабалар томонидан янги, индивидуал билим олишига айланмоқда; мазмуни сифатида очиқ таълим ресурслари юзага келмоқда; таълимнинг техник воситалари глобал тармоқли технология, ўзаро алоқа воситаларида – Интернетнинг турли ижтимоий сервислари; таълимнинг устувор ташкилий шакли талабаларнинг мустақил фаолиятига ижобий таъсиркўрсатиб келмоқда; мустақил таълим олиш, тармоқли ҳамкорлик ва биргаликдаги ижод етакчи таълим усулларига айланмоқда.

Илмий адабиётларда тақдим этилган “талабаларнинг мустақил фаолияти” тушунчаси моҳиятининг таҳлили, иккита асосий нуқтаи-назарни аниқлади: профессор-ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, лекин унинг раҳбарлигида талаба томонидан

мустақил амалга ошириладиган фаолият; таълим мақсадларига эришишни таъминловчи ўқув жараёни шакли ҳисобланади. Таълимнинг аралаш таълим шакллари томонига силжиши ва ўқув жараёнининг ахборот-таълим муҳитига ўтказилиши ўқув жараёнининг самарали шакли ва янги таълим парадигмасини амалга ошириш воситаси ўларок, талабаларнинг мустақил фаолиятига эътиборни кучайтиради.

Юқорида биз талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятларининг таркибий босқичларини келтириб ўтдик. Тадқиқотимиз давомида илмий манбаларни таҳлил қилиш асосида талабанинг ўз қобилиятлари ва ахборот-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш имкониятларини самарали қўллаш мақсадларида талабанинг мустақил фаолиятини бошқариш ва ўзига онгли равишда таъсир кўрсатишни ўз қўлига олиши куйидаги маҳорат ва кўникмалар шаклланиши зарурати тўғрисида хулоса қилиш имконини берди: ўзини ўзи мотивациялаш (мақсадларга эришишга ва шахсий қобилиятларни фаоллаштириш учун); ишларни мустақил ташкил этиш (ишларни режалаштириш, шахсий вақт ва маконни ташкил этиш, вазифаларни хал қилиш технологиялари ва усулларини танлаш учун); ўзини ўзи назорат қилиш (иш бориши ва унинг оралик натижаларини мониторинг қилиш, вазиятларга адекват муносабат билдириш, ўзини чегаралаш ва бемаҳсул ҳаракатлардан воз кечиш учун); ўзини ўзи баҳолаш (иш натижаларини баҳолаш).

Олий таълим сифати деганда унинг жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши вазифаларига, ДТС талабларига, талабаларнинг эҳтиёжларига мувофиқлиги даражасини кўришимиз мумкин. Сифатли олий таълимнинг асосий истеъмолчилари давлат, жамият, иш берувчилар, таълим олувчи шахслар ва таълим тизими ҳисобланади.

Таълим сифати абсолют ва нисбий тушунча сифатида қаралиши ҳам мумкин. Таълим сифатининг абсолют тушунчасида таълим муассасасининг статуси, мавқеи ва устунлигини акс этиши назарда тутилади. Бундай идеал тушунча таълим муассасаси имиджининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига шароит яратади ва таълим сифати кўрсаткичи бўйичаэнг юқори даражадаги таълим стандартига интилишини ифодалайди.

Таълим сифати нисбий тушунча сифатида ҳам қаралиши мумкин. Бунда сифат таълим хизматининг асосий ажралмас қисми, асосий хусусияти, деб ҳисобланмайди ва таълим жараёнини давлат таълим стандартига мос келиши билан баҳоланади. Шу сабабли таълим сифати нисбий тушунча сифатида икки хил маънода белгилаши мумкин:

1. Таълим стандартига мослиги;
2. Таълим хизмати истеъмолчиларининг расмий талабларига мос келиши.

Биринчи тушунча таълим муассасаси нуқтаи-назаридан таълим сифатини белгиласа, иккинчиси эса истеъмолчи, яъни ишлаб чиқариш корхоналари томонидан сифатни баҳолайди. Лекин, кўпинча таълим хизмати соҳасива истеъмолчиларнинг манфаатлари ва сифат тушунчаси юзасидан қарашлари бир-бирига тўлиқ мос келмайди. Шу сабабли таълим муассасаларида таълим сифати муаммосига икки хил нуқтаи-назардан қарашлари талаб этилади:

1. Таълим муассасаси нуқтаи-назаридан. Бунда маркетинг тадқиқотлар йўналиши – таълим жараёнини давлат таълим стандартига мослиги билан белгиланади.

2. Таълим хизмати истеъмолчилари нуқтаи-назаридан, яъни таълим хизмати истеъмолчилари талабларини қондирилиш даражаси орқали баҳоланади.

Таълим сифатига баҳо беришда таълим самарадорлиги тушунчасини ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Таълим сифати ва самарадорлиги тушунчаларини аниқловчи мезонлари қуйидагилар ҳисобланади:

- сифат–олинган натижанинг мақсадга нисбати (ёки тесқариси);
- самарадорлик–олинган натижанинг ҳаракатларга нисбати билан баҳоланади.

Таълим сифати ва таълим самарадорлиги жамиятда ҳаёт сифатини кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Давлат ва жамият умумий ва касбий таълимга қанчалик кўп маблағ сарфласа ва натижаси энг юқори халқаро стандартларга жавоб берса, ҳаёт сифати шунчалик юқори бўлади. Таълим самарадорлигини белгилашда энг оптимал ҳаражатлар ҳисобида юқори таълим сифатига эришиш талаб этилади.

Илмий-техник тараққиёт янгидан-янги меҳнат воситалари ва қуролларини юзага келтиради. Шу сабабли замонавий технологиялар ва техник воситаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, жаҳон бозорига мос рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида, битирувчи ўзининг ишлаб чиқаришдаги меҳнат фаолиятидаянги инновацион технология ва техникаларни ҳам узлуксиз ўрганиб бориши талаб этилади, яъни билимлар олиш зарурияти юзага келади. Натижада талабага билим бериш билан бир қаторда унинг мустақил билим олиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳам зарур ҳисобланади.

Таълим жараёнидаасосий эътиборни педагог эгаллайди. Шу сабабли таълим сифатини ташкил этишдапедагоглар таркибини тўғри шакллантириш муҳим аҳамият касб этади: педагог нафақат талабаларга билим беради, у бўлажак кадрлар шахсини, дунёқарашини ва маънавиятини шакллантиришда ҳам муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли педагоглар билимининг сифати мажмуалитишунча бўлиб, у асосан қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- ▶ компетентлик даражаси – аниқ фан ва амалиёт соҳаси бўйича юқори билим ва тажрибага эга бўлиши;
- ▶ педагоглик фаолияти билан шуғулланишга қобилият ва иштиёқнинг мавжудлиги;
- ▶ кузагувчанлик – талабалардаги қобилиятларни ва алоҳида индивидуал-психологик хусусиятларни илғаб олиш;
- ▶ ташқи ва ички муҳит билан алоқа ўрнатиш қобилияти;
- ▶ ўз соҳаси бўйичамавқеи, жамоадаги ҳурмати;
- ▶ илмий –тадқиқот соҳасидаги фаоллиги;
- ▶ илмий мактабининг мавжудлиги.

Талабаларнинг ахборот-таълим муҳотида мустақил ишлаши сифати педагоглар томонидан унинг ташкил этиш методикасининг ишлаб чиқилиши, тайёрланиши ва амалга оширилиши ва талабалар томонидан унинг бажарилиши сифати билан таъминланади.

Ахборот-таълим муҳотида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш педагог томонидан тайёргарлик ва амалга ошириш ҳамда Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги саводхонлик даражаси талабалар томонидан бажарилиш сифати. Ахборот муҳотида компетентли ёндашув билим ва кўникмаларнинг алоҳида-алоҳида эгалланишини эмас, балки, уларни мажмуавий ҳолда ўзлаштирилишини назарда тутати. Бу жараёнда информатика ва ахборот технологиялари умумтаълим фани муҳим рол ўйнайди. Чунки, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши туфайли компьютерлар инсоннинг ҳам касбий, ҳам кундалик ҳаётига мустаҳкам кириб бормоқда ва компьютер билан ишлаш кўникмалари ҳар қандай касб эгаси учун ҳаётий заруриятга айланмоқда. Ахборот технологияларини ўрганиш

амалий ва тадбиқий характерга эга. Турли масалаларни ҳал этишга ёрдам берадиган, ўз фаолиятининг воситаси сифатида компьютерга нисбатан талабаларнинг нуқтаи-назарини шакллантириш лозим. Бу борада турли хил дастурий таъминот билан муайян вазифани ҳал қилишнинг мақбул воситалари ва усулларини танлашга тўғри келади. Шунинг учун ҳам талабаларда муаммони тўғри ҳал қилиш кўникмаси, уни ҳал қилиш бўйича фаолиятни режалаштириш, натижаларни таҳлил қилиш, танқидий баҳо бериш ва мақсадга эришилганлигини тушуниш каби сифатларни шакллантириш зарур. Талаба ва профессор-ўқитувчининг тадқиқотчилик фаолияти ҳамда компетенцияси: профессор-ўқитувчиларнинг фаол иштирокида, шахсий намуна ва биргаликдаги тадқиқот йўли билан инсон, маданият ва жамият ҳақидаги билимларни кенгайтириш ва яхшилашга, бакалаврларни “бутун ҳаёт орқали” таълим олишга тайёрлашга йўналтирилган тизимли, мустақил ва ижодий фаолиятдир.

Ахборот-таълим муҳитида мустақил таълимларни бажариш нафақат ахборот технологияларига оид билимлар, балки, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш, ўзини ўзи такомиллаштириш ва ўзини ўзи англашининг муҳим воситаси сифатида зарур. Шунинг учун ҳам талабалар илгари ўзлаштирган билим ва эгаллаган кўникмаларининг етарли эмаслигини ўзлари англаши ва тушунишлари, профессор-ўқитувчи билан биргаликда ўқув вазифасини шакллантириши, ўз-ўзини баҳолай олиши керак. Профессор-ўқитувчининг вазифаси эса талабанинг мустақил таълимлаши ва ўз-ўзини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, белгиланган вазифани ҳал қилишда уни мустақил фаолиятга ундашдан иборат. Бу жараёнда ўз фаолиятини ўзи бошқариш ва ривожлантира олиш компетенцияси муҳим ўрин тутаяди.

Адабиётлар:

1. Ismailova Z.K., Muqimov B.R. The Use of Innovation Technologies in the Formation of Students' Professional Competences // International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT). – Hindiston, 2019. – № 9. – P. 6907-6911.
2. Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Мирсолиева М. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т., 2016. – 147 б.
3. Файзуллаев Р.Х. Бўлажак мутахассисларнинг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш бўйича ўқитувчиларга тавсиялар. – Т.: ТИҚХММИ, 2018. – 16 б.
4. Химматалиев Д.О., Муқимов Б.Р. Таълимда ахборот технологиялари фанидан амалий машғулотларни бажариш // услубий кўрсатма. – Т.: ТИМИ, 2015. – 90б.
5. Муқимов Б.Р. Касб таълими жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўлланнинг ўрни ва аҳамияти // Касб-хунар таълими. – Т., 2016. – № 4. – 20-27б.
6. Химматалиев Д.О., Муқимов Б.Р. Таълимда ахборот технологиялари фанидан амалий машғулотларни бажариш // услубий кўрсатма. – Т.: ТИМИ, 2015. – 90б.

РЕЗЮМЕ

Ахборот-таълим муҳити - бу таълимий ахборотларни узатиш ва тезкорлик билан алмашишни таъминловчи восита ҳисобланади. Ушбу муҳит асосида таълим олувчиларни бир-бирини тушунишга, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга, ўз фикрини эркин баён қилишга ва биргаликда муаммоларни ҳал этишни ўргатишга имконият яратилади. Натижада ягона таълим соҳасига кириб борилади.

РЕЗЮМЕ

Информационно-образовательная среда - это среда, через которую передается образовательная информация и осуществляется быстрый обмен ею. На основе этой среды создается возможность научить педагогов понимать друг друга, уважать мнение других, свободно выражать свое мнение и совместно решать проблемы. В результате она проникает в единую сферу образования.

SUMMARY

An information and educational environment is an environment through which educational information is transmitted and quickly exchanged. On the basis of this environment, it is possible to teach teachers to understand each other, respect the opinions of others, freely express their opinions and solve problems together. As a result, it penetrates into a single sphere of education.

ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА - СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

Нурова О.С.

ҚарМШИ катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: методология, фундаментал назария, мотивация, педагогик тажриба, касбий компетенция, инновацион ёндашув, техника, моделлаштириш, эксперимент, тўлиқлик коэффициенти.

Ключевые слова: методология, фундаментальная теория, мотивация, педагогический опыт, профессиональная компетентность, инновационный подход, методика, моделирование, эксперимент, коэффициент полноты.

Key words: methodology, fundamental theory, motivation, pedagogical experience, professional competence, innovative approach, technique, modeling, experiment, completeness factor.

Ҳозирги вақтда жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, фан-техниканинг жадал ривожланиши олий таълим муассасалари битирувчиларига янги талабларни қўймоқда. Мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш сифати кўп жиҳатдан ўқитиш мақсадларининг амал қилиш даражасига, ўқитиш мазмунига; ўқув жараёнини ташкил этиш самарадорлигига бевосита боғлиқ. Шуларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотимиз мавзусини “Умумкасбий фанларни ўқитиш асосида талабаларни илмий - тадқиқот фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш” деб белгиладик.

Тадқиқотнинг илмий фаразига кўра умумкасбий фанларни ўқитиш самарали бўлиши учун у ишлаб чиқилган методик моделга асосланиши керак. Бунда: 1) фундаментал назария сифатида умумкасбий фанларнинг муҳим компонентларига мувофиқлиги, узвийлиги ва ўзаро боғлиқлиги; 2) бўлажак муҳандисларнинг умумкасбий фанларни ўрганишга ижобий мотивацияси; 3) муаммоларни ҳал қилиш ва лаборатория машғулотларини яқинлаш учун мустақил иш ва тўғарак машғулотлари каби ўқув - билиш фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш; 4) умумкасбий фанлардан таълим олишнинг оқилона усулларидан фойдаланиш, кузатиш, фараз, моделлаштириш, эксперимент, умумлаштириш қабиларни таъминлаш керак.

Педагогик тажриба - синов ишида техника олий таълим муассасасида умумкасбий фанларни ўқитиш асосида талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш вазифалари ўрганилди. Тажриба – синов ишлари В.П. Беспалько, Н.А. Муслимов ва бошқаларнинг илмий ишларида келтирилган тавсиялар, кўрсатмалар асосида, давлат таълим стандартлари ҳамда таълим мақсадларига мос равишда олиб борилди. “5320300-Технологик машиналар ва жихозлар (нефт ва газ саноати)” бакалаврият таълим йўналиши талабаларининг умумкасбий фанларни ўқитишнинг методик тизимида фундаментал назария сифатида самарадорлик текширилди. Бунинг учун тажриба - синов ишларининг мақсади, вазифалари ва илмий фараз мезонлаританлаб олинди. Улар қуйдагилар: 1) умумкасбий фанларни билиш, 2) илмий билиш фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш, 3) умумкасбий фанларни ўрганишда илмий билиш усулларини қўллаш, 4) бўлажак муҳандисларнинг умумкасбий фанларни ўрганишга ижобий мотивацияни шакллантиришдан иборат.

Танланган мезонлар қуйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилди: билимнинг таркибий элементларини ўзлаштиришнинг тўлиқлик коэффициенти (K_T), бўлажак муҳандиснинг касбий компетенцияларини шакллантириш (K_K), касбий фаолият турларини муваффақиятли эгаллаш (K_9).

Умумкасбий фанларни ўрганишнинг тўлиқлик коэффициентини аниқлаш учун ёзма ва тест шаклида назорат ишларининг таҳлилидан фойдаланилди. А.В. Усова таклиф этган формуладан фойдаланиб билим элементларини ўзлаштиришнинг тўлиқлик коэффициенти ҳисобланди:

$$K_T = \frac{\sum_{i=1}^n N_i}{Nn}$$

N_i —талаба томонидан ўрганилган маълум бир билим элементига хос бўлган муҳим хусусиятлар сони, N —ушбу билим элементига хос бўлган хусусиятларнинг умумий сони, n —талабалар сонидир.

Шунингдек, А.В.Усованинг формуласига биноан, касбий фаолият турларини муваффақиятли эгаллаш даражаси ҳисоблаб чиқилди:

$$K_{\mathcal{E}} = \frac{\sum_{i=1}^N m_i}{Nn}$$

m_i — талаба ўрганган фаолият туридаги белгилар сони, m — белгиларнинг умумий сони, N — талабалар сони[**Ошибка! Источник ссылки не найден.**].

Техника олий таълим муассасаларининг бир қатор 5320300-Технологик машиналар ва жиҳозлар (нефт ва газ саноати) бакалаврият таълим йўналиши талабаларининг касбий компетенцияларини шаклландириш даражасини ҳисоблаш методини танлашда биз юқоридаги фикрларга асосландик. Шунингдек, жамиятдаги ўзгаришлар, унинг юқори ривожланиш суръати, янги технологияларнинг жорий этилиши, касбий фаолият назарияси ва амалиётини ҳар томонлама таҳлил қилиб, талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини баҳолашни устувор вазифа этиб белгиладик.

Ҳозирги кунда жуда кўплаб олимлар бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашда компетентли ёндашувни янги йўналишлар асосида олиб борилиши кераклиги таъкидламоқдалар. Компетенцияларга асосланган ёндашув таълимдаги инновацион жараёни ўзида мужассамлаштиради, аксарият ривожланган мамлакатларда қабул қилинган таълим стандартининг умумий тушунчасига мос келади ҳамда таълим мазмуни ва сифатини лойиҳалашда касбий компетенциялардан фойдаланилади.

Таълимдаги инновацион ёндашувлар таълим технологиялари доирасида ҳанузгача ҳал этилмаган таълим жараёнидаги бир қатор муаммоларни ҳал қилишга қодир. Таълимда ушбу тушунчанинг кенг қўлланилишининг ўзи, илғор инновацион технологиялар ва замонавий ўқитиш методларидан фойдаланиш зарурлиги билан изоҳланади. Концепциянинг ўзи тобора оммалашиб бораётганига қарамай, ҳанузгача умумэтироф этилган таъриф мавжуд эмас, ушбу атамани аниқлаш ва қўлланишга турли хил ёндашувлар мавжуд.

Техника олий таълим муассасаларида муҳандислик йўналиши талабаларига таълим беришда касбий компетенцияларнинг шаклланиши меҳнат бозорида рақобатбардош, касбий компетенцияларга эга, ўз касбининг яхши биладиган ва тегишли фаолият соҳаларига йўналтирилган, мутахассислик даражасида самарали ишлашга қодир бўлган малакали ходимни тайёрлашга объектив эҳтиёж мавжуд. Замонавий меҳнат бозорида иш берувчилар олий таълим тизими битирувчисига бир қатор талабаларни қўядилар: касбий фаолиятнинг тегишли соҳаларида эркин фикрлаш қобилияти, мутахассислик бўйича жаҳон стандартлари даражасида самарали ишлаш қобилияти ва доимий касбий ўсишга тайёрлик даражаларидир.

Шунинг учун ҳозирги кунда олий таълимнинг асосий мақсади малакали мутахассисни тайёрлашдир. Бундай мутахассисни тайёрлаш учун кенг қамровли билим зарур бўлиб, у ҳозирда билим олиш билан эмас, балки янги билимларни эгаллаш қобилияти билан, касбий компетенцияни шакллантириш билан ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун замонавий педагогика фанида компетенцияга асосланган ёндашув жадал ривожланиб бормоқда.

Ушбу ёндашувга мувофиқ, олий таълим мазмуни модернизация қилинмоқда ва касбий муаммоларни ҳал қилиш учун ўзаро боғлиқ семантик йўналишлар, кўникмалар ва билимларни ўзаро бирлаштирадиган далиллар тизими сифатида тақдим этилмоқда.

Муҳандислик фаолиятининг таснифига кўра, муҳандис мураккаб муҳандислик фаолияти муаммоларини ҳал қилишга тайёр бўлиши керак, шунинг учун касбий компетенция касба ўқитиш натижасининг зарурий қисмига айланиши лозим. Таълим мазмунига битирувчиларни касбий муҳитнинг ўзгарувчан шароитида муҳандислик фаолиятига тайёрлашга имкон берадиган, фанлараро ва интеграциялашган хусусиятга эга бўлажак касбий фаолият кўникмаларини шакллантирадиган фанлар қиради.

Бундай фанлар Бухоро муҳандислик технология институти, Жиззах политехника институти ва Қаршимуҳандислик–иктисодиёт институтининг бир қатор (“5320300–Технологик машиналар ва жиҳозлар (нефт ва газ саноати)) бакалавриат таълим йўналишларида ўқитилишини ҳисобга олган ҳолда тажриба–синов ишлари олиб борилди. Тадқиқотларимиз доирасида, олий муҳандислик таълими давлат таълим стандарти ва малака талабларидан фойдаланган ҳолда, биз умумкасбий фанларни ўрганиш жараёнида талабаларда шаклланиши мумкин бўлган қуйидаги касбий компетенцияларни аниқладик:

- Табiiй - илмiiй фанларнинг асосiiй қонунларидан касбий фаолиятда фойдаланиш кўникмаси (КК - 1);

- замонавий ўқув илмiiй жиҳозлардан фойдаланиш, илмiiй изланишлар олиб бориш, тажриба маълумотларини тақдим этиш (КК - 2);

- мустақил равишда янги билимларга эга бўлиш (КК - 3).

Таълим олувчилар томонидан олинган касбий компетенцияларни ўрганиш натижалари орқали баҳолаш мумкин. Ҳозирги вақтда бўлажак мутахассиснинг компетенцияларини шакллантириш даражасини баҳолашнинг турли хил усуллари мавжуд. Биз Б.С.Блум томонидан ишлаб чиқилган методикадан фойдаланишни ўринли деб билдик.

Б.С.Блум томонидан ишлаб чиқилган методикага мувофиқ, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг асосiiй даражаларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Тушунча, ходиса ва бошқа шу қабиларни англай олиш даражаси.

2. Билим элементларини англаш ва такрорлаш даражаси.

3. Тушуниш даражаси.

4. Алгоритмик кетма – кетликка қўйиладиган талаблар даражаси.

5. Билимларни эгаллаганлик ва касбий фаолиятида фойдалана олиш даражаси.

Агар биз ушбу билимлар ва кўникмаларнинг 5 даражасини бир қатор (1:3:5:7:9) тоқ рақамлар билан белгиласак, унда билим, кўникма ва малакаларнинг биринчи даражаси касбий компетенцияни шакллантиришнинг энг паст даражасидан барча даражаларнинг юқори даражасигача (100% ёки 100 балл) фоизларга ёки балларга мослаб ажратиб оламиз. Ушбу кетма - кетликни фоиз ёки баллар шаклида ифодалаймиз:

4% ёки 4 балл – биринчи даража – билим;

12% ёки 12 балл – иккинчи даража – репродуктив;

20% ёки 20 балл – учинчи даража – продуктив;

28% ёки 28 балл – тўртинчи даража – фаолиятли;

36% ёки 36 балл – бешинчи даража – креатив.

В.П.Беспальконинг фикрига кўра, бундай тизимда ўқитувчилар кўпинча талабаларнинг ўртача ўқув натижаларини баҳолашни танлайдилар. Улар бешинчи даражадаги вазифаларни алоҳида – алоҳида баҳоланадиган мураккаблик даражаси сифатида ажратиб кўрсатадилар. Биз тажриба - синов ишларимизни талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг ўртача даражасини танладик. Шундагина ўрганиш самарадорлиги коэффицентини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин бўлади.

$$K_C = \frac{0,64n_1 + 0,36n_2 + 0,16n_3}{N}$$

n_1 –гўрт даражали билимларни ўзлаштирган талабалар сони;

n_2 –уч даражали билимларни ўзлаштирган талабалар сони;

n_3 –икки даражали билимларни ўзлаштирган талабалар сони.

Касбий компетенцияни шакллантириш коэффициентини куйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$K_K = 0,04K_{y1} + 0,12K_{y2} + 0,20K_{y3} + 0,28K_{y4}$$

K_{y1} –тушунча, ходиса ва бошка шу кабиларнианглай олиш даражаси(билим, кўникма ва малакаларнинг биринчи даражаси), K_{y2} –билим элементларини англаш ва такрорлаш даражаси (иккинчи даражали билим ва кўникмалар), K_{y3} –ходисани тушунишнинг муваффақиятли даражаси (билим ва кўникмаларнинг учинчи даражаси), K_{y4} –талабалар топширикни бажаришда алгоритмик кетма - кетликни муваффақиятли қўллаш даражаси.

Таърифланган методга мувофиқ, касбий компетенцияни шакллантириш коэффициенти умумлаштирилади ва ўқув натижаларига қўйиладиган талабларнинг ўртача даражаси 0,7 дан ошмаслиги керак.

Таклиф этилаётган услубий тизим самарадорлигини статистик баҳолаш Пирсон мезонидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

$$\chi^2 = \sum_{j=1}^k \frac{(p_j - v_j)^2}{v_j}$$

2016 - 2020 йиллар давомида Бухоро муҳандислик технология институти, Жиззах политехника институти ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг бир қатор (“5320300–Технологик машиналар ва жиҳозлар (нефт ва газ саноати)бакалаврият таълим йўналишларида олиб борилган тажриба–синов ишларини аниқлаш, изланиш, таълим бериш ва назорат босқичларидан иборат бўлди. Тажриба - синов ишларида кафедра ўқитувчилари, таълим сифатини назорат қилиш бўлими, ички назорат ва мониторинг бўлими, юқоридаги олий таълим муассасалари талабалари иштирок этдилар.

Биринчи босқичда (2016–2017 ўқув йили) **аниқлаш** тажриба–синов ишлари ўтказилди, унинг вазифалари куйидагилардан иборат эди:

а) техникаолий таълим муассаларида умумқасбий фанларни ўқитишнинг анъанавий методик тизимини таҳлил қилиш, таълим муаммолари мазмунини ўрганиш (педагогик ва техник адабиётларни ўрганиш; педагогик кузатишлар, суҳбатлар, талабалар ва ўқитувчилар билан сўровномалар);

б) талабаларнинг “Назарий механика”, “Материаллар қаршилиги”, “Машиналар ва механизмлар назарияси”, “Машина деталлари” фанларини билишнинг бошланғич даражасини аниқлаш;

в) илмий ва ўқув билишнинг гносеологик методлари асосида умумқасбий фанларни ўзлаштириш сифатини: яққадан умумийга ва ундан чегаравий умумийга чегатекшириш;

г) педагогик тажриба - синов олдидан биринчи курс талабаларининг умумқасбий фанлар назариялари бўйича бошланғич билимларнинг тизимлилик даражасини аниқлаш;

д) талабаларнинг илмий ва ўқув билимларнинг эмпирик ва назарий усулларидаги фарқлар ҳақидаги тушунчаларини синов кўриш;

ж) олий муҳандислик таълимида умумқасбий фанларнинг ўқув материални услубий мазмуни ва тузилиши;

з) тизимли ёндашув ёрдамида умумлаштирувчи машқларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш, очик тизимларни тавсифлаш учун умумқасбий фанлар тамойилларини қўллаш чегараларини кенгайтириш.

Педагогик тажриба-синовнинг иккинчи боскичида (2017–2018) илмий билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш каби усулларидан фойдаланишнинг асосий ғоялари ишлаб чиқилди. Илзини тавсифидаги педагогик тажриба–синов боскичининг вазифалари куйидагилардан иборат:

а) илмий ва ўқув билимлари ҳамда тизимли ёндашув асосида умумқасбий фанларни ўқитишнинг методологик тизимнинг таркибий ва мазмуний жиҳатдан ишлаб чиқиш;

б) ишлаб чиқилган методик модел асосида машғулотлар ўтказиш;

в) назарий тушунчалар, механик қонуниятлари тўғрисидаги билимларни баҳолаш ва муаммоларни ҳал қилишда ва жараёнларни бажаришда ҳаракатлар кўникмаларини шакллантириш.

Педагогик тажриба–синовнинг таълим берувчи учинчи боскичида (2018–2019 ўқув йили) куйидаги вазифалар белгиланди:

а) техника олий таълим муассасалари талабалари томонидан асосий механик назария сифатида умумқасбий фанларни ўрганиш учун мантикий тузилишли умумлаштириш схемаси асосида умумлаштириш бинар дарсларини ишлаб чиқиш ва тажриба-синовдан ўтказиш;

б) умумқасбий фанларнинг айрим масалаларини ўқиш орқали билишнинг таркибий тузилмасига мувофиқ ўзлаштириш сифатини текшириш;

в) умумқасбий фанларнидан мунтазам билим даражасини баҳолаш;

г) билишга доир элементларини умумлаштириш қобилиятини синаш;

д) педагогик тажриба–синов вазифаларни бажариш жараёнида билим ва кўникмаларни таххислаш.

Педагогик тажриба-синовнинг назорат боскичи, яъни тўртинчи боскичида (2019–2020 йиллар) куйидаги вазифалар қўйилди:

а) талабаларда Умумқасбий фанларнинг баъзи тушунчалари шаклланишини текшириш;

б) таълим олувчиларни мотивациясини ўрганиш;

в) бўлажак муҳандиснинг касбий кўникмаларини шакллантириш диагностикаси.

Педагогик тажриба–синов ишларнинг барча боскичларида сўровномаўтказиш, кузатиш, синов ўтказиш, шунингдек, эксперимент натижаларини қайта ишлаш учун математик статистика усуллари қўлланилди.

Умумқасбий фанларни таркибини тўлиқ ўзлаштиришни аниқлаш учун биз ёзма назорат ишларининг натижалари асосида тахлил ўтказдик. “Назарий механика”, “Материаллар қаршилиги”, “Машиналар ва механизмлар назарияси” ва “Машина деталлари” тушунчаларини тўлиқ ўзлаштириш натижалари (1–жадвал) шунини кўрсатадики, ушбу тушунчаларни шакллантириш учун бошқа жуда кўпёндеш тушунчаларни ўзлаштиришни талаб қилади.

1–жадвал.

Ўзлаштириш кўрсаткичининг тўлиқлик коэффициентларининг қийматлари

Фанлар	K_T
Назарий механика	0,44
Материаллар қаршилиги	0,40
Машиналар ва механизмлар назарияси	0,80
Машина деталлари	0,75

Педагогик тажриба–синов ишларинатижаси шунини кўрсатадики, талабаларга «Умумқасбий фанлар»ни ўқитишнинг методик тизими ўз самардорлигини исботлади. Ишлаб чиқилган методик тизимга асосланиб ўқитишда куйидагилартаъминланди:

1. Талабаларни ўрганишга ижобий рағбатлантириш;

2. Маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларида мустақил иш каби билиш фаолияти турларини муваффақиятли амалга ошириш;

3. «Умумқасбий фанлар» бўлимидаги билимлар тизимини шакллантириш жараёнини оптималлаштириш;

4. Умумқасбий фанларнинг мазмун ва моҳиятини чуқурроқ ўзлаштириш ва тушуниш;

5. Мутахассиснинг ўзгарувчан бозор шароитларида ўз билимларини қасбий фаолиятда қўллаш қобилияти, ўз - ўзини ўрганиш қобилияти, ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишнинг ностандарт усулларига эътибор қаратиш, қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёр бўлиш, ўз қасбий маҳоратини доимий равишда ошириш зарурлигини англаш, бўлажак муҳандиснинг қасбий маҳоратини шакллантириш.

Адабиётлар:

1. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини қасбий шакллантириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2004. – 128 б.

2. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – Москва: ИРПО, 1996. – 336 с.

3. Академик РАО А.В.Усова. Формирование учебно-познавательных умений в процессе изучения предметов естественного цикла. Главная страница журнала «Физика» • Содержание №16/2006. г. Челябинск

4. Бактыбаев Ж.Ш. Использование технологии таксономии Блума в учебном процессе ВУЗа. Ярославский педагогический вестник – 2017 – № 1. с.150-151.

РЕЗЮМЕ

Мақолада техника олий таълим муассасаларида муҳандислик йўналиши талабаларига таълим беришда қасбий компетенцияларни шакллантириш юзасидан педагогик тажриба-синов ишларининг мақсади, вазифалари, гипотезаси мезонларини танлаш ва уларнинг натижалари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны цели, задачи, выбор критериев гипотезы педагогических экспериментов по формированию профессиональных компетенций при обучении студентов технических вузов и их результаты.

SUMMARY

The article describes the goals, objectives, selection of criteria for the hypothesis of pedagogical experiments on the formation of professional competencies in teaching students of technical universities and their results.

ТАЪЛИМГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ ЖАРАЁНИДА ТЕСТ НАЗОРАТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Хашимова М.К.

ТИҚХММИ-МТУ «Профессионал таълим ва жисмоний маданият»

кафедраси доценти

Таянч сўзлар: технологик ёндашув, тест назорати, стандарт, ностандарт, очик, ёпиқ шакл, гетероген, гомоген, интегратив, изчиллик, мутаносиблик.

Ключевые слова: технологический подход, тестовый контроль, стандартный, нестандартный, открытый, закрытый, интегративный, гетероген, гомоген, последовательность, соответствие.

Key words: technological approach, test control, standard, non-standard, open, closed, integrative, heterogen, homogen, sequence, correspondence.

Мавзунинг долзарблиги. Таълимга технологик ёндашувнинг мақсади ўрганилаётган ўқув предметининг мақсадларидан ва мазмунидан, тарбиявий таъсирдан келиб чиққан ҳолда натижаларни қафолатлашдир.

Бундай натижага эришиш учун ўқитиш усуллари, воситалари ва ташкилий шакллари, яъни таълим оловчига педагогик таъсир этиш техникаси ва қуроллари, ахборот мазмуни ва дидактик мақсадларга уйғун ҳолда танлаб олинади ҳамда амалиётга татбиқ этилади. Шунингдек, бунда таълим оловчиларнинг ёш, физиологик хусусиятлари, таълим муассасаларининг моддий жиҳозланиши, ижтимоий муҳит ҳам ҳисобга олинади. Натижага эришганлик даражаси эса доимий мониторингга талаб этади.

Назорат қилиш, баҳолаш усуллари ва воситалари: қўйилган мақсад ва ўқув материаллари мазмунига нисбатан мос ҳолда танланиши лозим.

Агар қўйилган мақсад билан олинган натижа бир-бирига мос келса, педагогик жараён ниҳоясига етади. Бунда қўйилган мақсад билан олинган натижанинг тўлиқ мослигини таъминлашни курсатиб ўтиш зарур, чунки улар предметнинг объектив муҳим қонуналаридан келиб чиқади. Бугунги кунда технологик ёндашув концепцияси таълим амалиётига кириб келмоқда ва ўз навбатида ўқув жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланган назорат жараёни технологик ёндашув талаблар асосида ташкил этилмоқда. Назорат жараёни таълим олувчиларнинг барчасини қамраб олиши, қисқа вақт ичида амалга ошириши ҳамда максимал даражада объектив бўлиши зарур. Бундай талабаларга жавоб берувчи назорат шаклларида бири тест ҳисобланади. Тест тузиш қонун-қоидаларини ўргнувчи фан тестология ҳисобланади. Тест методининг кенг тарқалиши, ривожланиши ва такомиллашувига унинг қуйидаги афзалликлари асос бўлди:

- Тест топшириқлари тадқиқот мақсадига мувофиқ респондентларнинг билим, кўникма ва малакаларига аниқ ва қисқа вақтда баҳолаш имкони туғилади;
- Ижтимоий сўровларда иштирок этган кўп сонли респондентларнинг фикр ва мулоҳазаларини аниқлаш ва умумлаштириш имконияти мавжуд;
- Таҳсил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш жараёни объектив амалга оширилади, баҳоловчи томонидан субъективизмга йўл қўйишнинг олди олинади.
- Турли гуруҳ респондентларидан олинган маълумотларни қиёсий-статистик таҳлилни ўтказишга замин тайёрлаши каби имкониятларни яратади.

Тестология – (инглизча сўздан олинган бўлиб, test — синов), юнонча logos — билим) сўзлари бирикмасидан иборат.

Тестология фанлараро ўзаро боғлиқликка эга бўлган, илмий асосланган ва сифатли диагностика ўлчов методикасига асосланувчи фан саналади.

Тестология фанининг объекти-тест топшириқларини тузиш, тест топшириқларини амалиётга жорий этиш ва ўтказиш, тест топшириқларидан олинган натижаларни умумлаштириш жараёни саналади.

Тест назоратининг таълим амалиётига кириб келиш тараққиёти.

XIX асрнинг 80- йиллари ва XX асрнинг 20-йилларигача бўлган вақт давомида тест назоратини вужудга келиши, шаклланиши ва таълим амалиётига кириб келиш даври ҳисобланади. Биринчилар Буюк Британиялик олим, психолог Фрэнсис Гальтон психик хусусиятларни ўлчаш борасида тадқиқотлар ўтказди. Психолог Дж.Кэттелл бир қатор психологик тестларни муаллифи ҳисобланади. У психологик тестлар- психология фанини тараққиётига ва янги қонуниятларни яратилишига хизмат қилишини таъкидлайди ва тестларни стандартлаштиришга ўз хиссасини қўшади. Тез орада тестлар психологик тадқиқотларнинг энг кенг тарқалаган усулларида бирига айланди. Улар кўплаб мактабларда дефектологик мақсадларда, касбга йўналтиришда, таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлашда қўлланила бошланди. XX асрнинг 60-йилларида психологик ва педагогик тестлар хусусиятларига кўра ажратила бошланди. Р.Торондайк педагогик тестларни асосчиларидан бири ҳисобланади.

XX асрнинг 80 – йилларидан бошлаб тест назоратини ўтказишда компьютер технологияларидан, математик дастурлаштириш воситаларидан кенг фойдаланила бошланди. Айтиш жоизки, бугунги кунда АҚШ, Англия, Япония, Дания, Израил, Канада ва Австралия давлатларида тест назорати етакчи шаклга айланган. Бу мамлакатларда

тестларни ишлаб чиқиш, оммавий тестларни ташкил этиш ва таълим сифатини назорат қилиш учун маълумот тўплаш хизматлари яратилган. Айтиш жоизки, таълим тизимини стандартлаштириш тест назоратини долзарблигини янада оширмоқда.

1864 йили биринчи марта педагогик тест ДЖ. Райс томонидан орфография учун ишлаб чиқилди. Т.Стоун томонидан арифметика фани учун тест ишлаб чиқилди. 1902 йили 20 аснинг бошида Америкалик олим В.А.Макколл психологик ва педагогик тестларни ажратади.

1925 йили Россияда “Мақтаб ишлари методикаси” институтида тест комиссияси ташкил этилди.

1915-1930 йилларда Америкада тестология фани жуда тез таракқий этади ва мактабдаги барча фанлардан миллий тестлар ишлаб чиқилади. 1926 йили биринчи стандарт тестлар яратилди.

1936 йили «тест» методи буржуазия элементи сифатида қабул қилиниб, ундан воз кечилган. В 60-йилларда Россия педагоглари яна тестларга мурожат этишни бошладилар.

1961 йили АҚШда 2000 дан ортиқ стандарт тестлар ишлаб чиқилди. Жаҳон тест компанияси ташкил топди (Educational Testing Service)

Тестларни ишлаб чиқиш методикаси. Педагогик тест бу – талабанинг тайёргарлик даражасини сифатли ва самарали ўлчовчи, мураккаблашиб боровчи махсус топшириқлар тизимининг шаклидир.

Тест топшириқлари камида қуйидаги талабаларга жавоб берган ҳолда тузилиши лозим:

- ахборот материалининг мазмунига тўғри келиши;
- тест тузиш қоидаларига риоя қилган ҳолда тузилган бўлиши;
- амалиётда апробациядан ўтказилган бўлиши;
- талабалар учун тушунарли бўлиши лозим.

Тестларни апробациядан ўтказилаётганда учта меъёр ҳисобга олинishi лозим:

- Ишонччилик (бир хил шароитларда натижаларнинг қайтарилиши).
- Валидлик (тестларнинг танлаб олинган маълум мақсадга қаратилганлиги).
- Обьективлиги (шароит ва талабларнинг бир хил қўйилиши).

Тест тузиш жараёнида қуйидаги қисмларига алоҳида аҳамият бериш керак:

1. Инструкция қисми (тест топширувчи қандай белгилар қўйиши тестни ишлаш тартиби аниқ кўрсатилади).



1-расм. Тестнинг тип ва шаклига кўра турлари.

2. Тест топшириқлари (тест мазмуни ўқув ахаборотини мазмуни билан белгилади).

3. Жавоблар қисми.

Бундан ташқари тест кимлар учун, қандай фан бўйича тузилганлиги, тестни ечиш учун қанча вақт ажаритилганлиги, тест тузувчини исми, шарифи кўрсатиллиши лозим.

Тестнинг шаклига қўра турлари мавжуд (1-расм).

Тестнинг ёпиқ типига қирувчи тест шакллари керакли сўз, рақам, формула ёки иборани ёзиб қўйишни талаб этади.

Тестнинг очиқ типига бир вариантли ёки бирнеча тўғри жавобли вариантларни аниқлаш, элементлар ўртасида мосликни ўрнатиш, тўғри ёки нотўғри элементларни ажаратиб олишни ҳамда тўғри кетма-кетликни ўзрнатиш талаб этилади.

Тестларни ишлаб чиқишда маълум тамойилларга асосланиш талаб этилади:

- самарадорлик,
- вариативлик,
- ишончлилик,
- ҳар бир фан соҳасининг ўзига хос хусусиятлари,
- фаннинг таълим мазмуни,
- тестларнинг мантиқий тузилиши,
- тест синовининг ўтказиш мақсади,
- касбий ва умумтаълим билимларни назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва ўлчови эътиборга олинади.

Тест топшириқларига қўйилади-ган асосий талаб, ҳар бир тест топшириғи:

- муайян мазмун;
- таркиб;
- яхлитлик ва структура;
- топшириқни бажариш тартиби, қондаси;
- топшириқни бажариш натижа-си-да таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали;
- тест натижаларини умумлаш-тириш бўйича кўрсатма-лардан иборат бўлиши зарур.

Тест топшириқларининг яхлит-лиги у бир мавзу, боб, бўлим ёки курс мазмунини қамраб, уларни назорат қилиш имкониятига эга эканлигида кўзга ташланади.

Тестларни таснифи:

Стандарт тестлар

Ностандари тестлар

Педагогик тестлар мазмуни ва моҳиятига қўра: гомоген ва гетероген тестларга ажратилади.

Гомоген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган битта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

Гетероген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган бир нечта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими.

Тестлар характериға қўра:

1. Интегратив тестлар (Интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб боровчи, таълим муассасасининг битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган яқуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади).

2. Адаптив тестлар (Адаптив тестлар автоматлаштирилган, таҳсил олувчиларга нисбатан индивидуал ёндошиш имконини берадиган, топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади.) Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра: ўртача оғирликдаги, таҳсил олувчининг танлашига кўра аралаш, топшириқлар банкидан фақат қийин даражали бўлиши мумкин.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модул-кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим.

3. Мезонли-мўлжал олиш тестлари (Мезонли-мўлжал олиш тестлари таҳсил олувчиларнинг умумий тайёргарлик даражаси, мазкур курснинг ўқитилиш сифати, педагогнинг педагогик маҳорати, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади).

4. Меърий тестлар. Ушбу тестлар меърага нисбатан тараққиёт даражасини наиклашга қаратилган тестлар. Бундай тестларни ишлаб чиқиш бир қатор эксперти-ментларни ўтказишни талаб этади.

Тест топшириқлари мазмунини танлаш тамойиллари:

1. Тест топшириқлари мазмуни синов мақсадига мослиги.
2. Назорат ва баҳоланаётган билимларнинг муҳимлиги.
3. Мазмун ва шакл бирлиги.
4. Тест топшириқларининг мазмунан тўғрилиги.
5. Тест топшириқлари мазмунида ўқув курси мазмунининг қайта тақдим этилиши.
6. Тест топшириқлари мазмунининг фаннинг ҳозирги замон ҳолатига мослиги.
7. Тест топшириқлари мазмунининг мажмуали ва мувозанатлашган бўлиши.
8. Тест топшириқлари мазмунининг тизимлилиги.
9. Тест топшириғи мазмунининг вариативлиги.

Тест топшириқларига қўйиладиган талаблар:

1. Тест топшириғи мазмунининг тўғрилиги;
2. Саволнинг мантикий жиҳатдан тўғри танланиши;
3. Тест топшириғи шаклининг тўғрилиги;
4. Тест топшириғининг савол ва жавобнинг қисқалиги;
5. Тест топшириғи элементларининг тўғри жойлашганлиги;
6. Тест топшириғининг тўғри жавоблари бир хил баҳоланиши;
7. Таҳсил олувчиларга тест топшириғининг бажариш бўйича бир хил кўрсатма берилиши.

Турли даражадаги ва шаклдаги тест топшириқларини ишлаб чиқиш йўллари.

Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони.

Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони ўрганилаётган объектнинг хусусиятларини ўзида тўлиқ акс эттириб, у таҳсил олувчилар томонидан мазкур хусусиятларни аниқлаш учун бажарадиган ақлий операцияларига кўра:

- Оддий даража;
- Репродуктив даража;

- Продуктив даража;
- Ижодий (креатив) даражада бўлиши мумкин.

Оддий тест (эслаш, ёдда сақлаш, таниш каби психик жараёнларни боришини таъминловчи тест. билимларни мустахкамлайди.

Репродуктив даражадаги тест топшириқлари таҳсил олувчиларнинг хотирасида сақланган билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда ахборотларни қайта ишлагандан жавоб қайтаришни талаб этади.

Бу даражада тузилган тестлар таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни аниқ баҳолаш имконини бермайди.

Продуктив даражада тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш, умумий хулоса чиқариш орқали жавоб беришни талаб этади. Продуктив даражадаги тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларнинг хусусиятларини бошқа объектга кўчириш, мазкур объектларни таққослаб, кейинги объектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш, қисман изланиш олиб боришни талаб этади. Таҳсил олувчилар томонидан мазкур даражадаги тест топшириқларига жавоб беришда аввал ўзлаштирилган билимлар янги вазиятларга кўчирилади.

Ижодий (креатив) даражада тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ижодий фикр юритиш кўникмаларига эга бўлиш, мазкур тест топшириқларини бажариш жараёнида таҳсил олувчилар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги қутилмаган вазиятларда қўллашни талаб этади.

Шкliga кўра:

- Очик тестлар
- Ёпиқ тестлар

Тадқиқот натижалари. Олий таълим тизимида фаолият юритувчи педагогларнинг тестларни тайёрлаш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш даражаси таҳлил қилинар экан, бу борада бир мунча камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Олий таълимнинг профессор-ўқитувчилари тестология фанининг асослари билан ўз вақтида чуқур танишмаган. Шу сабабли ўз фанлари бўйича тест ишлаб чиқиш жараёнида талаб этилувчи қондаларга амал қилмаслик ҳолатлари мавжуд. Фанлар бўйича ишланган тестларнинг валидлиги ва ишончлилик даражаси паст. Тузилган тестлар асосан репродуктив характерда бўлиб, талабанинг билимларини ва дастлабки кўникмаларини шаклландирилган даражасини аниқлашга йўналтирилган. Тест саволларини ишлаб чиқишда кўп камчиликлар учрайди. Саволлар узун, талабага йўналишни кўрсатмайди ва баъзан ўта мавҳум характерда тузилган.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш керакки, технологик ёндашув назорат жараёнига алоҳида талабалар қўяди. Биринчидан назорат шаклларини барчасидан унумли фойдаланиш лозим. Иккинчидан ушбу назорат жараёни қисқа вақтда ўтказилиши лозим. Учинчидан назорат натижаларидан келиб чиққан ҳолда технологик ишланманнинг самарадорлик даражаси аниқланади.

Бугунги кунда профессор-ўқитувчилар назоратнинг оғзаки, ёзма ва амалий шаклларида унумли фойдаланмоқдалар. Ушбу назорат шаклларининг ҳам тезкор усуллари мавжуд, масалан экспресс сўров, қисқа эссе, организаёрлардан фойдаланган ҳолда ишланиши лозим бўлган топшириқлар тизими. Айтиш жоизки, тест назорати ҳам юқорида қайд этилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда технологик ёндашувда ўз ўрнига эга бўлган назорат шаклидир. Шу сабабли ОТМларда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар мана шу назорат шаклини чуқурроқ ўрганишига эътибор қаратиш лозим. ОТМлар қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлов курсларида

тестологиянинг асосларини чуқурроқ ўрганиш назорат жараёнини янада сермазмун, кўп қиррали ва шаффоф бўлиши таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Голиш Л.В. "Замонавий педагогик технологиялар", М. 1999.
2. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010.
3. Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар – Тошкент: «Фан», –2010.
4. Мухина С.А Соловьёва. А.А. Современные инновационные технологии обучения. М.: «ГЭОТАР-Медия» 2008 43 с.
5. Майоров А.Н. Теория и практика создания тестов для системы образования.(как выбрать, создать и использовать тесты для целей образования)/-М.: Народное образование.2001г.
6. Очилов М. "Янги педагогик технологиялар", Қарши, 2000.
7. Сайдахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия. нашр, 2003.
8. Шаповалова Т.Г. Методические аспекты тестирования учебных достижений учащихся в условиях дистанционного обучения. Южно-Сахалинск: СахГУ, 2004. - 112 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада технологик ёндашув ва назоратга қўйиладиган талабалар, хусусан, тест назоратининг ўзига хос жиҳатлари, тамойиллари, уни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар тизимига оид маълумотлар берилган. Тест тузиш методика ва эътибор бериш лозим бўлган ҳолатлар, бу жараёнда йўл қўйилатган камчиликлар таҳлил этилган ҳамда хулосалар ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведена информация о технологическом подходе и требованиях к процессу контроля, в частности об особенностях, принципах тестового контроля и требованиях к его разработке. Рассмотрен процесс разработки тестов, методы и положения на которые нужно уделять особое внимание, проанализированы недостатки в этом процессе и сделаны выводы.

SUMMARY

The article provides information about the technological approach and the requirements for the control process, in particular, about the features, principles of test control and requirements for its development. The process of test development is considered, methods and provisions to which special attention should be paid, shortcomings in this process are analyzed and conclusions are drawn.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ КЛАССТЕРИ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТ БИЛИМ АСОСЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Расулов А. Н.

Мақолага Чирчиқ давлат педагогика институти Мустақил изланувчи

Таянч сўзлар: иқтисодиёт тармоқлар, қарорлар, таълим, тизим, эркинлаштириш, таракқиёт.

Ключевые слова: отрасли экономики, решения, образование, система, либерализация, развитие.

Key words: sectors of the economy, solutions, education, system, liberalization, development.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Ушбу муаммолар ва ҳаётнинг ўзи олдимизга қўйган мураккаб вазифаларни тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш, кўп жиҳатдан инсонларнинг иқтисодиёт сирларини, айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатларининг мазмунини, уларнинг талаблари, зиддиятли хусусиятларини, қонуни-қоидаларини, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, мамлакатимизда иқтисодий таракқиётни жадаллаштириш мақсадида қабул қилинган стратегик дастурлар мазмунини, амалга оширилатган кенг қўламли иқтисодий ислохотларни янада

чуқурлаштириш, инсон манфаатини биринчи ўринга қўйиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашнинг мақсади ва мазмунини чуқурроқ билишларига боғлиқдир. “Иқтисодиёт назарияси” фани иқтисодиёт тушунчаларини, унинг қонун-қоидаларини, тежамли хўжалик юришти сирларини, турли инсонлар ва хўжаликларнинг бир-бирлари билан манфаатли иқтисодий алоқада бўлиб, унумли меҳнат қилиш йўлларини ва шаклларини ўргатади. Жамиятда рўй берадиган иқтисодий қонунларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислох қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган билимларни беришда “Иқтисодиёт назарияси” фанининг роли бекиёсдир. Айниқса, ёш авлодда бунёдкорлик ғояларини шакллантириш, уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, иқтисодий маданиятини ошириш каби муҳим вазифаларни бажариш орқали мазкур фаннинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам масалага алоҳида эътибор қаратилган, яъни 3 йўналиши “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”, 4-йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”да белгиланган берилган вазифаларни амалга ошириш зарурлиги белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда республикаимизда олий иқтисодий таълимни янада ривожлантириш, айниқса, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ бўлган билимлар асосини ташкил этувчи “Иқтисодиёт назарияси” фанини ўқитишнинг ўқув-услубий асосларини янада такомиллаштириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу эса ушбу фанни ўқитиш ишлари самарадорлигини янада оширмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантириш, уни замонлаблари билан уйғунлаштиришга қатга аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Республикаимиз олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш мақсадида иқтисодий таълимнинг халқаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, дунёнинг ривожланган ва бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларнинг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар қандай шароитда рақобатлаша оладиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий иқтисодий таълим тизимига эгадирлар. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон

Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантириш масалаларига тўхталиб, “Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш - энг муҳим масалалардан биридир. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюрolari, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак.”¹, - деб таъкидлаб ўтди.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш

бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” №ПФ-4947 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга кўра мамлакатимизда 2017-2021 йилларда “...иктисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини химоя қилиш ва унинг устувор максеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш кўзда тутилган”.

Жамиятда рўй берадиган иқтисодий, ижтимоий қонунларни билиш ва уларни амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган билимларни беришда таълим ва тарбия назарияси ва методикасининг аҳамияти катта. Айниқса, ёш авлодда бунёдкорлик ғояларини шакллантириш, уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, ижтимоий маданиятни ошириш каби муҳим вазифаларни бажариш орқали унинг роли тобора ошиб бормоқда.

Дастурини тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан мутахассис кадрлар тайёрлаш ишини тубдан қайта қуриш, олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш ишини жадаллаштириш борасида қўйилган вазифалар, жумладан “...олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш”² масалалари ҳисобга олинди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти ривожланаётган шароитда олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш ҳозирги замон долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни кенгайтириш билан бир вақтда олий таълим тизимини тубдан яхшилаш, ислоҳ қилиш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса, биринчи навбатда, олий таълим йўналишлари бўйича ўқитиладиган фанларнинг мазмуни ва ўқув дастурларини халқаро андозаларга мослаштиришни талаб қилади. Дастур 13.00.12 - “Таълим-тарбия назарияси ва методикаси” ихтисослиги паспортига тегишли бўлган барча масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Малакавий имтиҳон дастури 13.00.12 - “Таълим-тарбия назарияси ва методикаси” ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор катта илмий ходим-изланувчилар ва РЮЭ институти учун мўлжалланган.

Рақамли иқтисодиёт рақамли технологияларга асосланган, электрон бизнес, электрон тижорат билан боғланган, рақамли товар ва хизматлар ишлаб чиқараётган ва тақдим этаётган иқтисодий фаолиятдир. Бунда иқтисодий хизмат ва товарлар учун ҳисоб-китоблар электрон пул орқали амалга оширилади. Рақамли иқтисодиёт концепцияси атомдан битга, яъни кимёвий энг кичик заррадан электрон бирликка ўтишга асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини биринчи ўринбосари Олимжон Умаров таъкидлашчи, рақамли иқтисодиёт алоҳида фаолият турини эмас, балки ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматларда ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади.

Рақамли иқтисодиёт йирик саноат объектлари иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўсиш, фаолият шаффофлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 19 сентябр Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябр.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабр.
<https://cyberleninka.ru/>
<http://library.ziyouet.uz/>
<http://tsue.uz/>
<http://arm.sies.uz/>

РЕЗЮМЕ

Мақола замонавий таълим кластери шароитида Иқтисодиёт билим асослари фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш ҳақида бўлиб, рақамли иқтисодиёт, мамлакатимизда Иқтисодиётни ривожлантириш йулида қабул қилинган қарорлар, иқтисодий таълим тизими ҳақида тушунчалар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идет о совершенствовании методики преподавания основ экономики в условиях современного образовательного кластера, концепциях цифровой экономики, решениях, принимаемых в развитии экономики в нашей стране, системе экономического образования.

SUMMARY

The article deals with the improvement of the methodology of teaching the basics of economics in the conditions of a modern educational cluster, the concepts of the digital economy, decisions made in the development of the economy in our country, the system of economic education.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Махмонов У.А.

“ТИҚХММИ” миллий тадқиқотлар университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: олий таълим, ўқитувчи, талаба, талабага йўналтирилган таълим, субъект, лидер, кредит-модуль тизими.

Ключевые слова: высшее образование, учитель, студент, образование ориентированное на ученика, субъект, лидер, кредитно-модульная система.

Key words: higher education, teacher, student, student-oriented education, subject, leader, credit-modular system.

Мамлакат иқтисодиётининг асосий бўғини бўлган кишлоқ хўжалиги, оғир ва енгил саноат, кимё ва озик-овқат саноати ва шу каби бошқа соҳаларга билимли ва малакали етук мутахассис кадрларни тайёрлаб бериш ушбу мамлакат олий таълим тизимининг асосий вазифасидир. Бу масъулиятли вазифани бажариш, яъни билимли, етарлича малака ва кўникмаларга эга бўлган, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида, замон талабидан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимида қўйлаб

ислохатлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мамлакат ҳукумати томонидан турли даражадаги бир қанча хужжатлар ишлаб чиқиляб, қабул қилинмоқда. Жумладан, 2018 йил 19 февралда “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Президент Фармони, 2018 йил 3 июлда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли Президент Қарори, 2019 йилнинг 8 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони, 2020 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сонли Қарори, 2021 йил 15 январда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ташкилий масалаларига тааллуқли хужжатлар намуналарини тасдиқлаш тўғрисида”ги №30-сонли буйруғи ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида бир қанча долзарб вазифалар белгилаб берилган. Жумладан:

- олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;
- халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;
- олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;
- олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш;

Мамлакатимиздаги олий таълим тизимида жорий этилаётган кредит-модуль тизимида ташкил этиладиган ўқиш жараёни мазмунан талабага йўналтирилган, бошқача айтганда шахсга йўналтирилган таълим ҳисобланади.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларининг коммуникатив асоси – педагогик жараёнда ўқувчиға инсоний-шахсий ёндашишдир. Бошқача тарзда ифодаладиган бўлсак, шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инobatга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълимдир.

Шахсга йўналтирилган таълимда асосий эътибор марказида талаба туради, барча омиллар талабанинг билим олишиға ва унинг мустақил тарзда ўқиб-ўрганишиға, мустақил ва эркин фикрлашиға, ундаги мавжуд қобилиятларни очишға ва уларни ривожлантиришға қаратилади. Умуман олганда бутун максат билимли, малакали, ўз мустақил фикриға эға, ижодкор мутахассис кадрларни тайёрлашға қаратилгандир.

Кредит-модуль тизими асосида ўқитишда ўқув режаларда фанларға ажратилган ўқув юкласининг ярми ва ундан кўп қисми талабанинг мустақил таълимиға ажратилган. Аудитория ва мустақил таълим соатлари нисбати 1:1 ёки 1:1,5 нисбатни ташкил этади. Демак, талаба 1 соат аудитория машғулоти билан шуғулланса, 1 соат ёки 1,5 соат мустақил таълим билан шуғулланиши лозим бўлади.

Талабаға йўналтирилган таълим ҳақида Канаданинг Нью Брансвик Университети Ассошейт профессорси (PhD), «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳузуридаги Халқаро


экспертлар кенгаши аъзоси В.Ўринов ўзининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар” номи қўлланмасида ўз фикрларини баён этган. Муаллифлар Ш.С.Шойимова, М.К.Хошимова, Ш.Р.Мирзаева, М.М.Қўзибоева томонидан чоп этилган “Таълим технологиялари” номи дарсликда шундай фикрлар келтирилган: “Шахсга йўналтирилган технологияларда, таълим олувчи шахси педагогик жараён марказига қўйилади, унинг ривожланишига ва табиий имкониятларини рўёбга чиқаришга қулай шарт-шароитлар яратилади”. Муаллиф Д.Шеровнинг “Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг илмий-назарий асоси” номи мақолисида таълим технологиялари ҳақида ҳам ўз қарашларини ифодалаб, шундай деган: “... зўравонликка асосланган бу педагогикада педагог ягона субъект, ўқувчилар педагогик жараён объекти, ўқитиш тушунтирув-қўрғазмалли усулда олиб борилади. Ўқитиш оммавий тарзда олиб борилиши туфайли ўқувчиларнинг ташаббуси ва мустақиллиги ўздан-ўзи сўниб бораверади. Шу боис технология асосан ўқувчиларда билим, кўникмаларни шакллантиради, улар шахсини ривожлантиришни кўзда тутмайди”. Шунингдек шахсга йўналтирилган таълим, унинг моҳияти ва афзалликлари ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган. Яъни, “Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларининг коммуникатив асоси – педагогик жараёнда ўқувчига инсоний-шахсий ёндашиш-дир” деган фикрни бериб ўтган.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида жорий этилаётган ECTS кредит - модуль тизими қуйидаги тамойиллар асосига қурилган:

- 1) Талабага йўналтирилган таълимни ташкил этиш (student-centered education);
- 2) Таълимда шаффофликка эришиш (transparent education);
- 3) Таълимда мослашувчанликни кучайтириши (improving flexibility);
- 4) Талабалар мобилигини кучайтириш (improving student mobility).

Канаданинг Нью Брансвик Университети, Ҳуқуқ факультети Ассошейт профессори (PhD) Воҳид Ўриновга кўра таълим тизимларини одатда икки тоифага, яъни ўқитувчига йўналтирилган ва талабага йўналтирилган таълимга ажратиш мумкин. Уларни оддий қилиб қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм).

Ўқитувчига йўналтирилган таълим тизимида таълимга, ўқув дастурларига, дарс жараёнларига қатъий равишда ОТМ, уни назорат қилувчи ташкилот ва ўқитувчи хоҳиши нуктаи назаридан ёндашилади. Бунда талабалар нимани, қанча, қандай



1-расм. Таълимнинг тоифаларга ажратилиши:

- а) талабага йўналтирилган таълим;
- б) ўқитувчига йўналтирилган таълим.

усулда ўрганиши кераклиги масалаларини белгилашда меҳнат бозори вакиллари ва талабаларнинг эҳтиёжлари, фикрлари кўп ҳам эътиборга олинмайди. Таълим жараёнини бошқариш ва ташкил этиш анча марказлашган тарзда амалга оширилади. Ўқув жараёнида ўқитувчига билимнинг ягона манбаи сифатида қаралади. Талабалар асосан нофаёл тингловчи сифатида шаклланади, чунки таълим жараёнлари уларни фаолликка ундамайди

(дарслар асосан маъруза шаклида ташкил этилади). Бундай таълим тизимида талабаларда мустақил фикрлаш, ўз фикрларини ифода этиш, мунозарага киришиш, муаммоларга танқидий ёндашиш, ўзлари учун ўзлари қарор қабул қилиш салоҳиятлари шаклланимайди.

Талабага йўналтирилган таълим бу ўқитувчига йўналтирилган таълимнинг тескариси десак тўғри бўлади. Ушбу тизимда таълимга олий таълим муассасаси, таълимни назорат қилувчи ташкилот ёки ўқитувчилар нуқтаи назаридан эмас, балки талабалар нуқтаи назаридан ёндашишни талаб этади. ОТМлар, уларни назорат қилувчи ташкилотлар ва ўқитувчилар таълим жараёнларини ташкил этувчиси бўлсаларда, улар асосан мувофиқлаштирувчи вазифасини ўтайдилар, яъни ўқув дастурлари, хусусан талаба нимани, қанча, қандай усулда ўрганиши кераклиги талабаларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, мутахассислик ва меҳнат бозори талабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, яъни “пастандан тепага” қараб (bottom up) шакллантирилади. Бунда ўқитувчига билимнинг ягона манбаи сифатида қаралмайди. Талабалар таълим жараёнларига фаол жалб этилади. Таълим тизими талабаларда мустақил фикрлаш, ўз билимини бошқалар билан улашиш, ўзи учун ўзи қарор қабул қила олиш салоҳиятларини шакллантиришга йўналтирилади [4].

Ўқитувчига йўналтирилган таълим ва талабага йўналтирилган таълимнинг ўзаро фарқи, афзаллик ва камчиликларини куйидаги жадвал кўринишида ифодалаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўқитувчига йўналтирилган таълим ва талабага йўналтирилган таълимнинг ўзаро фарқи, афзаллик ва камчиликлари

Субъектлар	Ўқитувчига йўналтирилган таълимда	Талабага йўналтирилган таълимда
Ўқитувчи	<ul style="list-style-type: none"> - лидер; - билим манбаи; - бериладиган билимлар мазмуни ва ҳажмини белгилувчи; - билимларни баҳоловчи асосий субъект; - дарсда энг фаол субъект; - топширик берувчи субъект; 	<ul style="list-style-type: none"> - лидер эмас; - билим манбаига йўналтирувчи; - талабалар асосида билимлар мазмуни ва ҳажмини шакллантирувчи; - билимларни баҳолаш тизимининг бир бўлаги; - дарсда қисман фаол субъект; - топширик берувчи субъект;
Талаба	<ul style="list-style-type: none"> - дарсда нофаол субъект; - тингловчи, ижрочи; - топширикни билвосита бажарувчи субъект; - масъулияти чегараланган; - танлаш ҳуқуқи чекланган; 	<ul style="list-style-type: none"> - дарсда фаол субъект; - тингловчи, ижрочи, танқидий таҳлил этувчи ва фикр билдирувчи; - топширикларни бевосита мустақил бажарувчи; - масъулияти юқори; - танлаш ҳуқуқига эга; - керакли билимларни талаб этувчи; - мустақил изланувчи, тадқиқотчи.
ОТМ	Ўқитувчи талабалари асосида шарт-шароитларни яратиб беради.	Талаба ва ўқитувчи талабалари асосида шарт-шароитларни яратиб беради.

Юқоридаги келтирилган маълумотлар ва таҳлилий жадвалдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, талабага йўналтирилган таълимда талабанинг фан бўйича

Ўзлаштириши лозим бўлган билимлар мазмуни ва ҳажми ўқитувчининг нуқтаи-назаридан келиб чиқиб эмас, балки талабанинг талаб ва ҳожиш-истаклари, шунингдек иш берувчи ташкилотлар мутахассисларининг таклифлари асосида белгиланади. Бунда ўқитувчи фан бўйича ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларни берувчи манба эмас, балки ушбу билимларни талаба ўзлаштириши учун қандай тарзда ҳаракат қилишини, яъни талабанинг ҳаракат троекториясини белгилаб берувчи субъектга айланади.

Талабага йўналтирилган таълим ECTS кредит – модул тизимининг қуйидаги қондаларида ўз аксини топган:

- Таълим олиш вақти тушунчаси талабанинг дарсда ўтирган вақти билан эмас, балки унинг фан бўйича ўқиш ва ўрганишга сарфлаган умумий вақтидан келиб чиқиб белгиланади.
- Ўқув дастурлари ва ўқув режалари таълимдан қутилаётган аниқ ўқиш натижалари асосида шакллантирилади.
- Талабалар фанларни маълум даражада ўзлари танлаш ҳуқуқига эга бўлиш орқали ўзларининг ўқув дастурига эга бўлишади.

Хулоса ва таклифлар. Талабага йўналтирилган таълимда ўқув машғулотларини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни тавсия сифатида айтиб ўтмоқчимиз. Дарс машғулотларини ўтиш жараёнида фан ўқитувчилари қуйидагиларга амал қилиши ва эришиши лозим:

- дарс машғулотларини (маъруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория машғулотларини) ташкил этишда ва дарс мақсадини белгилашда таълимнинг шахсга йўналтирилганлигига эришиш;
- дарс машғулотларида ўқитувчи лидерлигидан воз кечиш ва талабаларнинг лидерлигини, уларнинг фаоллигини таъминлашга эришиш;
- талабаларнинг мустақил ўқиб-ўрганиши ва ўз устида мустақил ишлаши учун уларга фанни ўрганишлари учун “ўрганишдаги ҳаракат троекторияси”ни чизиб бериш ва йўналтиришга эришиш;
- талабалар билимини баҳолашда шаффофликни, адолатлилик ва ҳаққонийлик принципларига қатъий амал қилиш;
- талабанинг мустақил ишлашини ташкил этишда зарур ўқув-услубий таъминотни шакллантиришга эришиш;
- талабаларни рағбатлантириш ва уларга мотивация бериш.

Кредит-модуль тизими асосида ўқитишнинг талабага йўналтирилган таълимда ўқув машғулотларини ташкил этиш ва самарадорлигини оширишда фан ўқитувчиларининг роли муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улардан катта тажриба, билим, маҳорат ва креативликни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. Тошкент, 2019 йил 8 октябрь.
2. 2020 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сонли Қарори.
3. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. - 120 бет.
3. В.Ўринов. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими:

асосий тушунчалар ва қоидалар. Кўлланма. Эл-юрт умиди жамғармаси ва Республика Олий Таълим Кенгаши билан ҳамкорликда. 2020 й. -64 б.

4. Ш.С.Шойимова, М.К.Хошимова, Ш.Р.Мирзаева, М.М.Қўзибоева Таълим технологиялари – Дарслик. – Т.: «ИЖОД-ПРИНТ», 2020. -310 бет.

5. Д.Шеров. Шахса йўналтирилган таълим технологияларининг илмий-назарий асослари. Academic research in educational sciences volume 2 | ISSUE 4 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723.

6. У.А.Махмонов. Олий таълимда кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ва имкониятлари. “Замонавий таълим” илмий-амалий оммабоп журнали. №1 (98) сон, 2021 йил. 4-11 бетлар (ISSN 2181-6514).

РЕЗЮМЕ

Олий таълим тизимида ўқув машғулотларини ташкил этиш ва уларнинг мазмунини янада бойитиш, сифати ва самарадорлигини ошириш ўз аҳамиятини йўқотмайдиган масалалардан бирidir. Ушбу мақолада кредит-модуль тизимида ўқув машғулотларини ташкил, сифати ва самарадорлигини ошириш борасида фикрлар-мулоҳазалар ва таклифлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

Организация образовательной деятельности в системе высшего образования и дальнейшее обогащение ее содержания, повышение ее качества и эффективности является одним из вопросов, который не теряет своей значимости. В данной статье описывается организация учебных занятий по кредитно-модульной системе, мнения и предложения по повышению качества и эффективности.

SUMMARY

The organization of educational activities in the higher education system and the further enrichment of its content, improving its quality and efficiency is one of the issues that does not lose its significance. This article describes the organization of training sessions on the credit-modular system, opinions and suggestions for improving quality and efficiency.

PROFESSIONAL TA'LIM MUASSASALARIDA DUAL TA'LIM SIFATINIOSHIRISHNING SAMARALI USULLARI

Yusupova A. P.

Pedagogika innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi boshqaruvi hamda pedagog kadrlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti tayanch doktorant

Tayanch so'zlar: professional ta'lim tizimi, dual ta'lim, mehnat bozori ehtiyojlari, amaliyotga yo'naltirilgan ta'lim.

Ключевые слова: профессиональная система образования, дуальное образование, потребности рынка труда, практико-ориентированное образование.

Key words: professional education system, dual education, labor market needs, practice-oriented education.

Professional ta'lim muassasalarida jahon andozalariga mos yuqori malakali kadrlarni tayyorlash ko'p jihatdan professional ta'limida zamonaviy ta'lim tendensiyalarini joriy etilishiga bog'liqdir. O'z navbatida bu o'quv jarayonini ilg'or pedagogik texnologiyalar talabi asosida tashkil qilish orqali amalga oshirilishini taqozo qiladi. Bu esa ta'lim jarayonini bozor iqtisodiyoti talablarini inobatga olgan holda tashkil etish, unga tegishli o'qitish texnologiyalarni joriy qilish, ta'lim mazmunini doimiy ravishda yangilab borishga qaratilgan metodik ta'minotni takomillashtirish zaruratini keltirib chiqaradi. Mutlaqo yangi professional ta'limning asosiy missiyalarini amalga oshirish professional ta'lim tizimiga dual ta'limni joriy etish hamda mutaxassislarni tayyorlashda zamonaviy o'qitish texnologiyalari bilan uzviylikda kasbiy faoliyatga tayyorgarligini rivojlantirish va uni pedagogik nuqtai nazardan tadqiq qilish hamda uni yangi sifat bosqichiga olib chiqish texnologiyalari va metodikalarini yaratish talabini qo'yadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 6 sentabrda “Professional ta’lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” PF-5812-son farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 7 avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasida uzluksiz boshlang‘ich, o‘rta va o‘rta maxsus professional ta’lim tizimini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi 466-son qarori, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2020 yil 23 sentabrda imzolangan «Ta’lim to‘g‘risida»gi Qonunning 17-moddasida “Dual ta’lim ta’lim oluvchilar tomonidan zarur bilim, malaka va ko‘nikmalarni olishga qaratilgan bo‘lib, ularning nazariy qismi ta’lim tashkiloti negizida, amaliy qismi esa ta’lim oluvchining ish joyida amalga oshiriladi” deb ko‘rsatilgan(1). Shunga asosan professional ta’limi tizimida dual ta’limni yaratish maqsadida Vazirlar Mahkamasining «O‘zbekiston Respublikasi professional ta’limida o‘qitishning dual tizimini tashkil etish to‘g‘risida»gi qarori ishlab chiqildi. Yoshlarning kasblar va mutaxassisliklarni egallashga bo‘lgan qiziqishlarini qo‘llab-quvvatlash uchun keng imkoniyatlar yaratish hamda professional ta’lim tizimida dual ta’limni tashkil etish dolzarb hisoblanadi(2).

Respublikamizda va professional ta’lim tizimida olib borilayotgan ijtimoiy, iqtisodiy islohotlar mehnat bozorini raqobatbardosh malakali kadrlar bilan ta’minlash jarayonini takomillashtirishga alohida e’tibor qaratildi. Professional ta’lim sohasida olib borilgan islohotlar natijasida ta’limning xalqaro standart tasniflagichi bilan uyg‘unlashgan mutloqo yangi tizimi joriy qilindi. Shu bilan birgalikda ta’lim–tarbiya mazmuni, fan va ishlab chiqarishning integratsiyalashuvini dual ta’lim tizimi asosida shakllantirish borasida tizimli islohotlar amalga oshirilmoqda.

Dual ta’lim - bu o‘quv jarayoniga mutaxassislarning nazariy va amaliy tayyorgarligini integratsiya qilish, shuningdek o‘quv jarayonida o‘quvchilarga professional ta’lim muassasalaridagi odatiy mashg‘ulotlar bilan bir qatorda ma’lum bir korxonaga yoki tashkilotga ishga borib kasbiy amaliy tajribaga ega bo‘lish imkonini beradi. Dual ta’limning o‘ziga xos xususiyati shundaki korxonalar teng shartlarda ta’lim muassasalari bilan birgalikda o‘quvchilarni kasb egallashga tayyorlashda bunda ta’lim muassasalari nazariy bilimlariga va ta’limga ma’sul bo‘lsalar, korxonaga va tashkilotlar o‘z navbatida amaliy mashg‘ulotlar uchun sharoit yaratadilar.

Dual ta’lim tizimini tashkil etishda xorijiy mamlakatlardan (Germaniya, Rossiya, Fransiya, Xitoy va boshqalar) muvaffaqiyatli qo‘llanilib kelinmoqda. Germaniya dual ta’limning asoschisi hisoblanadi. Bu mamlakat tajribasi butun Yevropa Ittifoqi va boshqa davlatlar uchun namuna bo‘lib xizmat qiladi. Germaniyada kasb-hunar ta’limi tizimi rivojlangan murabbiylik instituti, amaliyotga yo‘naltirilgan ta’lim va kadrlar tayyorlashda biznesning faol ishtiroki bilan ta’minlanadi. Germaniyada dual ta’lim o‘ziga xos milliy ta’lim tizimidir. Uning o‘ziga hosligi, birinchi navbatda, mehnat ta’limining tarixan shakllangan paradigmasi bilan bog‘liq, ya’ni mehnat etikasi bunga asos bo‘ladi. Germaniyadagi dual ta’lim, ehtimol, oddiy ko‘rinadigan texnologik parametrlarni amalga oshirish va qo‘llab-quvvatlashga muvaffaq bo‘lgan yagona tizim bo‘lib, u dual tizimdagi kasbiy-nazariy komponent o‘qish vaqtining uchdan bir qismini egallaydi va o‘z vaqtida amalga oshiriladi, amaliy ishlab chiqarish qismi esa o‘quv vaqtining taxminan uchdan ikki qismini tashkil etadi va o‘quv korxonasida amalga oshiriladi. Bu yerda ta’kidlash kerakki, ta’lim jarayonidagi asosiy omil bu amaliyotdir, ya’ni korxonada ma’lum bir ish joyida o‘qitish va ma’lum bir mahsulotni ishlab chiqarish (masalan: Oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish uchun, ish natijasi bu ishlab chiqarish normasi bo‘yicha ma’lum bir mahsulotlar tayyorlash). Ishlab chiqarish sohasi va ta’lim tizimining ushbu integratsiyasi ijobiy va salbiy tomonlariga ega hisoblanadi.

Dual ta'lim konsepsiyasini quyidagi maqsadlari, vazifalari va tamoyillarini qamrab oladi.

Maqsadlari:

- √ Professional ta'limi tizimini takomillashtirish orqali ishchi xodimlarni tayyorlashning mukammal tizimini ishlab chiqish;
- √ Professional ta'lim muassasalarining o'quv rejasida belgilangan fanlarni o'tilishiga ta'limning zamonaviy uslub va vositalarini joriy etish;
- √ Uzlüksiz kasbiy ta'lim tizimini modernizatsiya qilish;
- √ Ishchi xodimlarning kasbiy malakalari darajasini oshirish.

Vazifalari:

- √ Kadrlar tayyorlash tizimi va mehnat bozoridagi talab tarkibi o'rtasidagi nomuvofqlikni bartaraf etish;
- √ Aholi hayotining barcha sohaları va mehnat bozori ehtiyojlariga javob beradigan ta'lim shakllarini professional ta'lim muassasalarida tashkil etish;
- √ Kadrlarni kasbiy tayyorlash bo'yicha o'quv dasturlari mazmuni va tuzilmasini o'zgartirish va sifat jihatidan takomillashtirish, ularning yuqori professionalligi kompetensiyasini ta'minlash;
- √ Kadrlarning kasbiy tayyorgarligini tashkil etishda tegishli darajada ishlab chiqilgan ilmiy, uslubiy va moddiy-texnik ta'minotni joriy etish.

Professional ta'lim tizimida dual ta'lim ta'lim oluvchilar tomonidan zarur bilim, malaka va ko'nikmalarni olishga qaratilgan bo'lib, ularning nazariy qismi ta'lim tashkiloti negizida, amaliy qismi esa ta'lim oluvchining ish joyida amalga oshirilishi mehnat bozorini raqobatbardosh malakali kadrlar bilan ta'minlash jarayoniniga imkon beradi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida" Qonuni. T-2020 y.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 6 sentyabrdagi PF-5812-sonli "Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi, farmoni.
3. Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 7 avgustdagi 466-sonli "O'zbekiston Respublikasida uzluksiz boshlang'ich, o'rta va o'rta maxsus professional ta'lim tizimini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida"gi qarori.
4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 29 martdagi VM-163-sonli "O'zbekiston Respublikasi Professional ta'lim tizimida o'qitishning dual tizimini tashkil etish to'g'risida"gi qarori.
5. Xolmuxamedov M. "Yangi professional ta'lim – yangi missiya". «Xalq so'zi» gazetasi. №178-son, T.2020 y.
6. <http://edu.uz>
7. <http://ziyonet.uz>
8. <http://edu.profedu.uz>

РЕЗЮМЕ

Maqolada hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasining professional ta'limi tizimini rivojlantirish uchun dolzarb bo'lgan dual ta'limning muammolari ko'rib chiqilgan. Taklif etilayotgan dual ta'limning maqsadlari, vazifalari tamoyillarini qamrab, mavjud bo'lgan o'quv va ishlab chiqarish tizimini birlashtirishga imkon beradi, bu esa mehnat bozorida xalq xo'jaligining o'rta bo'g'iniga talab qilinadigan raqobatbardosh yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlashga kafolat beradi.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются проблемы дуального образования, актуальные в настоящее время для развития системы профессионального образования в Республике Узбекистан. Предлагаемая дуального образования направления на интеграцию существующей учебно-производственной системы, охватывания принципы целей задач, что гарантирует подготовку высококвалифицированных специалистов, востребованных на рынке труда для среднего звена народного хозяйства.

SUMMARY

The article discusses the problems of dual education, which are currently relevant for the development of the system of vocational education in the Republic of Uzbekistan. The proposed dual education covers the principles

of goals, objectives and allows to combine the existing system of training and production, which guarantees the training of competitive highly qualified specialists required by the middle class of the national economy in the labor market.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ УСТАЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ

Уралов С.А.

Педагогик инновациялар институти докторанти

Таянч сўзлар: ишлаб чиқариш таълими устаси, малака ошириш, касбий компетентлик, касбий эҳтиёжлар, инновацион ёндашув.

Ключевые слова: мастер по производственному обучению, повышение квалификации, профессиональная компетентность, профессиональные потребности, инновационный подход.

Key words: master of industrial training, advanced training, professional competence, professional needs, innovative approach.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан 2019-йил 15-июл куни узлуксиз профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда “...жойларда ишсизлик кузатилаётган бир пайтда ишчи касблар бўйича мутахассисларга катта эҳтиёж борлиги” тўғрисида сўз юритилиб, ўз нутқи давомида “...таълим дастурларини халқаро талаблар асосида янгидан ишлаб чиқиб, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталарини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш зарурлиги”ни алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Қарорда «Ҳаёт давомида таълим олиш» тамойили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш учун таълим дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаб бориш, хусусан ишлаб чиқариш таълими усталари учун уларнинг касбий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган малака ошириш шакллари мустақил танлаш ва ўзлаштириш имкониятини яратиш белгиланган эди.

Профессионал таълимнинг замон билан ҳамоханликда ривожланиши бошлангич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълимга эга мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига бир қатор анъанавий ёндашувларни сезиларли даражада ўзгартиришни тақозо этади. Мутахассисларнинг юқори даражадаги малакаси, касбий маҳорати ва компетентлиги уларнинг ижтимоий таъминоти, касбий барқарорлиги ва ривожланишининг муҳим омилига айланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019-йил 6-сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини замонавий таълим стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021-йил 26-февралдаги 106-сонли қарори тасдиқланди. Қарорда «Ҳаёт давомида таълим олиш» тамойили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш учун таълим дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаб бориш, хусусан ишлаб чиқариш таълими усталари учун уларнинг касбий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган малака ошириш шакллари мустақил танлаш ва ўзлаштириш имкониятини яратиш

белгиланди.

Бу эса, ўз навбатида профессионал таълим тизимида фаолият юритаётган касбий фанлар ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига шундай катта масъулият юклайдики, соҳа педагог ва усталари ўқувчиларга амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишдан олдин, ўзлари юксак педагогик ва касбий психологик маҳоратга эга бўлиши, соҳа бўйича амалий ишларни сифатли бажара оладиган уста бўлиши, устахона ёки лабораториялардаги амалий машғулотларга зарур бўладиган хом-ашё, асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг меъёрий жиҳатдан тўғри танланишини билиши ҳамда дарснинг самарали ўтказилиши учун қўлланиладиган юқори педагогик технологиялар ва ўқув режалаштириш ҳужжатларини яхши билиши билан бирга юқори даражада фойдаланишни ҳам уддалай олишлари зарур. Ўқувчиларда асосий билим, кўникма ва малакалар шаклланишида хизмат қилувчи ишлаб чиқариш таълими усталари – таълим муассасаларида нафақат касбий таълимни амалга оширувчиси, балки ўқувчилар тарбиячиси сифатида ҳам асосий рол ўйнайди.

Ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан ўқув амалиёти машғулотларини етарли даражада ташкил этилиши – бу уларнинг ўз устида доимий ишлаб, юксак маҳорат соҳиби сифатида шаклланиб боришларига боғлиқ. Бунинг учун малака ошириш курсларида инновацион технологиялардан фойдаланиб, таълим сифатини оширишда кенг қамровли амалиётни тадбиқ этиш талаб этилади.

Ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий ва педагогик компетентлигини ривожлантиришда, уларнинг малакасини ошириш узлуксиз таълимнинг энг мослашувчан тизими бўлиб, у жамият талабларига мобил тарзда жавоб беридиган тизимга айланиши керак. Услубий таълимнинг изчиллиги педагог кадрларнинг малакасини оширишда тизимни шакллантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши керак, бироқ унинг танқислиги профессионал таълимда фаолият юритаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий-педагогик фаолиятида кузатилади.

Ишлаб чиқариш таълими устасининг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнининг муҳим таркибий қисмларидан бири уларнинг фаолиятни кузатиш ва коррекциялашдир. Мониторинг ўтказишдан мақсад уларнинг касбий сифатларини такомиллаштириш жараёнини, улар фаолиятининг маҳсулдорлик даражасини кузатишдан иборат. Мониторинг қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади: объективлик, тизимлилик, изчиллик, яхлитлик, инсонийлик. Касбий-педагогик компетентликни ривожлантириш жараёнининг якуний таркибий қисмларидан бири мониторинг натижалари асосида бошқарув усулини ўзгартириш бўлиб, ишлаб чиқариш таълими устасининг касбий ўсишига ёрдам берувчи тадбирларни ташкил этишда тузатишлар киритиш имконини беради. Шу билан бир қаторда, профессионал таълим муассасаси раҳбариятининг мавқеи ва унинг ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини оширишга қизиқиши муҳим аҳамиятга эга. Бошқарув самарадорлиги, қабул қилинган қарорларнинг сифати таълим муассасасини ривожлантиришда асосий стратегик йўналишларни танлашга, устувор йўналишларни белгилашга, ҳаттолардан қочишга ва ўқув фаолиятида, жумладан, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган муаммоларни зудлик билан ҳал қилишга ёрдам беради. Амалиётда бошқарув самарадорлиги педагог ходимлардаги қатъий тартибга солиш билан ушбу жамоа субъектларининг фаолияти ўртасидаги оптимал нисбат билан таъминланади.

Ишлаб чиқариш таълими усталарини малакасини ошириш масаласи шу кунгача Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2012-

йил 28-майдаги ПҚ-1761-сон қарори асосида мавжуд 42 та олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган малака ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий ва тармоқ марказларида ташкил этилган эди. Лекин, ушбу марказларда ишлаб чиқариш таълими усталарини касбий компетенцияси бўйича малакасини ошириш масаласи муаммолигича қолган эди. Жумладан, ишлаб чиқариш таълими усталарининг ўз касби бўйича касбий маҳоратини ошириш ва даражаларга эга бўлиш юзасидан олий таълим муассасаларида қуйидаги талаблар ҳал этилмаган:

1. Ўқув-устахонаси, ўқув-амалиёт хонаси, лаборатория ва полигонлар;

2. Амалий жараёнларни дастур талаблари даражасида ташкил этиши юзасидан моддий-техника базисини, мос устахона дастгоҳлари, асбоб-ускуналари ва ўқув-лаборатория жиҳозлари;

3. Амалий жараёнларга зарур бўладиган хом ашё материаллари;

4. Касб ва мутахассислик кесимида ишлаб чиқариш таълими усталарини малакасини ошириш юзасидан маҳоратли ва юқори даражага эга муҳандис-педагоглар;

5. Ўқув амалиётларини ташкил этиши юзасидан ўқув ва услубий қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси каби муаммолар мавжуд эди.

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими тизими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг худудий қайта тайёрлаш ва малака ошириш факултетларида ишлаб чиқариш таълими усталарини интернет ахборот тармоғи, мултимедиа тизимлари, масофадан ўқитиш усуллари, вебинар технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш, ахборот-коммуникация ва инновацион технологиялардан фойдаланиб малакасини ошириш тизими жорий этилиши белгиланди.

Бугунги кунда малакали ишчиларни тайёрлашга қўйиладиган талабларнинг ортиб бориши ишлаб чиқариш таълими устасига қўйиладиган талабларнинг ҳам ортишига олиб келмоқда. Бугунги кунда ташкил қилинган профессионал таълим муассасаларининг ҳам олдида ҳам меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш мақсад қилиб қўйилган.

Аниқланишича, 1997 йилдан бошлаб касб-хунар коллежлари фаолият юритиб келинган бўлса, охириги йилларда касб-хунар коллежларида фаолият юритаётган ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий-педагогик компетентлиги даражаси паст бўлганлиги маълум бўлди. Масалан:

2011/2012 ўқув йилида касб-хунар коллежларида 12447 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари фаолият олиб борган бўлса 2%и 1-тоифага, 3%и 2-тоифага ва 95 %и эса тоифасиз;

2012/2013 ўқув йилида касб-хунар коллежларида 12230 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари фаолият олиб борган бўлса 2%и 1-тоифага, 3%и 2-тоифага ва 95 %и эса тоифасиз;

2013/2014 ўқув йилида касб-хунар коллежларида 13246 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари фаолият олиб борган бўлса 2%и 1-тоифага, 5%и 2-тоифага ва 93 %и эса тоифасиз;

2014/2015 ўқув йилида касб-хунар коллежларида 14345 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари фаолият олиб борган бўлса 2%и 1-тоифага, 5,5%и 2-тоифага ва 92,5 %и эса тоифасиз;

2015/2016 ўқув йилида касб-хунар коллежларида 15232 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари фаолият олиб борган бўлса 2,2%и 1-тоифага, 6%и 2-тоифага ва 91,8 %и эса тоифасиз;

2016/2017 ўқув йилида касб-хунар коллежларида 15657 нафар ишлаб чиқариш

таълими усталари фаолият олиб борган бўлса 2.6%и 1-тоифага, 6.1%и 2-тоифага ва 91.3 %и эса тоифасиз;

2017/2018 ўқув йилида касб-хунар коллежларида 16749 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари фаолият олиб борган бўлса 3%и 1-тоифага, 7%и 2-тоифага ва 93 %и эса тоифасиз;

2018/2019 ўқув йилида касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш таълим усталарининг 7.7%и (1.8%и – 1-тоифа, 5.9%и – 2-тоифа) да тоифанинг мавжудлиги, қолган 92.3%и эса тоифасиз ишлаб чиқариш таълими усталари ташкил қилиб келганлиги аниқланди.

Умумий айтиладиган бўлсак, 2010 йилдан бошлаб касб-хунар коллежларида фаолият юритаётган тоифага эга ишлаб чиқариш таълими усталарининг ўртача кўрсаткичи 7-8 %ни ташкил этганлиги маълум бўлди [7].

Юқоридагиларни фикрлардан келиб чиқиб, профессионал таълим муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталарини малака ошириш жараёнида юқори даражада касбий ва педагогик компетентликка эришишда қуйидаги жараёнларни амалга ошириш таклифи берилади:

1. Фан, таълим ва ишлаб чиқаришдаги жадал ривожланишни инобатга олган ҳолда ИЧТУларини ҳар йили мажбурий камида 36 соатлик корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда малака оширишни жорий қилиш.

2. ИЧТУларининг малакасини оширишни олий таълим муассасаларида эмас, балки малака оширишга ихтисослашган таянч профессионал таълим муассасаларида жорий қилиш.

3. Таянч профессионал таълим муассасаларида эҳтиёжга асосланган ишлаб чиқариш таълими усталарини тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш.

4. Профессионал таълим тизимида “Ҳаёт давомида таълим” амалиётга жорий қилинганлиги учун ИЧТУларини “Катталар таълими” (Андрогогика)ни ташкил қилишга тайёрлаш.

5. ИЧТУларининг малака талаби (Касбий стандарти)ни аниқ талаблар қўйган ҳолда такомиллаштириб ишлаб чиқиш.

6. Таянч коллежларда намунавий ўқув устаҳона ёки ўқув машғулотини ўтказиш жойларини ташкил этиш ва уларни доимий замонавий жиҳозлар билан таъминлаб бориш.

7. Намунавий ўқув устаҳона ёки ўқув машғулотини ўтказиш жойларида намунавий ўқув амалий машғулотлар олиб бориш.

8. ИЧТУлари малака ошириш даврида тоифа (разряд)сини оширишни ташкил қилиш.

9. ИЧТУларининг малакасини ошириш даврида тоифалари, мутахассислиги ва билими даражасидан келиб чиқиб гуруҳларни шакллантириш.

10. ИЧТУлари касбий фаолияти натижаларини мониторинг қилиш мақсадида платформа яратиш, бунда электрон “Портфолио”сини жойлаштириш.

11. WorldSkills дастурлари ва талаблари билан таништириш ҳамда ўқув жараёнига шу талабларни жорий этиш масалаларини кўриб чиқиш, амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш пировард мақсадларга эришиш натижасидир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019-йил 6-сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2012-йил 28-майдаги ПҚ-1761-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021-йил 26-февралдаги 106-сонли қарори.

4. О.Сарманов “Профессионал таълим тизими ва унда ишлаб чиқариш таълими усталарининг роли”, “Касб-хунар таълими” илмий-услубий, амалий, маърифий журнали, 2020-йил, 2-сон.

5. Р.Х.Джурасев, Ш.Эргашев, “Подготовка, переподготовка и повышение квалификации мастеров производственного обучения и преподавателей специальных дисциплин”. “Профессионал таълим тизимида ислохотлар: малака ошириш таълим турида инновацион ғоялар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, Тошкент – 2020 йил.

6. З.Я.Худайбердиев “Профессионал таълим тизими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий шаклларини амалга оширишдаги асосий вазифалар”, “Профессионал таълим тизимида ислохотлар: малака ошириш таълим турида инновацион ғоялар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, Тошкент – 2020 йил.

7. О.Б.Сарманов, Ш.Шарофидинов “Ишлаб чиқариш таълими устасининг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш” “Профессионал таълим тизимида ислохотлар: малака ошириш таълим турида инновацион ғоялар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, Тошкент – 2020 йил.

8. Г.И.Крупликов “Настольная книга мастера профессионального обучения” Москва 2006.

9. Поташник М.М. Управление профессиональным ростом учителя в современной школе. М.: Центр педагогического образования, 2010. 448 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ишлаб чиқариш таълими усталарини малакасини ошириш тизимидаги мавжуд муаммолар, муаммони баргараф этиш мақсадида уларнинг касбий компетентлигини оширишга инновацион ёндашув ва соҳада ижобий ўзгаришларга зарурий асосни яратиш мақсадида тизимда фаолият олиб бораётган усталар малакасини оширишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются существующие проблемы в системе повышения квалификации мастеров производственного образования, инновационный подход к повышению их профессиональной компетентности с целью преодоления проблемы и совершенствования системы повышения квалификации магистров, работающих в системе, для создания необходимой базы к положительным изменениям в сфере.

SUMMARY

The article discusses the existing problems in the system of advanced training of masters of industrial education, an innovative approach to improving their professional competence in order to overcome the problem and improve the system of advanced training of masters working in the system to create the necessary base for positive changes in the field.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Даминов Л. О.

Ислом Қаримов номидаги Тошкент давлат техника университети ўқитувчиси

Таянч сўзлар: модернизациялаш, самарадорлик, компетент, компетентлик, билим, кўникама, малака.

Ключевые слова: модернизация, эффективность, компетенция, компетенция, знания, умение, квалификация.

Key words: modernization, efficiency, competence, competence, knowledge, skill, qualification.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида таълим жараёнини компетентли ёндашув асосида ташкил этиш меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоқда. ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш» долзарб вазифа сифатида белгиланди. Модернизациялашнинг умумий

жихатида Ўзбекистонда олий таълим қўлаб инновациялар, таркибнинг устувор йўналишидаги ўзгаришлар, функциялар, мақсадлар ва натижалар ҳақидаги фикрларни ўзгартириши билан тавсифланади. Шунга қарамасдан, замонавий талабларга жавоб берадиган олий таълимнинг ҳақиқати, талабаларда олий таълим муассасасида психологик -педагогик ва муҳандислик тайёргарлик жараёнида олинган назарий билимлар ўртасидаги фарқ ва уларни амалиётда қўллаш тажрибаси, бу шубҳасиз касбий фаолият самарадорлигига таъсир қилади.

Жаҳонда педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 70 йиллик юбилей сессиясида қабул қилинган «Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDGs)» ҳамда «Европа олий таълим макони» (ЕНЕА) концепциялари мазмунида «кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда компетенцияларга асосланган таълим (competence-based learning) моделини жорий этиш белгилаб берилган.

Компетентлик инглизча «competence» тушунчасининг луғавий маъноси «қобилият» демакдир, бироқ компетенция атамаси билим, кўникма, маҳорат ва қобилиятни ифода этишга хизмат қилади.

Ғарб мамлакатларида шаклланган анъанага мувофиқ мутахассиснинг касбий малакаси унингкомпетентлиги, таълим тизими эса – билим, кўникма ва малакалар даражаси билан ўлчанади.

Хорижий мамлакатларда, ўзида фақатгина эришилиши лозим бўлган натижани акс эттирувчи, мутахассис билим ва малакаларини мужассамлаштирувчи малакавий стандартлар асосида иш юритилади.

Агарда «компетент» ва «компетентлик» тушунчаларининг этимологик таҳлилига назар ташласак, улар тасодифан юзага келмаганлигини англаш мумкин.

Компетентликталаба томонидан алоҳида билим ва малакаларни эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди.

Республиканинг миллий давлат таълим тизими моҳиятига қўра таълим мазмунининг минимал талаблари қуйидаги асосий бирликлар: билим, кўникма ва малакаларга асосланади.

Битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасига қўйилувчи талаблар нуқтаи назаридан компетентлик талабаларнинг муайян вазиятларда билим, малака ва фаолият усуллари тўпламини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилиятини англатади.

Компетентлик – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятни амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланади. Мазкур ўринда «компетентлик» тушунчасининг моҳияти ҳам тўла очилади, у қуйидаги икки кўринишда намоён бўлади: компетентлик талабаларнинг шахсий сифатлари тўплами ҳамда касбий соҳанинг таянч талаблари сифатида.

Таълим мазмунининг ўқув режадаги фанлар блоклари (барча фанлар учун), фанлараро (фанлар тўплами учун) ва предметли (маълум бир фан учун) тарзда гуруҳланганлиги боис, қуйидаги уч даражани намоён этувчи компетентликни эътироф этиб ўтаемиз:

- ▶ таянч компетентлик (таълимнинг гуманитар, ижтимоий-иқтисодий мазмунига қўра);
- ▶ фанлараро компетентлик (умумкасбий тайёргарликнинг ўқув фанлари ва таълим блокларига доирлигига қўра);

- ▶ битта предмет (фан) бўйича компетентлиги (махсус ўқув фани доирасида аниқ ва маълум имкониятга эгаллигига кўра).

Шундай қилиб, таянч компетентлик олий педагогик таълимнинг ҳар бир босқичи учун таълим блоклари ва ўқув фанлари даражасида аниқланади. Таянч компетентлик тартибини белгилашда касбий педагогик таълимнинг асосий мақсадларига мувофиқ ижтимоий ва шахсий тажрибанинг моҳияти, ижтимоий жамиятда касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида ҳаётини кўникмаларни эгаллашга имкон берувчи асосий турлар муҳим аҳамият касб этади.

Касбий фаолиятни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган компетентликнинг асосий элементлари «Давлат таълим стандартлари»да ўз ифодасини топган. Ушбу тушунча таълим соҳасида қўлланилувчи таянч агама сифатида 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни мазмунини ёритишда илк бор фойдаланилган.

Таянч педагогик таълимга эга бўлмаган, таълим ва тарбия жараёни хусусиятларини инобатга олиш асосида эмас, балки аксарият ҳолларда шахсий тажриба ва сезгиларига таяниб иш юритувчи ўқитувчиларнинг фаолиятларида, самарадорликни таъминлаш йўлида ушбу талабнинг юзага келиши педагогик заруриятдир.

Талабаларнинг технологик компетентлигини такомиллаштиришда таълим дастури мазмуни ва уни ўзлаштирган мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражасига қўйилувчи талабларга қўйидагилар қиради:

1. кундузги ва сиртки таълим бўлиmlари томонидан дастурни ўзлаштириш муддати;
2. ушбу жараёни амалга ошириш учун яратилувчи педагогик шарт-шароитлар бўйича талаблар;
3. битирувчиларни яқуний давлат агтестациядан ўтказиш жараёнига нисбатан қўйилувчи талаблар.

Битирувчиларнинг юксак даражадаги ижодий, интеллектуал ва амалий фаолиятини ташкил этишга тайёрлаш учун давлат таълим стандарти яратувчилари томонидан таълим жараёни субъектларининг эътиборини олий таълим муассасаларида ўрганилаётган фанлар, уларнинг технологик компетентлиги шаклланганлиги, шунингдек, касбий фаолият методологияси, ушбу фаолиятни моделлаштириш ҳамда лойиҳалаштиришга қаратилади.

Шу боис, талабаларнинг технологик компетентлигига қўйилаётган талабларга қарор қабул қилиш, назоратни ташкил этиш, фаолиятни баҳолаш, тахмин қилиш, методлар моҳиятини ўзлаштириш, моделлаштириш, менежмент тамойилларини билиш ва бошқалар қиради.

Адабиётлар:

1. Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).
2. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2004. – 128 б.
3. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход. – Москва: Высшая школа, 1991. – 208 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада талабаларнинг технологик компетентлигини такомиллаштириш бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатларида олиб борилаётган ишлар, касбий компетентлик тушунчаси, унинг даражалари ва такомиллаштириш усуллари ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается работа, проводимая в развитых странах по повышению технологи-

ческой компетентности студентов, понятие профессиональной компетентности, ее уровни и методы повышения.

SUMMARY

This article discusses the work being done in developed countries to improve the technological competence of students, the concept of professional competence, its levels and methods of improvement.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ БИРЛИГИ АСОСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Файзуллаев Р.Х.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети “Профессионал таълим ва жисмоний маданият” кафедраси в.б., доценти

Таянч сўзлар: профессионал таълим тизими педагог кадрлар, ривожлантириш.

Ключевые слова: система профессионального образования педагогических кадров, развитие.

Key words: the system of professional education of teaching staff, development.

Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиклиги ва сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан профессионал таълими тизимига доир қабул қилинган қатор қарорларнинг амалга оширилишини таъминлашда мазкур таълим тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар ҳамда педагог кадрларнинг профессионал таълими соҳасида давлат сиёсати ва уни модернизациялашга доир ҳуқуқий асосларини чуқурроқ билишлари муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2020 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисидаги”ги Қонуни, 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида» 287-сон, 2020 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 466-сон қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда малака ошириш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

“Профессионал таълим соҳасида давлат сиёсати, касбий малакалар, билим ва кўникмаларни кивожлантириш миллий тизими” ўқув дастури тингловчиларни Профессионал таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва уни модернизациялашда концептуал ёндашув масалаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг асарлари, нутқларида қўйилишининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб таништириш, сингдиришни кўзда туттади.

Замон тезкор, ҳар кунини ҳар соҳада янгилашларга гувоҳ бўляпмиз. Шундай шароитда мамлакатимизнинг барча тармоқларида илғор фикрлайдиган, малакали,

бугунги кун талабларига мос кадрлар зарур. Сўнги йилларда юртимизда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам шу аслида.

Иктисодийёт тармоқлари ниҳоятда кенг ва уларга рақобатбардош мутахассисларни етказиб бериш осон эмас. Хусусан, газ, газконденсат қазиб чиқариш, ер остида сақлаш объектларини ишлатиш ва хизмат кўрсатиш, нефть ва газ қудуқлари тадқиқотининг геофизик усуллари, нефть қазиб чиқариш объектларини ишлатиш ва хизмат кўрсатиш каби йўналишлар бўйича етук кадрларга юртимизда ҳам, хорижда ҳам талаб юқори. Бу талабни қондириш эса шу йўналишлардаги олий таълим муассасалари зиммасига масъулият юклайди. Бу вазифаларнинг мамлакатимизда олий таълим тизимида қаратилаётган катта эътибор, уларда ўқув, илмий-инновацион, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан уйғунлиги натижалар кўламини янада оширмоқда.

Тингловчиларда эришилган натижалар ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, мазкур вазифаларни бажариш борасида профессионал тизими тасарруфидаги барча таълим муассасалари педагог ходимларига ва улар орқали кенг жамоатчиликнинг оғни-шуурига етказиш кўникмасини шакллантириш.

Ўзбекистонда касб-хунар таълим тизимини модернизация қилишнинг долзарблигини асослаш. Глобаллашув жараёнида касб-хунар таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнини модернизация қилишнинг устувор жиҳатларини аниқлаш.

Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

Назарий машғулотлар амалий машғулотлар билан уйғун ҳолда олиб борилади. Назарий машғулотларда “Маъруза”, “Савол-жавоб”, “Ақлий ҳужум”, “Баҳс-мунозара” муаммоли методларидан фойдаланилади. Назарий машғулотларда видео-проектор орқали Power Point тақдимот дастурида тайёрланган материаллардан, доска ва флипчарт доскаларидан фойдаланилади.

Амалий машғулотлар давомида тингловчилар кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш ишлари, таълимни режалаштириш ва бошқаришдаги мустақиллик шакллантирган ҳолда қуйидаги амалий топшириқларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар интерактив методлар асосида, яъни семинар-тренинг шаклида ўтказилади. Амалий машғулотларда “Кичик гуруҳларда ишлаш” методидан фойдаланилади. Машғулот давомида шаклланган кичик гуруҳлар муҳокамалар асосида Кенгаш фаолиятини ташкил этиш ва юритиш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва уларни амалиётга жорий этишдаги муаммоларни ўрганадилар, таҳлил қиладилар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиб, тақдимот қиладилар.

Ҳозирги кунда Профессional таълим ва бошқа олий ўқув юртлари сони сезиларли даражада ортди, таълим тизими ҳам ўзгарди. Аввалгидай гуманитар таълим анъаналари муҳим ўринни эгаллайди, лекин техник таълим, назария билан амалиёт бирлиги, фанлараро таълим ҳам биринчи ўринга чиқмоқда. Олий ўқув юртлари фан ва техниканинг охириги ютуқлари-йўналишларни акс эттирувчи дастурларни киритмоқдалар. Шу мақсадда ўқув режалари қайта кўриб чиқилмоқда.

олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланади:

- олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини

мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

- юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юр்தларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш.

Педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг амалий таълимипрофессионал педагогик кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Зеро, билим хазина бўлса, шуҳбасиз, унинг эшигини очадиган қалит бу – амалиёт, амалийтаълимдир. Ҳозирги вақтда педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида амалий тайёргарлиги юксак, профессионал педагогик кадрлар тайёрлашмуаммоси энг долзарб масалалардан биридир. Глобаллашув, айниқса, педагогик таълимдаги кейинги ислохотлар жараёнининг тезлашиши, замонавий ўқитиш технологиялар пайдо бўлиши ва ахбороткоммуникация технологияларидан амалиётда кенг фойдаланиш билан боғлиқҳолда, ушбу муаммо янада кескинлашди. Ҳозирги замонавий иқтисодиёт учунқийин ва доимий ўзгарувчан шароитларда янги муаммоларни ечишга қодир бўлганкадрлар талаб қилинди. Замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрларнтайёрлаш учун компетентли ўқитувчилар керак бўлади.

Назарияваамалиётбирлигининифодаловчиўқитувчиқасбийбилимдонлиги модели инновацион-педагогик кўникмаларни қуйидаги тўртгuruhга жамлайди:

1. Тарбиянингобъективжараёнимазмунинианиқинновацион-педагогик вазифага кўчириш; янги билимларни фаол ўзлаштиришга тайёргарлик даражасини аниқлаш учун шахс ва жамоани ўрганиш ҳамдаунинг асосида ҳар бир ўқувчи шахси ва жамоани ривожлантиришнилойиҳалаш: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифалар мажмуасиниияжратиш, уларни аниқлаштириш ва бош вазифани белгилаш кўникмалари.

2. Мантиқий яқунланган инновацион-педагогик тизимни қуриш ваҳаракатга келтириш: таълим-тарбия вазифаларини комплекс режалаштириш -инновацион таълим жараёни мазмунини асосли танлаш, уни ташкилэтишнинг энг мақбул шакл, метод ва воситаларини танлаш кўникмалари.

3. Инновацион таълим-тарбия компонентлари ва омиллари орасидаги боғланишларни аниқлаш ва ўрнатиш, уларни ҳаракатга келтириш; моддий, маънавий-руҳий, ташкилий в.б. зарурий шароитларни яратиш; ўқувчишаҳсини таълим-тарбия объектдан субъектига айлантирувчи фаолиятниривожлантириш ва фаоллаштириш; ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишва ривожлантириш; режалаштирилмаган ташқи таъсирларни мослаштириш.

4. Инновацион-педагогик фаолият натижаларини ҳисобга олиш вабаҳолаш: ўқитувчи фаолияти натижалари, таълим жараёнини таҳлил ва ўзўзини таҳлил; бош ва ундан келиб чиқувчи янги педагогик вазифаларнианиқлаш.

Фаолиятли ёндашув тамойили назария ва амалиётнинг дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси қуйидаги икки хил маънода изоҳланади:

а) ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган оптимлар:

булар томонидан ўзлаштирилиб, амалии фаолият жараёнида қўлланиладиган. шахсий тажрибага айланганбилимлар.

Билимлар фаолият юритиш жараёнидагина мустаҳкамланади, шу сабабли

ўқувчиларда назарий билимларни амалда қўллай олиш иктидорини тарбиялаш лозим. Амалиётдаги татбиқига эга бўлмаган билимлар тез орадаунутилиб юборилади.

Қатор йиллар давомида педагогик технология назария ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганиб келинди ва у турли фаолият доирасида эди. Бугунги кунда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга мамлакатимизда кенг имкониятлар туғилди. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланаётганлигини замонавий педагогик технологиянинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очмоқда.

Бизнинг фикримизча, янги педагогик технологияга педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида қараш ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим, деб қараш мумкин эмас. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолият йўналишларини аниқлайди. Бу ерда изланишнинг моҳияти - педагогик тизимни ташкил этувчи элементларни ўрганиш асосида модернизация қилишдан иборатдир. Сабаби, ҳар қандай ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш у ёки бу педагогик тизимни акс эттиради. Демак, ПТ - амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир.

Таълим ижтимоий тизимнинг бир қисми бўлиб, у ўз ривожланишида жамият тараққиётининг йўналишларига боғлиқ равишда рўй бераётган аксарият ўзгаришларга мувофиқ ўзгара боради. Ана шу доирада инновациялар таълим олдидан турган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Педагогик назария ва амалиётнинг таҳлили шуниқўрсатадики, таълим соҳасига умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган қуйидаги асосий янгиликлар хосдир:

- молиялаштиришвабошқаришсоҳаларидагиўзгаришлар;
- таълимтизимитузилишидагимунтазамўзгаришлар;
- таълимтехнологиясидарўйберадигандоимий ўзгаришларваҳ.к.

Шундай қилиб, янги техник воситалар ва янги технологиялар-таълимга янги тартиб-қоидаларни киритиш учун энг муҳим компонентлардан биридир. Бироқ уларни қандай қилиб татбиқ этиш ва амалда фойдаланишни билиб олиш, аслида, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир

Р.Н.Юсуфбекова педагогик янгиликка ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб борувчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Маълумки, педагогика фани ва амалиёти ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги педагогиканинг энг умумий муаммоларидан биридир. Бу муаммоларнинг қай тарзда ҳал этилиши педагогика фанининг ривожланиши, педагогик инновацияларнинг сифати ва маърифий соҳани модернизациялаш борасидаги ютуқларга, умуман олганда, яхлит маърифий тизимнинг самарадорлигига боғлиқ бўлади. Гап назария ва амалиёт бирлиги ҳақида кетмоқдаки, педагогика фани – педагогик билимлар тизими, педагогик амалиёт – педагогик фаолият сифатида талқин этилади. Педагогик фаолиятнинг бир неча турлари фарқланади: 1) амалий педагогик фаолият; 2) маъмурий педагогик фаолият; 3) илмий педагогик фаолият; 4) педагогика фани натижаларини амалиётга ўтказиш фаолияти. Назария ва амалиёт бирлигида педагогика фанининг ҳолати икки тарафламалик (иккиланиш) хусусиятига эга: бир томондан, педагогик ва илмий фаолият педагогиканинг тенг ҳуқуқли, ёнма-ён жойлашган тури сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан – илмий билиш педагогик фаолият тизимига киритилади ва унинг амалий, маъмурий каби турларидан бири сифатида тан олинади. Демак, амалий ва илмий педагогик фаолият бирлиги объектив

мавжуддир. Шу нукта назардан, илмий педагогик фаолиятнинг объекти – бу амалий педагогик фаолият тизими сифатида талқин этиладиган маърифат (таълим ва тарбия орқали баркамол шахсни шакллантириш) соҳаси ҳисобланади. Амалий педагогик фаолиятнинг мақсади ва натижаси – ўқимишли ва тарбияланган шахсни шакллантириш. Педагогика фанининг натижаси эса педагогик билимлар, яъни педагогик фаолият қонунлари, тамойиллари ва қоидалари ҳисобланади. Демак, педагогика назарияси – бу аслида педагогик амалиёт назарияси, аниқроғи, амалий педагогик фаолият назариясидир. Жамиятда амалий педагогик фаолият тизимининг ривожланиш, ўзгариш суръатига сабаб бўладиган омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бу омиллар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) жамиятнинг ривожланиш тенденциялари, ундаги ҳаётий шароитлар ва мафкуравий мўлжалларнинг ўзгариши;
- 2) маърифий жараённинг мақсади ва натижаси ўртасидаги тафовутлар (таълим-тарбия мақсадлари ўзгариб, педагогик тизим эскича қолганида, яъни фаолият натижалари мақсадларга мос келмаслиги туфайли пайдо бўлади);
- 3) ички омил – педагогика назарияси, аниқроғи, маърифий соҳасидаги назарий фаолият ривожининг мантиғи.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида юқорида келтирилган учта омил таъсирида амалий педагогик фаолият мазмуни, шу асосда педагогика назарияси ҳам туб ўзгаришларни бошдан кечирди.

Адабиётлар:

1. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Case-study”услуги: Назария, амалиёт ва тажриба.-Т.:Тафаккур қаноти, 2012.-131 б.
2. Dilafruz Rafikova Formation of the theoretical basis of practical education Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 8 (2021) / ISSN 2181-1415
3. Толипов У.К., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. – 205 б.
4. У.И.Иноят, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова Педагогика: Методик қўлланма Тошкент – 2012. – 193 бет.
5. Омонов Х.Т., Хўжаев Н.Х., Мадьярова С.А., Эшчонов Э.У. «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» дарслик 2012 йил. – 166 бет.
6. Fotima Jumanova Yangi Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар «Science and Education» Scientific Journal May 2021 / Volume 2 Special Issue 67-77 бет
7. Р.А.Мавлонова, Н.Х.Раҳманқулова, К.О.Матназарова “Педагогика назарияси ва тарихи” фанидан тренг, тест ва назорат машғули. Ўқув қўлланма “Ўқитувчи” Т.: 2010 йил.
8. Р.А.Мавлонова, Н.Х.Раҳманқулова, К.О.Матназарова, П.Т.Холматов, М.К.Ширинов, “Умумий педагогика” Дарслик. (UZB) - Т.: «Наврўз», 2016.
9. Usarov J.E. O'quvchilarning malakasini shakllantirish Ta'lim samaradorligini oshirish omili sifatida // Nazariy va amaliy fan. - 2017. - T. 53. - №. 9. - S. 79-82.
10. Рахмонов А. Р. Инновацион таълим кластери ўқув фаолиятига самарали усул сифатида. // «Баркор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар» халқаро илмий-амалий анжуман. – 2019. – Т. 2. – С. 46.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада профессионал таълим тизимида назария ва амалиёт бирлиги асосида малакали кадрлар тайёрлашлари ҳақида, маълумотлар ва тақлифлар берилган. Талабаларнинг амалиёт таълимдаги методларни қўллашларидаги керакли маълумотлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлена информация и предложения по подготовке квалифицированных кадров на основе теоретико-практического блока в системе профессионального образования. Описана необходимая информация по применению методик в практической подготовке студентов.

SUMMARY

The article presents information and suggestions on the training of qualified personnel based on the theoretical and practical block in the system of vocational education. The necessary information on the application of methods in the practical training of students is described.

ЎҚУВЧИЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хикматуллаева Д.А.

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши институти таянч докторанти

Таянч сўзлар: мустақил таълим, билим, кўникма, малака, маслаҳат, тавсия, раҳбарлик, назорат.

Ключевые слова: самостоятельное обучение, знания, навыки, квалификация, совет, рекомендация, руководство, кураторство.

Key words: independent learning, knowledge, skills, qualifications, advice, recommendation, guidance, supervision.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 18-моддасида “Мустақил таълим олиш яқка тартибда амалга оширилади ҳамда таълим олувчиларни касбий, интеллектуал, маънавий ва маданий ривожлантиришга хизмат қилади”, деб белгиланган.

Ўқувчиларга дарс жараёнида юқори даражадаги билимларни эгаллашлари учун ажратилган вақт етарли ҳисобланмайди. Буни амалга оширишда мустақил таълим тўлдирувчи ривожлантирувчи вазифасини бажаради.

Мустақил таълим - олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шакли ҳисобланади. Мустақил таълим ўқув дастурида белгиланган муайян фандан ҳамда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни амалга оширишга хизмат қилади, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида синфда ёки синфдан ташқари машғулотларда бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, мустақил таълим турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқилади.

Ўқинининг бошланғич даврида ўқувчининг мустақил таълимини ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи дастлаб ўқувчининг ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишини тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Ўқувчилар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг синфдан-синфга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган ўқувчи фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, кизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Мустақил таълимнинг мақсади:

Ўқувчиларнинг мустақил таълими ўқув режасида ва фан дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида синфда ёки синфдан ташқари машғулотларда ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Ўқувчилар мустақил таълимининг асосий мақсади ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида ўқувчида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Ўқувчига қийинчилик даражаси унинг шахсий имкониятлари, қобилияти ва билим даражасига мувофиқ бўлган бирор мавзу бўйича вазифа тайёрлаш топширилади. Бунда ўқувчи асосий адабиётлардан ташқари кўшимча адабиётлардан ва интернет маълумотларидан фойдаланиб материаллар йиғади, таҳлил қилади, тизимга солади ва мавзу бўйича имкон даражасида тўлиқ, кенг маълумот беришга ҳаракат қилади. Зарур ҳолларда ўқитувчидан маслаҳат оладилар. Мавзу бўйича реферат компьютерда тайёрланиб фан ўқитувчига топширилади. Топширилган вазифанинг мазмуни, олинган маълумотларнинг бойлиги ва бошқа белгилари бўйича фан ўқитувчиси ўқувчини баҳолайди.

Ўқувчилар мустақил таълимнинг вазифалари қуйдагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки биланишлаш;
- интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- берилган топшириқ ва вазифаларнинг рационал ечимини топиш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқ ва вазифаларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.

Ўқувчилар мустақил таълимни назорат қилиш тартиби:

Ўқувчиларнинг мустақил таълимни назорат қилиб бориш корхонада тасдиқланган маслаҳатлар жадвали асосида амалга оширилади.

Ўқувчилар мустақил таълимни назорат қилиш фан бўйича ўқув машғулотларини олиб боровчи профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Ўқувчимуустақил таълими учун ўқув режада ажратилган вақтга мос равишда ҳар бир фан бўйича мустақил таълимнинг ташкилий шакллари, топшириқ вариантлари ишлаб чиқилади ва корхона мажлисида тасдиқланади.

Мустақил таълимни бажариш учун ҳар бир фан бўйича ўқувчига кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади ҳамда тарқатма материал сифатида фан бўйича биринчи машғулотда ўқувчиларга етказилади.

Ўқувчилар мустақил таълимнинг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим:

- ўқиш босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- ўқувчининг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси;
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- ўқувчининг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси.

Мустақил таълим учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси оддийдан мураккабга қараб ўзгариб бориши лозим. Яъни ўқувчиларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражаси аста-секин ошиб бориши лозим.

Ҳар бир фан бўйича ўқувчининг мустақил таълим соати ўқув режада кўрсатилган бўлиб, бу соатлар ишчи ўқув дастурида мавзулар бўйича тақсимланган бўлиши керак. Шу билан бирга мустақил таълим мавзулари, уларни қабул қилиш тартиби ва вақти календарь режада кўрсатилиши лозим.

Билимларни мустақил эгаллаш жараёнида шахснинг мустақиллиги шаклланади, бу мураккаб вазифалар ва муаммоли вазиятларни ҳал қилишда амалга оширилади ва шахснинг ички ўзини ўзи бошқариш тизимининг механизмларини ривожлантириш, шу жумладан билиш ва ақлий фаолият натижаси ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон республикасининг қонуни. Таълим тўғрисида. Тошкент ш., 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон.
2. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2009. -355-б.
3. Кўйсинов О.А. Мустақил таълим олиш жараёнида талабаларнинг ижодий тафаккурларини шакллантириш. / Таълим жараёнида мустақил тафаккур ривожланиши: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005. - Б. 98 - 99.

РЕЗЮМЕ

Бугунги фан ва техника ривожланган даврда ўқувчилар билимини мустаҳкамлашда мустақил таълимнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мустақил таълимни ташкил этишда ўқувчиларда ўзига бўлган ишончни ошириш, мустақил таълим олиш ва мустақил ўз устида ишлашга ўргатиш муҳимдир. Ушбу мақолада ўқувчилар мустақил таълимни ташкил этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, уларга берилиши керак бўлган кўрсатмалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В современном мире науки и техники особенно важна роль самостоятельного образования в укреплении знаний учащихся. В связи с этим в организации самостоятельного обучения важное значение имеет повышение уверенности учащихся в себе, самостоятельное обучение и обучение их самостоятельной работе. В данной статье кратко изложены аспекты, которые необходимо учитывать при организации самостоятельного обучения студентов, и ориентиры, которые следует им дать.

SUMMARY

In today's world of science and technology, the role of independent education is especially important in strengthening students' knowledge. In this regard, in the organization of independent learning, it is important to increase students' self-confidence, independent learning and teaching them to work independently. This article briefly outlines the aspects that need to be considered when organizing students' independent learning, and the guidelines that should be given to them.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БАКАЛАВРЛАРИНИНГ УМУМТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ЭВРИСТИК МАСАЛАЛАР ВОСИТАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

Турдиев Ж.П.

(Тошкент давлат техника университети, “Энергия машинасозлиги ва касб таълими” кафедраси катта ўқитувчиси)

Таянч сўзлар: профессионал таълим, эвристик ёндашув, эвристика, дидактик эвристика, му тахассислик, эвристик таълим, умумтехник тайёргарлик, умумкасбий, ўқитиш мазмуни.

Ключевые слова: профессиональное образование, эвристический подход, эвристика, дидактическая эвристика, специализация, эвристическое образование, общетехническая подготовка, общепрофессиональное, содержание обучения.

Key words: vocational education, heuristic approach, heuristics, didactic heuristics, specialization, heuristic education, general technical training, general professional, training content.

Профессионал таълим йўналиши бакалаврларининг умумтехник тайёргарлигини эвристик масалалар воситасида такомиллаштириш учун олий таълим муассасаларида зарурий педагогик шарт-шароитларни таъминлаш бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг умумтехник тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш, психологик-педагогик шароитларини аниқлаш ҳамда уларнинг умумтехник тайёргарлигининг такомиллашганлик даражасини аниқловчи мезонларни асослаш лозим. Бу мезонлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида ўз аксини топган. “Профессионал таълим” йўналиши талабаларининг умумтехник тайёргарлигини эвристик масалалар воситасида такомиллаштириш учун олий таълим мазмуни ва сифатини оширишда инновацион технологияларнинг жадал қўлланилиши ҳамда эвристик ёндашувларни жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда эвристик методлар бўлажак бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг умумтехник тайёргарлигини такомиллаштиришнинг самарали воситаси эканлиги назарий жиҳатдан маълум даражада исботланган. Чунки, педагогик эвристика мустақил илмий-педагогик йўналиш сифатида XX асрнинг охирларида шаклланди. Профессионал таълим тизимида талабаларнинг барча таълим йўналишлари бўйича касбий тайёргарлигини ривожлантириш учун эвристик усуллардан кенг доирада муваффақиятли масалалари долзарблик касб этмоқда, чунки эвристика ижодкорлик, креативлик, янгилик яратиш элементи сифатида қўллаб замонавий касбларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Олий таълим муассасалари талабаларида қуйидаги эвристик кўникмаларни шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратилган: ижодий салоҳият, эвристик компетенциялар ва эвристик фикрлаш.

Ушбу тадқиқот ишининг етакчи ғояси шундан иборатки, эвристиканинг таълимий ва ривожлантириш имкониятлари ва самарадорлиги унинг дидактик жиҳатдан тушунарлилиги, яъни қўйилган саволларнинг эркинлиги, ечимдаги янгиликлар, ечимни топиш йўлидаги вариантларнинг хилма-хиллиги, ихчамлиги, ахборот олишга, билишга, ўқув маълумотларини ўзлаштиришга йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Техника олий таълим муассасаларининг 60112400 – Профессионал таълим (транспорт воситалари муҳандислиги (автотранспорт)) бакалаврлари - бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг касбий ва умумтехник тайёргарлиги қуйидагиларни ўз ичига олган тизим сифатида қараш мумкин: ўқитувчининг умумтехник маданияти, услубий тайёргарлиги, таълим жараёнида техник ва педагогик дастурий воситалар, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, технологик, ижодий ва махсус тайёргарлик).

Профессионал таълим амалиёти қўрсатадики, техника олий таълим муассасаларининг 60112400 – Профессионал таълим (транспорт воситалари муҳандислиги (автотранспорт)) битирувчилари умумтехник жиҳатдан қанчалик даражада яхши тайёргарлик қўрган ва касбий педагогик компетентлиги юксак бўлса, улар шунчалик даражада рақобат бардош бўлади ва меҳнат бозорида кўпроқ талаб этилади.

Ана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, олий таълим муассасалари, амалий илмий ва ўқув марказларида талаб қилинадиган ўқув дастурлари таҳлили уларнинг инновацион технологияларга йўналганлигини белгилайди. Бунда шароитда профессионал таълим йўналиши (транспорт воситалари муҳандислиги (автотранспорт)) бакалаврлари - бўлажак профессионал таълим ўқитувчилари эвристика элементлари билан тўйинтирилган, турли хил ностандарт масалаларни ечишга йўналтирилади.

Улар қаторига, хусусан, инновацион усулларни намоёйиш этиш ва юқори технологик муҳитда ишлашни ўргатиш, янги ўқув жиҳозлари ва воситаларини ишлатиш ва мавжудларини замонавийлаштириш (модернизациялаш), янги педагогик дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва бошқариш соҳасида талаб қилинадиган буюмлар ҳақида маълумотга эга бўлишни киртиш мумкин. Умумтехник тайёргарликнинг ушбу элементлари ва функциялари техник фикрлашни ривожлантиришни, техник маълумотлар билан ишлаш қобилиятини, шунингдек, назарий ечимларни, мавҳум моделларни ва амалий конструкцияларини ҳаётга татбиқ этишни, моделларни, прототипларни, макетларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Бундай билим ва кўникмаларни такомиллаштиришда эвристик масалалар жуда қаттаимкониятларга эга.

Эвристика қадимги Юнонистонда янги ностандарт масалаларни ечишда ишлаб чиқилган усулларнинг бутун мажмуаси асосида кенг қўлланилган. Бунда усуллар мажмуаси қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: масалаларни охиридан бошлаб ечиш (регрессив мулоҳаза юритиш), таҳлилнинг икки тури – “топиш ва исботлаш” га доир масалаларини ечиш. Бу масалалар инсон ақли ва тасаввурини фаоллаштиришга йўналтирилади. Интеллектуал фаолият – бу мантикий ва эвристик қондалар, операциялар тизими бўлиб, бунда ахборот таҳлил қилиниб, янги ахборотларга айлантирилади. Тасаввур – бу янги нарсаларни куриш, тимсоллар ёрдамида инсон онгини қайта куриш жараёнидир.

Таълимда эвристик ёндашувни амалга оширишни таъминловчи педагогик шарт-шароитларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) таълим жараёнида таълим олувчилар томонидан таянч техник кўникмаларнинг ўзлаштирилишини ва шу асосда уларда умумтехник тайёргарликнинг такомиллашини таъминловчи дидактик шартшароитлар (таълимнинг мақсади, мазмуни, шакллари, методлари ва ўқитиш технологиялари);

2) ижодий фикрлашга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган ташкилий бошқарув шартшароитлари (таълим жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришнинг шакллари, воситалари ва усуллари);

профессional таълим йўналиши бакалаврларини касбий таълимда эвристик ёндашувини амалга оширишга тайёрлаш ва умумтехник тайёргарлигини эвристик масалалар воситасида такомиллаштиришга йўналтирилган таълим жараёнининг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган касбий методик шартшароитлар.

Техника олий таълим муассасалари профессионал таълим йўналиши бакалаврларининг умумтехник ижодий тайёргарлиги ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало умумтехник ижодий тайёргарликнинг моҳиятини мукамал таҳлил қилиб олиш зарур. Умумтехник ижодий тайёргарлик моҳиятини ўрганиш, айтиш жоиз бўлса, ўта мураккаб масала саналади, чунки унинг зиммасига техникани, инсонни ва табиатни ўрганишнинг муҳим методологик масалаларини ечишдек масала қўйилади. Умумтехник ижодий тайёргарликни такомиллаштириш манбалари, техник, технологик, биологик ва ижтимоий, объектив ва субъектив, индивидуал ва жамоа ўртасидаги ўзаро мутаносибликни бу жараёнлар ўз ичига камраб олади.

Умумтехник ижодий тайёргарлик - бу инсоннинг борлиқни билиш ва

Ўзгартиришга йўналтирилган онгли, мақсадли фаолияти бўлиб, унинг натижасида янги, оригинал, илгари мавжуд бўлмаган, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилашга қаратилган буюмлар ва бошқалар яратилади. Тури муаллифлар томонидан эълон қилинган умумтехник ижодий тайёргарлик муаммолари тўғрисидаги илмий мақолаларда умумтехник тайёргарлик мутахассисларнинг энг асосий касбий сифатлардан бири эканлиги қайд этилади.

Умумтехник ижодий тайёргарлик “қайта такомиллаштириш” - мавжуд шакл унсурлари ёрдамида янги шакл яратиш демакдир. “Қайта такомиллаштириш” тайёргарлиги ўз ичига олдиндан маълум бўлган шаклга ўхшаган янги шаклни кашф этишдир. Умумтехник ижодий тайёргарлик “бир шаклдан иккинчи шаклга ўтказиш” - бу жараёнда қодаларнинг янги қолип, чизмаси, маълум тузилмаларнинг янги тури юзага келади. Янги яратилган шакллар эски шаклларнинг янгича талқини бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, техника олий таълим муассасалари профессионал таълим йўналиши бакалаврларининг умумтехник тайёргарлигини эвристик масалалар воситасида такомиллаштиришда ҳам процессуал, ҳам шахснинг ижодий сифатлари такомиллашиб бориши лозим.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони. www.lex.uz.
2. Турдиев Ж.П. Профессионал таълимда ишлаб чиқариш таълимининг методик таъминоти масалалари. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар, №4, 2020. –Б. 22-26.
3. Турдиев Ж.П. Касб-хунар коллежларида назарий ва амалий таълимни ташкил этиш Ж-л: Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар, №1, 2020.
4. Самадходжаева Д., Турдиев Ж.П., Таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари. Гармонично развитое поколение – условие стабильного развития Республики Узбекистан. Сборник научно-методических статей. Ташкент, 2019 й. 216-218 бб.

РЕЗЮМЕ

Ўшбу мақолада профессионал таълимдаги бакалаврларнинг умумтехник тайёргарлигини эвристик масалалар воситасида такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва имкониятлари, битирувчилари умумтехник жиҳатдан қанчалик даражада яхши тайёргарлик кўрган ва касбий педагогик компетентлиги юксак бўлса, улар шунчалик даражада рақобат бардош бўлади ва меҳнат бозорида кўпроқ талаб этилади. Профессионал таълимдаги ўқитиш жараёнида эвристик ёндашувнинг асосий мақсади ва вазифаси ўқувчиларда танлаган касби (мутахассислиги) бўйича касбий маҳорат асосларини шакллантириб, уларни эгаллаётган касби бўйича бўлгуси касбий-меҳнат фаолиятига амалий тайёрлаш бўйича билимлар берилиши ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассмотрены педагогические условия и возможности совершенствования общетехнической подготовки бакалавров профессионального образования за счет эвристических вопросов, чем лучше будет общетехническая подготовка выпускников и чем выше их педагогическая компетентность, тем конкурентоспособнее они будут и тем более востребованы в рынок труда. Основная цель и задача эвристического подхода в процессе обучения в профессиональном образовании состоит в том, чтобы сформировать основу профессиональных умений по избранной профессии (специальности) и обеспечить обучающихся знаниями для практической подготовки к будущей трудовой деятельности по профессии.

SUMMARY

This article discusses the pedagogical conditions and opportunities for improving the general technical training of bachelors of vocational education through heuristic questions, the better the general technical training of graduates and the higher their pedagogical competence, the more competitive they will be and the more in demand in the labor market. The main goal and task of the heuristic approach in the process of training in vocational education is to form the basis of professional skills in the chosen profession (specialty) and provide students with knowledge for practical preparation for future work in the profession.

ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СПЕЦИАЛИСТОВ НА ОСНОВЕ ДУАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ

Чориев Р.

доктор педагогический наук НИУ ТИИИМСХ

Таянч сўзлар: тенденциялар, дуал таълим, касбий фаолият, рақобатбардошлик.

Ключевые слова: тенденции, дуальная система, профессиональная деятельность, конкурентность.

Key words: trends, dual system, professional activity, competitiveness.

Мобильная связь, персональные компьютеры, персональная техника и всевозможное служебное оборудование, современная информационная коммуникация основаны на научно-техническом прогрессе человечества, сегодня в пространстве технических изменений искусственная среда обитания становится более эффективной, чем естественная среда.

Согласно международному опыту, углубление неразрывной взаимосвязи общеобразовательных и специальных дисциплин с производственными структурами положительно сказывается на эффективности обучения. Интеграционные процессы, такие как дальнейшее расширение интегративной организационной функции образования, модернизация форм и методов обучения, формирование важных личностных и профессиональных качеств, также играют важную роль в дальнейшем развитии направления теории и практики профессионального образования. Это требует проверки результатов профессиональной подготовки на базе дуальной системы образования педагогическими диагностическими методами с учетом принципов солидарности и взаимодействия специалистов профессионального образования и работников производственных предприятий и разработки соответствующих методических рекомендаций по выявленным проблемам, а также информационно-дидактических возможностей интеграции образования.

В нашей стране проводятся системные реформы по формированию содержания образования на основе дуальной системы интеграции науки и производства. При обеспечении реализации приоритетов Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, таких как «разработка механизмов оценки качества образования, повышение доступности и эффективности образовательных услуг» и «масштабная подготовка и переподготовка по необходимым специальностям» важную роль играет формирование у учащихся целостных и систематических интегративных знаний, профессиональных навыков и компетенций, и диагностическая оценка результатов обучения. В связи с этим профессиональное образование требует изучения состояния профессиональной подготовки специалистов и производственного персонала, исследования их профессиональных компетенций по специальностям и направлениям производства, разработки и внедрения на практике инновационных методов педагогической диагностики.

Законы и тенденции междисциплинарного общения, формирования и развития интеграции в процессе профессионального образования, проблемы подготовки специалистов профессионального образования к профессиональной деятельности по дуальной системе, теоретические, концептуальные и технологические основы контроля профессиональной деятельности производственного персонала исследованы в определенной степени в работах Р.Х.Джураева, А.Р.Ходжабаева, У.И.Иноятова,

Н.А.Муслимова, Қ.Т.Олимова, Э.О.Турдикулова, М.Б.Уразовой, Ж.А.Хамидова, М.Тошова, О.А.Абдуқуддусова, М.Жуманиёзовой, Р.А.Мавлоновой и др.

Исследования по теоретико-методологических, концептуальных и технологических основах совершенствования профессиональной подготовки специалистов профессионального образования на основе дуальной системы образования проведены учеными стран СНГ Е.А.Михалычевым, О.А.Абдулиной, С.Я.Батышевым, В.С.Безруковой, А.П.Беляевой, М.Н.Беруловой, Э.Ф.Зеер, Ю.М.Измайловой, П.Ф.Кубрушко, В.П.Косыревым, Н.В.Кузьмина, В.С.Ледневым, О.Д.Листуновым, В.А.Сластенином, В.Т.Сопегиной, Н.К.Чапаевым и др.

Основной целью профессионального образования является подготовка работников соответствующего уровня и специализации, обладающих высокой квалификацией, конкурентоспособных на рынке труда, знающих, ответственных, хорошо знающих свою профессию и способных работать в смежных областях, способных эффективно работать по своей специальности на уровне требований мирового стандарта, имеющих постоянный профессиональный рост, социальную и профессиональную мобильность.

Дуальная система профессионального образования, включая профессиональное образование, включает организационные и правовые отношения между двумя независимыми собственниками образования, официально признанными в соответствии с законодательством о профессиональном обучении. У системы одна цель - два учебных заведения, обеспечивающих профессиональную подготовку студентов и учебно-производственный процесс.

Дуальную систему профессионального образования сравнивают с системой, в которой обучение определенным рабочим профессиям осуществляется только в очных профессиональных школах, а затем продолжается и завершается непосредственно на рабочем месте учреждения. В период реформ и радикальных изменений связь между профессиональными учебными заведениями и промышленностью в некотором смысле была утрачена, и сегодня система профессионального образования организационно независима от производственного сектора, который готовит рабочих кадров в целом.

Обобщая результаты анализа дуальной системы профессионального образования, можно сделать следующие выводы: дуальная система предусматривает взаимную координацию двух различных образовательных производственных сред, то есть двух нормативно - организационных форм профессионального образования и согласованные взаимосвязи; каждый структурный элемент дуальной системы может рассматриваться как самостоятельная образовательная система.; взаимодействие между ними не иерархично, а скорее паритет имеет особенность, то есть они одинаково значимы и равны в своем действии; решающим фактором взаимно-согласованной взаимозависимости является подготовка специалиста с определенной социально-профессиональной характеристикой и определенной квалификацией в результате обучения - единственной образовательной цели.; стремление к формированию качественных прилагательных (базовых компетенций) повышает самостоятельную значимость методов обучения и становится важным педагогическим инструментом, таким как содержание образования (методы обучения играют вспомогательную роль, так как содержание играет решающую роль, в отличие от когнитивно-ориентированного образования).

В основу исследования положен ряд требований при разработке теоретических основ построения дуальной системы профессиональной подготовки специалистов профессионального образования в высших учебных заведениях. Они:

- исходя из общественно-производственных потребностей образовательных целей;
- организационный подход к социально-философскому, научному миро-воззрению образовательной деятельности;
- опираться на дидактические основы методической особенности профессионального образования.

Уточнение основных, конкретно значимых идей, отвечающих этим требованиям, осуществляется на принципах «внутренних», феноменологических и методологических, а также социально-педагогических, которые оказывают решающее влияние на развитие профессионального образования как особой интегрированной сферы профессионального образования.

Гуманистический принцип непрерывного профессионального образования для построения дуальной системы профессионального образования в высших учебных заведениях будет иметь большое значение как правило, позволяющее оптимально гармонизировать потребности сферы производства и общества.

Действительно, в силу методологического характера высшего образования третья идея конкурентности обеспечения целесообразности построения дуальной системы профессионального образования может быть интерпретирована следующим образом: дуальная перестройка системы образования в процессе профессиональной подготовки инженерно-педагогических кадров обеспечивает интеграцию профессионального образования, выражая при этом его системную целостность.

Можно сделать вывод, что поскольку выделенные конкретно-значимые идеи обеспечивают методологическую целостность ценностно-целевых (аксиологических), содержательно-организационных (онтологических) и технологических основ создания дуальной системы профессионального образования, то они являются теоретико-методологической основой концептуального моделирования образования, в результате которого была разработана дуальная система профессионального образования (рис.1).

Мы выделили три уровня выражения дуальной системы профессионального образования: методологический, деятельностно-технологический и уровень индивидуального результата.

1. Методологический уровень – точнее, методологические принципы, отраженные в построении и реализации системы профессионального образования и соответствующих методических инструментов: общие методологические принципы и инструменты, отражающие особенности формирования любой образовательной системы, их структурную и функциональную целостность, взаимодействие и связь между составляющими их компонентами; специальные методологические принципы, отражающие сущность содержания систематической организации инженерно-педагогического профессионального образования как специфической области образования; принципы построения и реализации инженерно-педагогического профессионального образования как особого вида образования.

2. Деятельностно-технологический уровень - в процессе профессионального образования двойственная трансформация инженерной деятельности в педагогическую на технологической основе, которая отражает системные и методические аспекты обучения. Он имеет вторичную структуру: в сфере образования это постоянное повышение личностной и профессиональной компетентности учителей и студентов; в сфере производства - постоянное развитие личностных и профессиональных компетенций специалистов.

Нормативно-правовые основы, организационные формы и дидактические условия образовательного процесса по профессиональному обучению в системе, образующей эту дуальную систему, различны.

3. Уровень индивидуального результата - отражает субъективный аспект результата обучения, общий для обеих структурных систем, и отражает индивидуальную профессиональную компетентность специалиста, сформированную в процессе обучения.

Проведенное нами исследование по определению концептуально-теоретической основы построения дуальной системы профессионального образования в высшем образовательном учреждении позволило дать следующее авторское определение:

Дуальная система профессионального образования - это инновационная форма организации профессионального образования, которая предусматривает развитие сотрудничества в сфере образования и производства и базируется на этих трех методологических принципах: аксиологический (соотношение гуманистического и технического аспектов), онтологический (компетентный подход), технологический (организация

развития социально-профессиональных отношений в профессиональной деятельности).

Содержание подготовки специалистов профессионального образования к профессиональной деятельности осуществляется в следующей последовательности: а) определение навыков и квалификаций, которые будут сформированы в профессиональной деятельности; б) разработка содержания изучаемых материалов, моделирование технологических процессов.

Объектом современной организации образовательного процесса является его модернизация, выбор педагогических технологий на основе его дидактических условий был важной задачей. Основное внимание нужно уделить технологии, которая охватывает максимальное количество структурных компонентов образовательного процесса на основе формирования принципов и идей гуманитарной педагогики, а также организации технологического образования.




Рис. 1. Концептуальная модель построения дуальной системы профессионального образования

Литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан»
// Сборник законодательства Республики Узбекистан. - №6 (766) – статья 70. – Т.: Адолат, 2017. - Б. 38.
2. Обращение Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису. 22 декабря 2017 г. <http://uz24.uz>
3. Чориев Р.К. Pedagogical technologies in dual training model. // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (1) 2020, 63-66. pages.

4. Шубина Н. А. Роль культурологической парадигмы в гуманистически направленном образовании // Теория и практика профессионального образования: педагогический поиск / Под ред. Г.Д. Бухаровой; ГОУ ВПО «Рос. гос. проф.-пед. ун-т». - Екатеринбург, 2007. - Вып. 8. - С. 122-129.

5. Choriev Ruzimurot Kungratovich, Ismailova Zuxra Karabaeva. Peculiarities of professional self-development of a future teacher in the context of personality-oriented pedagogy. // Journal of research and reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 12, 2019 ISSN 2056-5852.505-508 pages.

6. Choriev Ruzimurot Kungratovich, Ismailova Zuxra Karabaeva. Gulzoda Ibragimova, Shokhida Abdurakhmanova, Navruz Abdie. Competent model of practice-oriented education of students of the construction profile. // Journal of Critical Reviews Vol 7, Issue 4, 2020.437-441 pages.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мураккаб ва зиддиятли жараёнлар ва тенденциялар билан ажралиб турадиган дунёда инсоният цивилизациясининг ривожланишига оид маълумотлар ва материаллар мавжуд. Фан, техника ва муҳандислик соҳасидаги ютуқлар одамларнинг ҳаёт сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилади, шу билан бирга уларнинг ҳаёти учун ижтимоий, иқтисодий, маданий, моддий ва бошқа шароитларни яратди, шу билан бирга шахсий эҳтиёж ва манфаатлар ҳақида суз юритилади.

РЕЗЮМЕ

Статья содержит информации и материалы по развитию человеческой цивилизации в мире характеризуется сложными и противоречивыми процессами и тенденциями. Достижения в области науки, техники и инженерии служат для радикального улучшения качества жизни людей, в то же время создавая социальные, экономические, культурные, материальные и другие условия для их жизнедеятельности, удовлетворяя при этом личные потребности и интересы.

SUMMARY

QR kvest - bu interaktiv o'yin bo'lib, unda topshiriqlar javobi QR kodlarida shifrlangan. QR kvestlari ham onlayn, ham oflayn bo'lishi mumkin. Onlayn QR kvestlari Internet saytlari sahifalarida maslahatlar bilan QR kodlarini topish kerak. Oflayn QR kvestlarida ishtirokchilar topshiriqlar javobini QR kodlarini qidirish uchun shahar ko'chalari yoki bino ichida jismoniy harakat qilishadi. Natijada, ular qidiruvda berilgan savolga javob berishlari, shifrlangan manzilga borishlari yoki yashirin ob'ektni topishlari kerak. O'yin ham juda qiziqarli va talabalarni motivatsiya qila oladi.

Agarda o'qitish natijasida ijobiy natijaga e'rishilmasa o'qitish metodlari o'zgartiriladi va ijobiy natijalarga erishilguncha sikl aylanadi.

Adabiyotlar:

1. Ergashev B.B. Professional ta'lim yo'nalishi talabalarini kasbiy faoliyatga tayyorlashning pedagogik strategiyasini loyihalashtirish. Pedagogika fanlari bo'yicha doktorlik (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent, 2022. – 25 b.
2. Yo'ldoshev J.F, Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari. Qo'llanma —T.: O'qituvchi, 2004.- 104 B.
3. Ergashev B. Innovatsion texnologiyali ishlab chiqarish sohasida xodimlar salohiyatini shakllantirishga klasterli yondashuv // NamDU ilmiy axborotnomasi. – Namangan. - 2021. - №6. – B. 622 - 627.
4. Arxitekturaviy kompozitsiya asoslari. O'quv qo'llanma. (Tuzuvchilar: Po'latov X., Miryusupova M., Tolipov A. va boshqalar).Toshkent: TAQI, 2003.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада профессионал таълим тизими ўқувчиларига виртуал моделлаштириш воситасида архитектуравий лойihalашнинг илмий –назарий асослари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описаны научно-теоретические основы архитектурного проектирования для студентов профессионального образования посредством виртуального моделирования.

SUMMARY

This article describes the scientific and theoretical foundations of architectural design for students of vocational education through virtual modeling.

ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КУРСАНТЛАРНИНГ ТЕХНИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Амирова З.Ф.

катта ўқитувчи,

Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти

Таянч сўзлар: методология, ҳарбий тайёргарлик, компетентлик, техник тафаккур, модел, шакллантириш, таълим ва тарбия.

Ключевые слова: методология, военная подготовка, компетентность, техническое мышление, модель, формирование, образование и воспитание.

Key words: methodology, military training, competence, technical thinking, model, shaping, education and training.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим назарияси ва амалиёти – курсантларда техник тафаккурни шакллантириш борасидаги махсус саъй-ҳаракатларни амалга оширишни талаб этади. Ушбу масалани ҳал этиш мобайнида илмий изланишимиз йўналишини ва унинг натижасини тавсиф этувчи методик ёндашувларни танлаб олиш зарурати вужудга келди.

Тадқиқот ишимиз методологияси таҳлили қуйидагиларни қайд этиш имконини беради:

- ҳарбий тайёргарлик жараёнида техник тафаккурни шакллантириш муаммосини икки даражада: стратегик ва тактик миқёсда тадқиқ қилиш;

- стратегик даражада шахсга оид ва тизимли ёндашувлар натижа беради, тактик даражада эса компетентлик ҳамда интегратив ёндашувларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлади;

- ёндашувлар ўзаро боғлиқликка эга бўлиб, улар ўртасида узвийлик ва ўзаро алоқадорлик мавжуд;

- келтириб ўтилган ёндашувларнинг ҳар бири тадқиқотнинг илмий апаратыни, шунингдек, олий ҳарбий таълим жараёнида техник тафаккурни шаклланишини белгилаб беради;

- тадқиқот ишимиз контекстида мазкур ёндашувлар йиғиндисини қўллаш техник тафаккурни шакллантириш моделининг кўринишини беради.

Моделни илмий мақсадларда танланган ёки ислоҳ этилган, асосий объект сифатида янги ахборот улашувчи ёрдамчи объект ўларок тавсиф этилган.

Қуйидаги берилган модел таърифи тадқиқот ишимизга анча яқин: "...шунақанги бир ҳаёлан тасаввур этилган ёки моддий юзага чиқарилган тизим бўлиб, у тадқиқот объектини акс эттирган ва қайта тиклаган ҳолда унинг ўрнини шундай босишга қодирки, натижада уни ўрганиш бизга ушбу объект ҳақида янги ахборот тақдим этади". Моделни шу тариқа тушуниш техник тафаккурни ривожланиш жараёнини моделлаштириш ва тизимлаштириш учун тамойилий аҳамият касб этади.

Олий ҳарбий таълимда бўлажак ҳарбий муҳандисни касбий фаолиятга тайёрлаш сифати мезони таълим натижаларининг муайян стандартга мувофиқлигидадир. Ушбу элементлар олий ҳарбий таълим битирувчисини моделида тасвирлайди.

Техник тафаккурни шакллантириш бўйича таҳсил методлари сифатида анъанавий - сўзли, изоҳлаш, кузатиш, кўргазмали, намойиш этиш, машқ метод-

лари қаторида фаол - муаммоли, ўйинли, лойиҳалаштириш методи, тадқиқотчилик методлардан ҳам фойдаланилди. Педагогика фанида педагог ва курсантларнинг билим, кўникма, малакаларни эгаллашга, тарбиялаш ва камол топтиришга қаратилган ўзаро боғлиқ касбий фаолият тарзини таълим методи деб қабул қилиш мумкин .

Натижавий блокмақсади, жараёнли ва ташхислаш блоклар билан яқин ўзаро алоқага эга ва техник тафаккурни шаклланганлик даражасини ҳамда компетенциялар ривожланишининг ҳар бир босқичида касбий компетентлиги баҳосини белгилайди .


Хулоса ва таклифлар. Ишлаб чиқилган моделнинг мақсади, жараёнли, ташхислаш ва натижавий блоклар билан ўзаро боғлиқ ҳамда касбий компетенцияларини кетма-кет эгаллашни, башорат қилинаётган даражадаги шахсий ва касбий сифат ва фазилатлар ривожланишини ҳамда техник тафаккурини шаклланишини таъминлайди. Асосий функциялари: мотивация функцияси-адекват касбий мотивлар ривожланиши, қизиқиш вужудга келиши ва касбий компетенцияларини қўллашга эҳтиёж юзага келишини белгилайди, таълим олиш функцияси-касбий компетенциялари ўзлаштирилишини таъминлайди, таълим ва тарбиялаш функцияси-шахсий-касбий муҳим сифатлар мажмуини ривожланишига кўмаклашади, ривожланиш функцияси-тезкор, тизимли ва образли фикрлаш ривожини таъминлайди.

Келтириб ўтилган маълумотларга асосланиб қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Курсантларда техник тафаккурлаш кўникмалари техника олий таълими жараёнида ўқиш бошланиши билан ривожлантирилиб борилиши лозим.
2. Ўтилган янги техник тушунчаларни тадқиқини доимо даврий равишда такрорлашни ташкиллаштириш керак бўлади, чунки унинг натижасида курсантларда тажриба тўпланиб, техник тафаккурлаш кўникма ва малакалари шаклланиб боради.

Адабиётлар:

1. Амирова З.Ф. Техника фанларини ўқитиш жараёнида курсантларнинг техник тафаккурини ривожлантириш омиллари.// Таълим самарадорлигини оширишда халқаро тажрибадан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. –Чирчик, 19-октябрь, 2021. –Б. 138-141.
2. Амирова З.Ф. Development of technical thinking of cadets using interactive methods. // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. – India, 2022. - Vol. Issue 1. pp. 18879-18884. (05.00.00; №9)



3. Амирова З.Ф. Курсантларда харбий техник тафаккурни шакллантириш билан боғлиқ касбий сифатлар ва фаолиятларнинг назарий таҳлили. // Зирхли калқон. Илмий-ахборот журнали. -Чирчик - 2021. - Б. 236-239.
4. Леонтьев.А.Н. Избранные психологические произведения. // -Москва, 1983.– С. 2-318.
5. Толлингерова Д. Психология проектирования умственного развития детей // - Москва-Прага, 1994. – С. 48.
6. Ураков Ш.Р. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг компетент ёндашувга асосланган педагогик тизимини такомиллаштириш. // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати // - Самарқанд, 2018.-Б. 36.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада олиб борилган тадқиқот ишининг методологик таҳлили ҳақида сўз боради. Тузилган моделнинг ташкилий компонентлари изоҳланади. Босқичлар тузилиши ва моҳияти ҳақида умумий тушунчалар бериллади ҳамда моделнинг амалий аҳамияти тушунтирилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье речь идет о методологическом анализе исследовательской работы. Приводятся организационные компоненты структурированной модели. Даются общие понятия о структуре и сущности ступеней и поясняется практическое значение модели.

SUMMARY

This article discusses the methodological analysis of the research. The organizational components of the structured model are explained. General concepts of the steps are given and the practical significance of the model is explained.

TEKNOLOGIYA FANI O'QITUVCHILARINING TEKNOLOGIK JARAYONLARINI TASHKIL ETISH VA BOSHQARUV FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH

Ahmedov M.M., Teshaboev Z.A., Xojikarimova G.T.

Tayanch so'zlar: integratsiya, kompetensiya, texnologiya, kommunikatsiya, ijod, malaka.

Ключевые слова: интеграция, компетентность, технология, креативность, навыки, коммуникация.

Key words: integration, competence, technology, communication, creativity, skills.

Yangilanayotgan kishilik jamiyatida, chuqur integratsiyalashgan iqtisodiy makonda, zamonaviy pedagogik texnologiyalar va ahborot kommunikatsiya texnologiyalari rivojlangan bugungi kunda yoshlarimiz kelajak ta'lim tizimiga ta'mal toshini qo'yimoqdalar. Bu esa yangidan shakllanayotgan "Yangi O'zbekiston" davlatini yanada ravnoq topishini ta'minlaydi.

Ushbu yuksak vazifani bajarish jarayonini muvoffaqiyat bilan amalga oshirish yoshlardan puhta tayyorgarlik, bilim, saviya ijodkorlik va iqtidorni talab qiladi. Bosayotgan har bir qadamimiz shahdam, ishonchli, zafarli bo'lishi lozim, buning uchun esa zamon bilan hamnafas, bozor iqtisodiyoti bosqichma-bosqich amalga oshirish yo'llarini biladigan, unga amal qiladigan, yetuk bilimdon, yuqori malakali kadrlarni tayyorlash lozim bo'ladi.

Hozirgi kunda Respublikamiz xalq ta'limi tizimini rivojlangan davlatlar darajada takomillashtirish yo'lida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli ishlardan ko'zlangan asosiy maqsad - yosh avlodga ta'lim-tarbiya berish sifati va samaradorligini oshirish, ularni o'z yurtini sodiq farzandi etib tarbiyalash va mustaxkam bilim berish uchun barcha shart-sharoitlarni yaratilmoqda. Ushbu vazifalar pedagog kadrlarni kasbiy bilim, ko'nikma va malakalarini bugungi kun talabidan kelib chiqib, ta'lim-tarbiya jarayonini kengaytirish, chuqurlashtirish, yangilash, zamonaviylashtirish orqali o'quv jarayonini sifati va samaradorligini oshirishga, kompetentligini yanada yuqori darajaga ko'tarishga qaratilgan.

Mirziyoev SH.M. “Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalkimiz bilan birga kuramiz” asarida XIX asrda ma’rifatli dunyo oqillari Buxoriy, Farg’oniy, Xorazmiy, Beruniy, ibn Sino va Ulug’beklarni qanchalik izzat-ikrom qilgan bo’lsa, XXI asrda ham xalqimiz, millatimizga nisbatan ana shunday ehtiromni qo’lga kiritishimiz kerak. O’sha davrda ulug’ ajdodlarimiz asos solgan va olamga dong taratgan ilmiy maktablarni zamonaviy shaklda qayta tiklashimiz lozim. Bunga esa ta’lim tarbiya tizimini tubdan isloh qilish orqali erishish mumkin” deb, o’z fikr-mulohazalarini bayon etganlar/1-4/.

O’zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining 2017 yil 3 iyundagi 190-sonli “Umumiy o’rta ta’limning davlat ta’lim standartlari talablari asosida takomillashtirilgan o’quv dasturlarini tasdiqlash va amaliyotga joriy etish to’g’risida”gi buyrug’iga asosan 2017-2018 o’quv yilidan boshlab bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etilishi rejalashtirildi. Jumladan, ushbu buyruqqa ko’ra umumiy o’rta ta’limning Davlat ta’lim standartlari va o’quv dasturlari 2017-2018 o’quv yilidan boshlab bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etish quyidagi tartibda amalga ko’zda tutilgan/5/:

1-bosqich: 2017-2018 o’quv yilidan 1-, 4-, 6-, 7-10-sinflarda;

2-bosqich: 2018-2019 o’quv yilidan 2-, 3-, 8-, 9-11-sinflarda;

3-bosqich: 2019-2020 o’quv yilidan 5-sinflarda tamalga oshi rildi.

Bu esa darsliklar va turli hil adabiyotlardan foydalangan holda fanlarni o’qitishda innovatsion xarakterga ega bo’lgan muammolarni innovatsion yondashuv asosida ta’lim-tarbiya jarayoniga tadbiiq etish va shu asosda o’quv mashg’ulotlari jarayonini na’munali tashkil etishni talab etadi/ 6,7 /.

Yuqorida zikr etilgan vazifalarni bajarishda texnologiya fanida texnologik jarayonlarni tashkil etish masalasi muhim ahamiyatga ega.

Ayniqsa, bunda mavzuga mos yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish va ahborot kommunikatsiya texnologiyalari vositalaridan dars jarayonida foydalanish yaxshi natijalar bermoqda. Ta’lim-tarbiya jarayonida o’quvchilar bilimi va samaradorligini oshirishda o’qitish jarayonida innovatsion ta’lim texnologilaridan foydalanish muhim o’rin tutadi.

Jahon hamjamiyatining asosiy maqsadini amalga oshirish, kelajak yosh avlodni tarbiyalash, ta’lim tizimini yanada rivojlantirish va texnologik ta’lim jarayonlarini tashkil etish va uni boshqaruv mehanizmini takomillashtirish bo’yicha olib borilgan dars jarayonidagi boshqaruv faoliyati kompetentligi darajasi nuqtai nazaridan yondashish zarurati tug’ilmoqda/ 8,9 /.

Bu esa fan o’qituvchisidan, hususan, texnologiya fani o’qituvchisidan yanada yuksak mas’uliyat, o’z ustida mustaqil ishlash va doimiy malakasini oshirib borish bilan texnologik jarayonlarni tashkil etish muammolarini hal etish va o’zining kompetentlilik darajasini muntazam ko’tarib borishini taqazo etadi.

Ta’lim jarayonlarini tashkil etish va boshqaruv mehanizmini takomillashtirish mavzusi yuzasidan bir qator ilmiy tadqiqot ishlari, ularni tushintirish mehanizmlari taklif etilgan bo’lsalarda texnologiya fanini, hususan, texnologik jarayonlarni tashkil etish va boshqaruv mehanizmini takomillashtirish jarayoni shu kun talabi darajasida o’rganilmagan/10-12/.

Shuningdek, hozirgi kunda hech bir mamlakatning o’quv ta’lim-tarbiya muassasasida rahbar hodim tayyorlanmaydi, insonning rahbarlik salohiyati o’zining ish faoliyatida jamoada ishlash jarayonida shakllanib boradi. Shu bois fan o’qituvchisi boshqaruv faoliyatining kompetentlik darajasini yanada yuksaltirishning eng muqobil yo’li sifatida qaralmoqda.

Mazkur, muqobil yo’l malaka oshirish tizimi orqali bevosita amalga oshirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. CHunki, umumiy o’rta ta’lim maktablari o’qituvchilari bilan

muntaзам va muttasil aloqada bo‘lgan ta‘lim muassasasi sifatida so‘ngi yillardagi fan texnika yangiliklari bilan tanishtirib borish va maktabda o‘zlashtirilishi qiyin bo‘lgan murakkab mavzular yuzasidan uslubiy maslahatlar tashkil etish jarayonlari kommunikativ munosabatlar orqali o‘z echimini topmoqda/13-15/.

Ilmiy-metodik, ma‘naviy-ma‘rifiy va ijtimoiy-siyosiy jarayonlarning kontekstida (manzarasida) aks etishi orqali yuzaga keladigan kommunikativ munosabatlar, ahborotlarni uzatish va qabul qilish va uni qayta ishlash dunyo hamjamiyatida aks etayotgan inson omili bilan bog‘liq bo‘lgan masalalarning ilmiy-nazariy echimlari aniqlanmoqda.

Ayniqsa texnologiya fani o‘qituvchisi texnologik jarayonlarni tashkil etish yo‘l-yo‘riqlarini bilishi, ta‘lim-tarbiya jarayonining samaradorligiga salbiy ta‘sir etuvchi unsurlarni aniqlay olishi va ularni bartaraf etish yo‘llarini bilishi, modullarni integratsiyalash va ularning o‘ziga hos xususiyatlarini bilishi, o‘quvchilar bilim darajasini yanada yuqoriga ko‘trishda o‘quvchilarning tayanch kompetensiyalari va fanga oid umumiy kompetensiyalarning mazmun-mohiyatini bilishi va dars jarayonida tadbiiq eta olishi zarur.

Ta‘lim tizimida texnologik jarayonlarni tashkil etish va uni boshqaruv mehanizmini takomillashtirish jarayonini tashkil etishda zamonaviy bilimga ega bo‘lgan ijodkor, malakali, salohiyatli va tashkilotchilik qobiliyatiga ega bo‘lgan o‘qituvchiga zarurat sezilmoqda.

Mazkur muammolarni ijobiy yechimini topish uchun texnologiya fani o‘qituvchisining texnologik jarayonlarni tashkil etishni bilishi va boshqaruv mehanizmini takomillashtirish omillarini izlab topish yo‘nalishida ilmiy tadqiqot ishlari olib borish shu kunning asosiy vazifasidir.

Bu esa texnologiya fani o‘qituvchilarining texnologik jarayonlarni tashkil etish va boshqaruv faoliyatini takomillashtirish omillari sifatida pedagogik kompetentlilikka ega bo‘lishi, dars mavzusini bayon etishda innovatsion yondashuvlarga asoslanishi, pedagogik va psixologik sifatlarga ega bo‘lishi, shuningdek, zamonaviy talablar asosida o‘quvchilar guruhi faoliyatini boshqarish kompetentligini yuqori darajaga ko‘tara olish qobiliyatiga ega bo‘lishi lozim. Bu esa mamlakatimiz prezidentining farmonlari, qarorlari va VM qarorlari hamda mazkur sohaga aloqador bo‘lgan me‘yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda mazkur ilmiy tadqiqot natijalari muayan darajada ta‘lim tizimini yanada yuqori darajalarga ko‘tarishda hizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2017 yil 6 apreldagi “Umumiy urta va urta maxsus, kasb-xunar ta‘limining davlat ta‘lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 187-sonli Qarori
2. Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2017 yil 15 martdagi Umumiy urta ta‘lim tug‘risida Nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi 140-sonli Karori.
3. Mirziyoyev SH.M. Tankidiy taxlil, kat‘iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik - xar bir raxbar faoliyatining kundalik koidasi bulishi kerak. - T.: “Uzbekiston”, 2017.-102b.
4. Mirziyoyev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalkimiz bilan birga kuramiz. - T.: “Uzbekiston”, 2017.-488 b.
5. O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta‘limi vazirining 2017 yil 3 iyundagi 190-sonli “Umumiy o‘rta ta‘limning davlat ta‘lim standartlari talablari asosida takomillashtirilgan o‘quv dasturlarini tasdiqlash va amaliyotga joriy etish to‘g‘risida”gi buyrug‘i
6. Axmedov M.M., Teshaboev Z.A., Rajopov V.T. O‘qitish jarayonida tashkiliy va innovatsion sinf-dars shakllaridan foydalanish. FVPHQTMOH markazi. Uslubiy tavsiyanoma. 2021 yil 7 aprel 9-sonli bayonoma.
7. Axmedov M.M. O‘qitishda innovatsion ta‘lim texnologiyalari va zamonaviy yondashuvlar./ FarDU. Magistratura yo‘nalishi 5A11201 – Ta‘lim-tarbiya nazariyasi va metodikasi (Texnologik ta‘lim) mutaxassisligi o‘quv rejasiga kiritilgan Tanlov fani uchun o‘quv qo‘llanma.

8. Ahmedov M.M., Teshaboev Z.A. Malaka oshirish jarayonida o'qituvchilarning boshqaruv faoliyati rivojlanishida zamonaviy yondashuvlar. / A.Avloniy nomidagi xalq ta'limi muammolarini o'rganish va ishtirokchilarni belgilash ilmiy-tadqiqot instituti. 2021 yil 28 oktyabr.

9 Ahmedov M.M., Teshaboev Z.A. O'qituvchilarning dars jarayonida boshqaruv faoliyati kompetentligini shakllantirish. / Andijon viloyati XTXQTMOXM. "Umumiy o'ta ta'lim maktablarining sifat va samaradorligini oshirishning ilmiy – metodik hujjatlari: xalqaro tajribalar" mavzusidagi respublika ONLAYN ilmiy-amaliy anjumani Andijon shaxri. 2021 yil 15 oktyabr

10. Ahmedov M.M., Teshaboev Z.A. Forming the competence of management activities in the course of teaching teachers. / Transformatsiya suspilnih nauk: sotsialno-ekonomichniy, lingvisticniy, politichniy ta it-vimiri. Materiali ii mijnarodnoi naukoivoi konferensii. Xarkiv, Ykraïna 51-54-str. ISBN 978-617-7991-88-4 DOI 10.36074/mend-22.10.2021.

11. Axmedov M.M., Teshaboev Z.A., Xojikarimova G.T. Ta'lim tizimida islohatlar. / Mejdunarodnyy nauchnyy jurnal "Graal nauki" № 4 (Traven, 9 aprel 2021) Venetsiya, Italiya S.475-477.

12. Axmedov M.M., Teshaboev Z.A., Xojikarimova G.T. He hed an innovative character in the teaching process «Distance education» is an innovative course format. / LOGOΣ LOGOΣ Multidisziplinare forschung: perspektiven, problem und muste. 9. April 2021. Wien, Reepublik Osterreich.

13. Axmedov M.M., Xojikarimova G.T., Safarova G.M. Pedagogical skill is the product of the individual characteristics of the teacher. / Vol. 7 No. 02 (2021): JOURNALNX s. 237-240.

14. Axmedov M.M., Xojikarimova G.T., Safarova G.M. The american journal of applied sciences SJIF-5.634 DOI-10.37547/tajas. Vol.3. Issue 01, 2021 s. 54-57

15. Axmedov M.M., Xojikarimova G.T., Safarova G.M. Fundamentals Of Development Of Creative Abilities Of Students In Professional Trainin. / The american journal of applied sciences SJIF-5.634 DOI-10.37547/tajas. Vol. 3 Issue 01, 2021.

16. Axmedov M.M., Xojikarimova G.T., Safarova G.M. The Concept Of «Creative», Its Importance In Education. / International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR) s. 116-117.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada pedagog kadrlarni kasbiy bilim, ko'nikma va malakalarini bugungi kun talabidan kelib chiqib, ta'lim-tarbiya jarayonini kengaytirish, chuqurlashtirish, yangilash, zamonaviylashtirish orqali o'quv jarayonini sifat va samaradorligini oshirishga, kompetentligini yanada yuqori darajaga ko'tarish imkoniyatlari yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

Данная статья направлена на повышение качества и эффективности образовательного процесса, на повышение компетентности педагогов за счет расширения, углубления, обновления, модернизации образовательного процесса, исходя из современных требований к профессиональным знаниям, умениям и навыкам.

SUMMARY

This article aims to improve the quality and efficiency of the educational process, to increase the competence of teachers through the expansion, deepening, renewal, modernization of the educational process, based on today's requirements of professional knowledge, skills and abilities. options are highlighted.

НАЗАРИЙ МЕХАНИКА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ АСОСИДА БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ

Нурова О.С.

Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: илмий фикрлаш, мантикий фикрлаш, методология, назария, оламнинг илмий манзараси, илмий фактлар.

Ключевые слова: научное мышление, логическое мышление, методология, теория, научный ландшафт вселенной, научные факты.

Key words: scientific thinking, logical thinking, methodology, theory, scientific landscape of the Universe, scientific facts.

Диагностиканинг биринчи босқичида асосий ижтимоий-психологик ва когнитив хусусиятларини аниқланади. Режалаштириш босқичида ўқув жараёнини режалаштириш зарур. Кейинчалик ўқув жараёнини амалга ошириш учун шaroит яратиш босқичида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун қулай шарoит яратилиши керак. Сўнгра ўқув жараёнини амалга ошириш босқичи келади. Баҳолаш босқичида биз амалга оширган ўқув жараёнини баҳолашимиз керак. Тузатиш босқичида, агар керак бўлса, таълим жараёнини ташкил этишга муайян тузатишлар киритилади. Шундай қилиб, ўқув жараёнини ташкил этишнинг ҳар бир босқичида асосий элементларининг ўзарo алоқаси таъминланади. Шу биланбирга, асосий рол фаолэлементларга - ўқитувчиғатегишли бўлади .

Олий таълим муассасасида ўқув жараёни-бу жараёнинг асосий босқичлари бўйича гуруҳланган ва биргаликда интеграл дидактик тизимни ташкил этувчи психологик ва педагогик жараёнлар, ҳаракатлар ва ўқув жараёнининг фаол элементлари (иштирокчилари) функциялари тизими бўлиб, уни педагогик амалиётда мазмун, метод, шакл ва воситалар ёрдамида амалга ошириш аниқ таълим ва тарбия мақсадларига эришишга олиб келади .

Маъруза машғулотли.

Маъруза – ўқитишнинг дидактик циклидир. Маърузанинг асосий дидактик мақсади материални кейинчалик ўзлаштиришга кўрсатмали асос яратишдир. Маъруза методологияси муаммоли таълимга асосланган таълим тамойилларини амалга ошириш, назария ва амалиёти узийлигини таъминлаш, долзарб муаммоларни олиб чиқиш, сўнги илмий ва технологик ривожланиш ютуқларини талабаларга ўргатиш уларда илмий ва мантикий фикрлаш, хотирани мустаҳкамлашни шакллантириш имконини беради.

Муаллифлар [1, 2, 7, 10 ва бошқалар] олий таълим тизимида маърузалар алоҳида ўрин тутади ва ўрганилаётган фанларнинг асосий илмий-назарий ёндашувлари ва нуктаи назарлари фақат маърузаларда кўрсатилиши мумкин. Маърузалар мавзунинг илмий асосларини беради, ўрганилаётган муаммо моҳиятини очиб бериш усулларини ўргатади. Маърузанинг дидактик мақсади талабаларни фан билан таништириш, унинг асосий категориялари, ўрганилаётган фаннинг қонуниятлари, методологик асослари билан таништиришдан иборат. Бу талабанинг ушбу фан бўйича барча кейинги ишларининг мазмуни ва моҳиятини белгилайди, унинг билимини, кизиқишини ва мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Маърузалар ўқув ишларининг барча турлари: амалиёт, лаборатория, семинар ва бошқа машғулотлар билан алоқаларни ўрнатади. С.И.Архангелскийнинг таъкидлашича, маърузанинг мақсадларидан бири таълим олувчиларнинг мажбурий мустақил ва қўшимча мустақил иши билан боғлиқлигини аниқлашдир. Маъруза адабиёт ва дарсликларга мурожаат қилишни талаб қилади, билимларни чуқур мустақил изланишга чақиради.


Маърузанинг дидактик вазифаларидан бири талабаларнинг билимлар тизимини шакллантириш бўлиб, у билимлар тузилмасининг мантикий ва генетик таҳлили натижасида аниқланган қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади.

- илмий фактлар;
- тушунчалар (материянинг таркибий шакллари ҳақида, ходисалар ҳақида, жисмларнинг хоссалари ва уларни тавсифловчи миқдорлар ҳақида, илмий тадқиқот усуллари ҳақида);
- қонунлар, назариялар, оламнингилмийманзараси ҳақида.

Бу ерда тушунчани шакллантиришга мисол келтирамиз: назарий механика бўйича "Кучларнинг мувозанати" маърузасида кучнинг ўқдаги проекциясини аниқлашни кўриб ўтамиз.

Талабалар статика масалаларини ечишнинг аналитик усули кучнинг ўқдаги проекцияси тушунчасига асосланишни тушунтиришлари керак. Бир кучнинг (ҳар қандай бошқа вектор каби) координата ўқига проекцияси кучнинг модулига тенг бўлган алгебраик миқдор бўлиб, куч ва ўқнинг йўналиши орасидаги бурчак косинуси билан

ифодаланади. Агар бу бурчак ўткир бўлса, проекцияси мусбат, ўтмас бўлса манфий ва куч ўкига перпендикуляр бўлса, унинг ўкдаги проекцияси нолга тенг бўлади (1-расм).




1-расм. Кучнинг ўкка проекцияси

1-расмдан: $F_x = F \cos \alpha = ab$; $Q_x = Q \cos \alpha_1 = -Q \cos \varphi = -de$, $P_x = 0$ келиб чиқади.

Кучнинг ўкдаги проекциясидан фаркли равишда кучнинг текисликдаги проекцияси вектор микдордир, чунки у фақат сон кийматлари билан эмас, балки текисликнинг йўналиши билан ҳам тавсифланади.

Баъзи ҳолларда кучнинг бирор ўкдаги проекциясини топиш учун аввал унинг шу ўк текисликдаги проекциясини топиш, сўнгра топилган проекцияни шу ўк устига текисликда проекциялаш кулайроқ бўлади.

Кучни белгилашнинг аналитик усули учун координата ўқлари тизимини танлаш ва унга нисбатан фазодаги кучнинг йўналишини уч ўлчамли тўғри бурчакли координаталар тизимида аниқлаш керак (2-расм).



2-расм. Фазовий координаталар тизимида кучни проекциялаш

Механика масалаларини ечишда кучни координата ўқларида проекциялаш кулайроқ. Бу проекцияларни билган ҳолда кучнинг модули ва координата ўқлари билан ҳосил қилган бурчакларини формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\begin{cases} F = \sqrt{F_x^2 + F_y^2 + F_z^2} \\ \cos \alpha = \frac{F_x}{F}, \cos \beta = \frac{F_y}{F}, \cos \gamma = \frac{F_z}{F} \end{cases}$$

Агар кўриб чиқилаётган барча кучлар бир хил текисликда жойлашган бўлса, у ҳолда кучларнинг ҳар бири унинг проекциялари билан икки ўкда Ox ва Oy ни ўрнатиш мумкин. Бунда кучнинг модули ва проекцияси қуйидагича бўлади:

$$F = \sqrt{F_x^2 + F_y^2}, \cos \alpha = \frac{F_x}{F}, \cos \beta = \frac{F_y}{F}$$

Амалий машғулот

Умумқасбий фанлар бўйича амалий машғулотлари қуйидаги дидактик вазифаларга эга:

- маърузада берилган таянч тушунчаларни хотирада аниқлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- ўрганилаётган таянч тушунчалар ва илгари ўрганилганлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш;
- ўрганилган тушунчаларни масалалар ечишда қўллаш.

Амалий машғулотларнинг асосий вазифаси ўқув материални ўзлаштириш ва талабаларнинг билимларни амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни мустақил ўзлаштириш ва чуқурлаштиришни ташкил этиш ва ўтказишдан иборат.

Семинар

Семинар-фани чуқур ўрганиш учун мўлжалланган дарсларнинг асосий турларидан бири. Семинарлар талабаларнинг ижодий мустақиллигини ривожлантиради, билимларни ва шакланган тушунчалар гуруҳининг алоқалари ва муносабатларини аниқлаштириш ва умумлаштиришга ёрдам беради.

Семинарларнинг муҳим дидактик вазифаси талабалар ўртасида бирламчи билим ва қобилиятларни шакллантиришдир. Илмий ахборотларни кидириш, илмий таснифлашнинг моҳияти ва қоидалари билан танишиш, тезислар ва ҳисоботларни бажариш кўникма ва малакаларини шакллантириш, бу эса ўз навбатида талабаларнинг илмий-назарий тафаккурини ривожлантириш учун замин яратади.

Биз ҳисоблаш ва график ишларни ва курс лойиҳасини бажаришни синфдан ташқари амалий машғулотлар сифатида олиб борамиз. Уларни илмий-тадқиқот фаолиятига боғлаш мумкин.

Мустақил иш

Талабаларнинг мустақил иши олий таълимдаги ўқув жараёнининг энг муҳим шакллари билан бирдир. Бу юқори малакали мутахассисга қўйиладиган талаблар мажмуасида ахборот оқимида мустақил ҳаракат қилиш қобилияти, ўз-ўзини тарбиялаш ва билим тўплаш қобилияти ривожланиши изохланади. Мутахассиснинг барча бу фазилатлари асосан илмий адабиётлар устида мустақил ишлаш ва унга кизиқиш билан белгиланади.

Мустақил ишнинг ўзига хос хусусияти унинг яққол индивидуал тавсифидир. Мустақил иш-бу шахснинг ўзини ифодалашнинг энг муҳим шакли, унинг шахсий имкониятлари ва хусусиятларининг намоён бўлиши.

Шуни таъкидлаш керакки:

1. Мустақил иш шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради.
2. Мустақил ишлар талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантирибгина қолмай, балки уларнинг шахсий ижодий қобилиятларини ҳам ривожлантиради.
3. Мустақил иш назарий билимлардан кам бўлмаган ижодий қобилиятларни ривожлантиради. Ушбу фазилатлар замонавий меҳнат бозорида юқори баҳоланади.
5. Мустақил иш индивидуал ёндашув тамойилини амалга оширишга ёрдам беради.
6. Фақат ўз-ўзини эгаллаган онгли билимларгина ҳар қандай фаолиятга ижодий ёндашиш кўникма ва малакаларини шакллантира олади.

Ҳисоблаш-график ишлари назарий механика ва материаллар қаршилигини ўрганишда талабаларнинг мустақил фаолияти шаклидир. Ҳисоблаш-график ишлари ўрганилаётган умумқасбий фанларни, олий математика, муҳандислик графикасини бирлаштирган ва назарий, ҳисоблаш, график ва аналитик қисмлардан иборат индивидуал вазифадир. Ҳисоблаш-график ишларни бажариш умумқасбий фанларни (назарий

механика, материаллар қаршилиги) ўрганишда талаба фаолиятининг яқуний босқичи ҳисобланади.

Ҳисоблаш-график ишлари талабаларни нафақат ўқув-билув билим, кўникмаларини шакллантиради ва уларни амалиётда қўллаш имкониятини беради, балки техник тафаккурни репродуктив даражадан унумли ва ижодий ривожлантириш имконини ҳам беради. Ҳисоблаш-график ишлари яқуний, умумлаштирувчи тавсифга эга, чунки уларни бажаришда ўрганилаётган тушунчалар аниқлаштирилади ва кенгайтирилади, аниқлаштирилади ва бошқа тушунчалар билан боғланишлар ўрнатилади.

Замонавий технология муҳандисларга жуда кўп вазифаларни қўяди, уларнинг ечими механик ҳаракат (вақт ўтиши билан моддий жисмларнинг бошқа жисмларга нисбатан ўз вазиятини ўзгартириши) ва механик ўзаро таъсирни ўрганиш билан боғлиқ (моддий органларнинг бир-бирига таъсири). Моддий жисмларнинг механик ҳаракати ва ўзаро таъсири ҳақидаги фан механика деб аталади. Механика классик механика қонунларига (ёки Нютон қонунлари) асосланади, улар кўплаб тажрибалар ва кузатишлар натижаларини умумлаштириб, инсониятнинг ижтимоий ва саноат амалиёти жараёнида тасдиқланган.

"Назарий Механика" курсини ўрганиш босқичида талабалар дастлабки тадқиқотчилик кўникмаларини оладилар. Назарий механиканинг деярли ҳар бир муаммоси табиатдаги тадқиқотлардир. Амалий машғулотларда ёки уйда масалалар ечиш ҳисоблаш-график вазифани бажариб, талаба муаммонинг ҳолатини таҳлил қилади, ҳаракат хусусиятини текширади, сўнгра ечиш усулини танлайди.

"Назарий Механика" фанини ўрганиб, ҳисоблаш ва график ишларни бажаргандан сўнг, талабалар: максдалар, вазифалар ва тадқиқот усулларини аниқлаш; тадқиқот муаммоларини ҳал қилиш учун статика, кинематика, динамика бўйича фундаментал қонунлар ва илмий-техник назарияларни қўллаш; математик ҳисоб-китобларни бажариш ва бажарилган ишнинг натижалари ва муваффақиятини таҳлил қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон республикаси Фармони “ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси “2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон .
2. Абдуқодиров А.А., Турсунов С.Қ. Таълимда ахборот технологиялари. Дарслик. Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2019 й
3. Байденко В.И. «Болонский процесс: результаты обучения и компетентностный подход. - М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. 2009. – С. 482-492.
4. Беспалько В.П. Бумажная версия электронного учебника. Школьные технологии. -М.: «Народное образование», 2007. -№ 2. - С.54-55.
5. Пригожин И. Введение в термодинамику необратимых процессов. — Ижевск: НИЦ «Регуляторная и хаотическая динамика», 2001. — с.160.
6. Николис Г., Пригожин И. Самоорганизация в неравновесных системах. — М:Мир, 1979. — с. 512.
7. SHermuxamedova N.A. Gnoseologiya–bilish nazariyasi. — Т: Noshir, 2009. — 356 b.
8. Turaev S.J. Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation on physics, Scientific Bulletin of Namangan State University: 2019. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/55>
9. Тураев С.Ж. Формирование научно-практических навыков студентов с привлечением к научному проекту №1/1-Ф и применением технологий программирования. Преподаватель XXI век.-М.:2018. -С. 88-92. <http://prepodavatel-xxi.ru/sites/default/files/10.pdf>.
10. Ismoilov D.M. <http://www.idpublications.org/wpcontent/uploads/2020/06/Full-Paper.METHODS-OF-SCIENTIFIC KNOWLEDGE-AND-RESEARCH-IN-THE CONTENT OF SECONDARY EDUCATION.pdf>.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола анъанавий таълимга мувофиқ билим, кўникма, фазилятлар ва ахлоқий кадриятларни егаллаш учун икки томонлама фаолиятдир. Шу билан бирга, таълим жараёни таълим олувчининг ўзаро муносабати, таълим жараёнининг ҳар бир босқичида ўқитишнинг мазмуни, методлари, шакллари ва воситалари ҳисобланади.

Эта статья представляет собой двустороннюю деятельность по приобретению знаний, навыков, качеств и моральных ценностей в соответствии с традиционным обучением. В то же время образовательный процесс - это взаимодействие воспитателя, содержания, методов, форм и средств обучения на каждом этапе образовательного процесса.

SUMMARY

This article is a two-way activity to acquire knowledge, skills, qualities and moral values in accordance with traditional learning. At the same time, the educational process is the interaction of the educator, the content, methods, forms and means of teaching at each stage of the educational process.

БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Мовлонов М.Қ.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: техник, муҳандис, лойиха, касбий, амалиёт, таълим, модел, тизим, жараён.

Ключевые слова: техник, инженер, проект, профессионал, практика, образование, модель, система, процесс.

Key words: technical, engineer, project, professional, practical, education, model, system, process.

Таълим жараёни такомиллаштириш зарурати сифатида, компетентли ёндашув асосида бўлажак муҳандисларни малакавий амалиёт жараёнида касбий фаолиятга тайёрлаш моделини ишлаб чиқиш имконини берди. Компетентли ёндашув асосида бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик лойиҳалаш малакавий амалиётга йўналтирилган фанларни ўқитиш ва малакавий амалиётни ўтказишнинг ҳозирги ҳолатидан келиб чикиб амалга оширилди.

Модел-бу ўрганилаётган объектга (ёки ҳодисага) ўхшаш бўлган диаграмма, физик конструкциялар, белгилар ёки формулалар шаклида сунъий равишда яратилган объект бўлиб, оддий ва умумлаштирилган шаклда ушбу объект элементлари ўртасидаги тузилиш, хусусиятлар ва муносабатларни акс эттиради ва такрорлайди.

- мантқий-семиотик (махсус белгилар, символлар ва тузилмалардан иборат).

Ушбу моделлар орасида аниқ чегара йўқ. Педагогик моделлар асосан санаб ўтилган турларнинг иккинчи ва учинчи гуруҳларига киритилади. Ҳар қандай педагогик тадқиқотда моделнинг амалий қиймати асосан объектнинг ўрганилган томонларига мувофиқлиги, шунингдек, уни қуришнинг асосий тамойиллари модел қурилиши босқичларида - қўриниш, аниқлик, объективлик, самарадорлик ва ҳоказоларда ҳисобга олиниши билан белгиланади. Бу моделнинг имкониятлари ва турини ва педагогик тадқиқотдаги вазифаларини кўп жиҳатдан аниқлайди.

Педагогик лойиҳалаш ва педагогик моделлаштириш бўйича адабиётлар таҳлили педагогик фаолиятда лойиҳалашнинг ҳар иккала туридан оқилона фойдаланиш асосида тизим лойиҳаларини (моделларини) яратишнинг турли вариантлари мавжудлигини кўрсатади: дидактик тизим; бошқарув тизими; методик таъминлаш тизими; малакавий амалиёт жараёнининг модели ва бошқалар. Малакавий амалиёт жараёнининг модели белгиланган вазифалар нуктаи назаридан биз учун алоҳида қизиқиш уйғотади. Шу билан бирга, талабаларни малакавий амалиёт жараёнида касбий фаолиятга тайёрлашга компетентли ёндашув унинг турли компонентларини лойиҳалашда амалга оширилиши мумкин: ахборотли, фаолиятли, ташкилий-услубий ва бошқалар.

Малакавий амалиётнинг асосий вазифалари сифатида биз қуйидагиларни аниқладик: мослашув функцияси; мақсад функцияси, таълим функцияси, ривожлантирувчи функция, рефлексив функция, диагностика функция. Талабаларни малакавий амалиёт жараёнида касбий фаолиятга тайёрлаш моделини куришни асосий ғояси мақсадли бирлик, яхлитлик ва мазмунли изчилликни беришга қаратилган интеграциядир. Модели шахсий касбий йўналтирилган ўқув фанлари ва малакавий амалиёт доирасида ишлаб чиқилган бўлажак муҳандисларни касбга тайёрлашнинг амалий (кўникма, малака, фаолият) компонентларини мазмунан бирлаштиради

Малакавий амалиёт жараёнида бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш модели, биз томонидан ишлаб чиқилган тўрт босқичларини ўз ичига олади.

Биринчи босқич малакавий амалиётни бир қисми сифатида талабаларнинг шахсий ҳаракатлари ишлаб чиқилади, билим тўпланади ва бошланғич муҳандислик кўникмалар шаклланади.

Иккинчи босқич малакавий амалиёт жараёнида талабаларни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлашни амалга оширилади. Курс ишларини бажаришни ташкил этиш орқали касбий компетентлик ривожлантирилади.

Учинчи босқич малакавий амалиёт доирасида талабаларнинг шахсий ва жамоавий ҳаракатлари ишлаб чиқилади, касбий компетентлиكنинг турли компонентлари ривожлантирилади.

Тўртинчи босқич малакавий амалиётида битирув малакавий ишни тайёрлаш доирасида индивидуал ижодий фаолият ривожланади. Таълим ва ишлаб чиқариш

касбий компетентлигини ривожлантириш амалга оширилади. Юқори курсда талабаларнинг махсус компетентлигини шакллантириш уларни ўқув ва илмий-тадқиқот ишларига, шунингдек, малакавий амалиёт доирасида интеграциялашган, тизимли фаолият билан шуғулланиши билан таъминланди.

Малакавий амалиётнинг назарий моделини ишлаб чиқиш жараёни даражалар ва босқичлар бўйича амалга оширилди ва кейинчалик унинг босқичли-жараёний таъминоти ишлаб чиқилди. Биз томонидан ишлаб чиқилган малакавий амалиёт модели бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга компетентли ёндашув асосида амалга оширилади, у аънаввий моделдан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1) узлуксизлик. Бир неча босқичларни ўз ичига олган амалиёт моделини ишлаб чиқишда касбий



1-расм. Малакавий амалиёт жараёнида бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга

билим, кўникма, малакаларни курсдан курсга узлуксиз ривожлантириш ва ошириш фояси қўлланилади;

2) таркибий тузилиши. Малакавий амалиётнинг ҳар бир босқичининг умумий мақсади ва вазифалари, асосий қисми; жараёнли қисми;

3) тизимлилик. Малакавий амалиётнинг лойиҳалаш модели тизим хусусиятларига эга, компетенцияларни ривожлантиришнинг узлуксиз жараёни, барча компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги, босқичлари, яхлитлиги;

4) бошқарувчанлик. Модел нафақат мақсадни белгилаш, балки режалаштириш, ташкил этиш, мониторинг қилиш, педагогик шароитларва бошқарув ҳаракатларини ҳам ўз ичига олади. Муайян компетентлик ва компетенцияларни шаклланишига таъсир қилади;

Табийки, педагогик амалиёт тизимини лойиҳалаш жараёни инновацион моделини яратишга қаратилган бўлиб, биринчи навбатда янги ўқув вазифаларини ҳал қилиш ва бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг янги таълим натижаларига эришишга қаратилди.

Шундай қилиб, педагогик лойиҳалаш натижасида олий таълим муассасаларида малакавий амалиёт жараёнига бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш модели ишлаб чиқилди. Унинг функционал ўзига хослиги куйидаги шартлар таъсири остида шаклланди: моделни ишлаб чиқишда иштирок этадиган субъектларнинг хусусиятлари, модел элементлари ўртасидаги функционал муносабатлар, ундан самарали фойдаланиш имкониятлари, кутиладиган натижалар.

Бизнинг тадқиқотимизда моделни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қўлланиладиган «самарадорлик» мезони асосий масалалардан биридир, чунки бундай педагогик моделни ишлаб чиқиш жараёни малакавий амалиёт жараёни шароитида амалга ошириладиган ва унинг самарали ишлаши ва ривожланишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир. Лойиҳалаш натижаси педагогик воқеликнинг объектив модели бўлиб, у тизимли хусусиятларга эга, чунки у бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммосини ҳал қилишнинг янги усулига асосланади.

Бўлажак муҳандисларни малакавий амалиёт жараёнида касбий фаолиятга тайёрлашнинг моделини ишлаб чиқиш биз томонимиздан куйидаги кетма-кетликда амалга оширилди: модели куриладиган педагогик объект ҳақидаги билимларни янгилаш ва амалда у билан ишлаш тажрибаси; ушбу объектнинг хусусиятларини, компонентларини ва бошқаларни тавсифлаш; аслининг асосий хусусиятларини сақлаган ҳолда ўрганилаётган объектдаги янгиликни ёритиб бериш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон республикаси Фармони “ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси “2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон .
2. Movlonov M. “The role of subjects in teaching future engineers to solve problems related to production practice” ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 11, Issue 4, April 2021. ISSN 2249-7137.P.158-161 (Impact Factor: SJIF 2021 = 7.492)
3. Абдуқодиров А.А., Турсунов С.Қ. Таълимда ахборот технологиялари. Дарслик. Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2019 й
4. Байденко В.И. «Болонский процесс: результаты обучения и компетентностный подход. - М.: Исследовательский центр качества подготовки специалистов. 2009. – С. 482-492.
5. Беспалько В.П. Бумажная версия электронного учебника. Школьные технологии. -М.: «Народное образование», 2007. -№ 2. - С.54-55.
6. Пригожин И. Введение в термодинамику необратимых процессов. — Ижевск: НИЦ «Регуляторная и хаотическая динамика», 2001. — с. 160.
7. Николис Г., Пригожин И. Самоорганизация в неравновесных системах. — М:Мир, 1979. — с. 512.

8. S.Hermuxamedova N.A. Gnoseologiya–bilish nazariyasi. — T: Noshir, 2009. — 356 b.

9. Turaev S.J. Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation on physics, Scientific Bulletin of Namangan State University: 2019. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol11/iss10/55>

10. Тураев С.Ж. Формирование научно-практических навыков студентов с привлечением к научному проекту №1/1-Ф и применением технологий программирования. Преподаватель XXI век. -М.: 2018. -С. 88-92. <http://prepodavatel-xxi.ru/sites/default/files/10.pdf>.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак муҳандисларни малакавий амалиёт жараёнида касбий фаолиятга тайёрлашнинг моделини ишлаб чиқиш, амалиёт моделини яратиш босқичлари ва лойиҳалаш жараёнининг самарадорлигини аниқлаш ҳақида баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны разработка модели подготовки будущих инженеров в процессе профессиональной практики, этапы создания модели стажировки и определения эффективности процесса проектирования.

SUMMARY

The article describes how to develop a model for the preparation of future engineers for professional activity in the process of qualification practice, the stages of creating a model of practice and determining the effectiveness of the design process.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПИТЕНЦИЯЛАРИНИ АХБОРОТ ВА КОМПЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Чориев Б. А.

Қарши МИИ академик лицейи ўқитувчиси

Таянч сўзлар: refleksiv, kompetensiya, malumotlar bazasi, motevatsiya, individual, indikativ, regulator, algoritm.

Ключевые слова: рефлексивный, компетентность, база данных, мотивация, индивидуальный, индикативный, регулятор, алгоритм.

Key words: reflexive, competence, database, motivation, individual, indicative, regulator, algorithm.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017-йил 30-ноябрдаги 877-сонли буйриғига асосан “Маълумотлар базаси оператори” касби бўйича ўқув модули дастури ишлаб чиқилган.

Касбий фанни таълим жараёнида академик лицей ўқувчиларига Microsoft Office ва интернет дастурлари ёрдамида амалий масалаларни мустақил бажара олишларини ўргатиш. Фан бўйича олинган билим ва кўникмалар касбий фаолиятида фойдаланиш имкониятини яратиш. Таълим жараёнида ўқувчилар Microsoft Excel, Word, Power Point, MS Access ва бошқа дастурлар ёрдамида нафақат матнлар билан ишлашни ўрганибгина қолмай, балки уларда расми, видео ва диаграммалар маълумотлар билан ишлашни, тахрир қилишни ва улардан самарали фойдаланишни ҳам ўрганадилар. Бундан ташқари, ўрганувчилар интернетдан керакли маълумотларни қандай қилиб топиш, ишончли манбаалардан фойдаланиш ва улар устида амаллар бажариш кўникмаларини ҳам эгаллайдилар.

Интернет технологиялари бўйича академик лицей ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини шакллантириш информатика фанининг асосий курсида ҳам, тўғрақ машғулотларда ҳам амалга оширилади. Турли тайёрлов йўналишларида (физика ва математика, гуманитар фанлар, кимё ва биология, хорижий тиллар) информатика

фанидан аудитория соатлари деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Лекин касбий фанлар, асосан, физика ва математика фанлари чуқурлаштириб ўқитиладиган тайёрлаов йўналишлари учун тегишли. Ушбу йўналиш битирувчиларига “Оператор” касбий квалификация берилади.

Информатика фанидан таълим жараёнида биз акдемик лицей ўқувчиларини касбий тайёргарлигини ривожлантиришга эътибор қаратамиз. Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш дастури (ўқитувчи, дидактик воситалар ва бошқалар томонидан амалга оширилади ва тартибга солинади.) ва ўқувчининг рефлексор ҳолатига асосланади, бу жараёнда ички регулятор вазифасини бажарувчи индикатив асос бўлиб хизмат қилади, натижада фаолият кўникмага айланади.

Информатика фанидан касбий тайёргарликнинг асосини ташкил этувчи асосий таълим шакли сифатида ҳар бир ўқув элементи учун ишлаб чиқилган лаборатория машғулотида фойдаланамиз.

Лаборатория машғулотини жараёнида ўқувчилар мустақил равишда билимларини чуқурлаштирадидилар, интернет технологиялари билан ишлаш бўйича амалий кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ҳар бир лаборатория машғулотини учун услубий кўрсатмалар куйидаги тузилишга эга:

- ўқув элементининг мақсадлари аниқланган мақсадли блок;
- ўрганилаётган мавзу бўйича зарур назарий маълумотларни ўз ичига олган назарий блок;
- амалий ишларни ўз ичига олган амалий блок-яқуний натижага олиб келадиган ҳаракатлар кетма-кетлиги тасвирланган амалий иш учун қўлланмалар; ушбу блок ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил ишларга қаратилган ва аниқ амалий вазифани ҳал қилиш учун индикатив асосни шакллантиришга қаратилган.

Лаборатория машғулотини билан ишлашнинг самарадорлиги уни амалга ошириш натижасида олинган билим ва кўникмаларнинг лойиҳа устида ишлаш жараёнида аниқ вазифаларни ҳал қилишга қандай таътибқ этилиши билан белгиланади.

Бундай ёндашув, дастурий воситалар билан ишлашнинг ўзига хос методларини ўргатиш имконини беради, академик лицей ўқувчиларида ижодий фикрлаш, рефлексив ўз-ўзини англаш кўникмаларини ривожлантиришга кўмаклашади.

Ўқувчиларнинг информатикадан лаборатория машғулотини билан мустақил ишлаш алгоритминини кўриб чиқамиз. Алгоритм орқали биз белгиланган мақсадга эришиш ёки касбий вазифани ҳал этишга қаратилган ҳаракатлар кетма-кетлигини бажариш учун аниқ ва тушунарли кўрсатмани назарда тутамиз.

Ўрганилаётган ўқув элементи бўйича лаборатория машғулотини бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилади ва ўқувчиларга тақдим этилади, услубий қўлланма орқали ўқувчилар назарий блок орқали ишлайдилар ва қўлланмада баён этилган вазифани бажаришга киришадилар. Ўқитувчи фаолият жараёнини назорат қилади. Топширикни бажаргандан сўнг, агар натижа кутилганларга мос келса, ўқувчилар лаборатория ишида тақлиф қилинган саволларга жавоб берадилар. Агар ишлаб чиқилган лаборатория ишланмасини ўқувчи учун қийинчилик туғдирмаса, у лабора-

тория иши давомида олинган фаолиятнинг индикатив асосига таяниб, лойиҳа вази-
фасининг ушбу ўқув элементига мос келадиган қисмини аниқлайди.

Одатда, кўпчилик ўқувчилар ўз фаолиятларини бевосита амалий топшириқ билан
бошлашни афзал кўрадилар ва фақат кийинчиликларга дуч келган ҳоллардагина
назарияга мурожаат қиладилар. Баъзи ўқувчилар пайдо бўлган касбий муаммоларни
ҳал қилишни афзал кўрадилар, улар назарияни таҳлил қилиш билан бевовта эмас,
балки дўстларига ёрдам бериш учун ёки бевосита ўқитувчига мурожаат қилишади.
Ўқитувчининг вазифаси бу жараёни назорат қилишдан иборат, чунки бундай фао-
лият ўз-ўзини тарбиялаш кўникмаларини ёки касбий фаолиятнинг индикатив асо-
сини шакллантиришга ёрдам бермайди.

Ишлаб чиқилган алгоритмни таълим жараёнида қўллаш ўқувчиларни касбий
тайёргарлигини ривожлантириш имконини беради:

Ўқучига:

- * жараёний фикрлаш;
- * мустақил иш кўникмалари;
- * таҳлил ва умумлаштириш кўникмалари;
- * фаолият усулини бошқа вазифага ўтказиш кўникмалари;
- * ижодий фикрлаш;
- * фаолиятни акс эттириш қобилиятлари;
- * ўз-ўзини баҳолаш кўникмалари .

Ўқитувчига:

- * ўқув жараёнини индивидуаллаштириш;
- * билиш фаолиятини бошқариш даражасини ошириш ва ўқувчиларнинг
ижодий фаоллигини ошириш;
- * иктидорли ўқувчиларни аниқлаш ва индивидуал ишлаш.

Ўқув элементини ўзлаштириш мотивацияси унинг лойиҳа фаолиятида амалий
тадбиқ этилиши туфайли шаклланади.

Психологик ва педагогик назариялардан фойдаланиш, хусусан, шахснинг фао-
лияти назарияси, муаммоли таълим назарияси ўқув жараёнини муайян муаммони
ҳал қилиш учун йўналтиришни назарда тутати. Бу эса ўқувчиларнинг лойиҳавий
фаолиятини ташкил этиш бўйича касбий муаммоли вазифалар мажмуини ишлаб
чиқиш имконини бери.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон республикаси Фармони “ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача
ривожлантириш концепцияси “2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон .
2. Абдуқодиров А.А., Турсунов С.Қ. Таълимда ахборот технологиялари. Дарслик. Т.: “Адабиёт
учкулари”, 2019 й
3. Байденко В.И. «Болонский процесс: результаты обучения и компетентностный подход. - М.: Иссле-
довательский центр проблем качества подготовки специалистов. 2009. – С. 482-492.
4. Беспалько В.П. Бумажная версия электронного учебника. Школьные технологии. -М.: «Народное
образование», 2007. -№ 2. - С.54-55.
5. Пригожин И. Введение в термодинамику необратимых процессов. — Ижевск: НИЦ «Регуляторная и
хаотическая динамика», 2001. — с. 160.
6. Николис Г., Пригожин И. Самоорганизация в неравновесных системах. — М:Мир, 1979. — с. 512.
7. SHermuxamedova N.A. Gnoseologiya–bilish nazariyasi. — T: Noshir, 2009. — 356 b.
8. Turaev S.J. Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation

РЕЗЮМЕ

Mazkur maqolada akademik litsey o'quvchilarini kasbiy tayyorgarligini rivojlantirish metodikasi keltirib o'tilgan. O'quvchilarni "Malumotlar bazasi operatori" kasbiga tayyorlash jarayonida MS Excel dasturidan va ta'lim metodlaridan samarali fodalalanish natijasida modellashtirish, loyihalash, konstruksiyalash, vizuallashtirish va boshqarish kabi zaruriy kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirishga erishilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлен краткий обзор учащихся академических лицеев. Эффективное использование программного обеспечения MS Excel и методов обучения при подготовке студентов к профессии «Оператор базы данных» привело к развитию необходимых профессиональных компетенций, таких как моделирование, проектирование, конструирование, визуализация и управление.

SUMMARY

This article provides a brief overview of students of academic lyceums. The effective use of MS Excel software and teaching methods in preparing students for the profession of «Database Operator» has led to the development of the necessary professional competencies, such as modeling, design, construction, visualization and control.

MUHANDISLIK YO'NALISHI TALABALARIGA KARTOGRAFIK CHIZMACHILIK VA KARTOGRAFIYA FANLARINI O'QITISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING USLUBIY JIHATLARI

Aralov M.M.

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti katta o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: kartografiya, kartografik chizmachilik, pedagogik texnologiyalar, ta'lim-tarbiya metodlari, karta, plan, plan tuzish, interfaol metodlar, shartli belgilar.

Ключевые слова: Картография, картографический рисунок, педагогические технологии, методы обучения, карты, планы, планирование, интерактивные методы, условные обозначения.

Key words: cartography, cartographic drawing, pedagogical technologies, teaching methods, maps, plans, planning, interactive methods, symbols.

Kirish. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktabrdagi «O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi PF-5847-son farmoniga asosan oliy ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, zamonaviy bilim va yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlariga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, oliy ta'limni modernizatsiya qilish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish maqsadida tadqiqot ishida ustivor vazifalar sifatida belgilab olindi. Hozirgi kunda oliy ta'limni rivojlantirish bo'yicha ko'plab ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Shu bilan birga pedagogik texnologiyalarni tashkil etishga oid talablardan bittasi ortiqcha ruhiy hamda jismoniy kuch sarflamasdan, kamroq vaqt ichida sifatli natijaga erishish ko'zda tutiladi. Tizimli yondashuv asosida muhandislik yo'nalishi talabalariga kartografik chizmachilik, geodeziya va kartografiya fanini o'qitishni takomillashtirishda kam vaqt sarflab muayyan nazariy bilimlarni talabalarga yetkazib berish asosida ma'lum faoliyat ko'nikma va malakani shakllantirish, faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan nazariy va amaliy bilimlar darajasini baholash ta'lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi.

Hozirgi vaqtga kelib o'qituvchining vazifasi yanada takomillashtirib bormoqda. Shu sababli

tezkor global o'zgarishlar, fan-texnika va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining jadallik bilan rivojlanib borishi o'qituvchidan yuksak mahoratni, mustahkam iroda, chuqur bilim va mulohazali bo'lishni talab qiladi.

Xususan, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining hamda zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotda joriy etish mumkin bo'lgan ma'lum pedagogik tizimning loyihasi hisoblanadi. Zamonaviy pedagogik metodlar: ta'lim texnologiyasi, zamonaviy pedagogik texnologiya, axborot texnologiyasi, yangi tajriba singari ta'lim-tarbiya metodlari tushunchalarini o'z ichiga oladi. Darhaqiqat, pedagogik texnologiyalar didaktik vazifalarni samarali amalga oshirish, ishda maqsadga erishishning yagona yo'li hisoblanadi.

Hozirgi vaqtda ta'lim tizimi rivojlangan davlatlarda talabalarning o'quv va ijodiy faolliklarini oshiruvchi, ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini kafolatlovchi zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llashga doir katta tajriba to'plangan bo'lib, shu tajriba asosini turli xil interfaol metodlar tashkil etmoqda. Mana shu interfaol metodlar o'z mohiyatiga ko'ra, ta'lim oluvchilarda o'quv-bilish faolligini oshirish, shaxsiy fikr mulohazalarini mustaqil bayon qila olish, ularni kichik guruh va jamoada ishlash, o'rganilayotgan mavzu, muammolar bo'yicha shaxsiy qarashlarini dadi, erkin ifodalash, o'z fikrlarini himoya qilish, dalillar bilan asoslash, tengdoshlarini tinglay olish, g'oyalarni yanada boyitish, bildirilgan mavjud mulohazalar orasidan eng maqbul yechimini tanlab olishga rag'batlantirish imkoniyatiga egaligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi. Ta'lim va tarbiya jarayonida pedagoglar tomonidan interfaol metodlarning o'rinli, maqsadli, samarali qo'llanilishi ta'lim oluvchi (talabalar)da muloqotga kirishuvchanlik, jamoaviy faoliyat yuritish, mantiqiy fikrlash, mavjud g'oyalarni sintezlash, tahlil qilish, turli qarashlar orasidagi mantiqiy bog'liqlikni topa olish qobiliyatlarini tarbiyalash uchun keng imkoniyat yaratadi.

Har bir qo'llanilgan texnologiya o'quv jarayonining samarali va o'tilayotgan mashg'ulot bilan mos kelishligi ta'lim metodikasining diqqat markazida bo'lishi lozim. Hozirgi kunda zamonaviy pedagogik texnologiyalarning qo'llanilish turlari bir nechta bo'lib, hammasi ham mashg'ulotlar (ma'ruza, seminar, amaliy, laboratoriya)ga mos kelishi yoki moslashtirilganda qanday natijaga erishish mumkinligi muhim ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa, oliy ta'limning muhandislik sohalari mo'ljalagan aniq fanlar, ya'ni kartografiya, geodeziya hamda kartografik chizmachilik fanlarining ma'ruza, amaliy, laboratoriya mashg'ulotlarida zamonaviy pedagogik texnologiyalarning qo'llanilishi izlanuvchan pedagoglarga qay darajada qulaylik keltirayotganligi, katta auditoriyalarda (talabalar soni 60 nafar va undan ko'p) ham moslashtirilganda talabalar faoliyatini nazorat qilish mumkin ekanligini keltirib o'tmoqchimiz. Pedagog ta'lim jarayonida interfaol ta'lim yordamida o'quvchilarning qobiliyatlarini rivojlantirish, mustaqillik, o'z-o'zini nazorat va boshqarish, samarali suhbat olib borish, tengdoshlari bilan ishlash, ularning fikrlarini tinglash va tushunish, mustaqil hamda tanqidiy fikrlash, muqobil takliflarni ilgari surish, fikr mulohazalarini erkin bayon qilish, o'z nuqtai nazarlarini himoya qilish, muammoning yechimini topishga qaratish intilish, murakkab vaziyatlardan chiqa olish kabi sifatarni shakllantirishga muvaffaq bo'ladi. Eng muhimi, interfaol metodlarni qo'llash orqali pedagog o'quvchilarni aniq ta'limiy maqsadga erishish yo'lida o'zaro hamkorlikka asoslangan harakatlarini tashkil etish, yo'naltirish, boshqarish, nazorat va tahlil qilish orqali xolis baholash imkoniyatini qo'lga kiritiladi.

Ta'limda interfaol metodlarni qo'llashning asosiy maqsadi talabalarni faol ta'lim olish jarayoniga jalb qilish, ularda bilish hamda izlanish malaka va ko'nikmalarni rivojlantirish, fanga bo'lgan qiziqishini oshirishdan iborat.

Interfaol metodlar pedagog bilan talabaning faol munosabati, bir-birini to'liq tushunishga asoslanadi. Bu metodlarni o'quv jarayoniga joriy etishning asosiy maqsadi, mashg'ulotda ustoz bilan shogirdning hamkorlikda ishlashini tashkil etishdir.

Oliy ta'lim tizimida muhandislik sohalari kartografiya, geodeziya hamda kartografik chizmachilik kursining yer yuzasida joylashgan tafsilotlarni kartaga tushirish, kartografik materiallar bilan ishlash, maxsus kartografik dasturlar bo'limiga doir har bir mashg'ulotni tashkillashtirishda axborot texnologiyalari va kompyuter dasturlarini, didaktik materiallarini, shu bilan birga, mavzularga mos zamonaviy pedagogik texnologiyalarini qo'llash ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qilmoqda.

Ulardan "Sillabus", "Keys-stadi", "FSMU", "Assesment", "Insert", "Tushunchalar tahlili", "Venn diagrammasi", "Blits-o'yin", "Brifing", "Portfolio" "Aqliy hujum", "Bilaman. Bilishni xohlayman. Bilib oldim" (BBB) jadvali, "SWOT", "Delfi", "Klaster", "Zinama-zina" va ko'plab interfaol uslublari talimga keng joriy qilingan.

Pedagoglarga, yuqoridagi texnologiyalarning darslarda qo'llanilishi, katta auditoriyalarda talabalarni kichik guruhlariga bo'lib faoliyat ko'rsatishlarini nazorat qilish imkonini bersa, talabalarda esa kichik guruhlarda ishlash jarayonida muloqot madaniyatini rivojlanishi, o'zaro fikr almashinishi va bir-birini tinglash ko'nikmasini shakllantirish imkonini beradi.

Ma'lumki, ma'ruza mashg'uloti katta auditoriyalarda o'tkaziladi va mashg'ulot davomida ko'p holatlarda pedagogning diqqat markazi yangi bilimlarni berishga qaratilgan bo'ladi. Bu holat pedagogning faqatgina so'zlovchi, talabalar esa tinglovchi bo'lib, ma'ruza darslaridagi faoliyatlari susayishiga olib keladi. Shuning uchun ma'ruza mashg'ulotlarini tashkillashtirishda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Ma'ruza darslarini tashkillashtirishda talaba faqatgina tinglovchi emas, balki ishtirokchi bo'lishi mumkinligini dars jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llanilishi misolida ko'rsatib o'tmoqchimiz.

Geodeziya hamda kartografiya fanlarining karta va planlarni tuzish metodi ma'ruzalarini tashkillashtirish va mashg'ulot yakunida "Venn diagrammasi" interfaol metodidan foydalanish maqsadga muvofiq. Talabalar karta va planlarni tuzish, ularni yangilash metodi mavzusiga doir olgan bilimlariga tayanib, topshiriqni bajaradi, ya'ni karta va planlarni bevosita joyda geodezik asboblardan foydalanib, kameral sharoitda qanday qilib karta tuzish metodi, ma'lumotlarni chizma ko'rinishida yoritib berishi kerak bo'ladi (1-rasm).

Mazkur interfaol metodni dars jarayonida qo'llash natijasida talabalar kichik guruhlarda ishlash imkoniyatiga, o'zlashtirgan bilimlarni tahlil qilish, tizimli fikrlash, mushohada qilish, solishtirish, taqqoslash va yangi bilim olishda esa diqqatlarini jamlashga erishadi.

"Kartografik chizmachilik shartli belgilarni xususiyat va vazifalariga ko'ra bo'linishi" ma'ruza mashg'ulotida, yangi darsni boshlashdan oldin "Bilaman. Bilishni xohlayman. Bilib oldim" (BBB) interfaol metodidan foydalanish mumkin. Bunda talabalarga jadval taqdim etiladi va qanday foydalanish kerakligi tushuntiriladi.

Talabalar ma'ruza va amaliy mashg'ulot darslarida mavzuga doir o'tilgan tushunchalarni yodga olgan holda jadvalni to'ldiradi. Pedagog tomonidan mavzu yuzasidan yanada atroficha to'liq tushuncha berilgandan so'ng quyida keltirilgan 1-jadvalning so'ralgan savollariga javob beradi.

Bu metoddan dars mashg'ulotlari jarayonida foydalanish orqali talabalarning yangi mavzuga munosabatini, ular nimalarni bilishini aniqlashtirib olish, mashg'ulot



1-rasm. Karta va planlarni tuzish metodi mavzusiga doir «Venn diagrammasi».

o'tkazilgandan so'ng esa talabalarning yangi mavzuni o'zlashtirish darajalarini bilib olish mumkin bo'ladi.

1-jadval

Kartografik chizmachilikda shartli belgilarni xususiyat va vazifalariga ko'ra bo'linishi mavzusiga doir "Bilaman. Bilishni xohlayman. Bilib oldim" (BBB) interfaol metodi jadvali.

№	Mavzu savoli	Bilaman (+)	Bilishni xohlayman (-)	Bilib oldim (+)
1	Bir joyga tegishli belgilar usuli bilasizmi?			
2	Areallar va belgilar usulini bilasizmi?			
3	Sifatli va miqdorli rang usulini bilasizmi?			
4	Nuqtalar va kartodiagramma usulini bilasizmi?			

Kartografik chizmachilik fanining amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarida mavzularga mos holda yozma va og'zaki "davra suhbat", "Aqliy hujum", "Tezkor savollar", "Muammoli savollar" tuzib, pedagog tomonidan kichik guruhlarga tarqatish bilan talabalarning fanga qiziqishini ortirishda motivatsiya yaratadi.

Kartografik chizmachilik fanining amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari jarayonida darsning turiga qarab, zamonaviy interfaol metodlarni tanlab olish va ulardan samarali foydalanishda quyidagi natijalarga erishiladi:

- talabalarning kartografik chizmachilikda shartli belgilarni xususiyati mavzuni o'zlashtirishga bo'lgan qiziqishlarini uyg'otadi;
- talabalarning shartli belgilardan foydalanishda ijodiy yondoshishiga ta'sir ko'rsatadi;
- o'quv materialining samarali o'zlashtirilishi uchun qulay sharoit yaratadi;
- talabalarda o'zlashtirilayotgan mavzular bo'yicha fikr-munosabatni uyg'otadi;
- talabalarda kartografik chizmachilik fanining hayotiy zarur ko'nikma, malakalarini shakllantiradi;

Xulosa qilib aytganda, ta'lim jarayonida zamonaviy interfaol metodlarni qo'llash natijasida talabalar qaysidir muammoning yechimini topishdan avval uning sabablarini aniqlanishi kerakligini, ya'ni sabab va oqibat bog'liqligini izlash, so'ngra ularni o'rganish va bartaraf etish uchun zarur bo'lgan uslub va usullarni tanlash lozimligini hamda muammoni hal etishda o'z harakatlarini aniq belgilab olishlari kerakligini anglab yetadilar. Yechimini topgan muammolar esa ularning xotiralarida uzoq vaqt saqlanadi. Shu bilan birga, talabalarda mustaqil izlanuvchanlik, fikrlarini qo'rqmasdan mazmunli ifodalash, o'zlariga bo'lgan ishonchni mustahkamlash va ilmiy izlanishlar olib borish ko'nikmasi shakllanadi hamda bo'lajak muhandislarga "Geodeziya, kartografiya hamda kartografik chizmachilik" fanlarini o'qitishdan asosiy maqsad kartografik shartli belgilar bilan ishlash, karta tuzish jarayonida ularni qo'llash, tafsilotlarni kartaga tushurish, kartografik materiallar ustida pedagogik metodlardan unumli foydalangan holda yondashish, kartografik ishlar uchun mo'ljallangan maxsus dasturlardan ishlay olishi kabi kasbiy kompetensiyalarni rivojlantirish, fanning rivojlanish bosqichlarini ajrata olishi, ta'lim fundamentalligi tamoyili asosida mazmun va

mantiq qurilishini amalga oshirish, kartografik materiallar haqida talabalarning fikrlarini o'rganishlarini aks ettirishdir.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktabrdagi «O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi PF-5847-son farmoni.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 27-fevraldagi “Pedagogik ta'lim sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-4623-sonli Qarori.
3. To'rayev X. Pedagogik texnologiyalarni joriy etish – davr talabi. “Ta'lim tizimini rivojlantirishda ta'lim bosqichlari o'rtasidagi integratsiya jarayonlarini chuqurlashtirish”. Respublika ilmiy-amaliy an-jumani materiallari to'plami. Toshkent, 2014, 1 mart, 32–35-betlar.
4. D. Ro'ziyeva M. Usmonova Z. Xoliqova Interfaol metodlar: Mohiyati va qo'llanilishi (metodik qo'llanma). T., 2013, 4-bet.
5. N. Erkaboyeva, M. Usmonboyeva. Pedagogik mahorat. Sxema va rasmlarda. Metodik qo'llanma, T., 2013, 65-bet.
6. Bepalko V.P. Pedagogika i progressivniye texnologii obucheniya. – M.: 1995. – 250 s.
7. Berlyant A.M. Kartovedeniye. – M.: Aspekt Press, 2004. – 720 s.
8. Berlyant A.M. Kartograficheskaya gramotnost i geograficheskoye obrazovaniye: problemi pereorientatsii // Geografiya v shkole. – 1990. – №2. –S. 28-31.
9. Mirzaliyev T., Safarov E. Y., Egamberdiyev A. Koraboyev J. Kartashunoslik: Darslik. - T.: Chulpon nomidagi matbaa ijodiy uyi, 2012, 240 b.
10. Safarov YE., Prenov Sh., Mo'minov A. Topografiya va kartografiya, GAT texnologiyalari. O'quv qo'llanma. -T.: “Sano-standart”. 2018.
11. Aralov M.M., Berdiyev D.F., Abdiazizov A.A. Uchuvchisiz uchish apparatlarini kartografiya sohasida qo'llash tamoyillari. Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences scientific journal 2021, aprel.
12. Aralov M.M., Berdiyev D.F., Abdiraxmatov N.A. Geodezik ishlarda sun'iy yo'ldosh orqali o'lchash usullari. Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences scientific journal 2021, aprel.

РЕЗИОМЕ

Ushbu maqolada oliy ta'lim tizimining muhandislik yo'nalishi talabalariga kartografik chizmachilik va kartografiya fanini o'qitishni takomillashtirishda interfaol metodlardan foydalanishning uslubiy jihatlari, ma'ruza, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarini o'tishda ta'lim jarayoniga maqbulini tanlab olish hamda ulardan samarali foydalanish haqidagi ma'lumotlar keltirilgan. Dars jarayonida interfaol metodlardan unumli foydalanish talabalarda o'zlashtirilayotgan mavzular bo'yicha fikr hamda munosabatni uyg'otish, hayotiy zarur ko'nikma va malakalarni shakllantirishga olib kelishi bayon etilgan.

РЕЗИОМЕ

В данной статье описаны методические аспекты использования интерактивных методов в совершенствовании обучения картографическому черчению и картографии студентов инженерных специальностей в системе высшего образования, выбор наиболее подходящих для учебного процесса на лекционных, практических и лабораторных занятиях. в пользование предоставляется. Констатируется, что эффективное использование интерактивных методов на занятиях приводит к развитию мышления и отношения учащихся к изучаемым темам, формированию жизненно важных навыков и компетенций.

SUMMARY

This article describes the methodological aspects of the use of interactive methods in improving the teaching of cartographic drawing and cartography to students of engineering in the higher education system, the selection of the most suitable for the educational process in lectures, practical and laboratory classes. information on use is provided. It is stated that the effective use of interactive methods in the classroom leads to the development of students' thinking and attitudes on the topics they are learning, the formation of vital skills and competencies.



БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

KORREKSION MASHG'ULOTLARDA ESJITISHIDA MUAMMOLARI BO'LGAN BOLALARNING OG'ZAKI NURQINI FONETIK RITMIKA ORQALI SHAKLLANTIRISHDA "QUVNOQ FONETIK RITMIKA" TEKNOLOGIYASINING SAMARASI

Ishmatova O. S.


*Toshkent viloyati Chirchiq Davlat pedagogika instituti Pedagogika fakulteti
"Maxsus pedagogika" kafedrasi, Defektologiya (surdopedagogika) yo'nalishi 2-kurs
magistr-talabasi*

Tayanch so'zlar: maxsus pedagogika, alohida ehtiyoji bor, inklyuziv ta'lim, koxlear implant, PQ-3152 sonli qaror, korreksion mashg'ulot, esjitishida muammolari bo'lgan, og'zaki nurq, fonetik ritmika, quvnoq fonetik ritmika, 101 ixtisoslashtirilgan markab – internati, 106 ixtisoslashtirilgan markab – internati, zaif eshituvchi o'quvchilar, ta'kidlovchi eksperiment, rivijlantiruvchi eksperiment, Pay, Vlasova, Pfaferrod, diagramma ...

Ключевые слова: специальная педагогика, особые потребности, инклюзивное образование, кохлеарный имплант, решение PQ-3152, коррекционное обучение, проблемы со слухом, устный свет, фонетическая ритмика, веселая фонетическая ритмика, 101 специализированная школа-интернат, 106 специализированная школа-интернат, слабослышащие учащиеся, акцент эксперимент, развивающий эксперимент, Pay, Vlasova, Pfaferrod, схема...

Keywords: special pedagogy, special needs, inclusive education, cochlear implant, decision PQ-3152, correctional training, problems with hearing, oral light, phonetic rhythmic, cheerful phonetic rhythmic, 101 specialized boarding school, 106 specialized boarding schools, hearing-impaired students, emphasis experiment, developmental experiment, Rau, Vlasova, Pfaferrod, diagram...

XV asr Maxsus pedagogika yo'nalishi uchun boshlang'ich davr bo'lib, hozirga qadar dunyo miqyosida jadal rivojlanayotgan soha sifatida keng targ'ib etiladi. Alohida ehtiyoji bor insonlar turmush tarzini yaxshilash, hamda ularni jamiyatimizning to'laqonli a'zosi sifatida tarbiyalash, shu bilan birgalikda ularga sog'lom muhit yaratish borasida boshqa rivojlangan davlatlar qatoriga bizning O'zbekistonimizni ham qo'shish maqsadga muvofiq bo'ladi. Respublikamizda, ayniqsa bu soha vakillarini quvontirgan voqea 2020 chi yilning 23 sentyabrda qabul qilingan yangi "Ta'lim to'g'risidagi qonun" da inklyuziv ta'limga alohida e'tabor qaratilgani, hozirgi statistic ma'lumotlarga qaraganda, mamlakatimiz aholisining qarib 2% ini tashkil etayotgan alohida ehtiyojli qatlamiga ko'rsatilgan g'amxo'rlik va keng ochilgan imkoniyatlar eshigi deb bilamiz. Bu borada soha vakillari va mutasaddilar tomonidan talaygina ishlar amalga oshirilayotgani barchaga ma'lum. Shulardan ZAMIN foindi tomonidan eshitishida muammosi bo'lgan bolalarga KOXLEAR IMPLANT qo'yilayotgani,



(1-diagramma)

Shu o'rinda, 2017- yil 27-iyundagi PQ-3152 sonli qaror bilan o'z faoliyatini boshlagan yosh oliygoh (TVCHDPI) Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti, pedagogika fakulteti, "Maxsus pedagogika" kafedrasida surdopedagogika yo'nalishida qilinayotgan magistrlik ishlardan biri haqida ma'lum qilamiz. Magistrlik ishi mavzusi "Korreksion mashg'ulotlarda eshitishida muammolari bo'lgan bolalarning og'zaki nutqini fonetik ritmika

orqali shakllantirish texnologiyalari (0-1 chi sinflar misolida)". Ish 2020 yilda boshlandi. Tadqiqot ob'ekti sifatida Toshkent shahar eshitishida muammolari bo'lgan bolalar uchun mo'ljallangan 101chi markab – internati, hamda zaif eshituvchilar uchun 106- ixtisoslashtirilgan maktab interbnatlaridan ja'mi 40 nafar 0-1 sinf o'quvchilari tanlab olingan bo'lib, 2 oy davomida o'quvchilar tanlangan yosh kategoriyasiga ko'ra ta'kidlovchi eksperiment uchun kuzatuvda bo'ldilar. Mazkur eksperimentda 0-1sinf zaif eshituvchi o'quvchilar va 0-1sinf kar o'quvchilarning og'zaki nutqi tekshirildi. Asosiy e'tibor nutqiy tovushlarning talaffuzda mavjudligi, talaffuz hususiyatlariga, o'quvchilarning ovoz imkoniyatlariga qaratildi.


Eshitishida muammolari bo'lgan 0-sinf o'quvchilari o'rtasida o'tkazilgan ta'kidlovchi eksperiment natijalari 1- diagrammasi:

Eshitishida muammolari bo'lgan 1-sinf o'quvchilari o'rtasida o'tkazilgan ta'kidlovchi eksperiment natijalari 2-diagrammasi:

Olingan natijalar tahliliga ko'ra, diagrammada aks etganidek, kar o'quvchilarga qaraganda, zaif eshituvchi o'quvchilarda nutqiy tovushlarni talaffuz eta olish, talaffuz hususiyatlari, o'quvchilarning ovoz imkoniyatlari nisbatan yaxshiroq rivojlangani ko'zga yaqqol tashlandi. Shu boisdan mazkur ilmiy ishning rivojlantiruvchi eksperimentini kar o'quvchilarda olib borishni maqsad qildik.

Tanlangan 10 nafar 0- sinf va 10 nafar 1-sinf kar o'quvchilaridan 5 nafari nazorat guruhiga, qolgan 5 nafari tajriba guruhiga olindi. Har ikkisi bilan tadqiqotchi tomonidan takomillashtirilgan "Quvnoq fonetik ritmika" electron metodik to'plamdan foydalangan holatda 10 oydan buyon hozirga qadar rivojlantiruvchi eksperiment olib bormoqda.

Fonetik ritmika deb nomlanuvchi metodika bu- maxsus mashqlar to'plami bo'lib, unda nutq va harakat uyg'unlashtirilgan holatda nutqiy materialni (tovush, bo'g'in , matn) umumiy tana (qo'l , barmoqlar, oyoq, bosh va tana) harakatlari bilan birga talaffuz etishdir.




(2-diagramma)

Ushbu metodika avval pus olimi Pay , keyinroq Власова va Пфафенрод (1989 yilda) tomonidan yaratilgan va amaliyotga tadbiiq etilgan bo'lib, aynan eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalarning og'zaki nutqini rivojlantirishga qaratilgan. Ushbu to'plamda nutq tovushlarining fonetik ritmika mashqlari jamlangan bo'lib, metodika o'zbek tili orfoepik qoidalariga rioya qilinga holda takomillastirib yaratildi. Metodikani eshitishida nuqsoni bo'lgan maktabgacha yoshdagi bolalar hamda boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan olib boriladigan barcha mashg'ulotlarda, ayniqsa tovushni hosil qilishda, ovozni shakllantirishda, ritmika mashg'ulotlarida yakka va frontal mashg'ulotlarda ishlatish tavsiya etiladi . (To'plamda ishtirok etganlar: Bajaruvchi: Baxodirov Akbarjon Bobur o'g'li (7 yoshli bola)



Surdotarjimonlar: TVCHDPI Pedagogika fakulteti “Maxsus pedagogika” kafedراسi dotsenti (phd) G. S. Abdullayeva va “Maxsus pedagogika” kafedراسi 2- boshqich magistr talabasi O. S. Ishmatova.)

Quyidagi 3-diagrammada eshitishida muammolari bo'lgan 0-sinf kar o'quvchilari o'rtasida o'tkazilgan rivojlantiruvchi eksperimentining bugungi kunda olingan natijalari ko'rsatilgan




(3-diagramma)

demakki, kar bolalarning nutqiy imkoniyatlari oshmoqda va ularga og'zaki nutqni o'rgatish inkoniyatlari yanada kengaymoqda. Olingan natijalarga ko'ra karlarning og'zaki nutqini shakllantirishda fonetik ritmika metodikasini qo'llash o'z samarasini bergan degan ilmiy

Quyidagi 4-diagrammada eshitishida muammolari bo'lgan 1-sinf kar o'quvchilari o'rtasida o'tkazilgan rivojlantiruvchi eksperimentining bugungi kunda olingan natijalari ko'rsatilgan.

Diagrammalardan yaqqol ko'rinib turibdi-ki, tadqiqotchi tomonidan tanlagan metodika ish bergan. Tajriba guruhida kuzatuv guruhiga qaraganda barcha hususiyatlar doirasida anchagina o'sish kuzatilmoqda,

o'shmoqda va ularga og'zaki nutqni o'rgatish natijalarga ko'ra karlarning og'zaki nutqini qo'llash o'z samarasini bergan degan ilmiy



(4-diagramma)

Adabiyotlar:

1. Ta'lim to'g'risidagi qonun 4860 23.09.2020 года
2. Власова Т.М., Пфафферродт А.Н.
Фонетическая ритмика: пособие для учителя. — М.: Гуманит. изд. центр «Владос», 1996. — 240 с: илл.
3. Е. Н. Назарова-логопед дет.сад
Логопедическая ритмика: (учебно-методическое пособие для логопедов спец.вып.садов) - Ташкент-2004
4. Степанова Л.А.
Пособие «методическое пособие по ритмике для детей 5, 6, 7 летнего возраста « предназначено в помощь преподавателям ритмики ДМШ и ДШИ - 2008 год
5. Qodirova Feruzaxon Usmanovna
“Imkoniyati cheklangan bolalarni ijtimoiy hayotga tayyorlashning samarali texnologiyalari” Toshkent-2020
6. АБДУЛЛАЕВА ГАВХАР САПАРОВНА «ЭШИТИШ ИДРОКИ ВА ТАЛАФҲУЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА 1-2-СИНФЛАРНИНГ ҚАРЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН КОРРЕКЦИОН-РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ» 13.00.03 – Махсус педагогика ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Чирчиқ – 2020
7. У. Файзиёва, Д.Назарова, Ф.Қодирова Surdopedagogika “Сано-стандарт”
Тошкент – 2012
8. О.С.Ишматова «Роль фонетической ритмики в развитии устной речи детей с нарушениями слуха»
Наука и Просвещение -2021 год
9. О. С. Ишматова «Цели и задачи исследования развития устной речи детей с нарушениями слуха средствами фонетической ритмики» Наука и Просвещение -2021 год
Internet-resurs
<https://m-eng.ru/uz/buildings/logoritmika-kak-effektivniy-metod-preodoleniya-rechevuh-narushenii.html>

РЕЗЮМЕ

Mazkur maqolada Toshkent viloyati Chirchiq Davlat pedagogika instituti Pedagogika fakulteti “Maxsus pedagogika” kafedrası, Defektologiya (surdopedagogika) yo‘nalishi 2-kurs magistr-talabasi O. S. Ishmatova va uning ilmiy rahbari “Maxsus pedagogika” kafedrası dotsenti (phd) G. S. Abdullayeva rahnamoligida bajarayotgan magistrlik ishi doirasida ehsitishida muammolari bo‘lgan 0-1 sinf o‘zbek o‘quvchilari bilan olib borilgan ta’kidlovchi va rivojlantiruvchi eksperiment natijalari va dissertatsiya uchun tanlangan metodikaning xususiyatlari borasida so‘z yuritiladi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье речь пойдёт о выбранной методике для магистерской диссертации, а так же о результатах проведенных экспериментах на детях с нарушениями слуха 0-1 ого классах с узбекским языком обучения, магистранта 2 ого курса кафедры специальной педагогики О.С. Ишматовой и ее научного руководителя (PhD), Г.С. Абдуллаевой, которая является доцентом кафедры «Специальная педагогика» педагогического факультета Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области.

SUMMARY

In this article, the Department of «Special Pedagogy» of the Faculty of Pedagogy of the Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region, Uzbek reader with hearing problems of 0-1 grade in the framework of the master’s work under the guidance of 2nd year master student of Defectology (deaf pedagogy) OS Ishmatova and her supervisor, Associate Professor of «Special Pedagogy» GS Abdullayeva the results of the emphatic and developmental experiment conducted with and the features of the methodology selected for the dissertation.

BASLAWISH BILIMLENDIRIWDI ZAMANAGÓY PEDAGOGIKALIQ TEKNOLOGIYALARDI PAYDALANIWDIŇ ÁHMİYETI

Zarimbetova G.

Baslawish tálím kafedrasınıń oqıtıwshısı

Xalmuratova R.

Nókis rayonı, 27-sanlı mekteptiń baslawish klass muğllımı

Таянч сўзлар: бошланғич таълим, педагогик технологиялар, фойдаланиш, педагогик технология, тажриба синов ишлари.

Ключевые слова: начальное образование, педагогические технологии, использование, педагогическая технология, экспериментальная работа.

Key words: primary education, pedagogical technologies, use, pedagogical technology, experimental work.

Oqıtıw protsessinde pánlerdi oqıtıwda zamanagóy pedagogikalıq texnologiyadan paydalanıw dáwir talabına aylanbaqta. Zamanagóy bilimlendiriwdi shólkemlestiriwdegi áhmiyetli talaplardıń biri artıqsha ruwxıy hám fizikalıq kúsh sarp etpesten, qısqa waqt ishinde jetik tájiriyeberge erisiw bolıp tabıladı. Usı qısqa waqt ishinde oqıtıw protsessinde pánlerdi oqıtıwda pedagog tárepinen oqıtıw protsessinde teoriyalıq bilimlerde oqıwshılardıǵa jetkerip beriwde qolaylı usılların paydalanıw ushın tálim beriwshiden úlken pedagogikalıq sheberlikti, dóretiwshilikti, bilimlilikni talap etedi.

Hár qanday dáwir insanın aldına óz talapların qoyadı al insan bolsa olardıǵa juwap beriw tiyis. Biraq talaplar da, óz gezeginde tarawlarǵa bólinip bara beredi. Bul ómirdeń turarlı nızamlarınan biri esaplanadı.

«Hár bir adam óz mámleketiniń puxarası ekenligin seziniwi, onıń ózine berip qoyılǵan huqıq hám erkinliklerine sanalı múnásibette bolıwı hám qádirlewi, mashaqatlı miynet penen qolǵa kirgizilgen demokratiyalıq qádiriyatlardı abaylap-asırawı hám qorǵawı oǵada áhmiyetli».

Dúnyaǵa belgili rawajlanǵan mámleketlerde, sonıń menen birge bizin Respublikamızda da joqarı pedagogikalıq sheberlikke iye, bilimli, tájiriyeberli oqıtıwshılar tárepinen oqıtıw protsessinde pánlerdi oqıtıwda zamanagóy pedagogikalıq texnologiyadı tiykarlangan jańasha metodlar oylap tabılıp, tájiriyeberli sinawların ótkerip atr. Usı tájiriyeberli tiykarın shólkemlestiriwshi metodlardan biri-bul dástúriy emes sabaqlardı oqıtıwdıń interaktiv metod bolıp esaplanadı.

Bilim beriw salasında interaktiv usıllardıǵa, jańa pedagogikalıq hám xabar texnologiyaların oqıw protsessinde qollanıwǵa itibar kúsheyip barmaqta. Kúndelikli sabaq barısında oqıwshıdıq qatı búringidey tek tayar bilimlerde iyelewge qaratılıp ǵana qoymastan, zamanagóy texnologiyaların iske túsiwi menen olar iyelep atrǵan bilimlerin ózleri izlep tabıw múmkinshiligine, nátiyjelerin ózleri tekserip kóriw imkaniyatına iye boldı. Oqıtıw protsessinde oqıtıwshı bul protsesste oqıwshılardıń oy-órisiniń rawajlanıwına, bilim alıwı hám tárbiyalanıwına jaǵdaylar jaratadı, usı arqalı óziniń de basqarıwshılıq hám baǵdarlawshılıq uqıbı jaqsılanadı.

Bilimlendiriw nátiyjesi oqıtıw usıllarınan ǵárezli ekenligi hámmemizge málim bolsa kerek. Awızeki, monolog, gúrrin, túsindiriw oqıw usıllarınan paydalanılsa oqıwshılar maǵlıwmattın ózin eslep qalıwı anıqlanǵan. Kitap oqıw maǵlıwmattın 10% in este saqlap qalıwǵa, al kórgizbeli qural, súwret, videofilmlerdi kóriw maǵlımatlardı 20% in ólestiriwde támiyinleydi. Proektlew usılı hám isbilermenlik oyını eń nátiyjeli bolıp, bunda oqıwshılar maǵlıwmattın 57% in este saqlap qaladı. Oqıw-ámeliy shıǵıwların oqıwshılar tárepinen birgelikte alıp barılıwı maǵlıwmattı 90% ólestiriwge múmkinshilik beredi. Solay eken, oqıtıw protsessinde pánlerdi oqıtıwda interaktiv metodlardan nátiyjeli qollanıw oqıwshılardıń bilimlerde tereń ólestiriwine alıp keledi.

Ózbekistan Respublikasınıń birinshi prezidenti İ.A.Karimov atap ótkenindey: Sabaq arqalı «biz ózimizdiń zeyinli, pıdayı balalarımızǵa, perzentlerimizge bilim hám kásip sırların iyelew ushın qanaat beriwimiz kerek».

«İnteraktiv» sózi inglis tilinen ahlǵan bolıp, «inter» «birgelikte», «act» «háreket etiw» degen mánislerdi bildiredi. Bul túsiniq pedagogikalıq xızmette interaktivlik óz-ara birgelikte háreket etiw, birge islesiw, pikir alısw, birgelikte ólestiriw mánilerinde qollanıladı. İnteraktiv oqıtıw birinshi gezekte oqıwshılardıń óz-ara birge islesiwı, bir-birine úyretiwı arqalı bilimlerde ólestiriwine tiykarlangan pedagogikalıq iskerlikni ańlatadı. İnteraktiv oqıtıw usılları oqıwshılardıń bilim alıw múmkinshiligini, olardıń belsendeligin rawajlandıradı.

Oqıtıw protsessinde pánlerdi oqıtıwda interaktiv metodni qollanıw barısında materialdı túsindiriwde oqıwshılardıǵa maǵlıwmattı tayar halında berilmesten, kerisinshe oqıwshılar sol maǵlıwmat haqqında ózleri izlenedi. Oqıwshılardıń ózleri qoyılǵan mashqalalı jaǵdaydı yaqi

oqıtıwshı tárepinen berilgen tapsırmanı óz betinshe, jámáát penen birgelesip qoyılıwınan máseleńniń juwabın oylap tabıwǵa, izleniwge, uyreniwge háreket etedi.

Oqıtıw protsessinde pánlerdi oqıtıwda dástúriy emes sabaqlardı oqıtıwdıń interaktiv metodınan paydalanıwıń áhmiyeti sonnan ibarat, oqıwshılardıń bilim dárejesi artadı, barlıq oqıwshılar bilıw protsessiniń aktiv qatnasıwshısına aylanadı, quramalı mashqalalı jaǵdaydı sheshiw, tereń oylanıw, sana astı menen pikirlewge, óz pikirin erkin jetkere biliwge, hár qyılı treningler, maǵlıwmatlar menen ótilgen sabaqqa ayrıqsha qızıǵıwshılıq penen qarawǵa, shólkemlestiriw, bási, tapqırılıq hám taǵı basqa ulıwma alǵanda bir tekli sabaq formasına qaraganda mashqalalı oqıtıwdıń kútilgen nátiye beretuǵın sheshimleriniń biri bolıp tabıladı.

Interaktiv oqıtıw texnologiyasında jeke bir oqıwshınıń shıǵıp sóylewi, bir pikirdiń ústinligin, monopoliyasın shekleydi. Bilim alıw barısında hár kim óz pikirin sın kóz benen aytıwǵa hám tiyisli maǵlıwmatlardı analiz etiw tiykarında quramalı máselelerdi sheshiwge, qáte pikirlerdi saplastırwǵa, tereń oylap kórilgen sheshimlerde qabıl etiwge, diskussiyalarda qatnasıwǵa hám basqa adamlar menen mádeniyatlı qarım-qatnas jasawǵa úyrenedi. Bul maqsetlerge erisiliw ushın sabaqlarda jeke, jup hám topar jumsları shólkemlestiriledi. İzertlew proektleri, hújjet hám hár qyılı maǵlıwmat derekleri menen jum alıp barıw, dóretiwshilik jumsları ámelge asırıldı.

Oqıtıw protsessinde pánlerdi oqıtıwda interaktiv metodlardı paydalanıw barısında oqıwshılardı óz betinshe bilim alıw sheberligine úyretiw, bilimdi ózleri izlep tabıwǵa ádetlendiriw, óz betinshe erkin pikirlewge, sheshim qabıl etiwge hám onı ámelge asırwǵa kóniktiriw, ámeliy hám dóretiwshilik jumslardı sanalı jáne jedelli túrde orınlawǵa shınıqtırıw, jámáát bolıp birge islesiwge úyretiw baslı mashqala esaplanadı. Bul wazıypalardı ámelge tabıslı asırwda hár túrli dástúriy hám dástúriy emes sabaq túrleri, oqıtıw quralları hám metodları qollanıldı. Solardan biri interaktiv metodlar bolıp esaplanadı.

Zamanagóy pedagogikalıq texnologiyaǵa tiykarlangan dástúriy emes sabaqlardı oqıtıwdıń interaktiv metod túrleri oǵada kóp.

Solay eken pedagogikalıq texnologiya ámeliyatta orınlanatuǵın belgili bir pedagogikalıq sistema joybarı ekenligi kópshilikte úlken qızıǵıwshılıq oyatadı. Sabaq protsessinde temanı analiz qılıw, dene hám hádiyselerdi salıstırıp úyreniw oǵada ayrıqsha diqqattı talap etedi. Oqıtıwshı analiz járdeminde waqıya hádiyselerdi bóleklerge ajratıp, táreplerin pikirler arqalı birlestiriw, bir pütün halǵa keltiriw sóylew arqalı dáliyilleydi. Analiz hám salıstırw úzliksiz baylanıslı. Sintezli analiz protsessi tema yaki waqıya-hádiyselerdi bóleklerge bólip, yaǵnıy pikirlerdi birlestiriw bolıp tabıladı. Interaktiv sabaqlarda máseleńniń mine usı tárepi jáne de rawshanlasadı hám sintez usılı eń qolaylı sabaq protsessin táqmiyinleydi.

Oqıtıw protsessinde pánlerdi oqıtıwda interaktiv metodlardan paydalanıw barısında oqıwshılardıń jas ózgesheliklerine, psixologiyalıq qásiyetine, bilim dárejesine itibar beriw orınlı boladı. «Aqılıy hújim», «Kishi toparlarda islew», «Sinkveyn» «B,B,B usılı» (Biletuǵın edim, biliwdi qáleymen, bilip aldım) «Test» usıllarınan paydalanıw utımlı boladı.

Oqıtıw protsessinde pánlerdi oqıtıwda házirgi kúnde tómendegi metodlar unamli tásir kórsetpekte: Olardan «Aqılıy hújim», «Klasster», «Pikirler tartısı», «Sinkveyn», « Venn diagramması », «Pikirler hújimi», «Súwretlerge múnásibet», «Yad shınjırı» h.t.b metodlar.

Bir qatar rawajlangan mámeletlerde toplaǵan tájiriyeler, interaktiv metodlar jeke tiykarda shólkemletirilıw protsessinde pedagogikalıq texnologiya úlken nátiye beredi. Respublikamız tálim sistemasında interaktiv metodlar, sabaqqa jańa pedagogikalıq texnologiya tiykarında jantasıw, tálim-tárbiya protsessinde toeriyalıq hám ámeliy bilimlerin beriwdiń jańasha usılları usısım etilgen. Usı tálim-tárbiya protsessine «interaktiv metodlar» atı menen kirip kelip atrǵan bir qansha metodlar haqqında aytıp ótpekshimen.

«Aqılıy hújim» metodi qanday da bir tema boyınsha berilgen mashqalalardı sheshiwde keń qollanılatuǵın metod bolıp, qatnasıwshılardı mashqala boyınsha keń hám hár tárepleme pikir júritiw hám de óz oy-pikirleri, ideyalarınan unamli paydalanıw barısında belgili bir

kónlikpe hám de bilimlerin payda etiw. Bul metodnú maqseti oqıshılardıń belsendiligini asırıw, olardı erkin pikir júritiwge baǵdarlaw, hámmeni bir túrde pikirlewden azat etiw, hár qıylı pikirlerdi toplaw hám máselege dóretiwshilik penen jantasıwdı támiyinlewden ibarat. «Aqılıw hújim» metodı A.E.Osborn tárepinen usınıs etilgen. Onnan paydalanǵanda oqıwshılar aldına olardan aqılıw jaqtan sheshiw ushın máseleler, qandayda bir mashqala boyınsha jumbaqlardı sheshiwge imkaniyat tuwıladı. Oqıtıw barısında bul metodtan nátiyjeli paydalanıw tömendegi basqıshlarda ámel asırıldı:

1. Qatnasıwshılardı ózlerin erkin tutıwlarına imkaniyat jaratıw.

2. İdeyalardı jazıp beriw ushın jazıw taxtası yaqı betlerdi tayarlap qoyıw.

1. Sheshiliwi lazım bolǵan mashqala anıqlanadı.

2. Jarıs barısında ámel qılıw lazım bolǵan sharayatları belgilew, topardı ruwxiy dárejesin úyreniw hám jaǵdayǵa qatnas:

A) Oqıwshılar tárepinen bildirilgen hár qanday ideya bahalanbaydı.

B) Oqıwshılar erkin pikir júritiwleri, shaxsiy pikir bildiriwi ushın qolay ruwxiy-psixologiyalıq ortalıq jaratıladı hám pikirlewge tolıq erk beriledi.

V) İdeyalardıń hár túrli kóp muǵdarda bolıwına áhmiyet qaratuıldı.

G) Basqalar tárepinen bildirilip atırǵan pikirlerin yadta saqlaw, olardıń pikirlerine tayanǵan halda qatnasına jańa pikirler bildiriw, usı pikirler tiykarında qandayda bir juwmaqqa keliw siyaqlı jaǵdayda oqıwshılar tárepinen ornılawǵa erisiw.

3. Qoyılǵan mashqala boyınsha pikirler sorıladı hám jazıp barıladı.

4. Belgili bir qaǵaz betleri ideyalar menen tolgannan keyin, olardı taxtaǵa qıstırıw.

5. Bildirilgen pikirlerin anıq qatnas hám jańa ideyalar menen bayıtıw tiykarında qollaw.

6. Basqalar tárepinen bildirilgen hár bir pikir ústinen qadaǵalaw ornatiw, yaqı házil etiwge, olarǵa baylanıslı qorǵawshı táriypler hám shártler bildiriwge jol qoyılmaslıq.

9. Oqıwshılar tárepinen jańa ideyalardı bildiriw dawam eter eken, mashqalanı jeke sheshimin tapıp daǵazalawǵa imkaniyat jaratıw. Oqıwshılardı xoshametlew.

Solay etip, Respublikamız aymaǵında barlıq bilimlendiriw mekemelerinde, sonıń ishinde baslawısh klasslarda pedagogikalıq innovatsiyalar máselesi bilimlendiriw sistemasındaǵı eń aktual máselelerden bolıp turıptı. O`ytkeni hár qanday innovatsiyanıń maqseti balanıń sanası jetilistiriw, onda jetik sana, ozıq oy, tereń pikir hám jetik qábiliyeti qalıplestiriw esaplanadı. Sonlıqtan hár qanday tárbiyanı bala ana qursaǵında waqtınan baslap beriliwi kerek bolǵanınday, tálim-tárbiyada innovatsiyalardı waqtında hám óz ornında tiyislisinshe qollana biliw biz – bolajaq pedagoglardıń tiykarǵı jumıs stilimiz bolıwı tiyis.

Ádebiyatlar:

1. Karimov İ.A. Ozbekiston XXI asr busaǵasında: xavfsizlikka tahdidlar, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari, T., 1997, 225-226-betler

2. Madmurotov T., Kamaliddinova M. İnnovatsion pedagogik texnologiya asoslari va uni tálim-tarbiya jarayonida qıllash. T.: Tálim, 2012 y., 8-b.

3. Xujaev F. Tálimda pedmahoratning uziga xos xususiyatlari. T.: «Yangi asr avlodi», 2011y., 58-b.

4. Boshlangıch tálim kontseptsiyasi. (Q. Abdullaeva, R. Safarova va boshqalar) // Boshlangıch tálim. T.: 1998 y. № 6, 16-b.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бошланғич таълимда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти тўғрисида сўз боради. Шунингдек бошланғич синф ўқувчиларида билим, кўникма ва малакасини шакллантиришнинг йўллари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается важность использования педагогических технологий в начальном образовании. Он также исследует способы формирования знаний, навыков и компетенций у учащихся начальных классов.

SUMMARY

This article discusses the importance of using pedagogical technologies in primary education. He also explores the ways in which knowledge, skills and competencies are formed in primary school students.



ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲАМ СПОРТ

“ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ” ТУШУНЧАСИ ИНСОНИЯТ ВА ЖАМИЯТ УМУМИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ СИФАТИДА

Тоштонов Б. Б.

Анджон давлат университетининг Педагогика институти магистранти

Таянч сўзлар: маданият, жисмоний маданият, афзалликлари, жисмоний фаоллик, жисмоний машқлар, концепция, кетма-кетлик.

Ключевые слова: культура, физическая культура, преимущества, двигательная активность, упражнение, концепция, последовательность.

Key words: culture, physical culture, advantages, motor activity, exercise, concept, sequence.

Янги назарияларни куришнинг мантикий ва услубий муаммолари, жисмоний маданиятнинг тобора кўпроқ янги шаклларини (таркибий қисмларини) таҳлил қилиш кераклигини тақозо қилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, инсон ва жамиятнинг умумий маданиятини бир қисми бўлган соғлом турмуш тарзини ривожлантириш масаласи ҳозирги кунда долзарблик касб этмоқда. жисмоний маданият тушунчаси жисмоний тарбия билан умумлашмаси эканлигини бир қатор тадқиқот таҳлилларидан кўришимиз мумкин. Ушбу тушунча жуда кўп тадқиқот ишлари ва тезис, мақолаларда келтирилганлиги маълум. Бизнинг тадқиқот ишимиз фақат жисмоний маданият концепциясини кетма-кетлигига эътибор қаратиш муҳимлиги хусусида боради. “Жисмоний маданият” тушунчасига таъриф беришда ХХ аср ўрталаридан бошлаб кўпчилик тадқиқотчилар бу умумий маданиятнинг бир қисми (тури) эканлигини доимо таъкидлаб келадилар, яъни улар аслида унинг “концепция” тушунчаси билан умумий муносабатидан келиб чиқадилар. Биз ушбу мураккаб “маданият” тушунчасининг хилма-хил таърифларига тўхталмаймиз. Тадқиқотимиз 20-асрда ўзбек маданиятшунослигида у кўпинча ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида жамият томонидан яратилган моддий ва маънавий кадрлар (ютуқлар, натижалар) мажмуи сифатида кўриб чиқилди.

Жисмоний маданият тушунчаси инсоннинг ажралмас фаровонлиги билан боғлиқ бўлиб, “тана-ақлий биномияси” деб номланадиган мувозанатга эришишга

ҳаракат қилади. Ушбу фаровонлик ва мувозанатга спорт билан шуғулланиш, озик-овқат маҳсулотларини мутаносиб ва соғлом истеъмол қилиш, тана ва онгнинг пасив ва фаол дам олишлари орқали эришиш мумкин. Жисмоний маданиятнинг мақсадларидан бири бу одамни ҳаракатсиз турмуш тарзи одатларидан ажратиш, бу бугунги иш хусусиятлари туфайли одамлар орасида жуда кенг тарқалган салбий жиҳатлардандир.

Бундан ташқари, жисмоний маданият одамларнинг ҳаёт сифатини доимий равишда таъсирчан ва эмоционал шароитларни яхшилаш устида ишлашни ўз ичига олган рух тушунчасини изоҳлашда асосий ўринда туради. Инсоният ҳар доим жисмоний фаол бўлганлигини кўрсатадиган тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, жисмоний маданият ғоясини амалиётга биринчи бўлиб юнонлар киритган бўлиб, жисмоний тарбия интеллектуал ва ахлоқий тарбия билан бирга олиб борилиши кераклиги таъкидланган. Бу 20-асрлардагина, асосан, Европада ва Шимолий Америкада, ишчиларнинг жисмоний ва психологик муаммоларини келтириб чиқарадиган, турли хилдаги камҳаракатлиликнинг ортиб бориши, ишчиларнинг меҳнат фаолиятидаги ўзгаришлар ташвиши туфайли яна муҳим аҳамият касб этди.

Шунга асосланиб, спорт ва жисмоний тарбия бўйича янги тушунчаларни қўшиб, кўпроқ ижтимоий-маданий нуқтаи назарга эга ва асосан спорт мусобақаларига қараганда инсон соғлиғига йўналтирилган янги концепция кучга кира бошлади.

Ҳозирги кунда соғлом турмуш тарзи давлат дастурлари, мактаблар ва ҳаттоки иш жойларининг асосий қисми ҳисобланади дейиш мумкин. Фақатгина жисмоний фаоллик тушунчасига мувозанатли ва соғлом овқатланишни қабул қилишдан танада ва онгда фаровонлик яратишга интиладиган озуқавий таркибий қисм қўшилди.

Жисмоний маданиятнинг афзалликларини куйидаги даражаларда кўриш мумкин:

1. Органик даража:

Кўшимчаларнинг ҳаракатчанлиги ва эластиклигида ўсиш ва яхшиланиш мавжуд.

Реакция ва мувофиқлаштириш учун катта имкониятлар яратилади.

Метаболизмни тезлаштириш, тана ёғини камайтириш орқали семиришни олдини олади.

Чарчокқа нисбатан кўпроқ қаршилик пайдо бўлади.

2. Юрак-қон томир даражаси:

Қон босимининг пасайиши кузатилади ва пулс мунтазамроқ бўлади.

Органик қаршиликни оширади, баданга жисмоний фаолиятни узокроқ ва юқори интенсивликда бажаришга имкон беради.

Қон айланишини яхшилайтиди.

Қон босими, йўғон ичак саратони ва диабет каби касалликларнинг олдини олиш мумкин.

Юрак фаолиятининг самарадорлиги оширилади, бу юрак ритмининг бузилиши хавфини камайтиради.

Қон босими туширилади.

Қон плазма хавфи камайтиди.

3. Ўпка даражаси:

Нафас олиш мушакларининг фаолияти яхшиланади, бу организмни яхши кислоталар билан таъминлашга имкон беради.

Ўпка ҳажмининг ошиши.

4. Метаболик даража:

У соғлом тана вазнини камайтириш ва сақлашда ҳамкорлик қилади.

Локализация қилинган ёғни энергия манбаи сифатида ишлатиш учун кўпроқ қувват ишлаб чиқаради.

Бу триглицеридлар, ЛДЛ ва холестерин концентрациясини ҳамда сут кислотаси ҳосил бўлишини камайтиради.

5. Нейроэндокрин даражаси:

Кўпроқ эндорфинлар ишлаб чиқарилади, улар иссиқ муҳитга нисбатан кўпроқ бардошлик ҳосил қилади.

Адреналин ишлаб чиқариш камаяди

Тер ҳосил бўлишини ва токсинларни йўқ қилишни кўпайтиради.

6. Гастроинтестинал даража:

Ичак фаолиятини яхшилайди.

Йўғон ичак саратони хавфини камайтиради.

7. Мушак-скелет тизими:

Кўшимчалар, тендонлар ва лигаментларнинг тузилиши яхшиланади.

